

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ АКАДЕМИЯСИНИНГ АХБОРОТНОМАСИ

2010 йилдан нашр этила бошлаган

Йилда тўрт марта чиқади

2020 йил, 1(44)-сон

Бош муҳаррир

Матлюбов Баходир Аҳмедович, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси бошлиғи.

Масъул муҳаррир

Мухамедов Ўткирбек Хазратқулович, ИИВ Академияси бошлиғининг ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор.

Масъул котиб

Раззоқов Сардор Абдижабборович, ИИВ Академияси таҳририят-ноширлик бўлими бошлиғи.

Таҳрир хайъат аъзолари

Зиёдуллаев Музаффар Зиёдуллаевич, ИИВ Академияси бошлиғининг биринчи ўринбосари, юридик фанлар доктори;

Абдурашулова Қумриниса Раимқуловна, кримнология кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор;

Кабулов Рустам, жиноят ва жиноят-ижроия ҳуқуқи кафедраси профессори, юридик фанлар доктори, профессор;

Мамадалиев Шавкатбек Олмасбаевич, олий ўқув юртидан кейинги таълим факультети бошлиғи, фалсафа фанлари доктори, профессор;

Азизов Нигмон Пардаевич, давлат-ҳуқуқий фанлар кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори, доцент;

Сантбаев Тимур Ренатович, тезкор-қидирув фаолияти кафедраси профессори, юридик фанлар доктори;

Турсунов Ахтам Саломович, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор;

Пулатов Бахтиёр Халилович, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси академиясининг профессори, юридик фанлар доктори;

Джоробекова Арзигул Мамаюновна, Қирғизистон Республикаси ИИВ Академияси бошлиғининг ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор.

Ушбу сон муҳаррирлари

С. А. Раззоқов, И. В. Солохина, В. Г. Кан,
И. И. Хувайтов, А. М. Курганов

Дизайнер ва саҳифаловчи М. Р. Ўринов

Таъсисчи

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Ахборотнома Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йил 18 июнда қайд этилган. Оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома № 0568.

Ахборотнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган (ОАК Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сон қарори).

Таҳририят манзили:

100197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68.

Тел.: 265-23-56, 265-23-59.

<http://akadmvd.uz/category/vestnik-akademii>

e-mail: axbakad@inbox.uz

Оригинал-макет Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг таҳририят-ноширлик бўлимида тайёрланди.

Мақолалар ҳар қандай усулда тўлиқ ёки қисман кўчириб босилганида «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Таҳририят хатлар муаллифлари билан ёзишмайди. Қўлёзмаларга тақриз берилмайди ва улар қайтарилмайди.

Бичими 60x84 1/8. Нашр табағи 22,0. Офсет усулида босилди. Адади 300 нусха. «Better Print» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Уста Ширин 1-тор кўчаси, 254-уй.

Баҳоси келишилган нархда.

Босишга рухсат этилди 26.03.2020.

Буюртма №

ISSN 2181-4872

© Ўзбекистон Республикаси
ИИВ Академияси, 2020.

ВЕСТНИК АКАДЕМИИ МВД РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Издается с 2010 года

Выходит четыре раза в год

2020 год, №1(44)

Главный редактор

Матлюбов Баходир Ахмедович, начальник Академии МВД Республики Узбекистан

Ответственный редактор

Мухамедов Уткирбек Хазраткулович, заместитель начальника Академии МВД Республики Узбекистан, доктор юридических наук, профессор

Ответственный секретарь

Раззаков Сардор Абдижабборович, начальник редакционно-издательского отдела Академии МВД

Редакционная коллегия

Зиёдуллаев Музаффар Зиёдуллаевич, первый заместитель начальника Академии МВД Республики Узбекистан, доктор юридических наук, доцент;

Абдурасулова Кумриниса Раимкуловна, начальник кафедры криминологии, доктор юридических наук, профессор;

Кабулов Рустам, профессор кафедры уголовного и уголовно-исполнительного права, доктор юридических наук, профессор;

Мамадалиев Шавкатбек Олмасбаевич, начальник факультета послевузовского образования, доктор юридических наук, профессор;

Азизов Нигмон Пардаевич, начальник кафедры государственно-правовых дисциплин, доктор юридических наук, доцент;

Сайтбаев Тимур Ренатович, профессор кафедры оперативно-розыскной деятельности, доктор юридических наук;

Турсунов Ахтам Саломович, начальник кафедры профилактики правонарушений, доктор юридических наук, профессор;

Пулатов Бахтиёр Халилович, профессор Академии Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, доктор юридических наук;

Джоробекова Арзигул Мамаюнусовна, заместитель начальника Академии МВД Кыргызской Республики, доктор юридических наук, профессор.

Редакторы номера

С. А. Раззаков, И. В. Солохина, В. Г. Кан,
И. И. Хувайтов, А. М. Курганов.

Дизайн и верстка М. Р. Уринов

Учредитель

Академия МВД Республики Узбекистан

Вестник зарегистрирован Узбекским агентством по печати и информации 18 июня 2009 г. Свидетельство о регистрации средства массовой информации № 0568.

Вестник включен в перечень научных изданий, рекомендованных Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан для публикации основных научных результатов диссертаций (Решение Президиума ВАК №201/3 от 30 декабря 2013 г.).

Адрес редакции

100197, г. Ташкент, ул. Интизор, 68.
Тел.: 265-23-56, 265-23-59.
<http://akadmvd.uz/category/vestnik-akademii>
e-mail: axbakad@inbox.uz

Оригинал-макет подготовлен в редакционно-издательском отделе Академии МВД Республики Узбекистан.

При перепечатке или воспроизведении любым способом полностью или частично ссылка на вестник «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси» обязательна.

Редакция не вступает в переписку с авторами писем, рукописи не рецензируются и не возвращаются.

Формат 60x84 1/8. Уч.-изд.л. 22,0. Печать офсетная. Тираж 300 экз. Отпечатано в ООО «Better Print», г. Ташкент, ул. Уста Ширин, проезд 1, д. 254.

Цена договорная.

Подписано в печать 26.03.2020.

Заказ № ISSN 2181-4872

© Академия МВД Республики Узбекистан, 2020.

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ

ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

ДЕМОКРАТИЧЕСКОЕ ГОСУДАРСТВО И ГРАЖДАНСКОЕ ОБЩЕСТВО

<i>Турсунов А. С.</i> Ўзбекистон Республикаси сайлов тизимининг хусусиятлари.....	5
<i>Мамадалиев Ш. О., Маликов Т. Т.</i> Демократик ислохотларни ривожлантириш истикболлари.....	12
<i>Джавакова К. В.</i> Общественная палата – голос гражданского общества.....	17
<i>Қодиров У. А.</i> Ижтимоий давлат ва унинг ижтимоий функцияларини такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари.....	24
<i>Салаев Д. Ж.</i> Янги Ўзбекистон: ёшларга оид давлат сиёсати ва фуқаролик жамияти институтларининг фаолияти.....	29

ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ

ПРОФИЛАКТИКА ПРАВОНАРУШЕНИЙ

<i>Муҳамедов Ў. Х.</i> Жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ҳудудлар тажрибасининг жорий этилиши истикболлари.....	35
<i>Афанасенко Ю. Ю., Кирвель В. Г.</i> Основные направления взаимодействия Белорусской Православной Церкви и Республики Беларусь в сфере профилактики наркомании и алкоголизма.....	46
<i>Қаришев Ф. С.</i> Ёшлар рецидив жиноятчилигининг олдини олишда ҳуқуқий тарбиянинг ўрни.....	52

ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ

ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ

<i>Бекмуродов Н. Н.</i> Ички ишлар органлари тезкор-қидирув фаолиятини ахборот билан таъминлашнинг ҳуқуқий асослари.....	57
<i>Холходжаев М. К.</i> К понятию оперативно-розыскного мероприятия «наведение справок» в теории оперативно-розыскного права.....	62
<i>Бобомуродов Ф. Б.</i> Чорва моллари ўғирликлари тезкор-қидирув профилактикасининг тушунчаси, мақсад ва вазифалари.....	67
<i>Дўстов М. А.</i> Божхона органларининг контрабанда ва одам савдосига қарши курашишдаги ўрни.....	73

ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ХУҚУҚ

УГОЛОВНО-ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО

<i>Ражабов Б. А., Турдиев Л. З., Турсунов Б. Б.</i> Далилларни тўплашда замонавий техника воситалари ва электрон далиллардан фойдаланиш.....	79
<i>Есимбетова Б. Е.</i> Қасддан баданга шикаст етказиш жиноятларини тергов қилишни такомиллаштириш масалалари.....	85
<i>Рашидов Б. Н.</i> Жиноят-процессуал қонунчиликдаги хусусий айблов институтини қўллаш механизми билан боғлиқ муаммолар.....	89
<i>Чўтбоев М. Р., Муминов М. Э.</i> Суд-тергов органлари фаолиятига жиноят ишининг электрон шаклини жорий қилиш истикболлари.....	95

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ

УГОЛОВНОЕ ПРАВО

<i>Кузиев А. Р.</i> Некоторые аспекты вины в уголовном законодательстве Республики Узбекистан.....	100
<i>Иброҳимов Ж. А.</i> Терроризм билан боғлиқ жиноятлар тушунчаси ва унинг учун жиноий жавобгарлик белгиланишининг ижтимоий зарурати.....	108
<i>Каракетова Д. Ю.</i> Безорилик жинояти объектининг таҳлили.....	114

КРИМИНАЛИСТИКА ВА КРИМИНАЛИСТИК ТЕХНИКА

КРИМИНАЛИСТИКА И КРИМИНАЛИСТИЧЕСКАЯ ТЕХНИКА

<i>Тураббаев Х. А.</i> Судебная почерковедческая экспертиза как форма применения специальных знаний в раскрытии и расследовании преступлений.....	125
<i>Худойбердиев Р. Ф.</i> Ўзбекистонда киберхавфсизликни таъминлаш масалалари.....	129

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

РЕФОРМЫ В ОРГАНАХ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ

<i>Эралиев А. Б.</i> Германия ва Францияда ички ишлар органлари фаолиятини ташкил қилиш хусусиятлари.....	134
<i>Бердиев А. Т.</i> О значении соблюдения законности и служебной дисциплины в деятельности органов внутренних дел.....	139
<i>Жўраев М. Ў.</i> Ички ишлар органлари ҳуқуқий мақомининг хусусиятлари.....	145
<i>Эгамбердиев Б.И.</i> Миграция соҳасидаги миллий қонунчиликни такомиллаштиришга оид айрим масалалар.....	152

ХИЗМАТ ФАОЛИЯТИ ПСИХОЛОГИЯСИ

ПСИХОЛОГИЯ СЛУЖЕБНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

<i>Душанов Р. Х.</i> Ички ишлар органлари тезкор-кидирув фаолиятига психологик ёндашувлар.....	158
<i>Қодиров М. С.</i> Наркотик моддалар контрабандаси билан шуғулланувчи шахсларнинг психологик хусусиятлари.....	162

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ

<i>Худойбердиев А.А.</i> Хорижий давлатларнинг оммавий тадбирларни ўтказиш ва жамоат тартибини сақлашда хавфсизликни таъминлаш борасидаги тажрибаси.....	168
--	-----

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ

ТРУДОВОЕ ПРАВО

<i>Юлдашев И. Р.</i> Меҳнат шартномасини ўзгартиришга оид қонунчилик асосларини такомиллаштириш масалалари.....	175
---	-----

А. С. Турсунов*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САЙЛОВ ТИЗИМИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикасида демократик сайловни тартибга солишчи норматив-ҳуқуқий ва ташкилий базанинг шаклланиши ва такомиллашуви баён этилган, мамлакат сайлов тизимининг хусусиятлари таҳлил қилинган. Муаллиф 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида сайлов тизимини такомиллаштириш борасида олиб борилган ислохотларга алоҳида эътибор қаратган.

Таянч сўзлар: сайлов, сайлов тизими, сайлов кодекси, сайлов ҳуқуқи, сайлов комиссиялари, Олий Мажлис, халқ депутатлари Кенгашлари.

ОСОБЕННОСТИ ИЗБИРАТЕЛЬНОЙ СИСТЕМЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Аннотация. В статье рассмотрены процессы формирования и совершенствования нормативно-правовой и организационной базы, регламентирующей демократические выборы в Республике Узбекистан, проанализированы особенности избирательной системы страны. Автор акцентировал внимание на реформах по совершенствованию избирательной системы в рамках Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017–2021 гг.

Ключевые слова: выборы, избирательная система, избирательный кодекс, избирательное право, избирательные комиссии, Олий Мажлис, Кенгаши народных депутатов.

SPECIFICS OF ELECTORAL SYSTEM OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Annotation. The article deals with the formation and improvement of normative-legal and institutionalization of democratic elections in the Republic of Uzbekistan, and specifics of electoral system of the Republic of Uzbekistan is analyzed as well. The author especially focused on the reforms carried out in Uzbekistan to improve the electoral system in the framework of the Strategy Action for development of the Republic of Uzbekistan 2017-2021 years on five priority areas.

Keywords: elections, electoral system, electoral code, electoral law, election commissions, Oliy Majlis, Kengashes of people's deputies.

Демократияни қарор топтиришнинг инсоният томонидан ўйлаб топилган энг мақбул йўли сайлов ҳисобланади. Шу сабабли мамлакатдаги демократиянинг даражаси ушбу давлатда сайлов тизимининг ҳолатидан келиб чиқиб баҳоланади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда миллий демократик сайлов тизими шакллантирилди ва доимий равишда такомиллаштириб борилди. Хусусан, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари

* *Турсунов Ахтам Саломович, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ҳуқуқбузар-ликлар профилактикаси кафедрасининг бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор.*

тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги, «Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман кенгашларига сайлов тўғрисида»ги ва бошқа бир қатор қонунлар қабул қилинди.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йиллар мобайнида демократик сайловларни ўтказиш бўйича муайян тажриба тўпланди. Бунда, юқорида таъкидланганидек, сайлов тизимининг ҳуқуқий асослари билан бирга, институционал асослари ҳам шакллантирилди. Шунингдек, фуқароларнинг сайловга оид сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, сиёсий партиялар ўртасида соғлом сиёсий рақобатни, сайлов жараёнлари устидан оммавий ахборот воситалари, мустақил кузатувчилар, умуман олганда, кенг жамоатчилик назоратини қарор топтириш бўйича ўзига хос миллий тажриба тўланди.

Шу билан бирга, юртимизда 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида сайлов тизимини янада такомиллаштириш юзасидан қатор ишлар амалга оширилди.

Буни қуйидагиларда кўриш мумкин:

биринчидан, халқаро норма ва стандартларга жавоб берадиган Сайлов кодекси қабул қилинди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида Сайлов кодекси қабул қилиш масаласини кун тартибига қўйиб, шундай деган эди: «Сиёсий ҳаётимизда муҳим аҳамиятга эга бўлган сайлов қонунчилиги ҳақида ҳам тўхталиб ўтмоқчиман. Бу борада қабул қилинган олтита қонун ва бир қатор қонуности ҳужжатлари, афсуски, ҳалигача яхлит бир ҳужжат шаклига келтирилмаган. Шу сабабли халқаро норма ва стандартларга жавоб берадиган ягона Сайлов кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозим» [1]. Таъкидлаш ўринлики, академик А. Х. Саидов Сайлов кодексининг қабул қилиниши заруратини бу борада қабул қилинган қонунлар ва бир қатор қонуности ҳужжатлари ҳалигача яхлит бир ҳужжат шаклига келтирилмаганлиги, сайловларга доир қонунларнинг барчасида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари билан боғлиқ деярли бир хил нормалар такрорланганлиги, шу пайтга қадар сайлов жараёнларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш қонун даражасида тартибга солинганлиги, ҳозирги кунда дунёнинг 40 та давлатида сайлов кодекслари қабул қилинганлиги, ислохотларнинг ҳозирги босқичида мамлакат ҳаётининг энг муҳим соҳаларини кодекслар билан тартибга солишга ўтилганлиги, халқаро норма ва стандартлар ҳамда илғор хорижий тажриба талабларидан келиб чиқиб кодификация қилиш, сайлов жараёнига нисбатан ягона шаффоф ва самарали ёндашувлар назарда тутилганлиги билан изоҳлайди [2].

Бугун жаҳонда 200 дан зиёд давлат бор. Лекин халқаро норма ва стандартлар асосида ишлаб чиқилиб, лойиҳаси кенг жамоатчилик, таъбир жоиз бўлса, сайлов қонунчилиги борасида «қилни қирқ ёрадиган» халқаро экспертлар томонидан батафсил муҳокама қилиниб, умум эътироф этган халқаро сайлов стандартларига мос, пухта, ихчам ва яхлит шаклда қабул қилинган бундай мукаммал Кодекс яратиш санокли мамлакатларгагина насиб этган [3];

иккинчидан, «Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман кенгашларига сайлов тўғрисида»ги (2017 йил 29 август) қонунга биноан давлат ҳокимиятининг демократик асосларини, вакиллик органларининг ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни амалга оширишдаги роли ва аҳамиятини янада мустаҳкамлаш,

шунингдек маҳаллий Кенгашларга сайловни сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, сайловчиларнинг хоҳиш-иродасига тўла мувофиқ ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган принциплари ва нормаларини инобатга олган ҳолда ўтказиш мақсадида Тошкент шаҳридаги туманларда ҳам халқ депутатлари туман кенгашлари фаолиятини йўлга қўйиш белгиланди, Конституция ва бошқа қонунларга бу ҳақда тегишли ўзгартишлар киритилди ҳамда 2018 йил 24 декабрь куни Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов бўлиб ўтди;

учинчидан, сайловларда вакиллик органларига номзод кўрсатишда сиёсий партияларнинг роли янада оширилди. Хусусан, Қонунчилик палатасида депутатлик ўринлари учун Ўзбекистон экологик ҳаракати вакилларига квота ажратиш амалиёти бекор қилинди. Бунга қадар Ўзбекистон экологик ҳаракати ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида ўтказиладиган сайловларсиз тўғридан-тўғри Қонунчилик палатасидаги 150 та депутатлик ўрнининг 15 тасини банд қилар эди. Шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига номзод кўрсатиш тартиби бекор қилинди. Эндиликда Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринлари учун демократик сиёсий рақобат — сайлов орқалигина «кураш» олиб бориладиган бўлди;

тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси сайловчиларининг ягона электрон рўйхати шакллантирилди ҳамда бу амалиёт биринчи марта 2018 йил 24 декабрь куни Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайловларда жорий этилди ва ижобий натижа берди. Эндиликда «бир сайловчи — бир овоз» принципи асосида сайловчилар бир мартадан ортиқ овоз беришларининг олди олиниши қафолатланди. Авваллари бир нафар сайловчининг икки ва ундан ортиқ сайлов участкаларида рўйхатга олинганлиги каби салбий ҳолатлар учраб турарди;

бешинчидан, Марказий сайлов комиссиясининг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамланди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширадиган бўлди;

олтинчидан, сиёсий партиялар томонидан имзо тўплаш жараёнида сайловчилар бир вақтнинг ўзида бир ёки бир неча номзод ёки партияни қўллаб-қувватлаб имзо қўйиши мумкинлиги белгиланди. (Илгари ҳар бир сайловчи фақат бир нафар номзод ва битта сиёсий партияни қўллаб-қувватлаб овоз бериши мумкин эди. Бу эса талаб этилган имзоларни йиғишда муайян қийинчиликлар келтириб чиқарарди);

еттинчидан, ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахсларнинг сайловда иштирокини чекловчи нормалар чиқариб ташланди. Сайлов қонунчилиги бўйича халқаро стандартларда ҳам озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган айрим тоифадаги маҳкумларга сайловда ўзи танлаган номзодларга овоз бериш ҳуқуқини таъминлаш бўйича тавсиялар мавжуд;

саккизинчидан, сайлов жараёнлари ҳамда Марказий сайлов комиссиясига оид бир қатор янгиликлар киритилди (номзодларнинг ишончли вакиллари Ўзбекистон Республикасидаги сафар харажатларини сайлов ўтказиш учун ажратилган маблағ ҳисобидан тўлаши белгиланди. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлигига номзодларнинг ишончли вакиллари сони 3 нафардан 5 нафаргача кўпайтирилди ва ҳ.к.);

тўққизинчидан, сайловга тайёргарлик ва сайлов жараёнининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиб бориши янада такомиллаштирилди.

Сайлов жараёнларининг демократик ва шаффоф ўтишини оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этишларини таъминлаш ва кафолатлашнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди. 2019 йил 13 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси билан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Дунё» ахборот агентлиги, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, «Uzreport» ахборот агентлиги ўртасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарликнинг бориши ва ўтказилишини ёритиш бўйича икки томонлама битимлар имзолангани эса бу йўлдаги дастлабки ижобий қадамлардан бўлди.

Сайлов тизими — ҳар бир мамлакатда ўзига хос тузилишга эга бўлиб, шу давлатда сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ барча институт, муносабат ва тартиб-таомилларни ўзида акс эттиради.

Ўзбекистон Республикасининг сайлов тизими — фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи эркинлигини рўёбга чиқариш, давлат ҳокимияти вакиллик органларини ташкил этишда уларнинг эркин иштирок этишини таъминлаш, мазкур соҳадаги муносабатларни тартибга солишга оид ҳуқуқий нормаларни шакллантириш ва ривожлантириш, сайловларни ташкил этиш ва ўтказишга масъул субъектларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини белгилаш, овоз бериш тартиби, унинг очиқ ва ошкоралигини таъминлашга оид яхлит элементлар мажмуидир.

Ўзбекистон Республикаси сайлов тизимининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида сўз юритганда қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

биринчидан, сайлов тизимининг ягона яхлит ҳуқуқий ҳужжат — Сайлов кодекси билан тартибга солинганлиги. Тўғри, бошқа бир қатор давлатларда ҳам бундай кодекслар қабул қилинган. Аммо бу давлатларнинг Сайлов кодексларини асло камситмаган ҳолда таъкидлаш жоизки, миллий Сайлов кодексини ишлаб чиқишда Албания, Арманистон, Бельгия, Болгария, Грузия, Озарбайжон, Польша, Франция каби давлатларнинг Сайлов кодекслари ва бошқа давлатларнинг сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ўрганилиб, уларнинг тажрибалари таҳлил қилинди, халқаро стандартлар ва нормалар инobatга олинди. Бундан ташқари, Сайлов кодексини тайёрлаш жараёнида турли соҳалардан мутахассислар, олимлар, экспертлар гуруҳи иштирок этди. Кодекс лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди. Натижада мамлакатимизда сайлов жараёнлари янада демократик тарзда ва ошкоралик руҳида ўтишини таъминлайдиган янги, илғор амалиёт жорий этилишини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлайдиган Сайлов кодекси қабул қилинди;

иккинчидан, сайлов тизимини шакллантиришда бу борадаги халқаро стандартлар ва нормаларга таянилди, шу билан бирга, миллий хусусиятлар ҳам инobatга олинди. Масалан, жамиятни бошқаришнинг ўзига хос миллий тарихий тажрибаси маҳсули бўлган маҳаллалар — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда кузатувчилари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди;

учинчидан, сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш жараёнларининг тўлиқ шаффофлаштирилганлиги. Таъбир жоиз бўлса, сайловларнинг ошкоралиги ва шаффофлиги бу жараёндаги энг муҳим масалалардан бири саналади. Ўзбекистон Республикасида ҳам сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишдаги очиқлик ва ошкоралик сайлов ўтказишнинг асосий принципларидан бири сифатида белгилаб қўйилди. Сайлов комиссиялари ўз фаолиятини очиқ олиб боради ҳамда бу ҳақда оммавий ахборот воситаларида ахборот бериб боради. Сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси президентлигига, Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кузатувчилар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар иштирок этиш ҳуқуқига эга;

тўртинчидан, сайловни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнларида қонунийликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва Жиноят кодексида сайлов ва референдумни ташкил этиш ва ўтказиш соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий ҳамда жиноий жавобгарлик белгиланганлиги ва ҳоказо.


2019 йил 22 декабрь куни мамлакатимизда катта сиёсий жараён — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатларининг сайлови бўлиб ўтди. Мазкур сайловларнинг ўзига хос томони шундаки, бу сайловлар «Янги Ўзбекистон — янги сайловлар» форматида бўлиб ўтди ва Ўзбекистондаги демократик янгиланишларни кўрсатиб берди.

Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 25 декабрдаги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 25 та сайлов округида биринчи турда ғолиблар аниқланмагани учун, яъни ушбу сайлов округларидан номзодлари кўрсатилган бешта сиёсий партия номзодларининг бирортаси ҳам овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг 50 фоизидан кўп овозни ололмагани сабабли ушбу сайлов округларида овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг энг кўп овозларини олган икки нафардан номзодлар ўртасида такрорий овоз беришни ўтказиш 2020 йил 5 январь кунига белгиланди. 2020 йил 5 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 25 та сайлов округидаги 1 730 та сайлов участкасида такрорий овоз бериш бўлиб ўтди.


Ушбу сайлов участкаларида 3 миллион 147 минг 79 нафар фуқаро сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатига киритилган бўлиб, улардан 1 миллион 978 минг 48 нафари такрорий овоз беришда иштирок этди. Демак, сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатига киритилган фуқароларнинг 62,8 фоизи такрорий овоз беришда иштирок этди.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 59-моддасига мувофиқ такрорий овоз беришда сайловчиларнинг иштирок этиши фоизи ҳисобга олинмаса-да, бироқ бу жараёнда ҳам сайловчиларнинг 62,8 фоизи иштирок этгани, фуқароларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксалиб, уларнинг янгиланаётган Ўзбекистонда янгитдан шакллантирилаётган парламент сайловларига бефарқ эмасликларининг ҳамда мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли, одилона ва инсонпарвар сиёсатни қўллаб-қувватлашларининг яна бир исботи бўлди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси
депутатлигига сайланган номзодлар таркиби бўйича
ТАҲЛИЛИЙ ЖАДВАЛ**




**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси
депутатлигига сайланган номзодлар таркиби бўйича
ТАҲЛИЛИЙ ЖАДВАЛ**



Дастлабки ҳамда такрорий овоз бериш натижасида, яъни сайловларнинг умумий яқунларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар қуйидагича депутатлик ўринларига эга бўлдилар:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутатлари



Шундай қилиб, мамлакатимизда сайлов тизимининг такомиллашуви давлат ва жамият тараққиётининг таркибий қисми бўлиб, ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қарор топтирилиши, фуқароларнинг хоҳиш-иродаси эркин билдирилиши кафолатланишини янги босқичга олиб чиқади.

Фойдаланилган адабиётлар / Использованная литература

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси (2017 йил 22 декабрь). — URL: <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-22-12-2017>.
2. Саидов А.Х. Сайлов кодекси қандай бўлиши керак? — URL: <http://xs.uz/uzkr/post/sajlov-kodeksi-qandaj-bolishi-kerak> (16.02.2019).
3. Абдусаломов М.Э. Сайловлар соҳасидаги ислохотларнинг янги даври. — URL: <http://elections.uz/uzb/events/news/45788/>.

ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашга оид муаммолар ва омиллар таҳлил қилинган. Жумладан, коррупцияга қарши кураш бўйича алоҳида давлат тузилмасини ташкил қилиш билан боғлиқ хорижий тажриба ўрганилган, фуқароларнинг демократик тафаккур юритиши билан боғлиқ омиллар ёритилган.

Таянч сўзлар: демократия, ислохот, демократик тафаккур, сиёсий ирода, ваколат, халқ ҳокимиятчилиги, халқ қабулхоналари, коррупция, хуфиёна иқтисодиёт.

ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ДЕМОКРАТИЧЕСКИХ РЕФОРМ

Аннотация. В статье анализируются проблемы и факторы обеспечения реализации важнейших задач, поставленных в обращении Президента Республики Узбекистан Ш. М. Мирзиёева к Олий Мажлису от 24 января 2020 г. В частности, изучается зарубежный опыт организации отдельной государственной структуры по борьбе с коррупцией, освещаются факторы, связанные с демократическим мышлением граждан.

Ключевые слова: демократия, реформа, демократическое мышление, политическая воля, полномочия, народовластие, народные приёмы, коррупция, теневая экономика.

PROSPECTS OF DEVELOPMENT OF DEMOCRATIC REFORMS

Annotation. The article analyzes the problems and factors of ensuring the implementation of the most important tasks assigned in the address of the President of the Republic of Uzbekistan Sh. M. Mirziyoyev to Oliy Majlis on January 24, 2020. In particular, foreign experience of organizing a separate state structure to fight against corruption is studied, factors related to the democratic thinking of citizens are highlighted.

Keywords: democracy, reform, democratic thinking, political will, authority, democracy, sovereignty of the people, reception of people, corruption, shadow economy.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси халқимиз ва хорижий ҳамкорларимизни мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар тўғри йўлдан кетаётганига ва унинг истиқболига ишончини янада мустаҳкамлади. Давлат ҳокимиятига ишонч мустаҳкамланиб бораётганининг бир қанча сабаблари бор.

Биринчидан, Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган демократик ислохотлар жамиятнинг барча соҳаларида дастлабки ижобий натижаларини бера бошлади. Масалан, ўтган йили иқтисодий ўсиш 5,6 фоизни ташкил этди. Юртимизга 6,7 млн нафар хорижий сайёҳ ташриф буюрди. Бу 2016 йилга нисбатан 4,7 млн нафарга ёки 3,3 баробар кўп демакдир. Дунё бўйича ҳар йили 1,3 млрд

* *Мамадалиев Шавкатбек Олмосбоевич, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг олий ўқув юртидан кейинги таълим факультети бошлиғи, фалсафа фанлар доктори, профессор.*

** *Маликов Турдали Тошмирзаевич, Наманган муҳандислик технология институти ижтимоий фанлар кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди.*

киши саёҳатга чиқишини инобатга олсак, туризм соҳасидаги янги сиёсат мамлакат ривожланишининг муҳим омилига айланганлигини англаш мумкин.

Иккинчидан, демократик ислоҳотларнинг дастлабки натижалари жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам ижобий баҳоланмоқда. Хусусан, дунёдаги нуфузли журналлардан бири бўлган «Экономист» Ўзбекистонни 2019 йилда ислоҳотларни энг жадал амалга оширган давлат — «Йил мамлакати» деб эътироф этди. Бундай баҳо, давлат раҳбари таъкидлаганидек, «барчамизга чексиз ғурур, ифтихор ва куч бағишлайди, янги марраларга руҳлантиради».

Учинчидан, Мурожаатномада демократик ислоҳотларнинг ижобий натижаларига маҳлиё бўлиб, хотиржамликка берилмасликка чақирилди. Йўл қўйилган камчиликлар танқидий таҳлил қилинди. Хусусан, «Демократик ислоҳотлар йўли — биз учун яккаю ягона ва энг тўғри йўлдир» деган фикр билдирилиб, ҳар куни бу борада изланишимиз, хориждаги илғор тажрибаларни чуқур ўрганиб, ҳаётимизни, иш услубимизни янгилашимиз лозимлиги таъкидланди. «Жамият — ислоҳотлар ташаббускори» деган янги ғоя ўртага ташланиб, аҳоли янада фаоллашиш, янада ташаббускор бўлишга чақирилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ушбу ташаббуслар фуқароларнинг дунёқараши билан боғлиқ бўлиб, «Мурожаатнома»нинг моҳиятини ташкил этади. Бу ўринда гап фуқароларнинг дунёқарашини демократик тараққиёт қонуниятлари асосида ўзгартириш орқали жамият ва давлат ривожланишини янги босқичга олиб чиқиш ҳақида бормоқда.

Дарҳақиқат, Афлотун айтганидек, «давлат — инсонга, инсон эса давлатга ўхшайди». Демак, инсонларнинг дунёқараши қандай бўлса, жамият ва давлат ҳам шундай бўлади. Шу ўринда Сукротнинг «демократияни тарбиясизлик ва ҳаракатсизлик емиради», деган фикрини эсга олиш жоиз.

Бугун Ўзбекистонда демократик режим, демократик бошқарув тизими, яъни Конституциямизнинг иккинчи бобида мустаҳкамлаб қўйилган халқ ҳокимиятчилиги институтлари амал қилмоқда. Халқ қабулхоналари, виртуал қабулхона каби дунёда ўхшаши йўқ янги демократик тузилмалар аҳолига хизмат кўрсатяпти.

Ўзбекистон Конституциясига мувофиқ, давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари халқ томонидан умумхалқ сайловлари орқали шакллантириляпти, ижро ҳокимияти органларининг вакиллик органлари олдида ҳисобот бериши тизими йўлга қўйилмоқда. Суд ҳокимиятининг мустақиллиги амалда таъминланяпти. Ижро ҳокимияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш механизмлари яратилмоқда. Булар мисли кўрилмаган демократик ўзгаришлардир. Айниқса, давлат раҳбарининг ҳокимлар ваколатларини оптималлаштириш, маҳаллий ижро органлари раҳбарларининг маҳаллий кенгашлар олдида ҳисобот бериши, Кенгашлар сўрови тартибини жорий этиш, жамоатчилик палатасини тузиш, коррупцияга қарши курашувчи давлат органини ташкил қилишга оид ташаббуслари демократик ислоҳотларнинг ортга қайтмаслигини кафолатлайди.

Бироқ, аччиқ бўлса ҳам, бир ҳақиқатни, яъни яратилаётган демократик имкониятлардан оқилона фойдалана олмаётганимизни тан олишимиз керак. Бугун Ўзбекистон улкан имкониятлар мамлакатига айланаётган бўлса-да, ушбу имкониятларни ишга солиш борасида тўсиқ бўлаётган тизимли муаммолар кўзга ташланмоқда. Демократик тафаккур тақчиллиги, коррупция, яширин иктисодиёт ва камбағаллик — демократик ислоҳотларни секинлаштираётган ана шундай муаммолардир.

Демократик тафаккур деганда илмий билимлар асосида эркин фикр юритиш, ўзини ўзи бошқариш, назорат қилиш ва баҳолаш тушунилади. Демократик тафаккур чуқур билим ва мукамал тарбияни тақозо этади.

Инсоният тарихида демократик тафаккур ривожига улкан ҳисса қўшган, яшаш, эркинлик ва мулк ҳуқуқлари, ҳокимиятни бўлиш ҳақидаги таълимотни яратган инглиз файласуфи Жон Локк таъкидлаганидек, тарбия инсон тафаккурини одамлар сиёсий ҳаётга ва амалий фаолиятга қодир бўладиган даражада бойитиши керак. Орадан тўрт юз йил ўтса-да, бу сўзлар ҳамон долзарблигини йўқотмади.

Демократик тафаккур билим ва тарбия баробарида қонунларга итоаткорликни ҳам талаб этади. Чунки, қонун бузилган жойда бошбошдоқлик бўлади, жамият таназзулга юз тутаяди. Буни яхши англаган буюк юнон файласуфи Сократ қонунга итоаткорлик принципига содиқ қолиб, суд унга нисбатан ноҳақ чиқарган ўлим ҳукмини ҳам қабул қилганидан тегишли ҳулоса чиқаришимиз лозим.

Бинобарин, демократик ислохотлар ҳар биримиздан замонавий билимларни, жумладан фанларни пухта эгаллаб, ишимизни қонун ва ахлоқ доирасида мукамал ва унумли бажаришимизни талаб этади.

Демократик ислохотлар ишга солишни талаб этаётган ҳамда аҳолимизни янада фаол ва ташаббускор қиладиган омил илм, маърифат ва замонавий технологиялардир. Илғор хорижий тажрибалар асосида ҳам ана шу уч омил ётибди.

Нидерландияда қишлоқ хўжалигига илм-фан ютуқлари татбиқ этилаётгани боис бугун 1 млн гектар ердан 102 млрд доллар фойда олинаётган бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич атиги 1,5-2 млрд долларни ташкил этаяпти [1, 213-б.].

Дунё бўйича технологияларнинг 35 % ини — АҚШ, 17,5 % ини — Япония, 5–6 % дан — Буюк Британия, Франция, Германия, 1,7 % ини — Хитой ишлаб чиқаради.

Ўзбекистонда илм, маърифат ва рақамли иқтисодиёт давлат сиёсати даражасига кўтарилганига ҳам ана шу омиллар сабаб бўлган, чунки бу — ривожланиш талаби, мавжудлик шартидир.

Бугун табиий ва техник фанларни ривожлантириш устувор вазифа ҳисобланмоқда. 2020 йилда математика, кимё, биология ва геология фанларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, бу фанларни ривожлантирмай туриб тараққиётга эриша олмаймиз. Бугун фан — моддий ва маънавий бойлик манбаи, интеллектуал индустрия асрининг ҳаракатга келтирувчи, инсонлар дунёқарашини ўзгартирувчи бунёдкор кучидир.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мактабгача, ўрта ва олий таълимда амалга оширилаётган ислохотлардан қўзланган асосий мақсад ҳам фан орқали ёшларимизнинг дунёқарашини тубдан ўзгартириш, Ўзбекистонни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқиш, халқимизга ҳеч кимдан кам бўлмаган фаровон турмуш шароити яратишдир.

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, фансиз бу улкан ишларни амалга ошириб бўлмайди. Бугун ушбу ҳақиқат сиёсий даражада эътироф этилди. Аминмизки, Ўзбекистон спорти соҳасида жаҳон чемпионлари етишиб чиқаётганидек, фанимизда ҳам Нобель мукофотлари соҳиблари пайдо бўлади. Республикамиз янги технологияларни импорт қилувчи давлатдан, экспорт қилувчи давлатга айланади.

Демократик ислохотлар, инвестиция, туризм каби истикболли соҳалар йўлида ғов бўлаётган бало — коррупциядир. Бугун Ўзбекистон дунё бўйича коррупция даражаси юқори бўлган давлатлар қаторида турибди. Transparency International Халқаро коррупцияга қарши кураш ташкилотининг маълумотларига қараганда, мамлакатимиз бу кўрсаткич бўйича 180 та давлат ичида 158-ўринни эгаллаган [2].

Шу боис давлат раҳбарининг сиёсий иродаси билан Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашувчи махсус давлат органини ташкил қилиш вазифаси қўйилди.

Шак-шубҳасиз, бу орган коррупцияга қарши курашни депсиниш, кузатувчилик, мавсумий ҳолатлардан мурасасиз кураш режимига ўтказди, давлат бошқарувидаги ўзбошимчаликка чек қўяди.

Дунё бўйича коррупция ҳар йили жаҳон иқтисодиётига ўртача 1,5-2,6 трлн доллар зарар келтираяпти. Коррупция ёнғинга ўхшайди: ўз вақтида ўчирилмаса, жамият ва давлат биносини куйдириб, кул қилади. Шу боис, ҳар биримиз коррупцияга қарши мурасасиз курашмоғимиз лозим.

Коррупцияга қарши курашувчи махсус ваколатли давлат органи ташкил этилса, унинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий самараси бўлиши аниқ. Буни Гонконг ва Сингапурнинг коррупцияга қарши кураш тажрибасидан ҳам кўриш мумкин. Масалан, Гонконг 1974 йилда коррупцияга қарши курашувчи махсус ваколатли орган тузиб, қисқа вақт ичида коррупция даражаси 90 фоиздан 5 фоизга туширилишига эришган.

Ўзбекистондаги демократик ислохотларнинг кушандаларидан яна бири яширин иқтисодиётдир. Жаҳонда, жумладан Ўзбекистонда ҳам унинг мамлакат иқтисодиётига зарар етказётгани ҳақида кўплаб илмий асарлар яратилган. А.Ортиқовнинг «Хуфиёна иқтисодиёт» (1996 йил) асарини бунга мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Аммо, узок йиллар давомида Ўзбекистондаги хуфиёна иқтисодиёт очиқланмади, у жамоатчилик фикри, жамоатчилик назорати объектига айланмади. Кўп ҳолларда бу ҳодиса аҳолидан сир тутилди. Бу эса жамиятга катта зарар келтирди. Натижада яширин иқтисодиёт расмий иқтисодиёт билан бўйлашадиган даражага етди.

Бугун янги Ўзбекистон раҳбариятининг сиёсий иродаси туфайли яширин иқтисодиёт очиқланиб, унга қарши амалий кураш бошланди. Дунё бўйича яширин иқтисодиёт даражаси 17,2 фоиздан ошмагани ҳолда, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 45-46 фоизни ташкил этаётгани расман эълон қилинди. Республикамиз Президентининг ибораси билан айтганда, «яширин иқтисодиёт»га барҳам берилмас экан, соғлом рақобат ҳам, қулай инвестиция муҳити ҳам шаклланмайди [3]. Халқаро валюта жамғармасининг 2018 йилги маълумотида кўра, Ўзбекистон хуфиёна иқтисодиёт бўйича 159 та мамлакат ичида 152-ўринни эгаллаган [4]. Ушбу кўрсаткич олимлар зиммасига яширин иқтисодиётнинг вужудга келиш омилларини чуқур тадқиқ этиш, тегишли амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалиётга татбиқ этиш масъулиятини юклайди.

Энди бу борада ҳам амалий ишларга ўтиш, эркин ижод қилиш даври келди. Жаҳон тажрибасидан маълумки, мамлакатдаги камбағалликни енгмай туриб ҳеч қандай ривожланишга эришиб бўлмайди. Камбағаллик ҳар қандай эзгу ниятни саробга айлантиради. Масалан, XVI асрда Германиядаги буюк деҳқонлар кўзғолонига, XVII асрда Англиядаги буржуа инқилобига ҳам камбағаллик сабаб бўлган. Бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин. XVIII аср мутафаккири Жан Жак Руссонинг қуйидаги фикрлари ана шу объектив зарурат ифодасидир: «Агар сиз давлатни мустаҳкам қилмоқчи бўлсангиз, унда бойлик ва камбағаллик чегараларини имкони борича яқинлаштиринг. Чексиз бойликка ҳам, чексиз камбағалликка ҳам йўл қўйманг» [5, 168-б.].

«Демократик ислохотлар» ва «камбағаллик» бир-бирини инкор этувчи тушунчалардир. Президент Шавкат Мирзиёев «Мурожаатномада» айтганидек, демократик ислохотлардан кўзланган асосий мақсад «халқни бой» қилиш, халқ фаровонлигига эришишдир. Аммо ҳақиқатни очиқ тан олиб айтиш керакки, бу борада ҳам Ўзбекистонда камбағаллик ижтимоий ҳодисаси борлигига кўз юмиб келдик.

Давлат раҳбарининг халқчил ва очик сиёсати туфайли Ўзбекистон аҳолисининг 12–15 фоизи, яъни 3–5 миллион киши камбағаллик мақомида тургани илк бор эътироф этилди. Камбағалликни камайитириш дастурини ишлаб чиқиш, ушбу мақсад учун 700 млн доллар маблағ жалб қилиниши белгиланди.

Жаҳон амалиётига назар ташланса, ҳозирда 1 млрд нафардан зиёд инсонлар камбағалликдан азоб чекапти. Шу боис бу борада Жаҳон банки, БМТнинг тегишли тузилмалари билан ҳамкорлик қилиш вазифаси қўйилмоқда. Энг муҳими, Ўзбекистонда камбағаллик мавжудлигини тан олишга сиёсий ирода топилди, унга қарши амалий кураш бошланди. Бу ҳам ҳозирги босқичдаги халқчил сиёсатнинг амалий ифодасидир.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазаларга яқун ясаб айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга навбатдаги Мурожаатномаси халқимизни янада жипслаштирадиган, янги ғоя ва амалий ташаббусларга бой бўлган, мамлакатимизнинг кейинги ўн йилликдаги демократик ривожланиш истикболларини белгилаб берадиган ҳаракат дастуримиздир.

Фойдаланилган адабиётлар / Использованная литература

1. *Баҳодир Умаров*. Эркинлик ғояси такомил. — Т.: Академия, 2010.
2. URL: <https://www.gazeta.uz/ru/2019/01/29/ti/>
3. *Шавкат Мирзиёев*. Макроиктисодий барқарорликни таъминлаш ва инфляцияни жиловлаш — иқтисодий ислохотлар жараёнидаги бош вазифамиздир. (24.01.2020). — URL: <https://uza.uz/uz/politics/shavkat-mirziyeev-makroi-tisodiy-bar-arorlikni-taminlash-va--24-01-2020>
4. URL: <https://review.uz/ru/post/traektoriya-vxoda-iz-teni>
5. *Шухрат Эргашев*. Жаҳон тарихи. 1-қисм. — Т.: Ўзбекистон, 2016.

ОБЩЕСТВЕННАЯ ПАЛАТА — ГОЛОС ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА

Если все мы сплоченно будем идти вперед, обретать современные знания, честно и плодотворно трудиться, то наша жизнь, все наше общество обязательно изменятся к лучшему.

Ш. Мирзиёев

Аннотация. В статье раскрывается сущность демократического государства, значимость диалога между властью и обществом, а также роль Общественной палаты в усилении общественного контроля. Анализируются различные формы квалифицированного и ответственного участия граждан в системе управления государством и обществом.

Ключевые слова: демократия, государство, гражданское общество, общественный контроль, общественная палата, социальная ответственность.

ЖАМОАТ ПАЛАТАСИ — ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ОВОЗИ

Аннотация. Мақолада демократик давлатнинг моҳияти, ҳукумат ва жамият ўртасидаги мулоқотнинг аҳамияти, жамоатчилик назоратини кучайтиришда жамоат палатасининг ўрни ёритилган. Фуқароларнинг давлат ва жамиятни бошқариш тизимида малакали ва масъулиятли иштирокининг турли шакллари таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: демократия, давлат, фуқаролик жамияти, жамоатчилик назорати, жамоат палатаси, ижтимоий масъулият.

PUBLIC CHAMBER IS THE VOICE OF CIVIL SOCIETY

Annotation. The article reveals the essence of democratic state, significance of dialogue between government and society and the role of the Public Chamber in strengthening public control. Various forms of qualified and responsible participation of citizens in the system of government and society are analyzed.

Keywords: democracy, state, civil society, public control, public chamber, social responsibility.

Из года в год жизнь ставит перед нами новые задачи, которые можно решить всем обществом и только сообща. В условиях демократической системы, формирования гражданского общества в стране всё большее значение придается голосу граждан, озвучиванию не только их забот, но и обсуждению в публичном пространстве тех проблем и предложений по их решению, с которыми граждане и институты обращаются к власти и обществу. Как подчеркивает Президент страны, «проблем много и без самих граждан, без общественности невозможно обеспечить эффективное решение поставленных задач». Если все мы сплоченно будем идти вперед, обретать современные знания, честно и плодотворно трудиться, то наша жизнь, все наше общество обязательно изменятся к лучшему [1].

Именно поэтому важность и значимость осуществления общественного контроля были определены в пятилетней Стратегии действий, Концепции административной

* *Джавакова Каринэ Владимировна, начальник кафедры политико-правовых учений Академии МВД Республики Узбекистан, доктор философских наук, профессор.*

реформы в Республике Узбекистан, в Послании Олий Мажлису от 22 декабря 2017 года, Послании Олий Мажлису от 28 декабря 2018 года. Причем особый акцент на судьбоносность общественного контроля был сделан в докладе на торжественном собрании, посвященном 27-й годовщине принятия Конституции Республики Узбекистан, где были определены задачи по его усилению и обеспечению верховенства закона. Президент Шавкат Мирзиёев привёл примеры, свидетельствующие о слабом исполнении законов на местах (проведение строительных работ на посевных площадях самовольно, без официального разрешения, беспорядочный снос зданий и сооружений и др.). И сколько бы ни старались государственные органы и должностные лица, обеспечить верховенство закона возможно только тогда, когда сам народ будет нетерпим к его нарушениям.

В Послании Олий Мажлису 24 января 2020 года Глава государства анонсировал создание Общественной палаты Республики Узбекистан для усиления общественного контроля, установления более тесного взаимодействия между государством и обществом и новый принцип — «Инициатором реформ является народ». Было отмечено, что «в целом необходимо наладить практическое взаимодействие парламента, правительства и институтов гражданского общества в достижении целей устойчивого развития Организации Объединенных Наций, регулярно проводить парламентские и общественные слушания по данному вопросу»[2].

Совершенно справедливо отмечают наши парламентарии: «Нынешний уровень развития демократии стал требовать квалифицированного и ответственного участия граждан в системе управления государством и обществом, формирование новых институциональных образований, которые смогли бы выступить эффективной гражданской платформой для сведения и согласования государственных и общественных интересов» [3].

Как свидетельствует зарубежный опыт, во многих странах Европейского союза существуют аналогичные консультативные советы и комиссии по решению всевозможных проблем, привлекающих к работе граждан общества. К примеру, во Франции действует Экономический, социальный и экологический совет, который консультирует правительство по актуальным вопросам внутренней и внешней политики, участвует в разработке решений, касающихся экономики, социального обеспечения и экологической политики. Причем основная задача этого совета заключается в создании условий для диалога между различными группами населения. Совет регулярно предлагает свои рекомендации, указывая, как лучше принимать законы. У него нет права вето, но правительственные структуры обязаны присылать туда документы на согласование. И французское правительство само запрашивает мнение Общественной палаты, когда собирается принять то или иное решение [4]. По всем законам, связанным с расходованием государственных средств, власти обязаны спрашивать мнения совета, хотя его функция остается совещательной. Смысл в том, чтобы те, на кого законы повлияют прежде всего, сказали свое слово до того, как они вступят в силу. Подобные органы, действуют также в Австрии и Голландии. Опыт Франции и Греции показывает, что в случае политической конфронтации именно эти организации могут выступать стабилизирующим фактором, ставя на первое место не конкретные политические интересы отдельных политических групп, не тактику политической борьбы, а общенациональные интересы и стратегическое видение общенационального развития.

В Российской Федерации Общественная палата была создана, по словам Президента В.В. Путина, для эффективного «гражданского контроля за работой

госаппарата, включая правоохранительные органы и специальные службы». Законодательно определено, что Общественная палата РФ призвана обеспечить согласование общественно значимых интересов граждан, общественных объединений, органов государственной власти и органов местного самоуправления для решения наиболее важных вопросов экономического и социального развития, обеспечения национальной безопасности, защиты прав и свобод россиян, конституционного строя и демократических принципов развития гражданского общества. При этом общественная палата имеет право: привлекать граждан и общественные объединения к реализации государственной политики; выдвигать и поддерживать гражданские инициативы, имеющие общероссийское значение; проводить общественную экспертизу проектов законов и нормативных правовых актов, может оказывать информационную, методическую и другую поддержку региональным Общественным палатам и др.

А в США имеется больше десятка президентских консультативных советов и комиссий [5, с. 28], членов которых выбирает сам президент из представителей общественных организаций и бизнеса. Заметим, что большинству англосаксонских стран присуща такая форма взаимодействия с обществом как публикация законопроектов и отчётов правительства в виде так называемых «Белых книг», на которые в последующем приходят письменные отзывы от граждан или общественных организаций.

В Китайской народной республике действует Народный политический консультативный совет, служащий платформой для демократического участия институтов гражданского общества в государственных делах.

В соответствии с Указом Президента от 16 апреля 2020 года была учреждена Общественная палата при Президенте Республики Узбекистан, а также общественные палаты Республики Каракалпакстан, областей и города Ташкента. Определены основные направления их деятельности, среди которых, прежде всего, налаживание современной формы системного и эффективного диалога, объединяющего усилия государства, граждан и институтов гражданского общества. Как показывают реформы последних лет, диалог между властью и гражданами стал совершенно иным, позволив укоренить в обществе справедливость, сблизить руководителей, чиновников с населением. К примеру, только в 2019 году более чем по 510 тысячам из свыше 880 тысяч обращений граждан, поступивших в Народные приемные, были приняты положительные решения. Однако сегодня ставится задача — «необходимость поднятия диалога с народом на новый уровень» [1]. В Послании Олий Мажлису 24 января 2020 года Главой государства выдвинута инициатива — «наладить систему регулярного заслушивания в парламенте и Кенгашах народных депутатов отчетов руководителей государственных органов и хокимов о том, как решаются вопросы, поднимаемые в обращениях граждан». И далее: «Распределение дополнительных доходов местных бюджетов, справедливое назначение пособий, оценка работы руководителей исполнительных органов теперь будут осуществляться на основе анализа обращений в Народные приемные» [1]. Следовательно, работа продолжается, т.к. она направлена на дальнейшее ускоренное и всестороннее развитие страны, а также обеспечение согласованности их социальных интересов.

Следующим направлением деятельности обозначено «содействие в активизации участия граждан в делах государства и общества, а также во внедрении современных

механизмов государственно-частного партнерства; системное изучение мнения населения, обсуждение актуальных вопросов на местах и в отраслях, волнующих население, институты гражданского общества и общественность, а также внесение предложений Президенту Республики Узбекистан, в палаты Олий Мажлиса и правительство о разработке соответствующих нормативно-правовых актов по их разрешению». В нашей стране есть осознание того, что будущее Узбекистана, место в мировом сообществе в значительной мере зависят от включенности в этот процесс наших сограждан — жителей страны. Без расширения политического участия граждан, без возрастания политической активности невозможно движение по пути развития гражданского общества. Сегодня воля и желания граждан, выраженные в их инициативах и обращениях в соответствии с новым политическим курсом стали главным приоритетом работы госорганов.

Значимым аспектом определяется «инициирование проведения фундаментальных и практических исследований в области развития гражданского общества при участии научно-экспертных групп с организацией системного изучения, обобщения и анализа общественного мнения о государственной политике в данной области и ее практических результатах. При этом одной из немаловажных функций палаты является работа по укреплению позиций гражданского общества в целом, в связи с чем члены Общественной палаты должны на основе разработки показателей оценки уровня сотрудничества институтов гражданского общества с государственными органами, их вклада в социально-экономическое развитие страны, защиту прав и законных интересов физических и юридических лиц ежегодно предоставлять доклад о состоянии и тенденциях развития гражданского общества в Узбекистане.

Особое внимание уделено усилению деятельности общественных советов при государственных органах, оказание им методической и другой практической помощи; содействие в коренном улучшении качества нормотворческой деятельности, в частности проведение общественной экспертизы проектов нормативно-правовых актов по наиболее актуальным вопросам социально-экономической жизни страны и вызывающим особый интерес у общественности, а также их совершенствованию на основе консультаций и общественных слушаний; привлечение граждан, представителей негосударственных некоммерческих организаций, средств массовой информации и блогеров к обсуждению вопросов реализации свободы слова, прав граждан на получение и распространение информации, обеспечения гарантий свободы информации с разработкой практических предложений по этим вопросам.

Значимым направлением деятельности является формирование эффективной системы общественного контроля, внедрение в практику таких действенных форм современного контроля, как общественное слушание, общественная экспертиза, общественный мониторинг; разработка рекомендаций по совершенствованию общественного мониторинга за реализацией реформ и государственных программ на местах и в отраслях, принятию дополнительных мер по их качественному выполнению с регулярным внесением Президенту Республики Узбекистан, в палаты Олий Мажлиса и правительству информации о достигнутых показателях, положительных изменениях и имеющихся проблемах.

Особое внимание придается развитию института «народной дипломатии», в частности широкому использованию возможностей институтов гражданского общества в практическом воплощении приоритетных задач внешней политики

страны, улучшении ее позиции в ведущих международных рейтингах, а также установлению тесных связей с соотечественниками за рубежом, оказанию содействия негосударственным некоммерческим организациям в развитии международного сотрудничества.

Вместе с тем, в Указе определено, что Общественная палата и региональные общественные палаты считаются постоянно действующими консультативно-совещательными органами. Состоит Общественная палата из 50 членов, работающих на общественных началах. Срок их полномочий составляет три года. Состав формируется из 18 членов Общественной палаты, которые назначаются Президентом Республики Узбекистан из числа авторитетных граждан, 18 членов Общественной палаты принимаются в члены на основе решения Общественной палаты и конкурсного отбора из числа кандидатов, представленных республиканскими негосударственными некоммерческими организациями, средствами массовой информации и представителями широкой общественности и 14 членов Общественной палаты, которые являются председателями региональных общественных палат. При этом региональная общественная палата состоит из 21 члена, формирующихся из представителей республиканских негосударственных некоммерческих организаций, осуществляющих деятельность в регионах, научных кругов, средств массовой информации и широкой общественности, рекомендованных на общественных форумах.

Важным моментом является упразднение Консультативного совета по развитию гражданского общества при Президенте Республики Узбекистан и Центра в целях предотвращения дублирования ее полномочий по развитию гражданского общества. При этом в ведение Общественной палаты передается веб-портал «Mening fikrim». Аналогичные нормы закреплены в Конституции Франции, законодательных актах Армении, Германии, Казахстана, России, Финляндии и других стран. Они рассматриваются в качестве своего рода реализации «народной законодательной инициативы» — важнейшего элемента института общественного контроля [6].

Для осуществления общественного контроля над властными структурами разработан следующий механизм для влияния на ситуацию. Так, в полномочия Общественной палаты входят: право направлять в государственные органы и организации запрос Общественной палаты с требованием предоставления обоснованных разъяснений либо изложения своей точки зрения по реализации законов, государственных программ в различных сферах, а также по другим важным вопросам, входящим в их ведение. При этом государственные органы и организации обязаны направить ответ на запрос не позднее десяти дней со дня его получения, если не установлен иной срок; Общественная палата и региональные общественные палаты участвуют в формировании состава общественного совета при каждом государственном органе, в том числе Совете Министров Республики Каракалпакстан, хокимиятах областей и города Ташкента (за исключением общественных советов при правоохранительных органах); органы государственной власти и органы государственной власти на местах осуществляют свою деятельность в тесном взаимном сотрудничестве с Общественной палатой и региональными общественными палатами со строгим соблюдением принципов независимости негосударственных некоммерческих организаций и невмешательства в их деятельность; руководители государственных органов и органов исполнительной власти на местах создают

необходимые условия и оказывают всестороннее содействие в организации и осуществлении деятельности Общественной палаты и региональных общественных палат.

Вместе с тем, члены Общественной палаты и региональных общественных палат вправе присутствовать на открытых коллегиальных заседаниях каждого государственного органа, а также на заседаниях палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан, «Правительственном часе», на заседаниях Жокаргы Кенеса Республики Каракалпакстан, Кенгашей народных депутатов областей, города Ташкента, районов (городов); предложения о внесении изменений и поправок в Конституцию Республики Узбекистан, проекты нормативно-правовых актов по наиболее актуальным вопросам социально-экономической жизни страны и вызывающие особый интерес у общественности направляются для рассмотрения в Общественную палату; решения Общественной палаты и региональных общественных палат носят рекомендательный характер для государственных органов и организаций, органов государственной власти на местах и других структур.

Согласно Указу устанавливается порядок, в соответствии с которым: вводится практика ежеквартального рассмотрения в палатах Олий Мажлиса Республики Узбекистан, Жокаргы Кенесе Республики Каракалпакстан, Кенгашах народных депутатов областей и города Ташкента, районов (городов) результатов изучений и анализа актуальных для общественности вопросов, проведенных Общественной палатой и региональными общественными палатами; Общественная палата ежегодно представляет Президенту Республики Узбекистан и палатам Олий Мажлиса Республики Узбекистан годовой национальный доклад о состоянии и тенденциях развития гражданского общества.

Итак, задачи, поставленные перед Общественной палатой, важны как для власти, так и для общества. В настоящее время разрабатывается проект Закона «Об Общественной палате при Президенте Республики Узбекистан». Однако насколько эффективна будет эта организация, законом определено быть не может. Многое зависит от отношения к своим функциям самих членов палаты и того, смогут ли они действительно стать связующим звеном между властью и обществом.

Сегодня в процессе подготовки проекта Закона, во избежание формирования состава в зависимости от усмотрения отдельных лиц и для более полного воплощения идеи народного представительства, возможно, следовало бы установить те или иные цензы для граждан, к примеру, профессиональный, образовательный, безупречную репутацию и др. А для представителей общественных объединений, указывать такие критерии как наличие определённых целей, а также численность общественных объединений, которая будет свидетельствовать о том, что они представляют достаточно широкие слои населения и в составе палаты будут представлены интересы значительной части граждан страны.

Фактически Общественная палата — это осуществление гражданского общественного контроля, который должен существовать постоянно и в идеале будет способствовать развитию социального партнерства, смысл которого состоит в конструктивном социальном взаимодействии между государственными органами, негосударственными некоммерческими организациями и другими институтами гражданского общества в разработке и реализации программ социально-экономического развития страны, а также нормативно-правовых актов и иных решений, затрагивающих права и законные интересы граждан.

На наш взгляд такие понятия, как «общественное слушание», «общественная экспертиза», «общественный мониторинг» — должны стать процедурами, имеющими решающее значение в организации и деятельности Общественной палаты. В Палате должна быть создана такая демократическая атмосфера, при которой структуры гражданского общества через членов Палаты смогут давать конкретные рекомендации власти. А власть при этом должна или принимать эти профессиональные и ответственные рекомендации, либо открыто и аргументировано их отклонять. Жизнь требует открытого диалога власти и общества.

Можно заключить, что Общественная палата в политико-правовом пространстве нашей страны стала закономерным, логичным и новым институтом гражданского общества, призванным обеспечить не только эффективное противодействие злоупотреблениями публичной властью и должностными полномочиями, но и системный, результативный диалог, объединяющий усилия государства, граждан и институтов гражданского общества.

Общественная палата как голос гражданского общества должна стать своеобразным катализатором эффективного взаимодействия между обществом и властью, так как только совместная работа общества и государства позволяет всесторонне оценивать острые ситуации и находить резервы для их решения. Без учета мнений гражданского общества и его институтов органам государственной власти сложно строить свою работу.

Для государства же отсутствие обратной связи в системе государственного управления не только ставит под угрозу выполнение конкретных социально значимых задач, но и способствует развитию конфликта между государством и обществом, государственными служащими и гражданами, что может привести к масштабным социальным катаклизмам. Именно поэтому создание Общественной палаты накладывает огромную социальную ответственность на членов палаты, которые своим профессиональным, ответственным отношением обеспечат результативное, конструктивное сотрудничество государства и общества.

Фойдаланилган адабиётлар / Используемая литература

1. Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису. 24 января 2020 г. — URL: <https://uza.uz/ru/politics/poslanie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziyeev-25-01-2020>
2. URL: <https://podrobno.uz/cat/politic/v-uzbekistane-nakonets-to-urezhut-polnomochiya-khokimov-eto-predlozhil-prezident->
3. Абдуллаев И. Для чего обществу общественная палата? // Правда Востока. — 2020. — 27 апр.
4. Буссель Ю.Н. Социальный и экономический Совет Франции: Роль в системе оптимизации государственных программ. — URL: http://politanaliz.ru/articles_374.html — 23.09.2004.
5. Гусарева Ю. Общественная палата России в системе гражданского общества // Власть. — 2009. — № 10. — С. 28.
6. Саидов А. Х. Общественная палата — новый демократический атрибут Нового Узбекистана. — URL: <https://pv.uz/ru/newspapers>

ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ ВА УНИНГ ИЖТИМОЙ ФУНКЦИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация. Мақолада давлатнинг ҳозирги ижтимоий функциялари таҳлил қилинган, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг долзарблиги таъкидланган, ижтимоий ҳимоянинг шакл ва турлари тадқиқ этилган, давлатнинг ижтимоий функцияларини янада такомиллаштириш масалалари кўтарилган.

Таянч сўзлар: ижтимоий давлат, ижтимоий функция, ижтимоий сиёсат, ижтимоий шериклик.

НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ СОЦИАЛЬНОГО ГОСУДАРСТВА И ЕГО СОЦИАЛЬНЫХ ФУНКЦИЙ

Аннотация. В статье анализируются современные социальные функции государства, подчеркивается актуальность социальной защиты граждан, исследуются формы и виды социальной защиты, поднимаются вопросы дальнейшего совершенствования социальных функций государства.

Ключевые слова: социальное государство, социальная функция, социальная политика, социальное партнёрство.

SOME ASPECTS OF IMPROVEMENT OF SOCIAL STATE AND ITS SOCIAL FUNCTIONS

Annotation. The article analyzes the modern social functions of state, urgency of social protection of citizens is underlined, forms and types of social protection is researched, issues connected with further improvement of social functions of state is arisen.

Keywords: social state, social function, social policy, social partnership.

Ҳар қандай давлат ташкил топиши ва тараққий этиши жараёнида ўз фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб олиши табиий ҳолдир. Ўзбекистон мустақилликка эришгач мамлакатда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишни ўз олдига бош мақсад қилиб қўйди. Мазкур устувор мақсаддан келиб чиққан ҳолда, бугунги энг долзарб вазифалардан бири аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш механизмидир. Дарҳақиқат, мамлакатда давлатнинг ижтимоий вазифаси доимо долзарб бўлиб келган. Бу борада мамлакат Президенти Ш. М. Мирзиёев 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларига алоҳида эътибор қаратиб, унда «...аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арзон уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш, таълим ва фан соҳасини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш» [1] каби масалаларни илгари сурди.

Ҳозирги вақтда давлатнинг ижтимоий функциялари кундан-кунга мураккаблашиб бормоқда. Энди улар ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғурта, соғлиқни сақлаш, оила ва уй-жой сиёсати, таълим, касбий тайёргарлик ва қайта тайёрлаш тизимларига

* Қодиров Умиджон Абдимуратович, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси илмий тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи, юридик фанлар номзоди, доцент.

қаратилди. Ижтимоий соҳадаги масалаларга муносабат аста-секин ўзгариб, аввалги тушунча ва ёндашувлар янгича мазмун-моҳият касб этмоқда. «Ижтимоий сиёсат», «ижтимоий ҳимоя», «ижтимоий шериклик» каби тушунчалар аввалгисидан фарқ қилиб, ҳаётимизда содир бўлаётган ўзгаришлар боис тобора янгича мазмунга эга бўлди. Шу сабабли, ижтимоий сиёсат фуқароларнинг, айниқса ёшларнинг фақат моддий муаммоларинигина ҳал қилишга қаратилган фаолият бўлмай, балки давлат ички сиёсатининг асосий қисмини ўзида ифода этади. Ижтимоий ҳимоя сиёсати эса муҳтожларга моддий пул шаклида ёрдам кўрсатиш билан чекланиб қолмай, балки мамлакат ижтимоий инфратузилмасининг нормал фаолият юритишини таъминлаш, бу соҳада давлат ва жамият бошқарувини самарали амалга ошириш, фуқаролар учун ҳар томонлама қулай шароитларни таъминлаш масалаларини ҳам ўз ичига олади.

Аввал ижтимоий ҳимоя фақат ночорларга ёрдам кўрсатиш маъносини англатган бўлса, бугун мазкур тушунча ўз ичига фуқароларнинг иш билан таъминланганлик даражасини ошириш, меҳнатининг миқдори ва сифатига яраша иш ҳақи тўлаш, ижтимоий ҳимояни оқилona таъминлаш, билим олиш ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, инсоннинг муносиб турмуш кечиришини таъминлашнинг барча жиҳатларини қамраб олмоқда.

Ҳозир инсон, унинг манфаатлари, эҳтиёжлари муаммоси янгича ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий маъно касб этиб, шахс эҳтиёжлари ва уларни қондириш жараёнларини ҳам ҳозирги кун нуқтаи назаридан тадқиқ этиш зарурати қуйидаги шарт-шароитлар билан белгиланди:

- Ўзбекистон тараққиётининг стратегик мақсади: инсон манфаатлари ва эҳтиёжларини ҳар томонлама барқарорлаштириш;
- изчил ижтимоий муҳофаза сиёсатини амалга ошириш;
- эркин ва фаровон ҳаёт бунёд этиш;
- жамият ва шахс манфаатлари ҳамда эҳтиёжларининг ўзаро алоқадорлиги ва уйғунлигини таъминлаш зарурлиги.

Маълумки, ижтимоий ҳимоя унинг амалга оширилиши шакллари, ижтимоий ҳимоянинг фуқароларни моддий қўллаб-қувватлашдаги ўрни масалалари билангина чекланиб қолмайди, қолаверса, унинг ҳуқуқий давлат барпо этиш концепцияси доирасидаги жиҳатлари ғоят муҳимдир. Шунинг учун ҳам ҳуқуқ ҳукмронлиги ҳуқуқий давлатнинг муҳим хусусияти ҳисобланади.

Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёнида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишда давлат, унинг органларининг ўрни ва мавқеи фуқаролик жамиятига ўтилган сари ўзгаради. Давлат функцияларининг эволюцион тарзда, босқичма-босқич жамият зиммасига юклана бориши, ижтимоий ҳимояни амалга ошириш жараёнида бу соҳада унинг органлари фаолиятининг такомиллаштирилиши, жамоат бирлашмалари, нодавлат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорлиги муаммоларини ҳал этиш талаб қилинади.

Замонавий давлатларнинг ижтимоий функциялари, аслида, институционал ва услубий жиҳатдан жуғрофий жойлашув, этник-маданий ва иқтисодий ривожланишдаги фарқлар туфайли бир хил намоён бўлмайди, бу эса, ўз навбатида, ҳозирги вақтда ҳар хил ижтимоий давлатларнинг мавжудлигини аниқ белгилаб беради.

Сўнгги йилларда деярли барча замонавий давлатларда ижтимоий эҳтиёжлар учун бюджет харажатларини қискартириш тенденцияси сезиларли даражада намоён

бўлмоқда, бу эса илмий изоҳлашни талаб қилади. Истисносиз, барча ижтимоий давлатлар бундай ўзгаришларни XX асрнинг 80–90-йилларида бошлади [2, 168-б.].

Ҳозир илм-фанда ижтимоий давлат тўғрисида ягона тушунча ишлаб чиқилмаган. Шу боис «ижтимоий давлат» тушунчаси мустақилми ёки у давлатнинг мазмуни ва шакли тарзида конституциявий ташкилот ўртасидаги собит функционал муносабатни ифода этадими, «ижтимоий давлат» ва «давлатнинг ижтимоий функцияси» тушунчалари бир-бирига ўхшашми, деган ўринли саволлар пайдо бўлиши табиий.

Фикримизча, замонавий ижтимоий давлат уюшган жамият интилаётган мақсад, патерналистик ижтимоий давлатдан кейинги ижтимоий давлатнинг ривожланиш босқичидир. Бу ёки бошқа маданий ва тарихий контекстга қараб, турли мамлакатларда ижтимоий давлатнинг турли моделлари (турлари) ривожланган.

Ҳозирги кунда чет эллик олимлар ижтимоий давлатнинг кўплаб таснифларини ишлаб чиқдилар. Таснифлаш мезонлари ҳар хил ва доимо бир-бирига тўғри келавермайди, бу эса уларни ҳар жиҳатдан таққослашга имкон бермайди. Аммо, ҳар қайси ижтимоий давлат хусусиятларининг хилма-хиллигига қарамай, қиёсий таҳлил жараёнида биз ҳозирги даврда ижтимоий функциялар динамикаси ва унинг ривожланишидаги умумий йўналишни аниқлашимиз мумкин.

Давлатнинг ижтимоий функцияси давлат ижтимоий фаолияти асосий йўналишининг моҳиятини акс эттиради. Давлатнинг ижтимоий функциялари давлат шакллари ривожланишининг дастлабки босқичларида унинг фаолиятининг умумий тамойиллари кўринишида (масалан, бойликни қайта тақсимлаш, меҳнат фаолиятини тартибга солиш) ёки иқтисодий функциялар шаклида пайдо бўладиган давлатга хос ҳар қандай ижтимоий функциялардан фарқли ўлароқ, давлатнинг эволюцион ривожланиши даврида пайдо бўлади.

Ижтимоий сиёсат давлат ички сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлиб, унинг ижтимоий тизими барқарорлигини таъминлаш учун яратилган. Унинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини ошириш;
- ижтимоий зиддиятларни юмшатиш ёки бартараф этиш, жамиятда муайян мувозанатга эришиш.

Ижтимоий сиёсатнинг мақсади давлат томонидан ижтимоий кафолатлар бериш, турмуш тарзини кўтариш, солиқларни тартибга солиш, хайрия ва тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантиришдир.

Ижтимоий сиёсат устувор муаммоларни ҳал этиши, унинг ижтимоий механизмларини ишлаб чиқиши ҳамда уларни давлат мажбуриятларини реал молиялаштириш имкониятлари билан мувофиқлаштиришга йўналтириши керак.

Давлат ижтимоий функцияни янада самарали амалга ошириши учун, хусусан, ижтимоий сиёсатнинг қуйидаги устувор йўналишларига эътибор қаратиши лозим:

- ўз фуқароларининг ижтимоий аҳволи учун жавобгарлигини тан олиш;
- энг кам иш ҳақи, стипендия ва нафақаларни турмуш кечиришнинг ҳақиқий ҳолати қийматига мувофиқлаштириш;
- давлат сектори ходимларига иш ҳақи, пенсия ва стипендияларнинг ўз вақтида тўланишини кафолатлаш;
- оммавий ишсизликнинг олдини олиш, бўшатишган ишчи кучларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

– оила, оналик ва болаликни, фахрийлар ва ногиронларни қўллаб-қувватлаш ва ҳоказо [3, 26-б.].

Шунинг учун ҳозирги вақтда давлат таълим, фан, маданият ва фуқароларнинг соғлиғига оид давлат сиёсатини амалга оширишга катта эътибор қаратмоқда. Ушбу соҳаларда ижтимоий функция таълим, илмий, шунингдек маданий муассасаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш (молиявий, моддий, дастурий таъминот) шаклида амалга оширилади. Уларнинг ишини бошқариш ва ташкил этишга келганда, улар мустақил бўлиб, ўз фаолиятини эркин ва давлат аралашувисиз амалга оширади.

Шундай қилиб, давлат фуқароларнинг турмуш даражасини яхшилаш учун турли чораларни кўрмоқда ва давлатнинг бу ижтимоий функцияси бевосита шахснинг ижтимоий хавфсизлигини таъминлашга, жамиятнинг барча аъзолари учун, маҳсулот ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этиш-этмаслигидан қатъи назар, нормал яшаш шароитларини таъминлашга қаратилган.

Давлат фаолиятида ижтимоий функцияни амалга ошириш етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бу орқали, биринчидан, ҳар бир инсон учун муносиб турмуш шароити яратилиб, фуқароларнинг тинчлиги таъминланади; иккинчидан, ишсизлар, кексалар, ногиронлар, кўп болали оилалар, етим болалар, нотўлиқ оилалардаги болаларга, этник низолар бўлган тақдирда — қочқинлар ва мажбурий кўчирилганларга ижтимоий ҳимоя таъминланади; учинчидан, жамиятда ижтимоий адолат ва ҳамжиҳатлик, шунингдек шахсни ҳимоя қиладиган демократик тизим кучаяди. Давлатнинг ижтимоий соҳадаги самарали фаолияти унинг иқтисодий, сиёсий ва бошқа функциялари муваффақиятли амалга оширилишининг шартларидан биридир.

Давлат ривожланишининг ҳозирги босқичида ижтимоий ҳимояда пул маблағлари, табиий ва руҳий қўллаб-қувватлаш, имтиёз ва хизматлар, эҳтиёжманд фуқароларнинг эҳтиёжларини қондириш, уларнинг ўзини ўзи таъминлаш учун шароит яратишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи бўлиши керак. Мазкур тадбирлар маҳаллий бюджет, шунингдек ижтимоий таъминот тизими томонидан бошқа тегишли манбалар ҳисобидан амалга оширилиши керак. Ижтимоий ҳимояни яхлит ҳолда талқин қилиш зарурати унинг тегишли қонунлар асосида амалга оширилаётгани билан изоҳланади.

Ижтимоий ҳимояни такомиллаштириш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

- ижтимоий ҳимоянинг мақсад ва йўналишларини белгилаш, турлари ва шакллари яхшилаш;

- аҳолининг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоясини ташкил қилиш ва амалга оширишда ҳокимият органларининг мустақиллигини таъминлаш.

Ижтимоий ривожланган фуқаролик жамиятини шакллантириш ижтимоий сиёсатни давлат сиёсатининг устувор тури сифатида белгилашни талаб қиладди. Уни амалга оширишда давлат ва нодавлат муассасалари биргаликда иштирок этиши керак.

Замонавий давлатнинг ижтимоий функциясини ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш таҳлили асосида қуйидаги ривожланиш тамойиллари ажратилиши мумкин:

- ижтимоий ривожланишнинг барча субъектлари, яъни давлат, нодавлат бирлашмалари, тадбиркорлар, фуқароларнинг ижтимоий ривожланиш натижалари учун ўзаро муштарак жавобгарлигига ўтиш;

- давлатнинг компенсация қилиш функциясини фаоллаштириш;

- меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолини суғурта принциплари асосида ижтимоий хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш;

-
-
- ижтимоий сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишда фуқаролар иштирокининг ихтиёрийлиги ва шакллари хилма-хиллигини таъминлаш;
 - бюджетдан ташқари жамғармалар орқали ижтимоий хизматларни молиялаштириш манбаларини кенгайтириш;
 - ижтимоий ҳимоя тизимида нодавлат инфратузилмасини қўллаб-қувватлаш;
 - фуқароларнинг фаровонлигини оширишда (ҳуқуқий, молиявий, иқтисодий ва ташкилий шароитларни яратиш орқали) фаол иштирокини рағбатлантириш.

Замонавий давлатга хос хусусиятлардан бири фуқароларнинг ижтимоий ҳимояланмаган тоифалари бўлган болалар, ногиронлар, қарияларга эътиборнинг кучайишидир. Уларнинг манфаатларини таъминлаш учун давлат имтиёзлари, субсидиялар ва пенсиялар белгиланган.

Ўз навбатида, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларини қўллаб-қувватлаш муаммоси давлатнинг мамлакат иқтисодиётини бошқаришда иштироки билан бевосита боғлиқдир. Гап шундаки, замонавий давлат бозор ҳолатига боғлиқ. Бозор иқтисодиётининг моҳияти товарларнинг эркин алмашуви, хусусий мулкнинг дахлсизлиги ва мулкдорнинг қонуний манфаатларини эътироф этиш, меҳнат ва хусусий тадбиркорлик эркинлигидан иборатдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи бозор қонунларининг асосийси талаб ва таклиф қонунидир. Унга мувофиқ товарлар ва хизматлар нархлари шакллантирилади ва пировардида, мамлакат аҳолисининг турмуш даражаси аниқланади. Айрим товарларга нисбатан талабнинг пасайиши тадбиркорни маҳсулот сифатини яхшилашга, унинг таннархини пасайтиришга, янги, замонавий, юқори талабга эга маҳсулотлар яратиш, фан ва техника тараққиётини қўллаб-қувватлашга мажбур қилади.

Шундай қилиб, замонавий ижтимоий давлат — бутун жамиятнинг нормал ҳаёти ва ривожланишини ташкил этишга, унда яшовчи барча фуқаролар ва халқларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган институт, давлат ичида ҳам, унинг ташқарисида ҳам низоларни ҳал қилиш воситасидир. Таъкидлаш жоизки, давлат жазолаш ва тақиб этиш функцияларини бутунлай йўқотмайди, балки уларни фақат фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузиладиган ҳолларда, тор доирада, аҳолининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида қўллайди.

Фойдаланилган адабиётлар / Использованная литература

1. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2017. — № 6. — 70-модда.
2. Глухарева Л. И. Современные проблемы теории прав человека. — М., 2004.
3. Королев С.В. Конституционно-правовое регулирование бюджетного федерализма: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. — М., 2005.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ

Аннотация. Мақолада тараққий этган демократик мамлакатлар мисолида фуқаролик жамиятида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари, шунингдек ёшлар масаласи давлат ва жамият ривожининг муҳим омили ҳисобланадиган Ўзбекистонда ёшлар ташкилотларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари ва истиқболлари таҳлил қилинган. Тизимли ва қиёсий таҳлил асосида ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги камчилик ва муаммолар аниқланган, ёшлар билан ишлашда иштирок этадиган фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш бўйича илмий тавсиялар шакллантирилган.

Таянч сўзлар: фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, «учинчи сектор», жамоат ташкилотлари, фондлар.

НОВЫЙ УЗБЕКИСТАН: ГОСУДАРСТВЕННАЯ МОЛОДЁЖНАЯ ПОЛИТИКА И ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ИНСТИТУТОВ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА

Аннотация. В статье на примере развитых демократических стран анализируются основы государственной молодежной политики в гражданском обществе, а также основные тенденции формирования и перспективы молодежных организаций в Узбекистане, где молодежная политика рассматривается как важный фактор развития государства и общества. На основе системного и сравнительного анализа выявлены недостатки и проблемы в сфере государственной молодежной политики, сформированы научные рекомендации по дальнейшему развитию институтов гражданского общества, участвующих в работе с молодёжью.

Ключевые слова: гражданское общество, «третий сектор», негосударственные некоммерческие организации, общественные организации, фонды.

NEW UZBEKISTAN: STATE YOUTH POLICY AND ACTIVITIES OF CIVIL SOCIETY INSTITUTIONS

Annotation. The article deals with the state youth policy in the development of civil society. The main directions and perspectives of formation of youth organizations are presented on the example of developed democratic states. The issue of youth in Uzbekistan is an important factor in the development of state and society. On the basis of systematic and comparative analysis, deficiencies and problems in the field of the state youth policy in the Republic of Uzbekistan are revealed. The conclusion of the article summarizes the scientific recommendations for the development of civil society institutions working with young people

Keywords: civil society, the «third sector», non-governmental non-profit organizations, public organizations, foundations.

Ҳозирги кунда дунё миқёсида кечаётган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнларнинг интеграциялашуви, жаҳоннинг бир бурчагида пайдо бўлган ғоялар, янгиликлар ҳамда ижтимоий қарашларнинг бошқа ҳудудларга тезкорлик билан ёйилишини халқаро глобаллашувнинг ажралмас феномени сифатида таъкидлашимиз мумкин. Мазкур ижтимоий жараёнларда ҳаракатлантирувчи куч сифатида **ёшлар** қатламининг ўрни ва роли бекиёсдир.


Ёшлар — жамиятнинг алоҳида мақомга эга бўлган ижтимоий-биологик гуруҳи. Айрим тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, ёшлар қатлами жамият томонидан ҳар

* Салаев Дилишод Жуманазарович, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети докторанти (PhD).

томонлама қўллаб-қувватланувчи, алоҳида имтиёзларга эга, лекин айрим ижтимоий муносабатларда фаол ҳаракати чекланган инсонлар социумидир [1]. Ёшлар — ҳар бир суверен давлатнинг стратегик салоҳияти ҳисобланади. Мамлакатнинг демократик тараққиёти, энг аввало, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги позицияси, уларнинг эртанги кунга ишончи ва ижтимоий фаоллиги билан ўлчанади. Шу ва бошқа омиллар сабабли эндиликда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланиб улгурди.

Ўзбекистонда ҳам ёшлар масаласига давлат ва жамият ривожининг муҳим омили сифатида қаралади ҳамда ҳукукий-демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти шакллантирилиши жараёнида ёшларга ўзига хос ўрин ажратилган. Маълумки, жамиятимизнинг кўпчилик қисмини айнан 30 ёшгача бўлган ёшлар қатлами ташкил этади. Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги 2016 йил 14 сентябрь қонуни ва бошқа бир қанча норматив-ҳукукий ҳужжатлар айнан ёшларга қаратилган бўлиб, давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда уларни жамиятнинг ижтимоий модернизациясига жалб қилиш бўйича асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон аҳолисининг ёш таркиби қуйидаги чизмада келтирилган[2]



Ўзбекистон Марказий Осиёда жойлашган аҳолиси энг зич республика бўлиб, улкан инсон ресурсларига эга. Мамлакат аҳолисининг деярли учдан бир қисмини 18 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар, 24 фоизини эса 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этади. Шу боис ҳозирги кунда мамлакатда ёшларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Сўнгги уч йил давомида мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ёшларга оид давлат сиёсати доирасида ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор амалий чора-тадбирлар белгиланди. Хусусан, учта қонун ҳамда давлат раҳбари ва ҳукуматнинг ўндан зиёд фармон, қарор ва фармойишлари қабул қилинди.

2017 йил 30 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти иштирокида «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойи бўлиб ўтди. Унда ушбу тузилмани Ўзбекистон ёшлар иттифоқи сифатида қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди ҳамда ушбу сана Ёшлар куни сифатида кенг нишонланадиган бўлди.

Қайта ташкил этилган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятининг асосий

йўналишлари сифатида ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш йигит-қизларнинг замонавий касб эгалари бўлиб етишишлари учун муносиб шароитлар яратиш, бандликни таъминлаш, қобилиятларини ривожлантириш, уларни тадбиркорликка кенг жалб этиш ҳамда ташаббусларини рағбатлантириш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятларини рўёбга чиқаришда кўмаклашиш, ёш оилалар, ногиронлиги бўлган ва ижтимоий ҳимояга мухтож ёшларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш бўйича мақсадли ишларни амалга ошириш, улар учун муносиб уй-жой ва бошқа ижтимоий шароитлар яратиш каби вазифалар белгиланган эди [3].

Ҳаракатлар стратегияси доирасида ҳудудларда ёш тадбиркорлар кластерлари пайдо бўлди, ёш оилаларга мўлжалланган уй-жойлар тез суръатларда куриб битказилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошида Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ташкил этилди. Шунингдек, 2020 йил 30 июнда «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора тадбирлари тўғрисида» Президент фармони қабул қилинди. Унга кўра, Ёшлар ишлари агантлиги ва унинг ҳудудий бўлимлари ташкил этилди. Шу билан бирга, ушбу фармонда агентликнинг ёшлар билан боғлиқ соҳа ва йўналишларда ягона давлат сиёсати, стратегик йўналишлар ва давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш каби асосий вазифаси ва фаолият йўналишлари белгилаб қўйилди. Янги босқичга чиққан ёшларга оид давлат сиёсати долзарблиги боис Бош вазир раислигида ёшлар масалалари бўйича идоралараро кенгашлар иш бошлади. Жойларда ушбу масалага маҳаллий ҳокимлар масъул этиб белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ёшлар масалалари бўйича комиссия ташкил этилди.

Бу соҳада кўплаб ишлар амалга оширилишига қарамай, ҳозирги кунда жойларда ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш, салоҳиятини рўёбга чиқариш, шу жумладан ёшлар тадбиркорлигини комплекс ривожлантириш учун зарур инфратузилма йўқлиги, йигит-қизларнинг соғлом турмуш тарзига риоя этиш, спорт билан шуғулланиш, китоб ўқиш ва ижод қилиш, қисқача айтганда, жамиятга наф келтирувчи ишларни амалга оширишларида тўсқинлик қилувчи тизимли муаммолар хануз сақланиб қолмоқда.

Энг долзарб масала — ёшларнинг иш билан бандлиги. Меҳнат вазирлиги маълумотларига кўра, ҳар йили 500 мингга яқин ёшлар меҳнат бозорига кириб келади. Улар етарли тажриба ва билимга эга бўлмаганликлари сабабли иш топиш ҳамда рақобат қилишда қийинчиликларга учрайдилар. 2018 йил июль ойида ёшлар билан манзилли ва тизимли ишлаш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари томонидан 1700 дан зиёд ярмаркалар ўтказилганига қарамай, иштирокчиларнинг атиги беш фоизи иш билан таъминлангани, 509 минг нафар ёшлар эса пул ишлаш учун хорижга кетгани танқид қилинди [3].

Ёшлар сиёсатининг амалга оширилишидаги муаммо ва камчиликларни, «Ўзбекистон ёшлари: интилиш, эҳтиёж ва хавфлар» мавзусидаги тадқиқот натижалари ҳам кўрсатди. Тадқиқот «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати ва ЮНИСЕФ ташкилоти билан ҳамкорликда «Ёшлар — Ўзбекистоннинг келгуси етакчилари» лойиҳаси доирасида ўтказилди. Унда 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган 4,5 минг нафар йигит-қиз иштирок этди.

Респондентларнинг деярли ярми ижтимоий ҳимоя, бандлик, айниқса ногиронлиги бўлган ёшларни иш билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш, таълим, ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш каби соҳалар яхшиланишига мухтожлигини таъкидладилар. Шунга қарамай, иштирокчиларнинг деярли 70 фоизи ҳар қандай шароитда ҳам Ўзбекистонни тарк этишни истамаётганликларини билдиришган. Бироқ, айтилган вақтда, ёшлар ўзлари учун муносиб иш топишда қийинчиликларга дуч келаётганликларини маълум қилишган [3].

Бандлик муаммоси, ўз навбатида, ёшларнинг бузғунчи кучлар таъсирига тушиб қолиши хавфини ҳамда ноқонуний миграция оқимини оширади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги Фармонида мувофиқ амалга оширилаётган «Ёшлар — келажагимиз» давлат дастури ёшларнинг ишбилармонлик ташаббусларини, стартап лойиҳалари, ғоя ва таклифларини қўллаб-қувватлаш, уларга меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларни ўргатиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини оширишга қаратилган эди. Ушбу мақсадда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳузурида «Ёшлар — келажагимиз» жамғармаси, унинг туман ва шаҳар филиаллари ташкил этилди. Шу кунга қадар ўз бизнесини бошлаш истагида бўлган ёшларга умумий миқдори 692 400 миллион сўм бўлган имтиёзли кредитлар тақдим этилди. 25 мингга яқин иш ўринлари ташкил этилди, республика бўйича 125 та ёшлар бандлиги марказлари — «Ёшлар меҳнат гузарлари», 19 та «Ёш тадбиркорлар» коворкинг-марказлари фойдаланишга топширилди [4]. Шунга қарамай, ёш авлод вакилларининг қатор масалалари, шу жумладан имтиёзли кредит бериш тартиб-таомилларининг шаффоф эмаслиги бўйича саволлар очик қолмоқда.

Президентимизнинг Ёшлар куни муносабати билан йўллаган табригида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат идоралари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлик қилишдаги муҳим жамоат тузилмасига айлангани таъкидланди. Шу билан бирга, давлат раҳбари Ёшлар иттифоқининг биринчи йилдаги фаолиятига яқин ясаб, ташкилот ҳали-ҳануз дабдабали тадбирлар ўтказиш, кампаниябозликка берилишдек яроқсиз иш усулидан бутунлай қутула олмаганини таъкидлаган эди [5].

2019 йилнинг март ойида ёшлар масаласига бағишланган кенгайтирилган йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан ёшларимизга бўлган эътиборни янада кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ёшларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, юртимиз ёшлари ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини оширишга қаратилган «беш ташаббус» илгари сурилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус

- 1** Ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилади
- 2** Ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қobiliятини намоён қилишлар учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган
- 3** Аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган
- 4** Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган
- 5** Хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини назарда тутди

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсатини янада кучайтириш, шу жумладан, давлат раҳбарининг беш ташаббусини амалга ошириш, ёшларни тарбиялаш ва таълим олишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

– Ўзбекистоннинг ёшлар масалалари бўйича халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш мақсадида ёшлар сиёсатига масъул бўлган ташкилотларнинг объектив статистик ва таҳлилий маълумотларини рейтинг шакллантирувчи халқаро агентликларга тақдим этиб бориш. Масалан, ёшларнинг яшаш сифати бўйича тузиладиган «Youth Progress Index 2017» [6]. Ёшлар тараққиёт индексининг 2017 йилги натижаларига кўра: Норвегия, Финляндия, Дания мамлакатлари кучли учликда қайд этилган. Ушбу рейтингда Қозоғистон — 63-ўринни, Қирғизистон — 58, Россия — 65-ўринни эгаллаган бўлиб, унда Ўзбекистон қайд этилмаган. Иккинчи рейтинг — «The 2017 Youth Wellbeing Index» [7] Ёшлар фаровонлиги индекси. Ушбу индекс ёшлар фаолиятини фуқаролик иштироки, иқтисодий имкониятлар, таълим, соғлиқни сақлаш, ахборот-коммуникация технологиялари, хавфсизлик ва ҳимояланганлик каби мезонлар асосида баҳолайди. Ўзбекистон бу рўйхатга ҳам киритилмаган;

– Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш дастурларини рағбатлантириш, уларга бошқа ёшлар ташкилотларини ҳам жалб қилиш ва иштирокига кўмаклашиш. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 9 мингдан ортиқ ННТ фаолият юритмоқда, уларнинг 7 фоизга яқини ёшлар ва болалар манфаатларини кўзда тутди. Улар мамлакатнинг 30 ёшгача бўлган барча фуқароларини қамраб олиш имконига эга эмаслар, маънавий, маданий, интеллектуал эҳтиёжларини қондира олмайдилар. Масалан, Германия, Франция, Финляндияда ўнлаб йирик ёшлар ташкилотлари ва иттифоқлари мавжуд бўлиб, улар орқали мамлакат ёшларининг қарийб тўртдан бир қисми ўз ихтиёри билан аъзоликка олинган. Ёшлар ва болаларни қўллаб-қувватлашда, шунингдек иқтисодий ва меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот, таълим ва фан, ташқи ишлар, ички ишлар, адлия, иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш каби соҳа вазирликлари ҳам иштирок этади;

– Ўзбекистон ёшлар иттифоқи каторида бошқа ёшлар бирлашмаларига ҳам имтиёз ва рағбатлантиришлар тақдим этиш, шу жумладан ижтимоий аҳамиятга эга ёшлар лойиҳалари ва ташаббусларини илгари суришда молиявий қўллаб-қувватлаш зарурати мавжуд;

– ёшлар билан ишлаш учун ажратилган бюджет маблағлари шаффофлигини таъминлаш, шу жумладан, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва унинг ҳудудий кенгашларининг расмий веб-сайтларида даврий (чораклик ёки йиллик) ҳисоботларни эълон қилиб бориш.

Шу билан бирга, бугунги глобаллашган дунё ва ахборот технологиялари асрида ёшларнинг ижтимоий қарашлари, ижтимоий муаммолари ҳам барқарор тамойил асосида ўзгариб бормоқда. XXI асрга хос хусусият сифатида бошланган компьютерлаштириш жараёнлари, Интернет ва ижтимоий тармоқларнинг ривожига ёшлар ўртасида том маънодаги **виртуал ижтимоий муносабатлар** тизимини шакллантирди. Буни реал воқелик сифатида эътироф этган ҳолда, мазкур жараёнлар ёшлар социумида салбий ижтимоий омилларни ҳам келтириб чиқараётганини эътироф этиш лозим.

БМТнинг Халқаро электрон уюшмаси маълумотларига кўра, ҳозирги кунда бутунжаҳон Интернет тармоғидан ер шарининг 3,2 млрд аҳолиси кенг миқёсда фойдаланиб келади [8]. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ҳисоботида республикада Интернет тизимидан фойдаланувчилар сони 13 миллиондан, мобиль алоқа операторлари сони эса 20,8 миллиондан ошганлиги ҳақида маълумот берилади [9]. Шунинг таъкидлаш жоизки, бутун дунёда бўлгани

каби, юртимизда ҳам Интернет ва ижтимоий тармоқларнинг асосий фойданувчилари ёшлардир.

Шундан келиб чикиб, табиий равишда бир қанча саволлар пайдо бўлади: *Хўш, бугун ёшлар ҳаётида интернет қандай роль ўйнайди? Ёшлар учун реал алоқалардан кўра виртуал алоқалар қанчалик аҳамиятга эга? Бугунги ёшлар интернет тармоғида нималар билан машғул?* Шу ва бошқа бир қанча саволлар бугун ёшлар билан ишлайдиган мутахассислар ва ташкилотлар олдида турган муҳим муаммо ҳисобланади.

Тўғри, Интернет мамлакатда шаклланаётган замонавий иқтисодиёт, илм-фан тараққиёти ва маданий алоқаларнинг ривожини учун жуда катта ижобий таъсирга эга. Виртуал тармоқ нафақат ижтимоий-маданий ҳаётимизни, балки сиёсий-ҳукуқий соҳаларни ҳам қамраб олмоқда. Мамлакатимизда қабул қилинаётган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиклиги тўғрисида»ги, «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунлар Ўзбекистонда кечаётган сиёсий модернизация жараёнлари ҳамда «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» концепциясининг ҳаётга самарали жорий этилиши билан узвийдир.

Шу билан бирга, ёшларимизда интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантириб бориш лозим. Бу жараёнда эса мамлакатимизда ёшларнинг ижтимоий муносабатлар тизимини доимий равишда мониторинг қилиб бориш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни ижтимоий фойдали ишларга жалб қилиш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларга шахсий ва касбий ривожланишида кўмаклашувчи турли ижтимоий-психологик, ҳукуқий, ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш, турли функцияларни бажарувчи ижтимоий хизматлар марказларини шакллантириш ва Ўзбекистон ёшларига ХХІ асрга хос янги инновацион билимлар бериш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар / Исползованная литература

1. Философская энциклопедия. — М., 1969.
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари. — URL: <http://www.stat.uz>
3. Ёшларга оид давлат сиёсати: ёшларнинг фикрини инобатга олган ҳолда, мажбурий аъзоликсиз ва соҳа харажатлари ошқоралигини таъминлаб. — URL: https://yumh.uz/uz/news_detail/93 (10.08.2019)
4. «Ёшлар келажагимиз» жамғармаси фаолиятига оид. — URL: www.yi.uz — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи. (14.08.2019)
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ёшларига байрам табриги. 2018 йил 30 июнь. — URL: <http://uza.uz/uz/politics/zbekiston-yeshlariga-bayram-tabrigi-30-06-2018>
6. Youth Progress Index. — URL: <http://www.youthforum.org/youth-progress-index> (21.09.2019 й.)
7. The Global Youth Wellbeing Index. — URL: <https://www.youthindex.org/> (22.09.2019 й.)
8. Международный союз электросвязи. — URL: www.itu.int/newsroom (05.10.2019 й.)
9. Количество интернет-пользователей в Узбекистане растёт. — URL: <https://www.gazeta.uz/ru/2016/09/20/subscribers> (08.10.2019 й.)

Ў. Х. Мухамедов*

ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ХУДУДЛАР ТАЖРИБАСИНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация. Мақолада жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ҳудудлар тажрибасининг жорий этилиши ёритилган. Хусусан, муаллиф ҳуқуқ-тартиботни сақлаш бўйича ҳудудларнинг ўзига хос тажрибалари сифатида Андижон вилоятида — «Намунали ҳудуд», Хоразм вилоятида — жамоатчилик назорати масканлари, Бухоро вилоятида — «Хотин-қизлар билан ишлаш», Фарғона вилоятида — «Ёшлар билан ишлаш», Бўка туманида — «Президентнинг бешта ташаббуси» концепцияларини таҳлил қилган.

Таянч сўзлар: жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳудудлар тажрибаси, намунали ҳудуд, хотин-қизлар билан ишлаш, ёшлар билан ишлаш, Президентнинг бешта ташаббуси, жамоатчилик назорати масканлари.

ПЕРСПЕКТИВЫ ПРИМЕНЕНИЯ ТЕРРИТОРИАЛЬНОГО ОПЫТА ПО ОХРАНЕ ОБЩЕСТВЕННОГО ПОРЯДКА, ПРОФИЛАКТИКЕ ПРАВОНАРУШЕНИЙ И БОРЬБЕ С ПРЕСТУПНОСТЬЮ

Аннотация. В статье отражены перспективы применения территориального опыта по охране общественного порядка, профилактике правонарушений и борьбе с преступностью. В частности, автором в качестве особой практики территорий по охране правопорядка проанализированы следующие концепции: в Андижанской области — «Образцовая территория», в Хорезмской области — пункты общественного надзора, в Бухарской области — «Работа с женщинами», в Ферганской области — «Работа с молодежью», в Букинском районе — «Пять инициатив Президента».

Ключевые слова: охрана общественного порядка, профилактика правонарушений, борьба с преступностью, опыт территорий, образцовая территория, работа с женщинами, работа с молодежью, пять инициатив Президента, пункты общественного надзора.

PROSPECTS OF APPLICATION OF TERRITORIAL EXPERIENCE ON PROTECTION OF PUBLIC ORDER, PREVENTION OF OFFENSES AND COMBATING CRIME

Annotation. The article reflects the prospects for the application of territorial experience in the protection of public order, crime prevention and crime control. In particular, the author analyzes the following concepts as a special practice of the territories for the protection of law and order: in the Andijan region — «Model territory», in the Khorezm region — points of public supervision, in the Bukhara region — «Working with women», in the Fergana region — «Working with youth», in the Buka district — «Five initiatives of the President».

Keywords: maintenance of public order, crime prevention, crime control, experience of territories, exemplary territory, work with women, work with youth, five initiatives of the President, points of public supervision.

* Мухамедов Ўткир Хазраткулович, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси бошлигининг ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор.

Республикамиздаги ҳар бир ҳудуд ўзининг баъзи жиҳатлари (ҳудудий-географик жойлашуви, иқтисодиёти, аҳолисининг таркиби, машғулоти, урф-одатлари, ижтимоий қадриятлари, криминоген вазият, ҳуқуқбузарликларнинг сифат ва миқдор кўрсаткичлари ҳамда динамикаси ва бошқалар) билан бошқа ҳудудлардан маълум даражада фарқ қилади. Ҷамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда ана шу фарқли жиҳатларни инобатга олиш ижобий натижалар беради.

Ҷамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ҳар бир ҳудуднинг ўз тажрибаси бўлиши лозимлиги тўғрисидаги ғоянинг муаллифи Президент Шавкат Мирзиёев ўз маърузаларидан бирида шундай деган эди: «Одамлар тинч яшаши учун бутун мамлакатимизда жиноятдан холи муҳит яратишимиз шарт. Биз Ички ишлар вазирлиги тизимида ваколат ва функцияларни қуйи бўғинга тушириб, уни чинакам халқчил тизимга айлантиришимиз зарур. Бу борада илмий ёндашув ва илғор ахборот-коммуникация технологияларини жадал жорий этамиз. Ҳар бир жиноят ёки ҳуқуқбузарликнинг барвақт олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича ҳар қайси ҳудуд ўз тажрибасини яратиши керак» [1].

Ҳозирги кунда республикамизнинг турли вилоятларида ҷамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича муайян тажрибалар яратилди. Мақолада уларнинг айримларини кўриб чиқамиз.

1. «Пойтахт тажрибаси». Тошкент шаҳрида ҷамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизими яратилди.

Маълумки, пойтахт мақомига эга шаҳарлар мамлакатнинг ташриф қоғози ҳисобланади. Ҳар бир давлатда амалга ошириладиган ислохотлар ва уларнинг натижалари, аввало, пойтахтдаги ўзгаришларга қараб баҳоланади. Шу билан бирга, пойтахт ўзининг ҳуқуқий мақоми билан сиёсий, иқтисодий ҳамда маданий муносабатларда муҳим ўрин тутди. Бундан ташқари, турли омилларга кўра пойтахтда ҷамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг ўзига хос тизимини яратиш талаб этилади. Буни ривожланган давлатлар тажрибасидан ҳам кўрса бўлади.

Ички миграция оқимининг асосан пойтахтга йўналганлиги, шунингдек пойтахт нафақат маъмурий, балки маданий-маърифий ҳамда иқтисодий ва молиявий марказ хусусиятига ҳам эгаллиги, қолаверса, кенг сайёҳлик имкониятларига эгаллиги пойтахтда ҳуқуқ-тартиботни сақлашда инобатга олиниши лозим бўлган муҳим омиллар сирасига киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида ҷамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги ПҚ-3528-сон (2018.14.02) ҳамда «Тошкент шаҳрида ҷамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3786-сон (2018.19.07) қарорлари

қабул қилиниши муносабати билан пойтахтда яқдилликда жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан ўзига хос янги тизими жорий этилди.

Буни қуйидагиларда кўриш мумкин:

Тошкент шаҳридаги туман ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) негизида туманларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар ҳудудлари доирасида куч ва воситаларни мақсадли тақсимлаган ҳолда ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармалари ташкил этилди.

2018 йил 1 июлдан Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимига қуйидагиларни назарда тутадиган «Хавфсиз пойтахт» концепциясини эксперимент тариқасида жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқулланди:

соат 16:00 дан 8:00 га қадар вақт оралиғида ички ишлар органлари, Миллий гвардия саф бўлинмалари жамоат тартибини таъминлаш кучларининг камида 70 фоизини, шунингдек жамоатчилик вакиллари жабб қилиш орқали куну тун уч сменали патруль режимини ташкил этиш;

ички ишлар ва прокуратура органларининг профилактика, тезкор ва тергов бўлинмалари, маъмурий судлар, адвокатура, шунингдек суд-тиббий экспертиза хизматлари ходимлари томонидан сутканинг кечки ва тунги вақтида хизмат фаолиятини тўлиқ амалга ошириш, кейинчалик сутканинг кундузги вақтида 16 соат давомида уларни бевосита хизмат вазифаларини бажаришдан озод этиш;

ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олдини олиш ва уларга чек қўйиш мақсадида ички ишлар органлари бўлинмалари, биринчи навбатда, жамоат тартибини таъминлаш кучларининг патруль гуруҳлари ходиса содир бўлган ёки сигнал берилган жойга максимал тезкорлик билан етиб боришини таъминлаш.

Қуйидаги тартиблар жорий этилди:

патруллик қилиш учун бириктирилган ҳудудда жамоат тартибини бузиш ҳолатлари мавжуд эмаслиги, уларнинг ўз вақтида олди олиниши ва уларга чек қўйилиши сутканинг кечки ва тунги вақтида хизмат олиб бораётган жамоат тартибини таъминлаш кучлари фаолиятини баҳолашнинг энг муҳим мезонлари ҳисобланиши;


сутканинг кечки ва тунги вақтидаги фаолият жамоат тартибини таъминлаш кучларининг ва жалб этилган давлат органлари бўлинмалари шахсий таркибининг яқин ҳамкорлигида ташкил этилиши;

жамоат тартибини таъминлаш кучлари томонидан сутканинг кечки ва тунги вақтида автомобилларда патруллик қилиш аралаш тартибда, яъни ҳам автомобилларда, ҳам пиёда амалга оширилиши;

сутканинг кечки ва тунги вақтида хизмат олиб боришга жалб этилган жамоат тартибини таъминлаш кучлари ва давлат органлари шахсий таркибининг фаолияти даврий равишда сутканинг кундузги вақтидаги иш билан алмаштириб турилиши;

концепцияни амалга ошириш доирасида жамоат тартибини таъминлаш кучларини мувофиқлаштириш ва алоқа мобиль марказларининг фаолият юритиши амалиёти жорий этилди ва улар ички ишлар бўлимлари хизмат кўрсатиш ҳудудларига бириктирилди.

Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича хизматининг узлуксиз куну тун режимини ташкил этиш СХЕМАСИ



Юқоридаги ислохотлар тез фурсатда ижобий натижалар берди. Масалан, биргина 2018 йилда кўча ва жамоат жойларига, объект ва хонадонларга жами 30 мингдан ортиқ видеокузатув мосламалари ўрнатилиб, ички ишлар бўлиmlарига интеграция қилиниши натижасида очилган 743 та ўғрилиқнинг 248 таси (33,5 %) бевосита камералар ёрдамида фош этилишига эришилди, Тошкент шаҳрида жиноятчилик қарийб 50 фоизга (14030 тадан 7148 тага), шунингдек жиноят қидирув соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар 9749 дан 4969 тага (49 % га) камайди, фош этилиш даражаси 1,2 фоизга яхшиланди.

Биргина 2019 йилнинг 6 ойида Тошкент шаҳрида умумий жиноятчилик 18,7 фоизга (3469 тадан 2820 тагача), жиноят қидирув йўналиши бўйича 30,4 фоизга (2544 тадан 1770 тагача), кўча ва жамоат жойларида 41,7 фоизга (412 тадан 240 тагача) камайишига эришилди.

2. «Тошкент вилояти тажрибаси». Тошкент вилоятида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари куч ва воситаларини бошқаришнинг сифат жиҳатдан янги тизими яратилди.


Пойтахтга энг яқин Тошкент вилоятида жамоат хавфсизлигини таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти алоҳида аҳамият касб этиб, ундаги криминоген вазиятнинг хусусиятига қуйидаги омиллар таъсир кўрсата бошлади: бир-

биридан анча олисда ва тарқоқ ҳолда жойлашган 7 та шаҳар ва 15 та туманни қамраб олган вилоят маъмурий-ҳудудий тузилишининг мураккаблиги; бир вақтнинг ўзида ҳудудида чегараолди ҳудудлар, тоғли участкалар, туристик, кишлок ҳўжалиги ва йирик ишлаб чиқариш объектлари мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда вилоят географик жойлашувининг ўзига хослиги; Тошкент шаҳрига барча кириш ва чиқиш йўлларининг вилоят ҳудудидан ўтиши, республиканинг бошқа ҳудудларидан, айниқса пойтахтдан келадиган аҳоли оммавий дам оладиган жойлар мавжудлиги.

Тошкент вилоятида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатдан янги босқичига ўтиш, шунингдек ички ишлар органлари куч ва воситаларини назорат қилиш ва бошқаришнинг самарали тизимини жорий этиш мақсадида 2019 йил 29 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуйидаги тартибларни назарда тутувчи ПҚ-4343-сон қарори қабул қилинди:

2019 йил 20 июндан бошлаб: а) куч ва воситаларни аҳолига бевосита яқин ҳудудларда янада самарали жойлаштириш мақсадида вилоят ва туман (шаҳар) даражасидаги ички ишлар органларининг тузилмаларини янада мақбуллаштириш; б) вилоят туман (шаҳар)ларини ички ишлар органлари куч ва воситаларининг тўртта минтақавий бошқариш ҳудуди бўйича тақсимлаш; в) ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва ўз вақтида бартараф этиш мақсадида ички ишлар органлари бўлинмаларининг тезкорлигини ошириш ва максимал даражадаги ҳаракатчанлигини таъминлаш.

Тошкент вилояти ички ишлар органлари куч ва воситаларини минтақавий бошқариш ҳудудларининг тақсимоти



Тошкент вилоятида жорий этилган тартиб-қоидалар қуйидаги ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Унга кўра:

минтақалар ички ишлар органлари фаолиятини кундалик назорат қилиш ва мувофиқлаштиришни ташкил этиш Бош бошқарма бошлиғининг вакиллари (минтақавий ҳудудлар раҳбарлари) томонидан амалга оширилади;

минтақавий ҳудудлар раҳбарларининг фаолиятини таъминлаш учун штаб сифатида Бош бошқарманинг тегишлича минтақавий марказлардаги ички ишлар органлари биноларида бевосита жойлашадиган минтақавий мувофиқлаштириш марказлари ташкил этилди;

патруль-пост ва йўл-патруль хизматларининг саф бўлинмалари кундалик хизматни уларнинг ҳудудларида ўташ учун бевосита минтақалар бўйича тақсимланди;

туман (шаҳар) ички ишлар органларининг кинология бўлинмалари уларга юклатилган вазифаларни бажаришни ҳудудлараро принцип бўйича ташкил этиш учун минтақавий ҳудудлар раҳбарларининг бўйсунувига ўтказилди.

Минтақавий мувофиқлаштириш марказлари криминоген вазиятнинг таҳлили асосида ҳар чоракда туман (шаҳар)лар кесимида бириктирилган бўлинмаларнинг иш самарадорлигини ошириш бўйича батафсил «йўл харита»лари ишлаб чиқиб, уларнинг натижалари бўйича Бош бошқарма бошлиғига ҳар 10 кунда ахборот берадиган бўлди.

Умуман олганда, қарор ижроси доирасида Тошкент вилоятида жамоат тартиби ва ҳавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашнинг ўзига хос самарали тизими яратилди.

3. Наманган шаҳри «Орзу» маҳалласининг иш тажрибаси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 7–8 июль кунлари Наманган вилоятига ташрифи давомида Наманган шаҳридаги «Орзу» маҳалласининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича иш тажрибаси билан танишган эди. Бунда ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг ўзига хос фаолияти алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, профилактика инспекторининг маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликдаги кунлик иш фаолияти тизими белгиланган. Унинг маҳалла ҳудудида иш олиб бориш тартиби етти қисмга бўлинади. Хусусан:

08:00 га қадар — ҳудудий ички ишлар органи навбатчилик қисми билан алоқа воситаси (телефон, рация ва бошқа) орқали маълумотлар алмашиш, хизматолди йўриқномасида иштирок этиш;

08:00 дан 10:00 га қадар — ўзига бириктирилган маъмурий ҳудудда жойлашган таълим муассасалари (мактаб, лицей, касб-ҳунар коллежи)да «Давомат» тадбирларини ташкил этиш, ўқувчиларнинг дарсларга тўлиқ қатнашишини таъминлаш;

10:00 дан 16:00 га қадар — маҳаллада оила-турмуш, одоб-ахлоқ доирасидаги ҳуқуқбузарликларни содир этган ҳамда ички ишлар, маҳалла ва соғлиқни сақлаш муассасалари ҳисобида турган бошқа шахсларнинг хонадонларига бориб, у ердаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш чораларини кўриш;

16:00 дан 17:00 га қадар — жиноятларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни ўрганиш, келгусида жиноятлар содир этилишига йўл қўймаслик мақсадида ижтимоий аҳамияти катта бўлган суд муҳокамалари бўйича сайёр суд мажлислари ўтказилишини ташкил қилиш;

17:00 дан 20:00 га қадар — жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилиш, уларнинг мурожаатларини ўрганиш, маҳалладаги ижтимоий-маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатларни бартараф этишга қаратилган йиғилишлар, фуқароларнинг ҳуқуқий онгини оширишга қаратилган тарғибот тадбирларини ташкил этиш;

20:00 дан 22:00 га қадар — кун давомида маҳалла тизимида ҳамкорликда амалга оширилган ишлар якуни бўйича таҳлилий маълумотлар, ахборотномалар тайёрлаш, келгуси кун тадбирини режалаштириш ва тегишли чора-тадбирларни белгилаш;

22:00дан 08:00га қадар — «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари ва аъзолари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирокида тунги кузатув гуруҳларини тузиш, уларнинг ишини ташкил этиш ва назорат қилиш. Жамоатчилик назорати масканлари ишини текшириш, ташкил этиш ва назорат қилиш.

Ўтказилган тадбирлар натижасида биргина 2019 йилнинг ўзида республикамиз маҳаллаларининг **3074 тасида** жиноят содир этилишига умуман йўл қўйилмади, **2856 тасида (31,3 % ида)** жиноятлар сони камайишига эришилди.

4. Хоразм вилоятидаги жамоатчилик назорати масканларининг фаолияти тажрибаси.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда кенг жамоатчиликнинг иштирок этиши муҳим амалий натижалар бўлишини кафолатлайди. Гап шундаки, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш расман давлат органларининг функцияларига кирса-да, бу борадаги вазифаларни самарали бажаришда кенг жамоатчиликнинг иштироки сув билан ҳаводек зарур. Шунинг учун ҳам Конституциямизнинг 121-моддасида қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ёрдам беришлари мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Дастлаб Хоразм вилоятида жорий этилган жамоатчилик назорати масканлари кейинчалик ҳукуматнинг махсус қарори билан бутун республика ҳудудида ташкил этилди ва фаолияти йўлга қўйилди [2].

Жамоатчилик назорати масканлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида фуқароларнинг фаоллигини ошириш, ҳудудда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш борасидаги ишларни тизимли ташкил этиш ҳамда тинчлик, осойишталик, хавфсизликни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг мулкига бўлган тажовузларнинг олдини олиш мақсадида ташкил этилади.

Жамоатчилик назорати масканида ҳар куни икки нафар фуқаронинг соат 20:00 дан 06:00 га қадар навбатчилик қилиши тунда содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олди олинишига хизмат қилмоқда.

Навбатчилик ўтаётган фуқаролар куйидаги вазифаларни бажаришади: белгиланган жадвалда кўрсатилган вақтларда жамоатчилик назоратини амалга ошириш; ҳудудга соат 20:00 дан 06:00 га қадар кириб-чиқаётган шахслар, транспорт воситалари ҳамда транспорт воситасидаги шахсларга оид маълумотларни қайд этиш; навбатчиликдан сўнг амалга оширган ишлари юзасидан фуқаролар йиғини раиси ёки профилактика инспекторининг ёрдамчисига ахборот бериш; шубҳали кўринган шахс ва ҳолатлар юзасидан — ички ишлар органлари ва бошқа махсус (газ, электр энергияси таъминоти каби) хизматларга, ҳуқуқбузарлик аломатлари бўлган ҳолатлар бўйича эса ички ишлар органлари навбатчилик қисмларига ва ҳудуддаги ички ишлар органи таянч пункти профилактика инспекторига зудлик билан хабар бериш.

5. Андижон вилоятининг «намунали ҳудуд» тажрибаси.

Андижон шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш мақсадида замонавий мобиль постлар ҳамда шошилиш чакирув қурилмалари ўрнатиш жорий этилди.

Мобиль постлар шаҳарнинг аҳоли гавжум жойларига ўрнатилиб, компьютер техникаси, радио ва телефон алоқаси, видеоназорат қурилмалари ва бошқа зарур ускуналар билан таъминланди.

Андижон шаҳрида жамоат тартибини сақлашда ҳудудни кузатиб бориш орқали тегишли ташкилотларга тезкорлик билан хабар етказиш ҳамда фуқароларга ҳуқуқий маслаҳат бериш мақсадида махсус қурилмалар ўрнатилди.

Шунингдек, жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда «Профинспектор» дастурий таъминоти ўрнатилган мобиль телефонлардан фойдаланилади. Ушбу мобиль телефонлар орқали бириктирилган ҳудудни мониторинг қилиш, кузатиш, таҳлилий геоахборот тизими, статистикаси ва назоратини олиб бориш имконияти яратилди. Мазкур дастурга олиб борилаётган профилактик тадбирларни суратга олиш ва овоз ёзиш, ҳудудда аниқланган ҳуқуқбузарликлар ва содир этилган жиноятларни қайд этиб бориш, харита билан ишлаш, объектлар жойлашуви, тоифаси ва координаталари тўғрисидаги маълумотлар киритиб борилади.

Андижон вилоятида криминоген вазиятни барқарорлаштириш мақсадида маҳаллалар — содир этилган жиноятлар кўрсаткичларидан келиб чиқиб — шартли равишда «жиноятдан холи», «криминоген вазият яхшиланган», «криминоген жиҳатдан барқарор» ва «криминоген жиҳатдан мураккаб» деган гуруҳларга ажратилди ҳамда куч ва воситалар ана шу асосда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликка қарши кураш ҳамда жамоат тартибини сақлашга сафарбар этилди.

6. Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича «Бухоро тажрибаси».

Таъкидлаш жоизки, жиноятчиликка қарши курашнинг асосий ва устувор йўналишларидан бири хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлиб, бунда уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва турмуш даражасини ошириш, уларга муносиб иш ўринлари яратиш, оғир аҳволга тушиб қолган хотин-қизларни ижтимоий реабилитация қилиш каби масалалар муҳим ўрин тутди.


Хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни турли тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш, гендер тенглигини таъминлаш кабилар башарият муаммоларидан ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари Ш. Мирзиёев 2019 йил март ойида Бухоро вилоятига ташрифи чоғида вилоятда 35 мингдан зиёд аёллар иш билан таъминланмагани, хотин-қизлар жиноятчилиги сақланиб қолаётгани, ушбу ҳолат миллий менталитетимизга ёт ҳодиса эканлиги, буюк тарих ва юксак салоҳиятга эга Бухорога мутлақо ярашмаслигини таъкидлади [3].

Шунингдек, 2019 йил охиригача аёлларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш, уларни иш билан таъминлаш, жиноят содир этмасликлари учун зарур чоралар кўриб, Бухоро вилоятини хотин-қизлар билан боғлиқ барча масалалар бўйича энг намунали ҳудудга айлантириш, бунинг учун Хотин-қизлар қўмитаси, «Оила» илмий-амалий маркази, маҳалла ва ички ишлар органлари биргаликда ишлаши, ҳар бир аёл билан суҳбатлашиб, муаммолари бўлса, керакли ёрдам бериш назарда тутилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бухоро вилоятини хотин-қизлар билан ишлаш йўналишида намунали ҳудудга айлантириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги 495-сон (2019.14.06) қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжатда Бухоро вилоятида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, турмуш даражасини ошириш, уларга муносиб иш ўринлари яратиш, тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда вилоятни ушбу йўналишда намунали ҳудудга айлантириш билан боғлиқ масалалар белгиланди.

Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича Бухоро тажрибасининг таркибий қисми ҳисобланган хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини тизимли ташкил қилишда ҳамкорликни таъминлаш юзасидан қуйидаги янги тажрибалар йўлга қўйилди.



Юқоридагилардан ташқари, хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш масалалари бўйича мутахассисларнинг билимларини янада ошириш мақсадида ўқув курслари ташкил қилинди, Бухоро вилоятидаги ушбу мутахассислар ва ички ишлар органларида хотин-қизлар билан ишлаш бўйича профилактика (катта) инспекторлари ахборот алмашуви тезкорлигини таъминлаш мақсадида маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан дастурий таъминот ўрнатилган планшетлар билан таъминланди, Когон шаҳридаги «Фурқат», «Хўжабарги», Бухоро шаҳридаги «Садриддин Айний» маҳалла фуқаролар йиғинларида ижтимоий вазиятни тартибга солиш юзасидан ҳамкорликда тадбирлар ўтказилди.

7. Ёшлар билан ишлаш бўйича «Фарғона тажрибаси».

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2019 йил 6–7 май кунлари Фарғона вилоятига ташрифи чоғида ёшлар билан ишлаш бўйича «Фарғона тажрибаси»ни яратиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилганини таъкидлаб, бешта муҳим ташаббус доирасида вазифалар белгилади.

Ана шу асосда қуйидаги учта йўналишда тизимли ишлар йўлга қўйилди: 1) ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминлаш ва тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш; 2) ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир самарали тадбирларни амалга ошириш; 3) ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, мафкуравий таҳдидлардан асраш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этиш.

Фарғона шаҳрида 20 га яқин йўналишларда ёшларга хизмат кўрсатувчи «Ёшлар инновацион маркази» фойдаланишга топширилди. Қўштепа тумани маданият бўлимига қарашли бинода замонавий «Ёшлар маркази» барпо этилиб, 5 минг китобдан иборат фондга эга янги кутубхона, «Ёш аскиячилар мактаби», хорижий тиллар тўгараги ва «IT» академияси маркази ташкил этилди. Бувайда туманида ҳам Ёшлар маркази бунёд этилиб, бешта муҳим ташаббусни ўз ичига олган бешта бекат фаолияти йўлга қўйилди. Барча шаҳар ва туманларда 19 та ёшлар театр-студиялари ва ёшлар клублари шакллантирилди.

Шунингдек, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, уларда мумтоз ва замонавий ўзбек ҳамда жаҳон адабиётига меҳр уйғотиш мақсадида вилоят ёшларига иккита замонавий «Bibliobus» топширилди. «Ferghana bookland» QR-код электрон кутубхоналари вилоят кутубхонаси базасида 700 дан ортиқ QR-кодли китоблар таблоси тайёрланди ҳамда 19 та ҳудудда ўрнатилди. Автобусларга, савдо шохобчалари, истироҳат боғлари, автобус бекатлари, меҳмонхоналар ва таълим муассасаларига мос равишда лойиҳалар тайёрлаб тарқатилди.

Ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва Интернетдан самарали фойдаланиш бўйича «Йўл харитаси» ишлаб чиқилди.

8. Жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича «Қорақалпоғистон тажрибаси».

Кўплаб давлатлар тажрибасидан маълумки, мамлакатда жамоат тартибини сақлаш ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига нафақат полиция, балки ҳарбийлар ҳам жалб этилади. Бу эса тинчлик вақтида армиянинг янги имкониятларини рўёбга чиқариш имконини беради. Қорақалпоғистон Республикасида жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига армиянинг жалб этилиши янги амалиёт сифатида ижобий натижалар бермоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи чоғида: «Ички ишлар, Миллий гвардия ва Мудофаа вазирлиги кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда бир куч бўлиб, 24 соат давомида тинмасдан хизматни ташкил қилиб, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга жалб қилинади, бу эса Қорақалпоғистон тажрибаси бўлади», деб таъкидлаб ўтган эди.

Эндиликда Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ходимлари, Шимоли-ғарбий ҳарбий округ ҳарбий хизматчилари, Миллий гвардия, жамоат ташкилотлари вакилларида иборат тарғибот гуруҳлари Нукус шаҳри ва туманларда фаолият юритиши йўлга қўйилди. Шунингдек, ички ишлар органлари ходимларининг ахлоқий-эстетик фазилатларини ва умумий маданиятини оширишга қаратилган маданий тадбирларни ташкил этиш мақсадида ижодкорлар ва санъат арбоблари билан учрашувлар ўтказилди.

Ўқув йиғини якунида ўқув-амалий курс иштирокчиларидан ўқув дастури асосида билет саволлари ишлаб чиқилиб, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардия ходимларидан иборат комиссия томонидан тингловчиларнинг ўқув курслари давомида эгаллаган билимлари баҳоланди.

9. Бўка туманида Ўзбекистон Президентининг беш муҳим ташаббусини жорий қилиш бўйича платформа.

Маълумки, мамлакатимиз Президенти Ш. Мирзиёевнинг ёшларимизга бўлган эътиборни янада кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ёшларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини

шакллантириш, юртимиз ёшлари ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш масалаларини ўзида акс эттирган Бешта муҳим ташаббуси республикамизнинг барча ҳудудларида жорий этилмоқда.

Бунда: *биринчи ташаббус* ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилади; *иккинчи ташаббус* ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган; *учинчи ташаббус* аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган; *тўртинчи ташаббус* ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган; *бешинчи ташаббус* хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини назарда тутади.

Бешта ташаббусни бутун республика бўйлаб кенг ва тизимли равишда жорий этиш юзасидан талай ишлар амалга оширилди. Хусусан, Бўка туманида «Беш ташаббус»ни жорий қилиш бўйича платформа яратилди. Бунда барча ташаббуслар ягона платформада жорий этилди.

Бўка тумани давлатимиз раҳбарининг ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича илгари сурган бешта муҳим ташаббусни ҳаётга жорий этиш бўйича намуна қилиб олинган. Бўстон, Чавлисой, Янгиқўрғон ва Ровот маҳаллаларида улкан қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Шундай қилиб, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашиш бўйича ҳудудлар тажрибаларининг яратилиши бу борадаги илғор маҳаллий тажрибаларни оммалаштириш, шу билан бирга ҳудудий омилларни ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқ-тартиботни сақлашда юқори натижаларга эришиш имконини бермоқда.

Фойдаланилган адабиётлар / Используемая литература

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. — URL: <https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-oliy-25-01-2020>.

2. «Фуқаролар йиғинининг «маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш ҳақида»: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 2018 йил 3 июль, 497-сон. — URL: <https://lex.uz/docs/3804148>.

3. *Мирзиёев Ш.* Бухоро вилоятини хотин-қизлар масалалари бўйича энг намунали ҳудудга айлантиришимиз керак. — URL: <https://president.uz/uz/lists/view/2469>.

ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ БЕЛОРУССКОЙ ПРАВОСЛАВНОЙ ЦЕРКВИ И РЕСПУБЛИКИ БЕЛАРУСЬ В СФЕРЕ ПРОФИЛАКТИКИ НАРКОМАНИИ И АЛКОГОЛИЗМА

Аннотация. В статье представлены правовые и богословские подходы по реализации мер и способов взаимодействия Белорусской Православной Церкви как неспециализированного субъекта профилактики правонарушений и Республики Беларусь в сфере профилактики таких девиаций, как наркомания и алкоголизм. Изложены концептуальные и нормативно-правовые основы взаимодействия Белорусской Православной Церкви с государством по указанным видам антидевиантной политики. Представлены основные сферы взаимодействия и реализации совместных программ по профилактике наркомании и алкоголизма.

Ключевые слова: наркомания; алкоголизм; профилактика правонарушений; социальное служение; здравоохранение.

MAIN DIRECTIONS OF INTERACTION OF THE BELARUSIAN ORTHODOX CHURCH AND THE REPUBLIC OF BELARUS IN THE SPHERE OF PREVENTION OF DRUG ADDICTION AND ALCOHOLISM

Annotation. The article presents legal and theological approaches to the implementation of measures and methods of interaction between the Belarusian Orthodox Church as a non-specialized subject of crime prevention and the Republic of Belarus in the prevention of such deviations as drug addiction and alcoholism. The conceptual and normative legal foundations of the interaction of the Belarusian Orthodox Church with the state on the indicated types of anti-deviant policy are stated. The main areas of interaction and implementation of joint programs for the prevention of alcohol and drug addicts are presented.

Keywords: drug addiction; alcoholism; crime prevention; social service; health care.

БЕЛАРУСИЯ ПРАВОСЛАВ ЧЕРКОВЛАРИ ВА БЕЛАРУСЬ РЕСПУБЛИКАСИ НАРКОТИК МОДДАЛАРГА ҚАРАМЛИК ВА АЛКОГОЛИЗМНИ ОЛДИНИ ОЛИШ СОҲАСИДАГИ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация. Мақолада гиёҳвандлик ва алкоголизм каби иллатларнинг олдини олишда жиноятчиликнинг олдини олишга ихтисослаштирилмаган субъект бўлмиш Белоруссия Православ Черкови ва Беларусь Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик чоралари ва усуллари амалга оширишда ҳуқуқий ва диний ёндашувлар келтирилган. Белоруссия Православ Черковининг давлат билан ҳамкорлигининг концептуал ва норматив-ҳуқуқий асослари баён этилган. Гиёҳвандлик ва алкоголизм профилактикаси бўйича қўшма дастурларни амалга ошириш борасидаги ҳамкорликнинг асосий йўналишлари ёритилган.

Таянч сўзлар: гиёҳвандлик, алкоголизм, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ижтимоий хизмат, соғлиқни сақлаш.

Переходный постсоветский период на территории СНГ — период перехода экономик на рыночные условия и существенная либерализация правовых систем государств.

* *Афанасенко Юрий Юрьевич, заведующий кафедрой библеистики и христианского вероучения ГУО «Институт теологии им. св. Мефодия и Кирилла» БГУ (Минск), кандидат исторических наук.*

** *Кирвель Виталий Казимирович, доцент кафедры правового обеспечения правоохранительной деятельности Академии управления при Президенте Республики Беларусь (Минск), кандидат юридических наук, доцент.*

Республика Беларусь, являясь неотъемлемой частью и субъектом интеграционных внешнеполитических процессов, также проходит период постсоветской трансформации в экономической, политической, социальной, культурной и других сферах.

По мнению белорусского ученого Барановского Н.А., одним из негативных последствий такого рода трансформации является существенный рост девиантных социальных явлений, таких как: преступность, коррупция, *алкоголизм, наркомания* и др. [1, с. 3]

Необходимо отметить, что в 2019 г. в Республике Беларусь сохранилась динамика снижения количества регистрируемых наркопреступлений на 30 %, а также наркопреступлений, совершенных ранее судимыми лицами на 25,2 % [2]. На 1 января 2020 г. общее число состоящих на учете больных наркоманией, токсикоманией и наркопотребителей, составило около 12,7 тыс. Человек [2].

Таким образом, как отмечалось нами уже ранее, проблема профилактики социальных девиаций — это не явление современности и не явление только постсоветского периода, скорее это явление, сопутствующее развитию цивилизации как таковой. Можно лишь отметить увеличение вариативности этих явлений [3, с. 117].

Полагаем обоснованным наш вывод о том, что подобного рода явления не могут быть искоренены, но это не значит, что государственные органы и иные субъекты не могут и не должны не оказывать профилактическое воздействие на социум для уменьшения социальных девиаций в современном белорусском обществе и как следствие осуществлять профилактику правонарушений. Одним из таких неспециализированных субъектов, которые оказывают существенное морально-этическое влияние на социум, является Белорусская Православная Церковь (далее — БПЦ) [3, с. 191–192].

Вышеизложенное обуславливает актуальность, научную новизну и практическую значимость исследования.

Белорусская Православная Церковь — это республиканское централизованное религиозное объединение, некоммерческое юридическое лицо, которое является субъектом как светского, так и церковного (канонического) права, приобретающее права и обязанности согласно конституционным и законодательным правовым основам и принципам, являющееся неспециализированным *субъектом* профилактики правонарушений в Республике Беларусь [4, с. 191–192].

Концептуальная и программная позиция полноты Русской Православной Церкви (далее — РПЦ), соответственно и БПЦ как ее части, касательно наркомании и алкоголизма изложена в «Основах социальной концепции Русской Православной Церкви» [5]. В ст. XI.6 документа отмечается, что: «Основная причина бегства многих наших современников в царство алкогольных или наркотических иллюзий — это духовная опустошенность, потеря смысла жизни, размытость нравственных ориентиров. Наркомания и алкоголизм становятся проявлениями духовной болезни не только отдельного человека, но всего общества. Это расплата за идеологию потребительства, за культ материального преуспевания, за бездуховность и утрату подлинных идеалов» [5]. Далее отмечается: «С пастырским состраданием относясь к жертвам пьянства и наркомании, Церковь предлагает им духовную поддержку в преодолении порока. Не отрицая необходимости медицинской помощи на острых стадиях наркомании, Церковь уделяет особое внимание профилактике и реабилитации, наиболее эффективных при сознательном вовлечении страждущих в евхаристическую и общинную жизнь» [5].

Более обстоятельно отношение РПЦ к алкоголизму и его профилактике изложено в «Концепции РПЦ по утверждению трезвости и профилактике алкоголизма» [6]. В преамбуле Концепции отмечается, что: «Одной из главных угроз здоровью и самой жизни народов государств, составляющих каноническую территорию Русской Православной Церкви, является злоупотребление алкогольными напитками. В связи с этим долг Церкви — возродить в общественном сознании отношение к трезвости как нравственной ценности» [6]. Согласно общим подходам к формам и методам деятельности в данном направлении выделяется три направления: «Первое имеет целью утверждение идеала трезвости и трезвого образа жизни в современном обществе, особенно в семье, где происходит формирование личности; Второе направление охватывает работу с лицами, систематически употребляющими алкоголь, и включает в себя просвещение этих лиц, формирование у них мотивации для обращения к специалисту, оказание им социальной и психологической помощи, в том числе в форме индивидуальных и семейных консультаций, вовлечение в общинную жизнь, деятельность общественных объединений, клубов (спортивных, военно-патриотических и тому подобных); Третье подразумевает социальную, трудовую, психологическую, медицинскую, семейную реабилитацию лиц, страдающих алкоголизмом, создание домов трудолюбия и центров реабилитации, групп само- и взаимопомощи, семейных клубов трезвости, индивидуальное консультирование лиц, страдающих алкоголизмом, и их родственников, курсы и школы по избавлению от алкогольной зависимости. В каждой из этих форм работы применяются свои духовные, медицинские, психологические и социальные методы. При этом наибольшая эффективность достигается при их разумном сочетании» [7].

В области совместной деятельности государства и Церкви по профилактике алкоголизма БПЦ руководствуется п. 5 указанной Концепции, где говорится, что «Соработничество Церкви и государства может осуществляться в следующих видах деятельности:

- в разработке и реализации образовательных, просветительских и культурных программ, направленных на утверждение трезвости, в том числе через искусство и средства массовой информации (в БПЦ мероприятия, реализуемые координационным центром БПЦ по противодействию наркомании и алкоголизму в честь святого мученика Вонифатия) [8];

- в законотворческой деятельности в области утверждения трезвости;
- в общественном контроле за соблюдением антиалкогольного законодательства и за реализацией мер, направленных на ограничение доступности алкоголя и др.

Церковь не подменяет собой государственные медицинские и образовательные учреждения, но всемерно способствует их деятельности, направленной на оказание помощи зависимым от алкоголя людям и профилактику алкоголизма [7].

Отношение Церкви к другому не менее серьезному виду девиантного поведения — наркомании, и ее профилактике, — изложено в документе «Об участии Русской Православной Церкви в реабилитации наркозависимых» [9]. В первом разделе подчеркивается: «Наркомания — это хроническое, прогрессирующее, трудно поддающееся лечению заболевание, проявляющееся на биологическом, психологическом, социальном и духовном уровнях. Для того чтобы вывести наркозависимого в устойчивую ремиссию, требуется, прежде всего, его собственное желание и усилия, а также компетентная комплексная помощь специалистов: медиков, психологов, социальных работников и священнослужителей» [9]. Актуализируется

криминологическое влияние наркомании на совершение других преступных деяний: «Формирующаяся зависимость часто толкает человека на совершение других греховных деяний: распространение наркотиков, мошенничество, воровство, разбой, проституцию, нанесение увечий ближнему, вплоть до убийства. Нередко наркозависимый завершает жизнь тяжким грехом — самоубийством. В периоды употребления наркотиков человек может совершить такие преступные деяния, на которые в обычном состоянии никогда не решится. Человек, приобретающий наркотики с целью употребления, вступает в связь с криминальными структурами и становится звеном в цепочке преступного бизнеса» [10]. Основным способом избавления от наркотизации и ее последствий на любой стадии, по мнению Церкви, является помощь Божия, поскольку: «Нежелание или отсутствие решимости отказаться от того, что разрушает его жизнь и жизнь близких, также является грехом» [10]. Отсюда следует: «Широкое распространение наркомании является следствием духовного неблагополучия всего общества — усиливающегося эгоизма и отчуждения между людьми, утраты фундаментальных духовных ценностей и нравственных ориентиров» [10].

В третьем разделе документа выделены принципы, которыми руководствуется Церковь в реабилитации наркозависимых: «Реабилитация в Церкви есть, в первую очередь, результат действия Божественной благодати, являемой во всей полноте церковной жизни; Включение реабилитационного процесса в жизнь церковной общины; Компетентность (профессионализм) членов церковной общины, участвующих в реабилитации» [10].

Взаимодействие Церкви с государственными структурами и общественными организациями в области реабилитации и профилактики наркозависимости, в том числе и в БПЦ, согласно шестому разделу документа представляется следующим образом: «Церковь может, в частности, решать следующие задачи:

- поддержка церковно-общественных проектов на местах по созданию консультационных служб и телефонов доверия по проблемам наркомании;
- подготовка и издание печатных материалов, информации, размещаемой на сайтах органов исполнительной власти, организаций Русской Православной Церкви, общественных организаций по проблемам противодействия наркомании и помощи людям, попавшим в наркотическую зависимость;
- организация совместной информационно-просветительской деятельности среди подростков и молодежи, направленной на духовно-нравственное становление личности и профилактику девиантного поведения;
- работа с наркозависимыми заключенными в заведениях пенитенциарной системы (мероприятия, реализуемые религиозной миссией «Синодальный отдел по тюремному служению БПЦ» [11]);
- создание благотворительных фондов с целью обеспечения финансовой поддержки проводимых Церковью мероприятий по профилактике употребления наркотиков и реабилитации наркозависимых лиц (Синодальный отдел по церковной благотворительности и социальному служению БПЦ [12]);
- проведение общенациональных благотворительных акций антинаркотической направленности с привлечением к участию в них предприятий и организаций, в том числе коммерческих;
- реализация мероприятий, посвященных проведению Всемирного дня борьбы с наркотиками;

• создание координационных и совещательных органов (советов, комиссий, групп, коллегий), осуществляющих деятельность на постоянной или временной основе в рамках реализации соглашений в этой сфере между Русской Православной Церковью, государственными структурами и общественными организациями, участие в совместной деятельности в уже существующих аналогичных органах;

• создание рабочих групп в целях разработки представляющих взаимный интерес проектов законов и иных нормативно-правовых актов, касающихся проблемы противодействия наркотической угрозе (координационный центр БПЦ св. мч. Вонифатия) [13] и др. [10].

Основанием для реализации указанных направлений по профилактике зависимых от алкоголя и наркотиков является «Соглашение о сотрудничестве между Республикой Беларусь и Белорусской Православной Церковью», где отмечается, что данная сфера общественной деятельности «в целях согласованного и результативного сотрудничества» отнесена к здравоохранению и профилактике правонарушений [14]. Соответствующая «Программа сотрудничества Министерства здравоохранения Республики Беларусь и Белорусской Православной Церкви» [15] предполагает одним из основных направлений сотрудничества: «Разработку системы мероприятий для предотвращения приобщения и злоупотребления алкоголем, курения и наркомании», а также открытый перечень мероприятий: «Разработка, экспертиза, реализация совместных программ, направленных на профилактику курения, алкоголизма, наркозависимости, венерических заболеваний и СПИДа и др.» [15]. Аналогичные направления совместной работы предусмотрены в рамках сотрудничества по вопросам профилактики правонарушений и социальной адаптации лиц, освободившихся из мест лишения свободы с Министерством внутренних дел Республики Беларусь: «Совместные мероприятия по профилактике наркомании и алкоголизма, реабилитация жертв этих общественных пороков, помощь страждущим в обретении смысла жизни и твердых нравственных позиций» [16].

Таким образом, представленные правовые и богословские подходы по реализации мер и способов взаимодействия Белорусской Православной Церкви как неспециализированного субъекта профилактики правонарушений и Республики Беларусь в сфере профилактики таких девиаций, как наркомания и алкоголизм, являются концептуальной и нормативно-правовой основой взаимодействия Белорусской Православной Церкви с государством по указанным видам антидевиантной политики. Это свидетельствует о том, что синтез духовно-культурного потенциала БПЦ и социально-правовых основ государственности Республики Беларусь находят общий положительный вектор развития сотрудничества в области профилактики правонарушений и социальных девиаций.

Фойдаланилган адабиётлар / Используемая литература

1. Барановский Н. А. Антидевиантная политика: теория и социальная практика. — Минск: Беларус. навука, 2011.

2. 27 мая 2020 года состоялась пресс-конференция «Современные методы профилактики, диагностики, лечения и реабилитации наркомании»: Дом прессы. — URL: <http://www.dompressy.by/2020/05/27/27-maya-2020-goda-sostoyalas-press-konferenciya-sovremennye-metody-profilaktiki-dagnostiki-lecheniya-i-reabilitacii-narkomanii/> (07.07.2020). Афанасенко Ю. Ю. Правовые основы и принципы деятельности Белорусской Православной Церкви по профилактике правонарушений // Деятельность правоохранительных органов на современном этапе: наука, образование, практика:

-
- сб. статей / Акад. упр. при Президенте Респ. Беларусь; редкол.: Т. А. Савчук (отв. ред.) [и др.]. — Минск: Акад. упр. при Президенте Респ. Беларусь, 2020.
3. *Афанасенко Ю. Ю.* Белорусская Православная Церковь как неспециализированный субъект профилактики правонарушений // Борьба с преступностью: теория и практика: тез. докл. VIII Междунар. науч.-практ. конф. (Могилев, 23 апреля 2020 г.) / МВД Респ. Беларусь, УО «Могилев. ин-т МВД Респ. Беларусь»; редкол.: Ю.П. Шкаплеров (отв. ред.) [и др.]. — Могилев: Могилев. ин-т МВД, 2020. — 1 электрон. опт. диск (CD-ROM).
4. Основы социальной концепции Русской Православной Церкви: утв. Архиерейским Собором Русской Православной Церкви в авг. 2000 г. // Белорусская Православная Церковь. Официальный портал Белорусской Православной Церкви. — URL: <http://www.church.by/docs/osnovy-socialnoj-koncepcii-russkoj-pravoslavnoj-cerkvi> (07.07.2020).
5. Концепция Русской Православной Церкви по утверждению трезвости и профилактике алкоголизма: принят на засед. Свящ. Синода 25 июля 2014 г. (журнал № 80) // Русская Православная Церковь. Официальный сайт Московского Патриархата. — URL: <http://www.patriarchia.ru/db/text/3696047.html>. — Дата доступа: 07.07.2020.
6. Концепция РПЦ по утверждению трезвости и профилактике алкоголизма. — URL: <http://www.patriarchia.ru/db/text/3696047.html>.
7. Координационный центр Белорусской Православной Церкви по противодействию наркомании и алкоголизму в честь святого мученика Вонифатия // Храм иконы Божией Матери «Неупиваемая Чаша» в г. Минске Минской епархии Белорусской Православной Церкви. — URL: <http://chasha.by>. (07.07.2020).
8. Об участии Русской Православной Церкви в реабилитации наркозависимых: принят на засед. Свящ. Синода Русской Православной Церкви 26 дек. 2012 г. (журнал № 128) // Русская Православная Церковь. Официальный сайт Московского Патриархата. — URL: <http://www.patriarchia.ru/db/text/2674661.html>. (07.07.2020).
9. Об участии РПЦ в реабилитации наркозависимых. — URL: <http://www.patriarchia.ru/db/text/2674661.html>.
10. Синодальный отдел по тюремному служению Белорусской Православной Церкви. — URL: svyatar-vyazney.by (07.07.2020).
11. Синодальный отдел по церковной благотворительности и социальному служению Белорусской Православной Церкви. — URL: <http://www.diaconia.by>. — Дата доступа: 07.07.2020.
12. Координационный центр БПЦ св. мч. Вонифатия. — URL: <http://exarchate.by/resource/Dir0301/Dir0302/2012/Page4172.html>
13. Соглашение о сотрудничестве между Республикой Беларусь и Белорусской Православной Церковью : [заключено в г. Минске 12.06.2003 г.] // Белорусская Православная Церковь. Официальный портал Белорусской Православной Церкви. — URL: <http://exarchate.by/resource/Dir0009/Dir0015/index.html> (07.07.2020).
14. Программа сотрудничества Министерства здравоохранения Республики Беларусь и Белорусской Православной Церкви: [заключена в г. Минске 26.03.2004 гг.] // Белорусская Православная Церковь. Официальный портал Белорусской Православной Церкви. — URL: <http://exarchate.by/resource/Dir0009/Dir0015/Dir0442/Page0454.html> (07.07.2020).
15. Программа сотрудничества Министерства внутренних дел Республики Беларусь и Белорусской Православной Церкви: [заключена в г. Минске 11.03.2004 г.] // Белорусская Православная Церковь. Официальный портал Белорусской Православной Церкви. — URL: <http://exarchate.by/resource/Dir0009/Dir0015/Dir0442/index.html> (07.07.2020).
-

ЁШЛАР РЕЦИДИВ ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ

Аннотация. Мақолада ёшлар рецидив жиноятчилигининг олдини олиш борасидаги долзарб муаммолар ёритилган, ёшларни ҳуқуқий тарбиялаш фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Таянч сўзлар: ёшлар, давлат сиёсати, жиноятчилик, жиноятларнинг олдини олиш, ҳуқуқий тарбия.

МЕСТО ПРАВОВОГО ВОСПИТАНИЯ В ПРЕДУПРЕЖДЕНИИ РЕЦИДИВНОЙ ПРЕСТУПНОСТИ МОЛОДЕЖИ

Аннотация. В статье освещаются актуальные проблемы предупреждения рецидивной преступности среди молодежи, выдвинуты конкретные предложения и рекомендации по совершенствованию деятельности по правовому воспитанию молодых людей.

Ключевые слова: молодежь, государственная политика, преступность, предупреждение, правовое воспитание.

THE ROLE OF LEGAL EDUCATION IN PREVENTION OF RECURRENT CRIME OF YOUTH

Annotation. The article is devoted to the topical problems connected with prevention of recurrent crime of youth and concrete proposals and recommendations on improvement of the activity of legal education of people.

Keywords: youth, state policy, criminality, prevention, legal education.

Маълумки, ёшлар жамиятнинг ижтимоий ёрдамга мухтож, доимо эътибор ва парвариш талаб қилинадиган қатламидир. Зеро, ҳар бир жамиятнинг ҳолати, тақдири ва истиқболи унда яшаётган ёшларнинг салмоғи, маънавияти ва онглилиги даражаси билан белгиланади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохот ва ўзгаришларнинг қайси соҳасини олмайлик, барчаси бевосита ёки билвосита ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласи билан боғлиқ эканини кўрамиз. Ёшлар жамиятнинг келажаги, фаол аъзоси, таъбир жоиз бўлса, жамият эртасининг муносиб ворисларидир.

Мамлакатимизда моҳиятига тушунмасдан ҳаракат ёки ҳаракатсизлик оқибатида жиноят содир этаётган ёшларимиз борлигини инкор қила олмаймиз. Шу ўринда, республикамиз ҳудуди бўйича жиноят содир этишда иштирок этган ёшлар тўғрисидаги статистика маълумотларига эътибор қаратамиз. Хусусан, жиноят содир этган ёшлар 2017 йилда жами жиноят содир этган шахсларнинг 36,2 фоизини, 2018 йилда эса 36,3 фоизни ташкил этган [1].

Тошкент шаҳрида 2016 йил давомида 18–30 ёшда бўлганлар томонидан содир

**Қаршиев Ғуломжон Сайфуллаевич, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси криминалогия кафедраси катта ўқитувчиси*

этилган жиноятлар 16 877 та, 2017 йилда 14 030 тани ташкил этган [2] бўлиб, бу кўрсаткич 2017 йилда 2016 йилга нисбатан 16,87 % камайган. Бироқ ёшига нисбатан қараганда, Тошкент шаҳрида 2017 йилда ўғирлик содир этганларнинг 47,8 % — 19–30 ёшдагилар, 13,3 % эса 14–18 ёшдагилар эканлиги [3, 61-б.] юқоридаги фикримизнинг далилидир.

Ёшлар ўртасидаги жиноятчиликнинг асосий сабабларидан яна бири — жамиятдаги ишсизлик даражаси. 2018 йилда республика бўйича жиноят содир этган 18–30 ёшдагиларнинг 28,6 % ини ҳеч қаерда ишламайдиган ва ўқимайдиган шахслар ташкил қилганлигини кузатиш мумкин [4].

Шубҳасиз, ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашда ҳуқуқий тарбия ҳам катта аҳамиятга эга. Ҳуқуқий тарбияни янада кучайтириш ва шу асосда ёшларнинг юксак ҳуқуқий маданиятини ошириш бугун юртимизда барпо этилаётган ҳуқуқий, демократик жамиятнинг асосий тамойилларидан биридир. Ҳуқуқий тафаккурга эга бўлган инсонгина жамиятнинг онгли ва фаол аъзосига айланади. Миллий тарбиянинг муҳим таркибий қисми бўлган ҳуқуқий тарбия ҳам ёшларни давлат ва жамиятимиз учун муносиб шахслар этиб тарбиялашда долзарб аҳамият касб этади.

Бугун замоннинг ўзи ёш авлод тарбияси борасида қўяётган қатъий талаблар баъзи бир эскича мезон ва қарашлардан воз кечишни тақозо қилмоқда. Афсуски, айрим ҳолларда ҳаётда моддият маънавиятдан устун қўйилади. Одамлар ҳатто бу борада ўзаро беллашадилар ҳам. Асрлар синовидан ўтган миллий қадриятларимизга зид равишда катта маблағлар эвазига дабдабали маросимлар ўтказишади, янги-янги, хилма-хил анъаналар ўйлаб топишади. Одамнинг кадр-қимматини дастурхондаги егуликлар билан ўлчашга ҳаракат қилишади. Қадриятларимизга зид бундай одатлар, қанча танқид қилинмасин, афсуски, давом этмоқда.

Маълумки, ҳозирги ёшлар жуда қизиқувчан ва таъсирчан, улар ҳамма соҳада ўзи учун ибрат бўладиган тимсолларни излаб яшайди. Тўғри, бизнинг тарихимизда ҳам, бугунги кунимизда ҳам ёшларимизга ибрат бўладиган сиймолар кўп. Маълумки, шарқнинг ўтмишдаги мислсиз равнақи илм-маърифат туфайли юз берган. Шу боис буюк тарихимиз ҳақида ўйлаганимизда кўз ўнгимизда беихтиёр Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Замахшарий, Соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби кўплаб буюк аجدодларимизнинг сиймолари гавдаланади. Уларнинг ҳар бири, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, ўз илм соҳасининг султони бўлган. Буюк алломаларимиз биз яшаётган муқаддас заминни маърифат ўчоғига айлантириш билан чекланмай, узоқ ўлкаларда ҳам ақл чироғини ёқишган. Бошқача айтганда, айнан Турон заминидан бутун ер юзига маданият, маърифат зиёси таралган.

Шу маънода, ёшларни илм-маърифатли қилиб тарбиялаш барча замонларда ҳам ҳар қайси миллат учун асосий вазифа ҳисобланган ва ҳозирги кунда ҳам долзарблигича қолмоқда. Буюк мутафаккир боболаримиз томонидан бу соҳада бунёд этилган бой илмий меросимизни, бетакрор маданиятимизни, шунингдек замонавий

фалсафий-ҳуқуқий қарашларни уйғунлаштирган ҳолда ёш авлодга етказиш, уларни ақидапарастлик ва диний экстремизм ғоялари хавфидан ҳимоя қилиш, ёшларга Ватанга муҳаббат руҳини сингдириш, буюк аجدодлар ҳаёти ва ижоди билан ғурурланиш, уларнинг давомчилари бўлиш, ўзликни англаш ҳиссиётларини кучайтириш борасида ҳам кўп ишлар қилинмоқда.

Ёшлар рецидив жиноятчилигининг олдини олишда ҳуқуқий тарбиянинг роли ва моҳияти ҳуқуқий фаолият доирасида муҳим саналган ҳуқуқий йўналиш ва ҳуқуқий муносабатларни шакллантиришдан иборат. Ҳуқуқий тарбия ёрдамида шахсда қонунга итоаткорлик, давлатга, ҳуқуққа нисбатан ҳурмат туйғуси шаклланиб, қонунчилик ҳамда ҳуқуқий норма ва принциплар ҳақида чуқур билим, уларга нисбатан ижобий муносабат ва кўникмаларга замин яратилади.

Ҳуқуқий тарбия, онгнинг ўзига хос шакли — ҳуқуқий онг билан боғлиқ. Ҳуқуқий тарбия икки хил вазифани бажаради:

1) тарбияланувчиларга муайян ҳуқуқий билим бериш, уларда кўникма ва малака ҳосил қилиш;

2) тарбияланувчиларда ҳуқуқий ғоя ва ҳиссиётлар ҳамда эътиқодни шакллантириш.

Ана шу вазифалардан келиб чиқиб, ҳуқуқий тарбияда фуқароларнинг ҳуқуқий онгини шакллантириш куйидагича кечади: *биринчидан*, асосий ҳуқуқий қоидалар тизимини билиш, уларнинг мазмун-моҳиятини тўғри тушуниш; *иккинчидан*, ҳуқуқ, қонунлар, қонунийлик ва ҳуқуқий тартибни чуқур ҳурмат қилиш; *учинчидан*, ҳуқуқий билимларни амалда мустақил қўллай олиш; *тўртинчидан*, ўз одатларини олинган ҳуқуқий билимлар билан мослаштириш; *бешинчидан*, ҳуқуқий нормаларнинг ҳар қандай бузилишига нисбатан қатъий муросасизлик кўникмасини ҳосил қилиш.

Ҳуқуқий тарбия — мураккаб ва кўп қиррали ҳодиса бўлиб, уни бир маъноли қилиб таърифлаб бўлмайди. Ҳуқуқий тарбиянинг таърифи бу жараённинг қайси томонини, жумладан, умумижтимоий жиҳатини, ҳуқуқнинг ижтимоий амал қилиш тизими сифатида ёки давлатнинг ижтимоий бошқариш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш элементи сифатидаги вазифаси ва шу кабиларни тадқиқ этишга боғлиқ. Ҳуқуқий тарбия деганда шахснинг онгига ташкилий тарзда ва аниқ мақсадни кўзлаб таъсир кўрсатишнинг махсус юридик тури тушунилади.

«Ҳуқуқий тарбия» категорияси олимлар томонидан турлича талқин этилган ва изоҳланган. «**Ҳуқуқий тарбия** — шахслар ва ижтимоий гуруҳларнинг ҳуқуқий онгига кўрсатиладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган, режалаштирилган ва махсус ҳуқуқий тарбия усуллари воситасида амалга ошириладиган педагогик таъсир жараёнидир» [5, 187-б.].

Тарбиядан кутилаётган асосий натижа — ёшларимизнинг тўғри ижтимоийлашуви.

Ижтимоийлашув — шахснинг жамиятда яратилган билим ва нормаларни ўрганиши ҳамда хулқ-атворини ўзлаштириши орқали ижтимоий муносабатларда қатнашишидир. Ёшлар рецидив жиноятчилигининг олдини олишда реал ҳаётдаги

оила, маҳалла, дин, таълим ва тарбия муассасаларидаги **ижтимоий муҳит** кучли таъсир этади. Сабаби, ижтимоийлашув шахснинг болалигидан жамиятнинг қайд этилган устувор йўналишларида ёзилган ва ёзилмаган нормаларни ўзлаштириб, етарли тажриба тўплаб боришидир. Тўғри ижтимоийлашув натижасида ёшлар ижтимоий фаолликка эга бўладилар.

Ижтимоий фаоллик – ижтимоий субъектлар (жамият, табақа, гуруҳ ва шахслар) нинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокининг, меҳнат ҳамда маданий-маърифий фаолиятининг кучайиши, қонунда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва бурчларини тўлиқ амалга оширишга интилишидир.

Ижтимоий фаоллик шахснинг жамиятда ўз ўрнини топиши ва ҳуқ-атворини онгли равишда бошқаришининг асосий шарти ҳисобланади. Ижтимоий фаолликнинг уч тури мавжуд: 1) ижтимоий-сиёсий жараёнлар; 2) меҳнат ва турмуш соҳасидаги жараёнлар; 3) шахслараро муносабатдаги фаоллик жараёнлари.

Ҳуқуқшунос олим Х.Одилқориев таъкидлаганидек, «аслида, ҳуқуқий маданият ўз моҳият-эътибори билан инсоннинг сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан **ижтимоийлашуви** натижасидир. Бунда инсоннинг ижтимоий тажрибаси, билим ва кўникмалари тўлалигича намоён бўлади. Инсон ўз манфаат ва эҳтиёжларини қондиришга қай даражада қобил, айнаи вақтда, жамият манфаатларини таъминлашга қанчалик самарали ҳисса қўша олади, деган саволларга жавоб кўп жиҳатдан унинг ички маънавияти, эътиқоди ва ҳуқуқий маданиятига боғлиқ. Шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви унинг жамият ҳуқуқий ҳаёти ва амалиётига фаол дахлдорлик ҳолатини кўрсатади. Мазкур дахлдорлик даражаси шахс ҳуқуқий билимларини қадам-бақадам ўзлаштириб боргани сайин ўсиб боради ва унинг ҳуқуқий меъёрларига онгли, ихтиёрий риоя этиш савияси орқали намоён бўлади» [6, 225-б.].

Ёшлар рецидив жиноятчилигининг олдини олишда, энг аввало, уларнинг ҳуқуқий тарбияси ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқий таълим борасидаги ишларнинг тизимли ва узвий олиб борилмаганлиги, узоқ йиллар давомида бу масалага ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва айрим давлат органларининг иши сифатида қаралиб, бунда оила, маҳалла ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари етарлича иштирок этишини таъминланмаганлиги каби омиллар мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий тарбиясини юксалтиришга қаратилган ишларни янги босқичга кўтариш заруратини келтириб чиқарди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сон Фармони билан аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир ишлар самарадорлигини, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда ҳуқуқий билимларини ошириб боришнинг замонавий усулларини жорий этиш, шунингдек аҳолини, айниқса, ёшларни зарарли ахборотдан ҳимоя қилиш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий иммунитетни шакллантиришга қаратилган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси» [7] тасдиқланди. Аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий саводхонликка эришиши, мустаҳкам иродали, ўз ҳуқуқларини

биладиган ва қонунларни ҳурмат қиладиган, ҳуқуқий билимларни кундалик ҳаётда қўллай оладиган, фаол фуқаролик позициясига эга ва ҳуқуқбузарликларга мурасасиз бўладиган фуқароларни тарбиялашнинг кенг қамровли мунтазам тизимини яратиш Концепциянинг асосий мақсади сифатида қатъий белгилаб қўйилди. Мазкур Концепцияда назарда тутилган чора-тадбирларнинг самарали амалга оширилиши келгусида ёшлар рецидив жиноятчилигининг барвақт олдини олишда муҳим омил бўлади.

Буюк мутафаккир Абдулла Авлоний ҳам: «Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир», — деб бежиз таъкидламаган. Чунки «ҳуқуқий онг», «ҳуқуқий тарбия» ва «ҳуқуқий маданият» каби ўзаро узвий алоқада бўлган ва бир-бирини тўлдириб турувчи, мантиқий изчилликда ва кетма-кетликда жойлашган категориялар жамият ҳуқуқий тизимининг ҳолатидан дарак беради.

Фойдаланилган адабиётлар / Использованная литература

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумоти. — URL: stat. uz.
2. Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ахборот марказининг 2017 йилдаги статистик маълумотлари.
3. *Холов А.Т.* Вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этишнинг олдини олишда профилактик чора-тадбирларнинг аҳамияти // Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясининг ахборотномаси. — 2018. — № 2.
4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси маълумотлари.
5. *Саидов А.Х., Таджиханов У.Т.* Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Т. 2. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2001.
6. *Одилқориев Х. Т.* Конституция ва фуқаролик жамияти. — Т.: Шарқ, 2002.
7. «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»: Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. 2019 йил 9 январь, ПФ-5618-сон. — URL: <https://lex.uz/docs/4149765>.

Н. Н. Бекмуродов*

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИНИ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация. Мақолада тезкор маълумотларни олиш, тўплаш ва улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган, «ички ишлар органларида тезкор-қидирув фаолиятини ахборот билан таъминлаш», «тезкор-қидирув ахбороти» тушунчаларига таъриф берилган.

Таянч сўзлар: ички ишлар органлари, тезкор-қидирув фаолиятини ахборот билан таъминлаш, ҳамкорлик, тезкор-қидирув ахбороти, тезкор-қидирув ишини юритиш, ҳуқуқ, мажбурият, масъулият, қонун.

ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ИНФОРМАЦИОННОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ

Аннотация. В статье анализируются правовые основы получения, сбора и использования оперативно-розыскной информации, даются авторские определения понятиям оперативно-розыскной информации и информационного обеспечения оперативно-розыскной деятельности органов внутренних дел.

Ключевые слова: органы внутренних дел, оперативно-розыскная деятельность, оперативно-розыскная информация, информационное обеспечение, право, обязанность, ответственность, закон.

LEGAL BASIS OF INFORMATIONAL SUPPORT OF OPERATIONAL-SEARCH ACTIVITY OF THE ORGANS OF INTERNAL AFFAIRS

Annotation. The article analyses legal basis receiving, collection and using of operational-search information, author's definition to the concept of operational-search information and information support of operational-search activity of the organs of internal affairs.

Keywords: organs of internal affairs, operational-search activity, operational-search information, information support, right, obligation, responsibility, law.

Ҳозирги кунда ички ишлар органлари тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, жинойтчиликка қарши курашиш, унинг олдини олиш ва содир этилган жинойтларни «иссиқ изи»дан очиш ушбу соҳада хизмат қилаётган ҳар бир ходимдан ўз ишига янгича ёндашишни талаб этмоқда. Бунинг учун эса ходимлар олдига қўйилаётган асосий талаблар, аввало, ўз хизмат вазифасига виждонан ва сидқидилдан муносабатда бўлиш, қолаверса, жамиятнинг бугунги ривожидан келиб чиқиб, содир этилаётган жинойт турларининг ошиб бориши ва содир этилиш усулларининг такомиллашувини ўз вақтида аниқлаш ҳамда шунга мос тарзда қарши курашиш қобилияти ва кўникмаларини шакллантиришдир.

* *Бекмуродов Нормурод Некмуродович, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси тезкор-қидирув фаолияти кафедраси ўқитувчиси.*

«Мурожаатлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, — деган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, — ички ишлар идораларининг энг долзарб вазифаларидан биридир. Шу боис фуқаролар билан муносабатларни тубдан қайта кўриб чиқиш, одамлар билан доимий мулоқотни йўлга қўйиш, халқ билан ҳамнафас бўлиб яшаш ва инсон манфаатларидан келиб чиқиб ишлаш лозим» [1]. Бундан кўринадики, давлатимиз раҳбари ички ишлар органлари ходимларини халқимиз манфаати йўлида тинчлик-осойишталикни янада мустаҳкамлаш, жамоат тартибини сақлаш борасида мураккаб, айтилиши шарафли вазифани бажариш учун бор билим ва салоҳиятини, куч-ғайратини сафарбар этишга чақирмоқда. Хусусан, жаҳонда юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, қасддан одам ўлдириш, босқинчилик, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт ғояларнинг тарқалиши ички ишлар органларидан ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам беришни талаб этмоқда [2, 243-б.].

Республикамызда жиноятчиликка қарши кураш сиёсати, ички ишлар органлари тизимида амалга оширилаётган туб ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва уларга юклатилган вазифалардан келиб чиқиб: шахснинг ҳаёти, соғлиғи ва мулкига қарши қаратилган ҳамда терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаб, уларнинг олдини олиш чораларини кўриш; бу турдаги жиноятларни изи совимасидан фош этиш; жиноятларни содир этишга тайёргарлик кўраётган ва унга дахлдор шахсларни аниқлаш, топиш; суриштирув, тергов ва суд органларидан яшириниб юрган, жиноий жазодан бўйин товлайётган, бедарак йўқолган шахсларни қидириш; ушбу жараёнда тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланиш; жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдид солаётган шахслар, ходисалар, ҳаракат (ҳаракатсизлик)лар ҳақида ахборот тўплаш асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

«Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси (2012 йил 25 декабрь) қонунининг 18-моддасида «тезкор-қидирув фаолиятини ахборот билан таъминлаш» ва «тезкор-қидирув ишини юритиш» тушунчалари таърифланган. Қонунда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга зиммаларидаги вазифаларини бажариши учун тезкор-қидирувга мўлжалланган ахборот тизимларини яратиш ва улардан фойдаланиш ҳукуқи берилган. Маълумотларни тўплаш ва тизимлаштириш, тезкор-қидирув фаолияти натижаларини текшириш ва баҳолаш, шунингдек ушбу қонуннинг 15-моддасида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганида улар асосида тегишли қарорлар қабул қилиш мақсадларида тезкор-қидирув ишлари юритилади. Тезкор-қидирув ишларининг рўйхати ва уларни юритиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади [3].

Амалиётнинг кўрсатишича, жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва фош этишда ички ишлар органлари тезкор бўлинмаларининг ахборот билан таъминланганлиги муҳим ўрин тутди.

«Ахборот» тушунчаси борасида бир қанча олимлар ўз фикрларини билдиришган. Хусусан, рус ҳуқуқшунос олими Е. П. Тавокин «ахборот» тушунчасига инсонларга бевосита ёки билвосита узатиладиган бирор нарса тўғрисидаги маълумот сифатида таъриф берган [4].

Тезкор-қидирув фаолиятида ахборотнинг ўрни, тезкор-қидирув фаолиятини ахборот билан таъминлаш масалалари қатор ҳуқуқшунос олимлар илмий тадқиқотларининг

мавзуини ташкил этган. Хусусан, С. С. Овчинскийнинг фикрича, тезкор-қидирув фаолиятини ахборот билан таъминлаш тезкор бўлинмаларнинг фаолияти учун қулай шароит яратишга, уларни етарли маълумотлар билан таъминлаш мақсадида мавжуд куч ва воситалардан фойдаланиб ўтказиладиган ташкилий ва тактик чора-тадбирлар мажмуидир [5, 17-б.].

И. Н. Паршин эса жиноят-қидирув аппаратларининг тезкор-қидирув фаолиятини ахборот билан таъминлашни ички ишлар органларининг бир қатор бўлим ва хизматларининг жиноятчиликка қарши курашиш мақсадида аниқ манбалардан муҳим маълумотлар олиш, уларни сақлаш, қайта ишлаш, узатиш ва улардан фойдаланишга қаратилган фаолияти сифатида таърифлайди [6, 40-б.].

Фикримизча, «тезкор-қидирув ахбороти» тушунчаси тезкор вазият ҳамда жиноятчиликка қарши курашни ташкил қилишда инобатга олиниши лозим бўлган иқтисодий, демографик ва бошқа шароитларга оид маълумотларни ифодалайди.

Олиб борилган изланишлар шуни кўрсатадики, тезкор-қидирув фаолиятини ахборот билан таъминлашнинг яна бир ўзига хос белгиси — тезкор-қидирув ахборот тизимининг мавжудлиги бўлиб, уни тезкор, тактик ва бошқарув қарорлари қабул қилиш учун тезкор ходимлар ўзларининг кундалик ишида фойдаланадиган тезкор-қидирув хабарлари мажмуи сифатида тушуниш керак.

Тезкор-қидирув фаолиятини ахборот билан таъминлашнинг ҳуқуқий асослари ушбу ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг мақсади, ташкил этилиши ва тартибга солинишига доир ҳуқуқий нормаларни қамраб олган норматив ҳужжатлардир.

Ҳуқуқнинг умумий назариясига мувофиқ, ижтимоий муносабатларнинг ҳар қандай соҳасига тегишли норматив ҳужжатлар йиғиндиси ҳуқуқ манбалари тоифасига киради. Бу гап ички ҳуқуқнинг барча соҳалари, хусусан жиноят-процессуал ҳуқуққа ҳам тааллуқлидир.

Бироқ, тезкор-қидирув фаолияти фанида бундай норматив ҳужжатлар тўплами одатда унинг ҳуқуқий асоси деб аталади. Ҳозирги вақтда тезкор-қидирув фаолияти ҳуқуқий хусусиятга эга бўлишига қарамай, мустақил ҳуқуқ соҳаси ҳисобланмайди.

Фикримизни изоҳлайдиган бўлсак, тезкор-қидирув фаолиятининг ҳуқуқий асослари билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа қонунларга тезкор-қидирув фаолияти соҳасида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қонунлар ва қонуности ҳужжатлари киритилмоғи лозим.

Ички ишлар органларининг тезкор-қидирув фаолиятини ахборот билан таъминлаш борасидаги ҳозирги ҳолатнинг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш учун тезкор-қидирув фаолияти соҳасида ахборот билан ишлашнинг умумий ва ўзига хос масалаларини тартибга солувчи турли даражалардаги (қонунчиликдан тортиб идоравийгача) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмунини ўрганиб чиқиш керак.

Ўтказилган тадқиқотлар олимларнинг ушбу масаладаги фикрлари хилма-хиллигини кўрсатмоқда. Бу эса тезкор-қидирув фаолиятининг ҳуқуқий асосларини аниқлаш ҳамда манбаларини таснифлаш билан боғлиқ бўлади.

Россиялик ҳуқуқшунос В. М. Аتماжитов тезкор-қидирув фаолиятининг ҳуқуқий асосларини махсус ташкилий чора-тадбирлар ва тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш учун ҳуқуқий замин (шароит) яратадиган қонунлар ва қонуности ҳужжатларидаги мавжуд ҳуқуқий нормалар тизими сифатида таърифлаган [7, 25–27-б.].

Ушбу таърифдан ички ишлар органларининг тезкор-қидирув фаолияти турли ҳуқуқ манбаларининг нормалари тизимига асосланади, деган хулосага келамиз.

Улардан баъзилари тезкор-қидирув фаолиятини бевосита тартибга солмаса ҳам, унинг ҳуқуқий, ташкилий ва тактик масалаларини ҳал қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бошқа ҳуқуқий нормаларда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишга оид кўрсатмалар ифодаланади.

Ҳуқуқий нормаларнинг яна бир гуруҳини тезкор-қидирув фаолиятини бевосита тартибга солувчи қоидалар ташкил қилади. Бундан улар тезкор-қидирув фаолиятининг куч ва воситалари, усул ва шаклларида фойдаланишнинг ҳуқуқий, ташкилий ва тактик масалаларини тартибга солувчи бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда акс этади, деган хулосага келиш мумкин.

Тезкор-қидирув фаолиятининг ҳуқуқий асослари юзасидан олиб борилган илмий ишларда уни ҳуқуқий тартибга солиш даражаларига турлича қарашлар ўз ифодасини топган. Масалан, А. Ю. Шумилов мазкур фаолиятнинг ҳуқуқий негизларини асосий, ўрта ва батафсил каби уч даражага бўлган [8, 52–54-б.].

В. А. Вагин, В. С. Овчинский ва бошқа муаллифлар тезкор-қидирув фаолияти ва уни ахборот билан таъминлашнинг конституциявий, халқаро-ҳуқуқий, қонунчиликка ва қонун ости ҳужжатларига асосланган даражаларини ажратишган [9, 41–42-б.].

Фикримизча, ички ишлар органлари тезкор-қидирув фаолиятини ахборот билан таъминлашнинг ҳуқуқий асослари мазкур фаолият ҳуқуқий асосларининг ажралмас қисми ҳисобланиши лозим. Улар тезкор-қидирув куч ва воситалари, усул ва шаклларида фойдаланишнинг ҳуқуқий, ташкилий ва тактик масалаларини тартибга солувчи қатор қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатиб ўтилган. Буларга тезкор-қидирув фаолияти субъектлари ўртасида ахборот алмашувини тартибга солувчи бир қанча идоралараро норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам киритилади.

Юқорида амалга оширган таҳлилларимиз асосида «тезкор-қидирув фаолиятини ахборот билан таъминлашнинг ҳуқуқий асослари» тушунчасини таърифлашга ҳаракат қиламиз.

Мавзуни ўрганиш жараёнида тўпланган материаллар асосида тезкор-қидирув фаолиятини ахборот билан таъминлаш жараёнларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий манбаларни қуйидаги беш гуруҳга бўлиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини тартибга солувчи қонунлар;

ижро ҳокимияти ва бевосита ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

тезкор-қидирув фаолиятини ҳамда уни ахборот билан таъминлашни тартибга солувчи қонунлар;

тезкор-қидирув фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш манбалари ҳисобланувчи қонунчилик ҳужжатлари;

ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг жиноятчиликка қарши кураш масалалари бўйича ҳамкорлигини ҳуқуқий тартибга солувчи халқаро ҳужжатлар.

Юқорида таъкидланганидек, тезкор-қидирув фаолияти, биринчи навбатда, номаълум воқеа-ҳодисаларни излаш ҳамда жиноят содир этишга тайёргарлик кўраётган ва жиноят содир этган шахсларни аниқлаш бўйича тезкор хабарларни тўплаш, таҳлил қилиш ва улар асосида жиноятни фош этиш каби вазифалари билан бошқа фаолият соҳаларидан тубдан фарқ қилади.

Хулоса қилиб айтганда, ички ишлар органларининг тезкор-қидирув фаолиятини ахборот билан таъминлашнинг ҳуқуқий асослари — тезкор-қидирув фаолиятининг муайян соҳасида амалга ошириладиган ташкилий, бошқарувга оид ва ташкилий-

тактик тадбирлар (функциялар)ни билвосита ёки бевосита тартибга солувчи норматив-хукукий ҳужжатлар тўпламидир. Тезкор-қидирув фаолиятининг хукукий асослари билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа қонунларга тезкор-қидирув фаолияти соҳасида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари киритилмоғи лозим.

Фойдаланилган адабиётлар / Используемая литература

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2017 йил 9 февраль куни бўлиб ўтган ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши материаллари. — URL: <http://kun.uz/news/2017/02/10/>
2. «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»: Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. 2017 йил 10 апрель, ПФ-5005-сон // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2017. — № 15.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунига шарҳ / А.А.Хамдамов, Т.Р.Саитбаев, С.Н.Гордеев, Р.Т.Рашитходжаев. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. — 126 б.
4. Тавокин Е. П. Информация как научная категория // Социологические исследования. — 2006. — № 11. — С. 3–10.
5. Овчинский С.С. Оперативно-розыскная информация. — М., 2000.
6. Паршин И.Н. Информационное обеспечение оперативно-розыскной деятельности аппаратов уголовного розыска (теоретический и организационно-тактический аспекты): Дис. ... канд. юрид. наук. — М.: Академия МВД России, 1996.
7. Атмажитов В.М. Сущность организации оперативно-розыскной деятельности органов внутренних дел // Организация оперативно-розыскной деятельности: Курс лекций. — М., 2015.
8. Шумилов А.Ю. Проблемы законодательного регулирования оперативно-розыскной деятельности: десять лет спустя (конституционные, административные, уголовные, уголовно-процессуальные и уголовно-сыскные аспекты). — М., 2008.
9. Овчинский В.С., Вагин В.А. Теория оперативно-розыскной деятельности. — М.: ИНФРА-М, 2018.

К ПОНЯТИЮ ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКОГО МЕРОПРИЯТИЯ «НАВЕДЕНИЕ СПРАВОК» В ТЕОРИИ ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКОГО ПРАВА

Аннотация. В статье на основе изучения и анализа зарубежной специальной литературы рассматривается понятие такого оперативно-розыскного мероприятия, как «наведение справок», и, исходя из специфических признаков его осуществления, даётся авторское определение данного мероприятия.

Ключевые слова: теория оперативно-розыскного права, оперативно-розыскная деятельность, оперативно-розыскное мероприятие «наведение справок».

ТЕЗКОР-КИДИРУВ ҲУҚУҚИ НАЗАРИЯСИДА ТЕЗКОР-КИДИРУВ ТАДБИРИ ТУШУНЧАСИ ХУСУСИДА

Аннотация. Мақолада хорижий махсус адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида «маълумотлар тўплаш» тезкор-кидирув тадбири тушунчаси ва уни амалга оширишнинг махсус белгиларидан келиб чиқиб, мазкур тадбирга муаллифлик таърифи берилган.

Таянч сўзлар: тезкор-кидирув ҳуқуқи назарияси, тезкор-кидирув фаолияти, «маълумотлар тўплаш» тезкор-кидирув тадбири.

TO THE CONCEPT OF THE OPERATIONAL-SEARCH MEASURE “GUIDING REFERENCE” IN THE THEORY OF THE OPERATIONAL-SEARCH LAW

Annotation. The article deals with the issues of operational-search law based on the study and analysis of foreign specialized literature, which contains the concept of operational-search measures based on the specific signs of his authority.

Keywords: theory of operational-search law, operational-search activity, operational-search measure «collecting information».

Профилактика правонарушений и борьба с преступностью на современном этапе развития государственности в Республике Узбекистан является одной из важнейших задач органов внутренних дел, от эффективного решения которой во многом зависит успех проводимых в стране демократических реформ. Наша страна прочно вошла в мировое сообщество в качестве полноправного субъекта международно-правовых отношений. Все это предопределило новые подходы и отношение к защите прав человека, его жизни и здоровью, охране социальных ценностей, обеспечивающих мирное сосуществование всех стран, наций и народов, безопасность человечества, сохранение и развитие мирового сообщества.

Демократизация жизни нашей страны позволила сопоставить социальные процессы в Республике Узбекистан с нормами, провозглашенными международным сообществом. Дальнейшее реформирование судебно-правовой системы предполагает совершенствование действующего законодательства, направленного на создание необходимых условий для достойной жизни нашего общества, обеспечение стабильного развития государства и обеспечение общественной безопасности.

* *Холходжаев Мухтор Кучкор угли, старший преподаватель кафедры оперативно-розыскной деятельности Академии МВД Республики Узбекистан.*

В данном контексте совершенствование теории оперативно-розыскного права, его понятийного аппарата неразрывно связано с совершенствованием правовых норм, регламентирующих данную специфическую деятельность, её соответствия международным нормам.

Система норм, регламентирующих оперативно-розыскную деятельность, отличается сложностью, поскольку деятельность оперативных аппаратов, будучи по своей структуре комплексной, нуждается в использовании специфических сил, средств и методов для решения различных задач. Безусловно, принятие Закона Республики Узбекистан «Об оперативно-розыскной деятельности» [1] дало теории оперативно-розыскного права стимул для её успешного развития. Разработка теоретических положений оперативно-розыскного права стимулирует дальнейшее совершенствование практики осуществления оперативно-розыскной деятельности, особенно в вопросах проведения оперативно-розыскных мероприятий. Законодатель закрепил в ст.14 закона виды и понятия оперативно-розыскных мероприятий, одно из которых «наведение справок». Данное мероприятие очень эффективно и поэтому часто применяется в оперативно-розыскной деятельности при решении задач борьбы с преступностью.

В соответствии с изменениями и дополнениями, принятыми 25 апреля 2016 года, законодатель сформулировал понятие всех оперативно-розыскных мероприятий, где в частности определил «наведение справок» как «мероприятие, направленное на получение информации о физических и юридических лицах, фактах и обстоятельствах, имеющих значение для решения задач оперативно-розыскной деятельности, путем изучения документов, материалов, баз данных, а также направления запросов» [2]. Очевидно, что в указанном определении нашли отражение наиболее существенные признаки, раскрывающие процесс осуществления данного мероприятия, позволяющие отграничивать их от схожих понятий и категорий, используемых в теории оперативно-розыскной права.

В то же время необходимо отметить, что в юридической и специальной литературе даются различные толкования понятия «наведение справок». В частности, в научно-практическом комментарии к Закону Республики Узбекистан «Об оперативно-розыскной деятельности» дается следующее определение: «наведение справок — это оперативно-розыскное мероприятие, основанное на непосредственном изучении документов, содержащих сведения, представляющие оперативный интерес, а также направления запросов о предоставлении таких сведений в государственные органы, предприятия, учреждения и организации, имеющие информационные системы». Целью наведения справок является сбор сведений о проверяемом лице, позволяющих установить его причастность к противоправной деятельности [3].

Необходимо ответить, что за рубежом появилось немало количество открытой литературы по вопросам оперативно-розыскной деятельности, в том числе и учебников, и учебных пособий. В учебной и научной литературе, а также в одноименных законах других стран можно обнаружить не один десяток определений понятию «наведение справок», которые порой весьма отличаются друг от друга, например С. С. Малыгин, А. Е. Чечётин. определяют: «Наведение справок — это способ собирания информации, необходимой для решения задач ОРД, путем непосредственного изучения документов (в т.ч. архивных), а также направления запросов в государственные органы, предприятия, учреждения и организации,

имеющие информационные системы. Наведение справок предполагает сбор сведений о биографии проверяемого лица, его родственных связях, образовании, роде занятий, имущественном положении, месте проживания, фактах допущенных в прошлом правонарушений и других данных, позволяющих установить причастность к противоправной деятельности» [4]. Как видно из приведенного определения, авторы постарались в данном понятии раскрыть все элементы, присущие данному мероприятию, хотя, на наш взгляд, понятие должно быть краткое и ёмкое, отражающие основные элементы и процессы рассматриваемого явления.

М. В. Ремизова и Р. Н. Ласточкина дают другой вариант: «Наведение справок — ОРМ, направленное на получение информации о физических лицах, о фактах и обстоятельствах, имеющих значение для решения задач ОРД, путем непосредственного изучения документов, материалов, баз данных, направления запросов на предприятия, в учреждения и организации, другим юридическим, а также физическим лицам, которые располагают или могут располагать указанной информацией» [5, с. 47]. Как видим, данное определение близко по своему содержанию, к понятию, которое дано в нашем законе.

Безусловно, интересно мнение авторов В. М. Мешкова и В. Л. Попова, которые дают следующее определение «Наведение справок — это сбор информации об интересующих оперативные подразделения субъектах, в том числе о лицах, причастных к преступной деятельности, хранящихся в местных, региональных и общероссийских информационно-поисковых системах, а также различных документах» [6]. Другие авторы, например, А. Н. Халиков, Е. Н. Яковец и Н. И. Журавленко считают, что «Наведение справок — это собирание информации, необходимой для решения задач ОРД, путем непосредственного изучения документов, а также направления запросов в любые органы, предприятия, учреждения и организации, которые располагают или могут располагать ею» [7].

Почти идентичное понятие дает А. Е. Чечетин: «Наведение справок — это оперативно-розыскное мероприятие, основанное на непосредственном изучении документов, содержащих сведения, представляющие оперативный интерес, а также направления запросов о предоставлении таких сведений в государственные органы, предприятия, учреждения и организации, имеющие информационные системы» [8, с. 71]. Е. С. Лапин и Ю. Н. Михайлова представляют данное мероприятие следующим образом: «Наведение справок — это ОРМ, заключающееся в непосредственном изучении документов (в том числе архивных), материалов, баз данных, а также в направлении запросов юридическим и физическим лицам, где располагается или может располагаться информация о физических лицах, о фактах и обстоятельствах, имеющих значение для решения задач ОРД» [9, с. 16].

Неоднозначно данное определение рассматривается в учебнике под ред. К.К. Горяинова, где авторы добавляют слова (сыскной запрос), т.е.: «Наведение справок (сыскной запрос) — получение фактической информации, имеющей значение для решения конкретных задач ОРД, путем направления запроса (официального или неофициального характера) соответствующему юридическому или физическому лицу, располагающему или могущему располагать таковой, а равно её получение путем непосредственного ознакомления с соответствующим материальным носителем (документом и т.п.). В частности, о лице — объекте оперативной заинтересованности представляет интерес следующая информация:

биографические данные, образование, место проживания, совершенные в прошлом преступления (иные правонарушения и др.), родственные и иные связи и т.п.» [10, с. 356].

Как видно из приведенного определения, оно довольно размыто и перегружено, также непонятно, что означают слова «запроса официального или неофициального характера»?

Изучив и проанализировав элементы и признаки вышеперечисленных определений, нами предпринята попытка сформулировать существенные признаки, раскрывающие сущность понятия «наведение справок»:

во-первых, данное мероприятие следует рассматривать в качестве составных структурных элементов оперативно-розыскной деятельности, которые в своей совокупности составляют её содержание. Как предварительное расследование проводится посредством следственных действий, так и оперативно-розыскная деятельность осуществляется путем проведения оперативно-розыскных мероприятий;

во-вторых, данное мероприятие имеет законодательное закрепление в ст. 14 Закона Республики Узбекистан «Об оперативно-розыскной деятельности», где приведен их перечень, включающий 16 видов. Таким образом, можно сделать вывод, что «наведение справок» — это категория правовая;

в-третьих, любое мероприятие на стадии подготовки и планирования мероприятия включает в себя наведение справок. Так как любое мероприятие включает в себя множество самостоятельных и скоординированных действий, а также использование элементов других оперативно-розыскных мероприятий: опроса, отождествления личности, наблюдения и некоторых других.

Объектом мероприятия, как вытекает из приведенных определений, являются, прежде всего, документы, содержащие оперативно значимые сведения. Отметим, что содержание любого оперативно-розыскного мероприятия представляет собой сочетание определенных действий и приемов, направленных на достижение основной цели проводимого мероприятия, — получение новой информации. Необходимо отметить, что в комментарии к Закону Республики Узбекистан «Об оперативно-розыскной деятельности» отмечается: «Оперативно-розыскные мероприятия имеют, прежде всего, разведывательно-поисковую направленность, т.е. нацелены на получение неизвестной ранее и необходимой для решения задач оперативно-розыскной деятельности информации о событиях противоправного характера и причастных к ним лицах» [3].

Таким образом, проведя теоретический анализ встречающихся в специальной литературе понятий «наведение справок», а также используя логические правила построения, исходя из характера данного мероприятия и целей, элементов, его составляющих, данное понятие можно сформулировать следующим образом: «наведение справок — это оперативно-розыскное мероприятие, направленное на получение информации о физических и юридических лицах, о фактах и обстоятельствах, основанное на непосредственном изучении документов, материалов, баз данных, а также направления запросов в различные органы и организации, для получения сведений, представляющих оперативный интерес». На наш взгляд, данное определение наиболее полно раскрывает сущность и основные признаки рассматриваемого оперативно-розыскного мероприятия, которое по своему содержанию, очень близко к понятию, определенному нашим законом об оперативно-розыскной деятельности.

В заключение необходимо отметить, что изучение, анализ и уточнение понятийного аппарата теории оперативно-розыскного права служит непосредственному развитию как самой теории, так и практики применения оперативно-розыскной деятельности в предупреждении и раскрытии тяжких и особо тяжких преступлений, таких, как терроризм, распространение наркотических средств, торговля людьми, которые, в основном, совершаются тайным, замаскированным способом со стороны организованных преступных формирований.

Фойдаланилган адабиётлар / Используемая литература

1. Закон Республики Узбекистан «Об оперативно-розыскной деятельности» // Собрание законодательства Республики Узбекистан. — 2012. — № 52. — Ст. 585, Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан. — 2012. — № 12. — Ст. 335.
2. Статья 14 в редакции Закона Республики Узбекистан от 25 апреля 2016 года // СЗ РУз. — 2016. — № 17. — Ст. 173.
3. *Хамдамов А.А.* Научно-практический комментарий к Закону Республики Узбекистан «Об оперативно-розыскной деятельности» / А. А. Хамдамов, Т. Р. Саитбаев, С. Н. Гордеев. — Ташкент: Академия МВД Республики Узбекистан, 2015. — 227 с.
4. *Малыгин С.С.* Основы оперативно-розыскной деятельности / С. С. Малыгин, А. Е. Чечетин. Курс лекций. — Екатеринбург: Изд-во Уральского юридического института МВД России, 2001. — 140 с.
5. *Ремизов М.В.* Оперативно-розыскная деятельность: правовое регулирование использования результатов в уголовном судопроизводстве: Учеб. пособие / М. В. Ремизов, Р.Н. Ласточкина. — Ярославль: гос. Яросл. ун-т., 2007.
6. *Мешков В.М.* Оперативно-розыскная тактика и особенности легализации полученной информации в ходе предварительного следствия: Учеб.-практ. пособие / В. М. Мешков, В.Л. Попов. — М.: Щит-М, 1999. — 80 с.
7. *Халиков А.Н.* Юридическое, техническое и информационно-аналитическое обеспечение оперативно-розыскной деятельности: Учебное пособие / А. Н. Халиков, Е. Н. Яковец, Н.И. Журавленко; Под редакцией А.Н. Халикова. — М.: Юрлитинформ, 2010. — 472 с.
8. Основы оперативно-розыскной деятельности: Учеб. пособие. 3-е изд., доп. и перераб. / Под ред. А. Е. Чечетина. — Барнаул: Барнаульский юридический институт МВД России, 2007.
9. *Лапин Е.С.* Краткий курс теоретических основ оперативно-розыскной деятельности: Учеб. пособ. для студ. / Е. С. Лапин, Ю. Н. Михайлова. — Саратов: Научная книга, 2006.
10. Оперативно-розыскная деятельность: Учебник / Под ред. К. К. Горяинова, В. С. Овчинского, А. Ю. Шуилова. — М.: ИНФРА-М, 2001.

ЧОРВА МОЛЛАРИ ЎҒИРЛИКЛАРИ ТЕЗКОР-КИДИРУВ ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ ТУШУНЧАСИ, МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Аннотация. Мақолада чорва моллари ўғирликларининг тезкор-кидирув профилактикасига оид долзарб масалалар кўриб чиқилган, унинг мақсад ва вазифалари батафсил таҳлил қилинган, ушбу фаолиятни такомиллаштириш юзасидан аниқ таклифлар берилган.

Таянч сўзлар: тезкор-кидирув фаолияти, чорва моллари ўғирликлари, профилактика, мақсад, вазифа, тезкор-кидирув профилактикаси.

ПОНЯТИЕ, ЗАДАЧИ И ЦЕЛИ ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНОЙ ПРОФИЛАКТИКИ КРАЖ СКОТА

Аннотация. В статье рассмотрены актуальные вопросы оперативно-розыскной профилактики краж скота, подробно анализируются ее цели и задачи, даются конкретные рекомендации по совершенствованию данной деятельности.

Ключевые слова: оперативно-розыскная деятельность, кражи скота, профилактика, цель, задачи, оперативно-розыскная профилактика.

TASKS, PURPOSE AND CONCEPT OF OPERATIONAL-SEARCH PREVENTION OF LIVESTOCK THEFT

Annotation. The article discusses the issues connected with operational-search prevention of livestock theft, purpose and tasks are analyzed in detail, concrete recommendations on improvement of this sphere is given.

Keywords: operational search activities, livestock theft, crime prevention, purpose, tasks, operational search prevention.

Жамиятимизда жиноятчиликка қарши курашишда ички ишлар органлари тезкор-кидирув бўлинмаларининг ходимларидан юксак даражадаги масъулият талаб қилинмоқда. Тезкор-кидирув фаолиятининг асосий вазифа, принцип ва йўналишлари Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-кидирув фаолияти тўғрисида»ги (2012), «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (2014), «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги (2016) қонунларида аниқ белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ички ишлар органлари тизимини такомиллаштиришга бағишланган видеоселектор йиғилишларида, шунингдек Олий Мажлисга Мурожаатномаларида ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан, жиноятларнинг содир этилишига йўл қўймаслик учун тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш, ҳудудларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш, халқимиз тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ишларини янги босқичга кўтариш, одамлар тинч яшаши учун бутун мамлакатимизда жиноятдан холи муҳит яратиш ҳақида билдирган фикрлари [1,2,3,4,5,6,7] ички ишлар органларининг

* *Бобомуродов Фарҳод Боймуратович, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси олий ўқув юртидан кейинги таълим факультети таянч докторантурасининг мустақил изланувчиси.*

тезкор-қидирув бўлинмаларига ҳам бевосита тааллуқлидир. Шу боис чорва моллари ўғирликларининг тезкор-қидирув профилактикасини таъминлашда бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади.

Чорва моллари ўғирликларининг тезкор-қидирув профилактикаси ҳақида мушоҳада юритишдан аввал «профилактика», «тезкор-қидирув профилактикаси» каби тушунчаларга тўхталиб ўтишимиз жоиз.

«Профилактика» (юн. — *προφυλατικός* — эҳтиёт, сақлаш) ҳар қандай нарсадан сақланиш учун дастлабки чоралар; қандайдир ҳодиса содир бўлишига йўл қўймаслик учун дастлабки чоралар; тиббиётда касалликлар ва жароҳатларнинг келиб чиқиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантириш, уларни ривожлантирувчи омилларни бартараф этишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар [13] каби маъноларни билдиради.

«Профилактика» тушунчаси борасида ҳуқуқшунос олимлар турли фикрларни билдиришган. Жумладан, Н. С. Салаевнинг фикрича, «профилактика» атамаси икки маънода — 1) касалликларнинг ҳамда 2) ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи сифатида, яъни тиббий ва ҳуқуқий маъноларда — тушунилади [9, 15-б.]. Е. Алаухановнинг таъкидлашича, профилактика — *биринчидан*, жиноятларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлашга, *иккинчидан*, жиноят содир этиши мумкин бўлган шахсларни (уларнинг ғайриижтимоий хулқ-атворини) аниқлашга ҳамда улар билан зарур огоҳлантирувчи чора-тадбирлар ўтказишга қаратилган фаолият [8]. С. Б. Хўжакулов эса «профилактика» тушунчаси нафақат оқибатнинг, балки «сабаб ва шароит»нинг ҳам олдини олишни камраб олишини [11, 19-б.], жиноятчиликка нисбатан «олдини олиш» ва «профилактика қилиш» атамалари билан бирга, «қарши курашиш» тушунчаси ҳам қўлланилишини, мазкур тушунча «профилактика»ни ҳам, «олдини олиш»ни ҳам ўз ичига олишини [12, 12–13-б.] қайд этади.

Таъкидлаш жоизки, «тезкор-қидирув профилактикаси» иборасини илк бор В. Г. Самойлов тезкор-қидирув фаолиятининг назарияси ва амалиётида қўллаб, тезкор-қидирув профилактикасини амалга оширишда тезкор-қидирув бўлинмалари ходимлари томонидан жиноят содир этган шахслар билан амалга ошириладиган якка тартибдаги профилактик чора-тадбирларга етарли эътибор қаратиш кераклигини айтган [10, 135-б.].

Энди «профилактика» ҳамда «тезкор-қидирув профилактикаси» тушунчаларини назария ва амалиётда қўллашда қандай фарқ борлигини таҳлил қилиб кўрамиз.

Биринчидан, «профилактика» тушунчаси «тезкор-қидирув профилактикаси» тушунчасига қараганда кенгроқ маънога эга (масалан, соғлиқни сақлаш, ички ишлар, ахборот соҳалари, шунингдек жамиятнинг турли соҳаларида «профилактика» тушунчаси қўлланилса, «тезкор-қидирув профилактика» ибораси фақат тезкор-қидирув фаолияти соҳасида қўлланилади).

Иккинчидан, субъектига кўра: ички ишлар органлари мисолида профилактик тадбирлар барча соҳавий хизмат ходимлари томонидан амалга оширилса, тезкор-қидирув профилактик чора-тадбирлари ички ишлар органлари тезкор-қидирув бўлинмалари ва уларнинг топшириғига кўра бошқа тезкор хизматлар, ички ишлар органларининг тезкор-қидирув фаолиятига кўмаклашувчи шахслар томонидан амалга оширилади.

Учинчидан, «Автопатруль», «Автобус», «Велосипед», «Дикқат пиёда», «Трактор», «Дикқат темир йўл», «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги», «Ижро», «Ойна», «Паспорт-

виза», «Спитамен», «Турмуш», «Устахона», «Ғамхўрлик», «Хонадон», «Назорат», «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги», «Диққат болалар» кабилар профилактик тадбир бўлса, «Антитеррор», «Тозалаш», «Узоқ муддат», «Арсенал», «Қорадори», «Тонг», «Кун», «Тун», «Қидирув», «Тўсиб ушлаш» тезкор-қидирув профилактик тадбирлари тоифасига киради.

Тўртинчидан, ўтказиш тартибига кўра: профилактик тадбирлар ички ишлар органларида идоравий назоратни амалга оширувчи (ИИВ, ИИББ, ИИОФМБ) раҳбарларнинг рухсати асосида ўтказилса, тезкор-қидирув профилактик чора-тадбирлари идоравий назоратни амалга оширувчи раҳбарлар ҳамда прокурор ва суднинг рухсати асосида ўтказилади (масалан, чорва моллари ўғирлиги аниқланиб, жиноят содир этган шахслар фош этилиб, уларнинг жиноий фаолиятига чек қўйилиши, келгусида янги жиноят содир этилишининг олдини олади ёки умуман, жиноят содир этмаслигини таъминлайди, шунингдек қидирувда бўлган шахс қидирувда юрган даврда жиноят содир этмаслиги ёки содир этган қилмиши учун қонун олдида жавоб беришини таъминлаш мақсадида ушланиши шарт. Амалиётдан маълумки, жиноятларни фош этиш, қидирув ишини ташкил этишда айрим тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда прокурор ва суднинг санкциясини олиш талаб этилади).

Бешинчидан, ўтказиш усулининг хусусиятига кўра, профилактик тадбирлар кенг жамоатчилик (оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик тузилмалари ва бошқалар) ни жалб этган ҳолда ошкора ўтказилса, тезкор-қидирув профилактикаси чора-тадбирлари ошкора ва хуфийна тарзда ўтказилади.

Олтинчидан, расмийлаштириш тартибига кўра, профилактик тадбирлар маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Жиноят-процессуал кодекс талабларига биноан расмийлаштирилса, тезкор-қидирув профилактик чора-тадбирлари процессуал ва нопроцессуал (тезкор иш ҳужжатлари) тартибида расмийлаштирилади.

Ушбу икки тушунча ўртасидаги фарқлардан келиб чиқиб, «тезкор-қидирув профилактикаси» тушунчасига қуйидаги тугал таърифни беришимиз мумкин: ***тезкор-қидирув профилактикаси*** деганда қонун ва қонуности ҳужжатлар талаби асосида тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-қидирув бўлинмалари томонидан жиноятларнинг олдини олиш, уларга барҳам бериш, уларни аниқлаш ва фош этиш, жиноятларга тайёргарлик кўраётган ва содир этишга дахлдор шахсларни аниқлаш, топиш, тезкор қизиқиш уйғотувчи шахслар, жиноят содир этиб, суриштирув, тергов ва суд органларидан яшириниб юрганлар, бедарак йўқолган шахслар, шунингдек суд ҳукмига биноан жазо ўтаётган шахсларни янгидан жиноят содир этишига йўл қўймаслик, жиноятларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни ўрганиш мақсадида амалга ошириладиган комплекс тезкор-қидирув тадбирлари мажмуи тушунилади.

Чорва моллари ўғирликларининг тезкор-қидирув профилактикасига эса мазкур жиноятларнинг олдини олиш ёки режалаштириладиган жиноятларни, уларни содир этишга тайёргарлик кўриш ва суиқасд қилиш ҳолатларини аниқлаш ва фош этиш, қидирувда юрган шахсларни ушлаш, тезкор қизиқиш уйғотувчи шахслар, объектлар, тезкор вазият ҳақида дастлабки маълумотларни тезкор йўллар билан текшириш, мазкур жиноятларни содир этишга мойил шахсларни, шунингдек жиноятларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлашга йўналтирилган комплекс тезкор-қидирув тадбирлари тизими сифатида таъриф бериш мумкин.

Ички ишлар органлари тезкор-қидирув бўлинмалари томонидан чорва моллари ўғирликларининг тезкор-қидирув профилактикасини ташкил этиш биринчи навбатда қонунийлик, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги; ошкора ва ноошкора усулларнинг уйғунлиги ҳамда конспирация каби принципларга асосланади. Мазкур принциплар ичида энг асосийси, шак-шубҳасиз, қонунийлик принциpidир.

Ички ишлар органлари тезкор-қидирув фаолиятининг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига биноан ташкил этилиши қонунийлик принципини таъминлашга (рўёбга чиқишига) хизмат қилса-да, лекин «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси (344-сон 2012 йил 25 декабрь) қонуни нормаларида тезкор-қидирув фаолиятининг шакли бўлмиш «тезкор-қидирув профилактикаси» ҳақида умуман сўз юритилмаган. Ушбу қонуннинг 4-моддаси иккинчи хатбошисида тезкор-қидирув фаолиятининг вазифалари *«жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга барҳам бериш ва уларни фош этиш, шунингдек жиноятларни тайёрлаш ва содир этишга дахлдор шахсларни аниқлаш ҳамда топиш»* билан чекланиб, *«тезкор-қидирув профилактикаси»* ҳақида ҳеч нарса ёзилмагани, фикримизча, мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ҳуқуқий бўшлиқ борлигидан далолат беради.

Назаримизда, «тезкор-қидирув профилактикаси» тушунчаси тезкор-қидирув фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонун номаларига алоҳида тушунча, вазифа ҳамда мажбурият сифатида киритилса, ички ишлар органлари тезкор-қидирув бўлинмалари томонидан амалга оширилаётган тезкор-қидирув профилактикаси билан боғлиқ айрим тадбирларни қонуний тартибга солишда ҳуқуқий асос бўлиб, энг муҳими, ички ишлар органлари тезкор-қидирув бўлинмаларининг чорва моллари ўғирликларининг тезкор-қидирув профилактикасини амалга ошириш билан боғлиқ фаолияти қонунийлик принципи асосида ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди, деб айтиш мумкин бўлади.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунига қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчаларни киритиш мақсадга мувофиқ бўлади:

3-моддасига: «Тезкор-қидирув профилактикаси — қонун ва қонуности ҳужжатлар талаби асосида тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг тезкор бўлинмалари томонидан жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, фош этиш ва уларга барҳам бериш, шунингдек жиноятларни тайёрлаш ва содир этишга дахлдор шахсларни аниқлаш ҳамда топиш, тезкор қизиқиш уйғотувчи шахслар, жиноят содир этиб суриштирув, тергов ва суд органларидан яшириниб юрганлар, бедарак йўқолганлар, шунингдек суд ҳукмига биноан жазо ўтаётган шахсларнинг янги жиноят содир этишига йўл қўймаслик, жиноятларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни ўрганиш мақсадида амалга ошириладиган комплекс тезкор-қидирув тадбирлари мажмуи» деган янги таърифни киритиш;

4-модданинг иккинчи қисмини қуйидаги тахрирда баён этиш: «Жиноятларнинг тезкор-қидирув профилактикасини амалга ошириш, ушбу мақсадда жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, фош этиш ва уларга барҳам бериш, шунингдек жиноятларни тайёрлаш ва содир этишга дахлдор шахсларни аниқлаш ҳамда топиш»;

13-моддасига: «фош этилган жиноятларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон

бераётган шарт-шароитлар бўйича суриштирув ва дастлабки тергов органларига маълумот тақдим этиши шарт» деган янги қисм киритиш.

Чорва моллари ўғирликлари тезкор-қидирув профилактикасининг мақсади.

Чорва моллари ўғирликларини тезкор-қидирув профилактикасидан кўзланган асосий мақсад — мазкур жиноятларни аниқлаш, фош этиш, камайтиришга ёки умуман содир этилмаслигига эришиш. Чорва моллари ўғирликлари тезкор-қидирув профилактикасининг мақсадига, *биринчидан*, умумий профилактика ишлари натижасида: 1) умумий тезкор-қидирув профилактик тадбирларини ўтказиш орқали; 2) жиноятлар юзага келишининг сабаб ва шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш орқали; *иккинчидан*, муайян шахсларга таъсир чоралари (*якка тартибдаги тезкор-қидирув профилактик чора-тадбирларни қўллаш*) орқали; *учинчидан*, илгари мулкӣ турдаги ёки айнан чорва моллари ўғирликлари учун судланган шахслар билан махсус тезкор-қидирув профилактик чора-тадбирлари, суҳбатлар ўтказиш орқали; *тўртинчидан*, режалаштирилаётган, тайёрланаётган чорва моллари ўғирликлари содир этилишига йўл қўймаслик учун тегишли тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш орқали эришилади.

Чорва моллари ўғирликлари тезкор-қидирув профилактикасининг вазифалари.

Ички ишлар органлари тезкор-қидирув бўлинмаларининг тезкор ходимлари чорва моллари ўғирликлари тезкор-қидирув профилактикасининг мақсадига эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажаришлари керак:

— ички ишлар органлари тезкор-қидирув бўлинмалари тезкор ходимлари умумий, якка, махсус тезкор-қидирув профилактик чора-тадбирларини ҳамда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиб, натижаларини кунлик, ҳафталик, ойлик тартибда таҳлил қилиб бориш (акс ҳолда амалга оширилган барча ишлар йўққа чиқиши мумкин);

— ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари, шу жумладан тергов, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, эксперт-криминалистика, кинология, йўл ҳаракати хавфсизлиги, патруль-пост ва жамоат тартибини сақлаш хизматлари, шунингдек ҳудудий ветеринария хизмати ҳамда бошқа давлат органлари, муассасалар, оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик тузилмалари билан самарали ҳамкорлик қилиш.

Булар чорва моллари ўғирликларининг тезкор-қидирув профилактикасини ташкил этишда энг асосий вазифалардандир.

Хулоса қилиб айтганда, ички ишлар органлари тезкор-қидирув бўлинмаларининг тезкор ходимлари «профилактика», «тезкор-қидирув профилактикаси», «чорва моллари ўғирликларининг тезкор-қидирув профилактикаси» каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ англаб олишлари чорва моллари ўғирликларининг тезкор-қидирув профилактикасини таъминлаш фаолиятининг тўғри ташкил этилишига хизмат қилган бўларди.

Чорва моллари ўғирликларининг тезкор-қидирув профилактикасини ташкил этишда соҳавий хизматлар ўртасида тизимли ва самарали ҳамкорлик ишларини ташкил этиш, шунингдек оммавий ахборот воситалари, давлат органлари, мобиль алоқа компаниялари ва бошқа ташкилотларнинг имкониятларидан унумли фойдаланиш лозим. Қолаверса, аҳолининг ҳуқуқӣ онги ва маданиятини янада юксалтириш борасида жойларда таъсирчан тарғибот ва ташвиқот ишларини ўтказиб бориш талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар / Используемая литература

1. Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, осуда ва фаровон ҳаёти ҳимоя қилинмоғи керак: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 9 февраль куни ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истикболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишидаги нутқи. — URL: [www. uza.uz](http://www.uza.uz).
2. Қонун устувор, адолат барқарор бўлса, жиноятчиликка ўрин қолмайди: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 10 январь куни мамлакатимиз тинчлиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги келгуси вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишидаги нутқи. — URL: [www. uza.uz](http://www.uza.uz).
3. Тартиб-интизом ва масъулиятни кучайтириш, жиноятчиликнинг олдини олиш муҳитини мустаҳкамлаш — ҳуқуқбузарлик профилактикаси самарадорлигининг асосий омилдир: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 15 ноябрь куни ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истикболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишидаги нутқи. — URL: [www. uza.uz](http://www.uza.uz).
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 17 август куни ички ишлар органлари тизимида олиб борилаётган ишларнинг аҳволи, муаммолар ва келгусидаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишидаги нутқи. — URL: [www. uza.uz](http://www.uza.uz).
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси: — URL: [www. uza.uz](http://www.uza.uz).
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси: — URL: [www. uza.uz](http://www.uza.uz).
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси: — URL: [www. uza.uz](http://www.uza.uz).
8. *Алауханов Е.* Криминология. Предупреждения преступности (Глава VII). Понятие предупреждения преступности: Учебник. — Алматы, 2008. — URL: <http://www.allpravo.ru/library/doc>.
9. *Салаев Н.С.* Пенитенциар тизимнинг профилактик функцияси самарадорлигини ошириш: Юрид. фан. д-ри ... дис. автореф. — Т., 2017.
10. *Самойлов В.Г.* Некоторые проблемы совершенствования оперативно-розыскной деятельности // Труды ВШ МВД СССР. Вып. 9. — М.: ВШМ МВД СССР, 1972.
11. *Хўжақулов С.Б.* Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (Ички ишлар органлари фаолияти мисолида): Юрид. фан. бўйича фалсафа д-ри ... дис. — Т., 2018. — 248 б.
12. *Хўжақулов С. Б.* Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш / Масъул муҳаррир ю.ф.д., доц. И.Ю. Фазилов. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2019. — 186 б.
13. URL: <https://ru.wikipedia.org/wiki>.

БОЖХОНА ОРГАНЛАРИНИНГ КОНТРАБАНДА ВА ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШДАГИ ЎРНИ

Аннотация. Мақолада божхона хизмати органларининг контрабанда ва одам савдоси сингари ижтимоий хавфли қилмишларга қарши кураш борасидаги фаолиятининг долзарб муаммолари тадқиқ этилган, божхона органларининг ушбу соҳадаги жинойтчиликка қарши курашувчи бошқа давлат органлари билан ҳамкорлигининг шакл ва усуллари таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: контрабанда, одам савдоси, қарши курашиш, божхона органлари, ҳамкорлик.

РОЛЬ ТАМОЖЕННЫХ ОРГАНОВ В БОРЬБЕ С КОНТРАБАНДОЙ И ТОРГОВЛЕЙ ЛЮДЬМИ

Аннотация. В статье исследуются актуальные проблемы деятельности органов таможенной службы по борьбе с такими общественно опасными деяниями, как контрабанда и торговля людьми, анализируются формы и методы сотрудничества таможенных органов с иными государственными органами, противодействующими преступности в данной сфере.

Ключевые слова: контрабанда, торговля людьми, противодействие, таможенные органы, сотрудничество.

THE ROLE OF CUSTOMS AUTHORITIES IN THE FIGHT AGAINST SMUGGLING AND HUMAN TRAFFICKING

Аннотация. This article is aimed at revealing the role of the customs service, as well as state bodies fighting various forms of human smuggling and trafficking that threaten the life of the country and the world, which are becoming more and more relevant for our current and future life.

Keywords: smuggling, human trafficking, counteraction, customs authorities, cooperation.

Ҳозирги кунда дунё ҳамжамияти томонидан трансмиллий жинойт деб эътироф этилаётган контрабанда ва одам савдоси билан шуғулланувчи уюшган жинойт гуруҳларни фожия қилиш, жинойт содир этилишининг олдини олиш, инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш долзарб масалалардан бири бўлиб, бу борада барча давлат органлари томонидан қатъий чоралар кўриб келинмоқда. Шу жумладан, божхона органлари ҳам жинойтчиликка қарши курашиш, товар-моддий бойликларнинг божхона чегараси орқали ноқонуний олиб ўтилиши, контрабанда ва божхона қоидаларининг бузилиши, шунингдек одам савдосига қарши курашиш жараёнига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Кейинги пайтларда божхона чегаралари орқали контрабанда ашёларини турли усулларида фойдаланиб божхона назоратидан яширинча олиб ўтишга уринишлар аниқланмоқда ва ушбу мақсадда бегуноҳ одамлардан фойдаланилмоқда.

Контрабанда ашёсини ташувчиларни одам савдоси жабрдийдалари сифатида уч тоифага ажратиш мумкин:

* *Дўстов Мамарасул Абдуллаевич, Ўзбекистон Республикаси ДБҚ Божхона институти қайта тайёрлаш ва малака ошириш факультети бошлиғи.*

биринчи тоифадаги шахслар — контрабанда ашёси олиб кетаётганини билмайди, ҳеч нарсани яширмайди, шу боис уларда безовта бўлиш учун сабаб бўлмайди;

иккинчи тоифадагилар — ташувчи эканликларини билади, бироқ айнан нима олиб кетаётганини ва ушбу товарни чегарадан олиб ўтиш тақиқланганлигини билмайди;

учинчи тоифадагилар — бу иш қонунга ҳилоф эканлигини била туриб қасддан жинойят содир этишади.

Жумладан, Давлат божхона қўмитасининг 2018–2019 йилларга оид статистик маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, ДБК Контрабандага қарши курашиш бўлинмалари томонидан 2019 йил мобайнида 327 та (2018 йилда — 192 та) қонун бузилиши ҳолати аниқланган бўлиб, жами 81,2 (46,6) кг ва 3802 (13496) туп гиёҳвандлик воситалари ашёвий далил сифатида олинган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, аниқланган ҳолатлар сони 2018 йилга нисбатан 70 % га, олиб қўйилган гиёҳвандлик моддаси миқдори эса 75 % га кўпайган.

Таъкидлаш жоизки, 2018 йилда аниқланган йирик миқдордаги героин моддаси пассив ҳолатда эгасиз, яъни темир йўл вагонларида яширилган ҳолда кириб келган пайтида аниқланган. 2019 йилда топилган героин ва опий моддалари эса божхона органлари тезкор тузилмалари томонидан олиб борилган мақсадли тезкор тадбирлар натижасида қўшни давлатлар фуқароларидан иборат бир неча шахсдан ташкил топган уюшган жиноий гуруҳ томонидан «тирик контейнер»ларда, яъни инсон ички аъзоларида олиб ўтишга уриниш жараёнида тўхтатиб қолинган.

Шунингдек, гиёҳвандлик воситаларининг 44,7 % — йўловчининг қўл юки, багажи ичида ва унинг қисмларида, 33 % — инсон танаси ва ички аъзоларида, 18 % — автотранспорт воситаларининг салони ва хуфия жойларида, 4,3 % эса темир йўл вагонлари хуфия жойларига яширилган ҳолда олиб ўтиш жараёнида аниқланган.

Ҳукуқбузарларнинг 264 нафари эркаклар (улар наркотик воситаларнинг 73,5 кг ини ўтказишга уринган), 29 нафари эса аёллар бўлган (улардан 6,54 кг наркотик восита олинган) [1, 36-б.]

Ҳозирги кунда, контрабанда жинойтидан ташқари, одам савдоси ҳам дунё миқёсида одамларни катта ташвишга солаётган оғир жинойтга айланди ва ниҳоятда кўнгилсиз оқибатларни келтириб чиқармоқда. Бу ҳодиса глобал жараён сифатида бизнинг мамлакатни ҳам четлаб ўтмаяпти. Афсуски, фуқароларимиз ҳам одам савдоси жабрдийдаларига айланмоқда. Буларнинг барчаси давлатимиз ва жамиятимиз томонидан ушбу иллатга қарши қатъий чоралар кўришни, одам савдосига жалб этилган ва ундан жабр кўрган ҳамюртларимизни муҳофаза қилишни долзарб вазифага айлантирмоқда.

Одам савдоси инсоннинг нафақат жисмоний кучини, балки салоҳияти, тана аъзолари, ҳаттоки маънавий кадриятларини ҳам бозорга солишга мажбур этмоқда. Бугунга келиб асримизнинг жиддий муаммосига айланган одам савдосига қарши кураш халқаро, минтақавий, кўп ва икки томонлама ҳамкорликни талаб этмоқда. Ҳозирга қадар жинойтчиликнинг ушбу турига қарши курашиш ва унинг олдини олиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бир қатор тавсиявий ва мажбурий хусусиятга эга халқаро ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, улар доирасида ушбу хавфга қарши дунё миқёсида тегишли чоралар кўрилмоқда.

XXI аср техника асри бўлиб, қуйидаги муаммоларни юзага келтирди:

- қурол-яроғ савдоси;
- наркотик моддалар савдоси;
- одам савдоси;
- халқаро терроризм;
- глобаллашув муаммолари.

Инсонлар бойлик орттириш мақсадида ўз қавми, қариндош-уруғлари, маҳалладошларини ривожланган давлатларда яхши ҳақ тўланадиган ишларга жойлаб қўйишни ваъда қилиб, ноқонуний йўллар билан мамлакат ҳудудидан олиб чиқиб, қул сифатида сотиб юбормоқдалар. Бундай ҳолат миллатимизнинг фожиасидир. Айниқса, бу ишларга аёлларнинг аралашгани кечириб бўлмас ҳолатдир.

Дунё бўйича одам савдосидан жабр кўрганлар сони салкам 200 миллионга етган. БМТ маълумотларига кўра ҳар йили дунёда ўртача 2,5–3 миллион киши одам савдосидан жабр тортмоқда. Уларининг 71 фоизини аёллар ва болалар ташкил этади. Ҳар йили қарийб 1 млн нафарга яқин аёл ва болалар алдов йўли билан чет элларга олиб кетилиб, сотиб юборилмоқда [2].

Республикаимизга оид расмий маълумотларга кўра, охириги ўн йил ичида мингдан ортиқ фуқароларимиз одам савдоси билан боғлиқ жиноятлардан жабрланган бўлиб, уларнинг 35–40 фоизини аёллар, 10–15 фоизини эса болалар ташкил этмоқда.

Сўнгги йилларда республикаимизда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш борасида кенг миқёсли ишлар амалга оширилди. Ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикаси ва жиноятчиликка, шу жумладан устувор йўналиш ҳисобланган одам савдосига қарши курашиш ва мажбурий меҳнатни тағ-томири билан йўқотиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш, одам савдосига қарши курашувчи давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоялаш ҳамда давлатимизнинг халқаро майдондаги обрўсини ошириш мақсадида фуқаролик жамияти вакиллари ҳамда мазкур соҳада иш олиб бораётган хорижий ва миллий ноҳукумат ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтириш бўйича бир қатор ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлдаги «Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5775-сон Фармони билан одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашни кучайтириш ва давлат органларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш учун таъсирчан механизм яратиш ва бу билан 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси этиб қайта ташкил қилинди.

Комиссия низомида Одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича кичик комиссиянинг таркиби келтирилган бўлиб, ҳар бир органдан вакил бўлган масъул ходимлар рўйхати тасдиқланган. Бунда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари божхона органларидан масъул ходимлиги келтириб ўтилган [3].

Давлат божхона хизмати органлари томонидан ушбу Комиссия таркибида бўлиш чоғида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Бунга қуйидагилар мисол бўлади.

Резидент ва норезидентларнинг чет давлатларга чиқиши ва республика ҳудудига кириш ҳолатлари божхона постлари орқали амалга оширилиб, божхона расмийлаштируви жараёнида фуқаролардан қайси мамлакатга кетаётгани ёки қаердан келаётгани, сафардан кўзлаган мақсади оғзаки тарзда сўраб-суриштирилиб, суҳбат давомида уларга одам савдоси билан шуғулланувчи жиноий гуруҳларга алданиб қолишларининг олдини олиш мақсадида профилактика ишлари олиб борилмоқда.

Давлат чегараси орқали шахсларни ўтказиш пунктларида одам савдоси жиноятларининг ҳамда улар оқибатларининг олдини олиш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишларини самарали ташкил этиш, хусусан чегара божхона постларида мавжуд ушбу жиноятларни акс эттирувчи баннер ва бошқа кўргазмали плакатларни янада таъсирчанлари билан алмаштириш ҳамда ишлаш мақсадида хорижга кетаётган фуқаролар билан мунтазам равишда тегишли суҳбатлар ўтказилишига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Божхонага оид конунбузарликлар ҳамда одам савдоси бўйича фуқароларнинг муурожаатларини ўз вақтида қабул қилиш мақсадида ҳудудий божхона бошқармалари ва божхона постларида «ишонч телефони» рақамлари ҳамда буклет ва плакатлар илиб қўйилган.

Бошқармаларнинг статистика ва таҳлил бўлимларида чегара божхона постлари орқали республика ҳудудидан чиқиб кетаётган ва мамлакатимизга кириб келаётган фуқаролар бўйича алоҳида электрон база яратилган бўлиб, фуқароларнинг ҳар кунги ҳаракати ушбу базага киритилиб бормоқда.

Божхона постларида хорижга кетаётган ва Ўзбекистон Республикасига кириб келаётган фуқароларга Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 5 ноябрдаги «Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация марказини ташкил этиш тўғрисида»ги 240-сон қарорининг ижроси юзасидан маълумотлар қайд этиб борилади [4].

Мазкур йўналишдаги ишларнинг самарадорлигини янада ошириш, республикадаги барқарорлик ва жамоат тинчлигини сақлаш ҳамда фуқароларимиз одам савдоси ва бошқа жиноятлардан жабрланишларининг олдини олиш мақсадида постлар ҳудудларида «Истиқболли авлод» ёшлар ахборот-маърифат марказининг масъул ходимлари билан ҳамкорликда тарғибот ва ташвиқот ишлари йўлга қўйилган. Масалан, ҳар йили 30 июль — Бутунжаҳон одам савдосига қарши курашиш куни муносабати билан маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларида, мактаб, коллеж, академик лицей ва олий таълим муассасаларида, шунингдек бошқа жамоат жойларида аҳоли билан «Огоҳлик суҳбати» номли давра суҳбатлари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

Ҳар бир божхона ходимининг одам савдоси билан шуғулланаётган фуқаролар

тўғрисида маълумотлар келиб тушганида ёки одам савдосига алоқадор ҳаракат юз бераётганига шубҳа туғилганида зарур тезкор тадбирларни ўтказиш учун тезкор гуруҳга зудлик билан хабар бериши йўлга қўйилган.

Божхона органлари томонидан олиб борилган ишлар натижасида одам савдоси бўйича 2019 йилда иккита [5], 2020 йилнинг ўтган даври мобайнида битта қонун бузилиши ҳолати аниқланиб, тегишлилигига кўра тергов органларига юборилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, инсон тирик мавжудотлар орасида ақл-идрок берилган онгли мавжудот бўлиб, у ўтган замонларда ҳам озод ва эркин яшашга ҳаракат қилган. Уни эркидан маҳрум қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлиги дунё ҳамжамияти томонидан тасдиқланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам белгилаб қўйилган. Бироқ, бугунги кунда дунё бўйлаб одам савдосидек ўта хавфли иллатнинг кенг тарқалиши инсон шахси, шаъни, кадр-қиммати, шахсий ҳуқуқ ва эркинликларига жиддий хавф туғдирмоқда. Бу билан боғлиқ жиноятлар жаҳон жамоатчилигини жиддий ташвиш ва хавотирга солаётгани айни ҳақиқатдир. Кейинги йилларда одам савдоси туфайли юзага келаётган глобал хавф-хатар қанчалик ортиб бораётган бўлса, бу жиноятга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирлар кўлами ҳам шунчалик кенгаймоқда.

Дунёда одамга нисбатан қонунга хилоф битимни амалга ошириш, уни ғайриқонуний фаолият билан шуғулланишга мажбурлаш, мажбурий никоҳ, мажбурий суррогат оналик, инсон устида ғайриқонуний тажрибалар ўтказиш сингари одам савдосининг янги шакллари содир этганлик учун жавобгарлик белгилаш ва уни табақалаштириш, жазони индивидуаллаштириш, жабрланган ожиз аҳволдаги шахслар, ҳомиладор аёллар ва болаларнинг манфаатларини жиноят-ҳуқуқий воситалар орқали муҳофаза қилишни кучайтириш, жиноятни фoш этишда фаол ҳамкорлик қилганларнинг жазосини енгиллаштириш, мажбурлаш остида ғайриқонуний фаолиятда иштирок этган жабрланганларни жазодан озод қилиш, етказилган зарарни ундириш, жиноят профилактикаси механизмлари, халқаро ҳуқуқ нормалари, миллий қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, божхона органлари томонидан контрабанда ва одам савдосига қарши курашиш доирасида самарали ечимлар топиш ва уларни амалда қўллаш механизмларини ишлаб чиқиш каби муҳим вазифалар турибди.

Уюшган жиноятчиликнинг ушбу кўринишларига қарши курашиш, уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш борасида ҳар қандай таклиф ва фикр синчковлик билан кўриб чиқилмоғи лозим.

Ўзбекистон Республикасида божхона органлари томонидан контрабанда ва одам савдосига қарши курашиш масалалари тартибга солинган ва бир қатор норматив ҳужжатлар билан тасдиқланган механизмларга асосланган бўлса-да, бу йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш ҳамда саъй-ҳаракатлар самарадорлигини ошириш борасида бир қатор тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади.

Божхона органларининг контрабанда ва одам савдосига қарши курашишдаги ролини ошириш ва ушбу жиноятларнинг кўламини камайтириш мақсадида қуйидаги чоралар тавсия этилади:

1) мавжуд ахборот тизимларини такомиллаштириш орқали манфаатдор тузилмалар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш. Бунинг учун замонавий технологик ютуқлардан, хусусан ахборот технологиялари ва автоматлаштирилган дастурлардан турли трансчегаравий жиноятлар, жумладан контрабанда ва одам савдосининг олдини олишда самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади;

2) божхона назоратининг янги техник воситаларидан, жумладан Туркия чегараларида самарали қўлланиб келаётган шахснинг юзини таниб олиш имконини берувчи қурilmалардан фойдаланиш;

3) аҳолининг контрабанда ва одам савдоси ҳамда уларнинг оқибатлари тўғрисида маълумот билан таъминланганлик даражасини ошириш учун ушбу жиноятлар ҳақида кўрсатувлар тайёрлаб, теледастур ва радиоэшиттиришлар орқали намойиш этишни кўпайтириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар / Использованная литература

1. *Шералиев Б.Ю.* Гиёҳванд воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни яшириш ҳолатлари ҳамда уларни фош этиш усуллари: Услубий-амалий қўлланма / Б.Ю. Шералиев, М.С. Қодиров ва бошқ. — Т., 2020.

2. Конвенция Организации Объединенных Наций против транснациональной организованной преступности (Нью-Йорк, 15 ноября 2000 года). — URL: <https://lex.uz/docs/1304112>

3. «Ўзбекистон Республикасини 2017–2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»: Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. 2017 йил 7 февраль, 4947-сон. — URL: <https://lex.uz/docs/3107036>

4. «Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация марказини ташкил этиш тўғрисида»: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 2008 йил 5 ноябрь, 240-сон. — URL: <https://lex.uz/ru/docs/1406847>

5. Ўзбекистон Республикаси ДБКнинг Контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши кураш бошқармасининг 2019 йил яқунлари бўйича ҳисоботи.

*Б. А. Ражабов**, *Л. З. Турдиев***, *Б. Б. Турсунов****

ДАЛИЛЛАРНИ ТЎПЛАШДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ ВА ЭЛЕКТРОН ДАЛИЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Аннотация. Мақолада жиноят процессида далилларни тўплаш жараёнида замонавий техника воситалари ва электрон далиллардан фойдаланиш хусусиятлари батафсил тадқиқ этилган, ушбу соҳа олимларининг фикр-мулоҳазалари ҳамда бир қатор давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилиги нормалари таҳлил қилинган. Муаллиф жиноят-процессуал қонунчиликдаги ҳуқуқий бўшлиқларни (камчиликларни) кўрсатиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг айрим нормаларига тегишли ўзгартишлар киритиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиққан.

Таянч сўзлар: электрон далил, замонавий техника воситалари, электрон жиноят иши, рақамли ахборот ташувчиси, электрон маълумот, электрон ахборотдан нусха кўчириш.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ВОЗМОЖНОСТЕЙ ТЕХНИЧЕСКИХ СРЕДСТВ И ЭЛЕКТРОННЫХ ДОКАЗАТЕЛЬСТВ ПРИ СОБИРАНИИ ДОКАЗАТЕЛЬСТВ

Аннотация. В статье подробно исследуются особенности использования современных технических средств и электронных доказательств в процессе собирания доказательств в уголовном процессе, проанализированы мнения различных ученых в данной сфере и нормы уголовно-процессуального законодательства ряда государств. Автором раскрыты правовые пробелы, имеющиеся в уголовно-процессуальном законодательстве, а также разработаны предложения и рекомендации по внесению соответствующих изменений в некоторые нормы Уголовно-процессуального кодекса Республики Узбекистан.

Ключевые слова: электронное доказательство, современные технические средства, электронное уголовное дело, цифровой информационный носитель, электронная информация, копирование электронной информации.

THE QUESTION OF USING THE POSSIBILITIES OF TECHNICAL MEANS AND ELECTRONIC EVIDENCE IN COLLECTION OF EVIDENCE

Annotation. The article deals with the features of using modern technical means and the issue of electronic evidence in the process of collecting evidence, analyzes the opinions of various scholars in this field and the norms of the criminal procedure law of several states. Based on the results of analyzes and studies, the author disclosed some legal gaps existing in the criminal procedure legislation and developed proposals and recommendations for introducing appropriate changes to some norms of the Code of Criminal Procedure of the Republic of Uzbekistan.

Keywords: electronic evidence, modern technical means, electronic criminal case, electronic information, copying of electronic information, digital information carrier.

* *Ражабов Бахтиёр Алмахматович, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноят ва жиноят-ижроия ҳуқуқи кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори.*

** *Турдиев Лазиз Зарифович, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноят-процессуал ҳуқуқ кафедраси ўқитувчиси.*

*** *Турсунов Баҳром Бобохонович, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси мустақил изланувчиси.*

Ҳозирги кунда далилларни тўплаш ва қайд этиш жараёнларини замонавий техника воситаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки далилларни тўпловчи субъектлар тергов ва бошқа процессуал ҳаракатларни бажариш мобайнида жиноятларни ва далилий ашёларни аниқлаш, қайд этиш ва олиб қўйишда техника воситалари қўлланилиши мумкин.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 14 май ПҚ-3723-сон қарори [1] асосида «Электрон жиноят иши» дастлабки лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган жиноят ишларини юритиш тартибини босқичма-босқич ракамлаштиришга ўтилиши, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2018 йил 4 апрель қонуни [2] билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (кейинги ўринларда ЖПК) 91-моддасининг янги, тўртинчи қисм билан тўлдирилиши ва унга кўра ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тарзидаги, тинтув, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тергов эксперименти тарзидаги процессуал ҳаракатлар видеоёзув воситаларидан фойдаланган ҳолда қайд этилиши шартлиги каби процессуал қониданинг киритилиши бу турдаги ҳар бир жиноят иши бўйича исбот қилишнинг умумий шартларига риоя этилиши механизминини янада мустаҳкамлади.

Аммо, ҳозирги кунда далилларни тўплаш ва қайд этиш жараёнларини замонавий техника воситаларидан фойдаланиш шартлари, уларни қўллашга қўйилган процессуал шартлар ва қоидалар амалдаги ЖПКда етарли даражада тартибга солинмаган.

Фикримизча, далилларни тўпловчи субъектлар тергов ва бошқа процессуал ҳаракатларни бажариш мобайнида техника воситасини қўллашга у қуйидаги шартларга жавоб берган тақдирдагина йўл қўйишлари лозим: 1) шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва атроф-муҳит учун хавфсиз бўлса ҳамда хавфсизлик қоидаларига тўлиқ жавоб берса; 2) инсоннинг шаъни ва қадр қимматини камситмаса; 3) амалдаги қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига ҳилоф бўлмаса; 4) далилларни тўплашда унинг исботловчи аҳамиятини йўқотмайдиган даражада минимал талабларга жавоб берса (ЖПК 911-м. 3-қ.).

Техника воситаларини қўллашда ушбу шартларга риоя этмаслик, *биринчидан*, олинган далилларнинг келгусида номақбул далил деб топилишига олиб келса, *иккинчидан*, исбот қилиш жараёнида фуқаролар, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига путур етказиши мумкин.

Айрим хорижий давлатлар ЖПКларида ҳам мазкур масала тегишлича тартибга солинганлигини ижобий тажриба сифатида баҳолаш мумкин. Хусусан, Қирғизистон Республикаси ЖПКда ушбу масала алоҳида норма билан тартибга солинган бўлиб, 96-моддаси исбот қилишда илмий-техника воситалари деб номланган. Унинг учинчи қисмида илмий-техника воситаларини қўллаш қуйидаги ҳолатларда мақбул деб топилиши белгиланган: 1) ушбу Кодекс нормаларига зид бўлмаса; 2) илмий асосланган бўлса; 3) иш юритиш самарадорлигини оширишга хизмат қилса; 4) фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи, мулки ва атрофдагилар учун хавфсиз бўлса [3].

Техника воситасини қўллаш терговчининг ташаббуси ёки тергов ҳаракати

иштирокчисининг илтимоси бўйича амалга оширилади. Далилларни тўпловчи субъектлар техник воситани қўллаш чоғида ёрдам кўрсатиш учун мутахассис жалб қилишга ҳақлидир [4, 8–10-б.]. Тергов ҳаракати жараёнида овоз, фотосурат, видео ва электрон шаклдаги матнли электрон далилларни тўплаш ва олишда улар албатта тергов ҳаракатларининг барча иштирокчиларига маълум қилиниб, флешка ёки дискларга ва электрон шаклдаги ахборотни ташиш имконига эга бошқа шаклдаги техник воситаларга ёзилиб, пакетларга солиниши, муҳрланиши, баённомада қайд этилиши ва тергов ҳаракати барча иштирокчиларининг имзолари билан тасдиқланган ҳолда жинойт ишида сақланиши лозим.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, замонавий техника воситалари ривожланиб, ахборот технологиялари ҳамда хавфсизлиги соҳасидаги жинойтларнинг салмоғи ўсиб бораётган, янги ахборот-коммуникация тизимлари ва инфратузилмаларнинг, кибержинойтларнинг халқаро миқёсда содир этилишига имкон яратувчи «виртуал макон» вужудга келганлиги, хакерлик ҳамжамиятларининг жадаллашуви ва жиноий тармоқларга кенг жалб қилиниши [5, 28-б.] ҳолатлари кузатилаётган ҳозирги замонда суд-тергов амалиётида электрон далилларни тўплаш ва улар билан ишлаш фаолияти ортда қолмоқда. ЖПКда ҳам «электрон далиллар» тушунчаси ва улардан исбот қилишда фойдаланиш масалалари деярли тартибга солинмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон қарори [1] асосида «Электрон жинойт иши» дастлабки лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган жинойт ишларини юритиш тартибини босқичма-босқич рақамлаштиришга ўтилиши, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 4 апрель қонуни [2] билан ЖПК 91-моддасининг янги тўртинчи қисм билан тўлдирилиши ва унга кўра ўта оғир жинойтлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тарзидаги, тинтув, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тергов эксперименти тарзидаги процессуал ҳаракатлар видеоёзув воситаларидан фойдаланган ҳолда қайд этилиши шартлиги каби процессуал қонданинг киритилиши исботлаш жараёнида замонавий техника воситалари ва «электрон далиллар»дан фойдаланиш имкониятларини кенгайтирган бўлиши мумкин.

Далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашда илғор услубларни қўллаш, замонавий криминалистик техника воситаларидан, ахборот-коммуникация технологияларидан ҳамда суд экспертизалари имкониятидан самарали фойдаланиш чораларини кўришга суд-тергов амалиётида муҳим вазифалар сифатида қаралмоғи лозим. Чунки ҳозирги кунда суд-тергов амалиётида айнан бу борада жуда кўп камчиликлар борлиги кўзга ташланади.

Масалан, фуқаро А. интернет саҳифасидаги OLX.uz иловасига кириб, унинг саҳифаларидан бирида нархи 3800 АҚШ доллари миқдорида сотувга қўйилган «Lasetti» русумли енгил автомобилни сотиб олиш мақсадида унинг эгасига телефон орқали боғланган. Автомобиль эгаси Украинада эканлигини, у сотмоқчи бўлиб эълон жойлаштирган «Lasetti» русумли енгил автомобилнинг баҳоси ҳақиқатан ҳам 3800 АҚШ доллари эканлигини тасдиқлаган. Лекин харидор автомобилни ҳақиқатан ҳам сотиб олиш нияти борлигини айтганида у шарт қўйиб, масофа узоқлигини, машина сотилмай қолган тақдирда йўл харажатлари қўпайиб кетишини, шунинг учун олиш нияти аниқ бўлса, банкда ҳисобварақ очиб ўша миқдордаги пулни қўйганлигини тасдиқловчи ҳужжат расмини почта ёки интернет иловалари орқали юбориши лозимлигини айтган.

Фуқаро А. турмуш ўртоғининг номига банкдан ҳисобварақ очиб, унга 3800

АҚШ доллари миқдоридаги пулни қўйиб, уни тасдиқловчи ҳужжатнинг ҳисобварақ кўрсатилган қисмини яширган ҳолдаги фотосуратини сотувчининг интернетдаги манзилига юборган. Шундан сўнг орадан бир сутка ўтиб, фуқаро А. турмуш ўртоғининг телефон рақамига унинг ҳисобварақдаги барча пул ечилгани тўғрисида хабар келган. Ушбу ҳолат текширилганида ҳисобварақдаги пуллар Мексика давлатидан туриб фуқаро А.нинг турмуш ўртоғи номидан ечилганлиги маълум бўлган. Ваҳоланки, фуқаро А.нинг турмуш ўртоғи умуман ҳеч қайси давлатга бормаган ва ушбу пуллар фирибгарлар томонидан ечиб олинган [6].

Афсуски, мазкур ҳолатда ҳозирги кунда суд-тергов амалиёти ушбу жиноятни фош этиш билан боғлиқ талабга етарли жавоб бермаслигини, далилларни тўплаш имконияти йўқлиги, исбот қилишни амалга оширувчи субъектларнинг бу борадаги билим ва кўникмалари етарли эмаслигини кўрсатмоқда. Шу боис, келгусида «Электрон жиноят иши» тизимининг жиноят процессининг барча босқичларини қамраб олиши процесс иштирокчилари учун электрон маълумот олиш имконияти яратилиши, идоравий ва прокурор назоратининг электрон шаклда амалга оширилиши, ҳисоботларнинг автоматлаштирилиши, жиноят процессининг шаффофлиги, ҳужжатларни қалбакилаштириш хавфи минималлашиши, жиноят ишларининг йўқолиб кетиши хавфи бартараф этилиши, вазирлик ва бошқа идоралар билан электрон маълумот алмашинуви, экспертиза хулосалари ҳамда суд санкцияларини олиш, шунингдек жиноят ишларини бошқаларга ўтказиш электрон шаклда амалга оширилиши муносабати билан кўп вақт тежалиши каби афзалликларни туғдиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3723-сон қарори [1] ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Олий суд, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, Мажбурий ижро бюроси ва Божхона қўмитаси вакилларида иборат ишчи гуруҳ аъзолари томонидан Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш марказида «Электрон жиноят иши»нинг дастлабки лойиҳаси жорий этилиб, ИИВ томонидан Яккасарой ва Миробод туман ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармалари ҳузуридаги тергов бўлимлари зарур техника воситалари билан жиҳозланди [7].

Ҳозирги кунда ушбу тизим Тошкент шаҳрининг Яккасарой ва Миробод туманларидаги жиноят ишлари бўйича судлар, прокуратура ва ички ишлар органлари, Давлат божхона қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси, мажбурий ижро бюроси ва Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Яккасарой ва Миробод туман бўлимлари ходимлари томонидан синовдан ўтказиб келинаётган бўлса-да, тегишли давлат органлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар, ахборот марказлари ҳамда экспертиза муассасаларига тўлиқ уланмаганлиги сабабли, етарли самара бераётгани йўқ.

Ҳолбуки, жиноят ишлари бўйича исботлашда электрон ресурслардан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, яъни ЖПКда «электрон жиноят иши», «электрон далил» [8, 13-б.; 9, 11–12-б.], «рақамли ахборот ташувчиси» [10, 15-б.], «электрон маълумот», «электрон ахборотдан нусха кўчириш», «электрон ҳужжат» деган тушунчаларни процессуал мустаҳкамлашни талаб этмоқда [11, 9-б.].

Мазкур тушунчаларнинг ҳуқуқий асослари процессуаллаштирилиши ва улар билан боғлиқ шартлар белгиланиши, шунингдек уларнинг ишлаш механизмлари тартибга солиниши суд-тергов амалиётида далилларни тўплаш билан боғлиқ муаммоларнинг

бартараф этилишига хизмат қилиб, сансалорликларнинг олдини олади ва вақт сарфи сезиларли даражада камаяди.

ЖПКнинг 81-моддасида аҳамиятга молик ҳар қандай ҳақиқий маълумот жиноят иши бўйича далил ҳисобланиши ҳамда гувоҳнинг, жабрланувчининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг кўрсатувлари, экспертнинг хулосаси, ашёвий далиллар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлар билан аниқланиши белгиланган бўлиб, ушбу процессуал қоида далилларнинг «электрон далил» шаклида бўлишини инкор этмайди.

Аммо, далилларни аниқлаш, тўплаш, текшириш, уларга баҳо бериш ва улардан фойдаланиш жараёнидаги шарт ва механизмларни «электрон далил» тушунчасига нисбатан татбиқ этиш жараёнида айрим тушунмовчиликлар келиб чиқиши мумкин. Қолаверса, «электрон ахборот» ёки «электрон далил» ўзига хос тавсифга эга бўлиб, уларни қуйидагиларда кузатиш мумкин:

1) «электрон ахборот» ёки «электрон далил» махсус воситаларда сақланганлиги ва ёпиқ бўлганлиги боис ундан ҳамма ҳам очиқ тарзда фойдаланиш имконига эга бўлмайди ҳамда уларни аниқлаш бирмунча мушкул бўлади, шунингдек «электрон далил»ни очиш ва ўрганиш учун виртуал маконда маълум бир мақсадга йўналтирилган қидирув ҳаракатларини амалга ошириш талаб этилади [9, 11–12-б.];

2) «электрон ахборот» ёки «электрон далил»ни сақловчи манбалар, яъни замонавий техника воситалари (мобиль телефон, компьютер, флешка, ноутбук, смартфон, планшет ва бошқалар)нинг техник имкониятидан фойдаланиш махсус билимларга эга бўлган мутахассисларни талаб этади;

3) «электрон ахборот» ёки «электрон далил»га эга шахс уни осонликча йўқ қилиш имконига эга бўлади;

4) нарса ёки ашёда акс эттирилган далилий аҳамиятга эга маълумотларга қараганда «электрон ахборот» ёки «электрон далил»ларнинг аниқлиги ва улардаги тасвирларни инкор этиш имкониятлари чекланганлиги;

5) катта ҳажмдаги хотирага эгалиги, маълумотларни узатишнинг ва битта электрон тарздаги маълумотларни ташувчидан иккинчисига нусха кўчиришнинг осонлиги [9, 10-б.];

6) электрон маълумотлар ташувчисининг мазмуни билан глобал ахборот телекоммуникация тизимлари орқали кенг доирада танишиш имкониятлари мавжудлиги.

Электрон далил, албатта, дастлаб электрон маълумот шаклида намоён бўлади. Электрон маълумот далил сифатида тан олинishi учун ундаги ахборот ЖПКнинг 81-моддасида белгиланган ҳолатларни аниқлашда аҳамиятга эга бўлиши керак. Электрон ахборот ЖПКда белгиланган тартибда олинган, талаб қилинган ва тақдим этилган фото-, аудио-, видео- ва бошқа ахборот ташувчиларида қайд этилган маълумотларни ўзида сақлаши мумкин. Бундай ҳолларда электрон ахборот далил сифатида тан олинishi лозим ва бу ҳақда тегишли қарор чиқарилиши керак. Электрон ахборот иш материалларига қўшиб қўйилиши ва электрон ташувчиларда сақланишини таъминлаш лозим. Электрон ахборот бошқа ташувчи мосламага қўчирилганида далиллик аҳамиятини сақлаб қолиши мақсадга мувофиқдир. Ахборот-коммуникация технологиялари жадал суръатларда ривожланаётган ҳозирги шароитда электрон ахборотни ташувчи ва сақловчи техника воситалари сифатида мобиль телефон, компьютер, флешка, ноутбук, смартфон, планшет ва улардаги булутли хотиралар хизмат қилиши мумкин.

Юқоридагилардан хулоса қилиб, ЖПК 81-моддасининг иккинчи қисмини қуйидаги тахрирда баён этиш мақсадга мувофиқдир: *«Бу маълумотлар гувоҳнинг, жабрланувчининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг кўрсатувлари, экспертнинг хулосаси, ашёвий далиллар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, ҳар қандай кўринишдаги электрон маълумотлар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлар билан аниқланади».*

ЖПК 81-моддасининг иккинчи қисмига юқорида кўрсатилган ўзгартишни киритиш «электрон жиноят иши», «электрон далил», «рақамли ахборот ташувчиси», «электрон маълумот», «электрон ахборотдан нусха кўчириш» ва «электрон ҳужжат» каби терминларга аниқлик киритади ҳамда мавжуд бўшлиқларнинг бартараф этилишига хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар / Использованная литература

1. «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»: Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. 2018 йил 14 май, ПҚ-3723-сон. — URL: <http://lex.uz>. (14.04.2020).
2. «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»: Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 2018 йил 4 апрель. — URL: <http://lex.uz>. (14.04.2020).
3. Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики от 2 февраля 2017 года (По состоянию на 10.11.2018). — URL: <http://base.spinform.ru> (База данных законодательства стран СНГ) / (14.04.2020).
4. Миленин Ю.Н. Аудио- и видеодокументы как доказательства в уголовном процессе: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — М., 2009. — 24 с.
5. Расулев А.К. Ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик чораларини такомиллаштириш: Юрид. фан. д-ри (DSc) ... дис. автореф. — Т., 2018. — 74 б.
6. Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ИИО ФМБ ҳузуридаги тергов бўлимида 2019 йилнинг март ойида иш юритувида бўлган терговга кадар текширув материали.
7. Химматов И.И. «Электрон жиноят иши» ахборот тизими // Тергов амалиёти. — 2019. — №1. — Б. 32–38.
8. Бостанов Р.А. Использование производных доказательств в уголовном судопроизводстве России: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Нижний Новгород, 2012. — 31 с.
9. Оконенко Р.И. «Электронные доказательства» и проблемы обеспечения прав граждан на защиту тайны личной жизни в уголовном процессе: сравнительный анализ законодательства Соединенных Штатов Америки и Российской Федерации: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — М., 2016. — 24 с.
10. Хмельницкая Т.В. Проблемы формирования доказательств в ходе досудебного производства по уголовному делу: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Нижний Новгород, 2016. — 30 с.

ҚАСДДАН БАДАНГА ШИКАСТ ЕТКАЗИШ ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Мақолада қасддан баданга шикаст етказиш жиноятларини тергов қилиш хусусиятлари кўриб чиқилган. Олимларнинг турли фикрлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш асосида ушбу соҳани такомиллаштиришга қаратилган таклифлар берилган.

Таянч сўзлар: инсон соғлиғи, баданга шикаст етказиш, зўравонлик, қийнаш, калтаклаш, жиноятларни тергов қилиш.

ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ РАССЛЕДОВАНИЯ УМЫШЛЕННОГО ПРИЧИНЕНИЯ ВРЕДА ЗДОРОВЬЮ

Аннотация. В статье рассмотрены особенности расследования преступлений, связанных с умышленным причинением вреда здоровью. На основе анализа различных мнений ученых и правоприменительной практики даны предложения, направленные на совершенствование данной сферы.

Ключевые слова: здоровье человека, телесное повреждение, насилие, истязание, побои, расследование преступлений.

ISSUES ON IMPROVEMENT OF THE INVESTIGATION OF INTENTIONAL CAUSE OF HARM TO HEALTH

Annotation. The article deals with the specifics of the investigation of crime connected with intentional cause of harm to health. Based on the study of the opinions of scientists and law enforcement practice, proposals are given aimed at improving this area.

Keywords: human health, personal injury, violence, torture, beatings.

«Жамиятимизда «Қонун ва адолат — устувор», «Жиноятга жазо муқаррар» деган муҳим принципларни таъминлаш, суд, прокуратура, ички ишлар органлари, адвокатура тизими фаолиятини такомиллаштириш, уларни том маънода инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоячисига айлантириш бўйича ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Ана шундай ўзгаришлар туфайли биз йиллар давомида деярли унутиб қўйган тартиб-интизом, қонун-қоида, одамларнинг ҳақли талаблари билан ҳисоблашиш каби энг муҳим тамойиллар ҳаётимизда тобора чуқур ўрин эгалламоқда» [1].

XX аср охири — XXI аср бошларида зўравонлик билан боғлиқ жиноят кўрсаткичларининг жадал суръатларда ўсиши кузатилган. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларнинг ижтимоий ҳимояланганлик ҳолатига таъсир қилиб, жамиятда кескинликни келтириб чиқариш ва давлат органларининг обрўсига жиддий путур етказиш хавфини юзага келтиради. Ушбу ҳолат нафақат ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари, балки аҳолини ҳам хавотирга солмоқда. Жиноий зўравонликнинг ўсиш динамикаси, авваламбор, ижтимоий зиддиятларнинг кескинлашуви, жамиятнинг табақаланиши, маънавий қадриятларнинг қадрсизланиши ва ҳуқуқий нигилизмнинг ривожланиши билан боғлиқ. Сўнгги йилларда дунёда оила-турмуш муносабатлари

* *Есимбетова Барно Есенгельдиевна, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси олий ўқув юртидан кейинги таълим факультети таянч докторантурасининг докторанти.*

доирасида аёллар, болалар ва кексаларга нисбатан жабр-зулм ва зўравонлик қилиш ҳоллари кўплаб учрамоқда [2, 19-б.].

Ўзбекистон Республикасида инсон соғлиғига қарши жиноятлар умумий жиноятлар тизимида салмоқли ўрин тутати. Сўнгги йигирма йил давомида мамлакатимизда қасддан баданга шикаст етказиш жами жиноятларнинг деярли ярмини ташкил этмоқда.

Жабрланувчилар ички ишлар органларига мурожаат этмасликларининг сабаби — уларнинг тўлиқ ҳимоя қилинмаганлиги, зўравонга моддий ёки бошқа жихатдан қарамлиги, шунингдек жиноятнинг фош этилиши ва айбдорнинг жазоланишига ишончсизликдир [2, 19-б.]. Бу турдаги жиноятларнинг латентлигига яна бир сабаб айрим оила аъзоларининг (аввало, болалар ва қарияларнинг) қарам бўлгани учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат этмаганлигидир. Баданга енгил шикаст етказиш «табiiй» латентликнинг яна бир омилидир. Одатда, гувоҳ йўқлиги, жабрланувчи ва жиноятчи ўртасида ўртоқлик ёки қариндошлик ришталари мавжудлиги сабабли, айбдор жиноят содир этганидан сўнг жабрланувчини ҳуқуқ-тартибот органларига мурожаат этмасликка кўндиради; мабодо шифохонага мурожаат этиш зарур бўлса, бахтсиз ҳодиса бўлгани ҳақида уйдирма тўқиб чиқаришда ёрдам ҳам беради.

Кўп ҳолларда жабрланувчилар соғлиққа етказилган шикаст билан тиббиёт муассасасига қилган мурожаатлари ички ишлар органлари ходимларига ҳам етиб боришини билиб, ҳудудий поликлиникага мурожаат этмай, ўзини ўзи даволаш билан шуғулланадилар. Айрим вақтларда бу оғир оқибатларга ҳам олиб келади. Шулар ичида энг кўп содир этилгани қасддан баданга енгил шикаст етказиш жиноятларидир.

Таъкидлаш керакки, оила-турмуш муносабатлари доирасида ота ёки онанинг ўз фарзандига нисбатан шафқатсиз муомала қилиши ва зулмкор муносабатда бўлиши оқибатида вояга етмаганлар баданига турли даражаларда шикаст етказилмоқда. Ҳуқуқни қўллаш амалиётида вояга етмаганлар ва аёллар баданига шикаст етказиш билан боғлиқ ҳолатлар кўплаб содир этилмоқда. Мисол учун, 1974 йилда туғилган фуқаро Б. ўз фарзанди — 17 ёшли К. билан ўрталарида келиб чиққан келишмовчилик оқибатида унга жисмоний куч ишлатиб, баданининг турли жойларига шикаст етказган. Суд-тиббиёт экспертизаси ҳулосасига кўра вояга етмаган К.нинг баданига соғлиғининг бузилишига сабабчи бўлган енгил шикаст етказилган [3].

Қонунда соғлиққа қасддан зарар етказиш билан боғлиқ қуйидаги жиноятлар белгиланган:

- қасддан баданга оғир шикаст етказиш (ЖК 104-м.);
- қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш (ЖК 105-м.);
- кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш (ЖК 106-м.);
- зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан баданга оғир шикаст етказиш (ЖК 107-м.);
- ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, баданга қасддан оғир шикаст етказиш (ЖК 108-м.);
- қасддан баданга енгил шикаст етказиш (ЖК 109-м.);
- қийнаш (ЖК 110-м.);
- эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш (ЖК 111-м.).

Бироқ, жиноят-процессуал ҳуқуқ назариясида инсон соғлиғига шикаст етказувчи жиноятларга калтакланишни ҳам киритиш зарурлиги ҳақида фикрлар билдирилган.

Хусусан, С. В. Растороповнинг таъкидлашича, уриш, калтаклаш ва бошқа зўравонлик ҳаракатлари оқибатида инсон соғлиғига маълум даражада зарар етказилади, лекин у муҳим эмас, чунки суд-тиббий экспертизаси ва суд уни ҳолисона аниқлай олмайди, шунинг учун қонунда ҳам бунга эътибор берилмаслиги даркор [4]. В. К. Жукованинг фикрича эса, бу «инсон баданига ҳар қандай эмас, балки сезиларли ва кўринарли даражада шикаст етказилиб, соғлиқнинг бузилишидир» [5, 42-б.].

М. М. Гродзинскийнинг фикрича эса, «соғлиққа сезиларли даражада зарар етказилмаслигининг ўзи шубҳалидир, чунки ҳар қандай шикаст етказиш ҳар доим ва сўзсиз соғлиқнинг жиддий бузилиши билан боғлиқ бўлади» [6, 323-б.].

Н. И. Загородниковнинг таъкидлашича, «баданга шикаст етказиш жинояти бошқа жиноятлардан фарқли равишда кўриниши ва аниқ таърифланиши мутахассислар томонидан тасдиқланадиган бўлиши лозим» [7, 37-б.].

Лекин юқоридаги нуқтаи назарлар унчалик тўғри эмас. Шунинг учун Н. С. Таганцев «баданга шикаст етказиш ҳар қандай жисмоний оғриқ ва руҳий кечинмани қамраб олиши керак» [8, 139-б.], деб ҳисоблайди.

С. В. Познишев эса баданга шикаст етказиш жиноятига нафақат ўзга шахс томонидан жиддий ва сезиларли даражада соғлиққа етказилган зарарни, балки бир лаҳзада изсиз ўтиб кетадиган оғриқни ҳам киритади [9, 86-б.].

П. А. Дубовецнинг таъкидлашича, жисмоний оғриқ билан боғлиқ ҳар қандай уриш, калтаклаш ва бошқа зўравонликлар, худди баданга шикаст етказиш каби, инсон соғлиғига зарар етказади [10, 7–8-б.]. Дарҳақиқат, унинг фикри асослидир. Тиббий адабиётларда ҳар қандай жисмоний оғриқ тана (бадан) ва ички аъзоларнинг одатий фаолиятини бузиши қайд этилган. Бундай нуқтаи назарни бошқа муаллифлар ҳам қўллаб-қувватлаб, зарба, калтак ва бошқа зўравонлик ҳаракатларини баданга шикаст етказиш жинояти деб ҳисоблайдилар [11, 128-б.].

Гарчи, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида калтакланиш алоҳида жиноят тури сифатида белгиланмаган бўлса-да, биз ушбу нуқтаи назар тарафдоримиз, сабаби, калтакланиш оқибатида баданга шикаст етказилиб, ушбу тоифадаги жиноят (калтакланиш) мантиқий жиҳатдан қараганда қасддан баданга шикаст етказишнинг енгил тури ҳисобланади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу тоифадаги жиноятларни бир гуруҳга киритиш мумкин.

В. И. Симонова ва В. Г. Шумихинанинг фикрича, ушбу жиноятлардан кўзланган мақсад жисмоний зўравонлик қўллашдир [12].

А. И. Бойцов умумлаштирган ҳолда қуйидагича хулоса қилади: «Инсонга қилинадиган ҳар қандай зўравонлик ҳам жисмоний, ҳам руҳий таъсир доирасига эга. Инсонда иккита таъсир доираси мавжуд — биологик ва психологик» [13, 139-б.].

Кўп олимлар жисмоний ва руҳий зўравонликларни алоҳида мустақил жиноятлар деб ҳисоблаб, ҳар иккиси ҳам жавобгарликни тақозо этишини эътироф қилишган [14].

А. Д. Тартаковскийнинг ёзишича, калтаклаш ёки тана дахлсизлигига таъсир қилувчи хатти-ҳаракатлар унинг нафақат жисмоний, балки руҳий соғлиғига ҳам таъсир кўрсатади. Масалан, юздаги калтак излари кўп ҳолларда инсоннинг соғлиғидан кўра, нафсониятига ва қадрига путур етказади [15, 34-б.]. Таъкидлаш жоизки, гап фақат жисмоний оғриқда эмас, балки хўрланганлик, ўзига нисбатан ишончсизлик, кул сифатида боғлиқликда, чунки бунда нафақат жисмоний дахлсизлиги бузилади, балки инсоннинг эркинлиги ва қадр-қимматининг дахлсизлиги ҳам топталади [16, 60-б.].

Калтакланиш икки томонлама бўлмаса, бир инсоннинг иккинчисидан устунлигини, яъни зўравон томонда куч, ҳукмронлик, калтакланган томонда эса заифлик ва

итоаткорлик борлигини кўрсатади. Шу алфозда, зўравон инсоннинг соғлиғига ҳамда ор-номуси ва кадр-қимматига тажовуз қилади.

Назаримизда, суд-тергов амалиётидан келиб чиқиб, ушбу ҳолатга жисмоний ва руҳий зўравонликнинг бирлашиши деб баҳо бериш мумкин. Бундай ҳолатларда жабрланувчига ҳам жисмоний, ҳам руҳий азоб берилади. Жисмоний азоб — фақат жисмоний зўравонлик билан, руҳий азоб эса зўравонликнинг ҳар иккала тури билан етказилади. Бундай ҳолатда руҳий изтироб жисмоний оғриқлар туфайли кучаяди, жабрланувчининг психикасига икки баробар кучли таъсир кўрсатади.

Фикримизча, юқоридаги фикр-мулоҳазалар инсон соғлиғига қасддан шикаст етказиш жисмоний ва руҳий зўравонлик орқали амалга оширилади, деган хулосага келишимизга имкон беради. Соғлиққа қасддан шикаст етказиш жиноятларига қарши курашиш борасидаги мазкур камчиликлар ушбу турдаги жиноятларни фош этиш учун замонавий услубий тавсиялар ишлаб чиқиш зарурлигидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар / Исползованная литература

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. — 2018. — 31 авг.
2. Муродов А.Ш. Ички ишлар органларининг оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш: Юрид. фан. бўйича фалсафа д-ри ... дис. автореф. — Т., 2019.
3. Жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар суди архиви 1/136-13-сон жиноят иши.
4. Расторопов С.В. Преступления против здоровья человека // Законодательство. — 2004. — № 2.
5. Жукова В.К. Понятие телесного повреждения // Вестн. Моск. ун-та. Сер. Право. — 1965. — № 4.
6. Гродзинский М.М. Телесные повреждения в новом УК РСФСР // Вестн. сов. юстиции. — 1927. — № 9–10.
7. Загородников Н.И. Преступления против здоровья. — М., 1969.
8. Таганцев Н.С. Лекции по русскому уголовному праву. Часть Особенная. — СПб., 1894.
9. Познышев С.В. Особенная часть русского уголовного права. — М., 1912.
10. Дубовец П.А. Ответственность за телесные повреждения по советскому уголовному праву. — М., 1964. — С. 7–8.
11. Слуцкий И.И. Советское уголовное право. — М., 1940.
12. Симонов В.И., Шумихин В.Г. Квалификация насильственных посягательств на собственность. — М., 1993.
13. Бойцов А.И. Понятие насильственного преступления // Криминологические и уголовно-правовые проблемы борьбы с насильственной преступностью. — Л., 1988.
14. Иванова В.В. Преступное насилие. — М., 2002. — С. 29–39; Сердюк Л.В. Насилие: криминологическое и уголовно-правовое исследование. — М., 2002. — С. 20; Тюменев А.В. Виды криминального насилия (уголовно-правовые и криминологические аспекты): Дис. ... канд. юрид. наук. — Рязань, 2002. — С. 38; Панов Н.И. Основные проблемы способа совершения преступления в советском уголовном праве: Дис. ... д-ра юрид. наук. — Харьков, 1987. — С. 117, 133; ва бошқ.
15. Тартаковский А.Д. Некоторые вопросы характеристики истязаний по советскому уголовному праву // Теория и практика борьбы с правонарушениями. Вып. 1. — Душанбе, 1980.
16. Курс уголовного права. Общая часть. Т. 1: Учение о преступлении / Под ред. Н.Ф. Кузнецовой, И.М. Тяжковой. — М., 1999.

ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ХУСУСИЙ АЙБЛОВ ИНСТИТУТИНИ ҚЎЛЛАШ МЕХАНИЗМИ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР

Аннотация. Мақолада жиноят процессида хусусий айблов институтини қўллаш масалалари тадқиқ этилган, ушбу турдаги айблов механизми, уни қўллаш билан боғлиқ муаммолар ёритилган. Илмий тадқиқотлар ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш асосида муаллиф ушбу соҳада мавжуд бир қатор муаммоларни ҳал қилиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиққан.

Таянч сўзлар: жиноят процесси, жиноят-процессуал қонун, хусусий айблов, ярашув, жабрланувчи, хусусий айблов институтини қўллаш механизми, жиноят иши қўзғатишни рад этиш, хусусий айблов институтини қўллаш механизмига оид муаммолар.

ПРОБЛЕМЫ, СВЯЗАННЫЕ С МЕХАНИЗМОМ ПРИМЕНЕНИЯ ИНСТИТУТА ЧАСТНОГО ОБВИНЕНИЯ В УГОЛОВНО-ПРОЦЕССУАЛЬНОМ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВЕ

Аннотация. В статье исследуются вопросы применения института частного обвинения в уголовном процессе, раскрывается механизм данного вида обвинения, вскрываются проблемы, связанные с его применением. На основе анализа научных исследований и правоприменительной практики автором разработаны научно обоснованные рекомендации по разрешению ряда имеющихся проблем в данной сфере.

Ключевые слова: уголовный процесс, уголовно-процессуальный закон, частное обвинение, примирение, потерпевший, механизм применения института частного обвинения, отказ в возбуждении уголовного дела, проблемы, связанные с механизмом применения института частного обвинения.

PROBLEMS RELATED TO THE APPLICATION OF THE PRIVATE PROSECUTION INSTITUTE IN CRIMINAL PROCEDURE LEGISLATION

Annotation. The article deals with the issues related to the application of private prosecution institution in criminal proceedings, mechanism of this type of prosecution and problems related to its application is revealed. Scientifically grounded recommendations on solution of existing problems in this sphere is worked out by the author on the basis of scientific research and law-enforcement practice.

Keywords: criminal procedure, criminal procedure law, private prosecution, reconciliation, victim, mechanism for applying the institution of private prosecution, refusal to initiate criminal proceedings, problems associated with the mechanism for applying the institution of private prosecution.

Жиноят-процессуал қонунчиликдаги муайян ҳуқуқий институтнинг самарали қўлланилиши, аввало, ушбу институтнинг ҳуқуқий белгиланиши ҳамда уни қўллаш механизми мукамал тартибга солинганлиги билан чамбарчас боғлиқ. Ҳуқуқий ва илмий адабиётлар [1] таҳлилининг кўрсатишича, хусусий айблов институти жиноят процессининг вазифаларини самарали рўёбга чиқаришга қулай имконият яратади. Шу билан бирга, жиноят-процессуал ҳуқуқнинг ривожланишида хусусий айблов институтини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ дея эътироф этилмоқда [2].

* *Рашидов Бехзод Нурбоевич, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноят-процессуал ҳуқуқ кафедраси бошлиғи, юридик фанлар номзоди, доцент.*

Чунки ҳуқуқий демократик давлатда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлиги тан олинади ва хусусий айблов институти жиноят ишларини юритишда айнан инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигини эътироф этган ҳолда мақсадга, яъни одил судловни таъминлашга эришиш имконини беради.

Бугунги суд-тергов амалиётида хусусий айблов институтини қўллаш билан боғлиқ муайян муаммолар вужудга келмоқда [3]. Ушбу муаммолар кўп ҳолларда хусусий айблов институтини самарали қўллашга тўсиқ бўлмоқда. Бу каби муаммоларнинг асосий сабаблари, назаримизда, хусусий айблов институтини қўллаш механизми билан боғлиқ. Бу ҳақда батафсил тўхталиш қайд этилган муаммолар ва уларнинг сабабларини тўлиқ ўрганиш ҳамда уларнинг мақбул ечимларини топишга қулай шароит яратади.

Ҳуқуқий институтни қўллаш механизми ҳақида яхшироқ тасаввур қилиш учун, аввало, механизмнинг моҳиятини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. «Механизм» сўзи (юн. *mechané* — курол, машина) [4, 584-б.] ҳуқуқ тизимида кўчма маънода қўлланилади ва у ёки бу фаолият тури, жараённинг тартибини белгиловчи тизим, тузилма маъносини англатади. Ҳуқуқий институтни қўллаш (ҳуқуқий тартибга солиш) механизми деганда эса, ҳуқуқнинг муайян соҳасида бирон ҳаракатни амалга ошириш ёки қарор қабул қилиш асослари, шарт-шароити, мақсади, тартиби, уни амалга оширувчи субъектлар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид нормаларни татбиқ этишга хизмат қилувчи нормалар, қоидалар тушунилади [5; 462, 467–470-б.]. Ҳуқуқий институтни қўллаш механизми ҳуқуқ соҳасини тартибга солувчи қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топади.

Хусусий айблов институтини қўллаш механизми Жиноят-процессуал кодексида белгиланган. Бугун амалда бўлган жиноят-процессуал қонунчиликда хусусий айблов институтини қўллаш механизмига оид кўпгина камчиликлар мавжуд. Юқорида қайд этилганидек, ҳуқуқий институтни қўллаш механизми ўз таркибига фаолият бошланганидан иш юритуви якунлангунига қадар бўлган тартиб-қоидаларни қамраб олади. Амалдаги ЖПКда хусусий айблов институтини қўллаш тартибига оид қоидалар қисқача белгиланган. Жумладан, жабрланувчининг шикояти асосидагина қўзғатиладиган жиноят турлари келтирилган, агар жабрланувчининг шикояти бўлмаса, яъни шикоят умуман берилмаса, иш қўзғатиш рад этилиши, қўзғатилган иш тугатилиши қайд этилган, шунингдек ярашув асосида иш тугатилиши мумкинлиги ва ярашув тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби белгиланган [6; 225, 226, 399–402-б.]. Аммо хусусий айбловга доир ишларда ишни судга қадар юритиш, терговга қадар текширув, тергов ўтказиш, суд муҳокамасининг ўзига хос хусусиятлари алоҳида белгиланмаган. Қайд этилган ҳолатлар хусусий айблов институтини қўллаш механизмини ташкил этувчи иш юритув босқичлари бўлиб, мукамал тартибга солишни тақозо этмоқда.

Маълумки, хусусий айбловга доир ишлар алоҳида тартибда юритилиши талаб этилади. Бугунги суд-тергов амалиётида ЖПКда алоҳида қоидалар белгиланмаганлиги боис умумий тартибда иш юритиш қоидаларидан келиб чиққан ҳолда хусусий айбловга доир ишлар тергов қилинмоқда ва судда кўриб чиқилмоқда, шунингдек ярашув асосида айрим ишлар тугатилмоқда. Натижада жабрланувчиларнинг диспозитив ҳуқуқлари таъминланмай қолмоқда, баъзан бузилмоқда. Ярашувга оид ишларни юритишнинг амалдаги тартиби ҳам, диспозитив

ҳуқуқлар нуктаи назаридан, бугунги талабларга жавоб бермайди. Шу боис хусусий айбловга доир ишларни юритишнинг алоҳида тартиби қонунчиликда белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Жиноят процессида хусусий айблов институтини қўллаш механизмига оид қоидалар алоҳида таҳлил қилинганида, аввало бундай қоидалар ЖПКнинг 55, 84, 325, 333, 582–586-моддаларида белгиланганлигини кўриш мумкин. Ушбу моддалардаги қоидаларни бирма-бир кўриб чиқамиз.

ЖПКнинг 55-моддаси жабрланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига бағишланган бўлиб, унда хусусий айблов институтини қўллаш билан боғлиқ иккита қоида акс этган. Яъни жабрланувчининг ҳуқуқи сифатида қонунда назарда тутилган ҳолларда ярашув тўғрисида аризалар бериш, ярашув тўғрисидаги ишларда суд муҳокамасида қатнашиш мумкинлиги белгиланган. Фикримизча, жабрланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган моддада хусусий айблов институтини қўллаш механизмига оид асосий қоидалар, жумладан фаолиятни амалга ошириш учун асос бўладиган нормалар акс этиши мақсадга мувофиқ. Яъни хусусий айбловга ва хусусий-оммавий айбловга доир ишларда шахсни жавобгарликка тортишни сўраб шикоят бериш, ушбу шикоятни қайтариб олиш, айбловни (мустақил) амалга ошириш, айбловни амалга оширишда тергов органларидан ёрдам олиш, хусусий айбловдан воз кечиш каби жабрланувчининг хусусий айбловни амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқлари ўз ифодасини топиши зарур.

Амалдаги таҳрирга кўра, ярашув тўғрисида ариза бериш ва судда қатнашиш ҳуқуқи хусусий айблов институтини қўллашнинг айрим элементларигина ҳисобланади. Хусусий айблов институтини қўллаш билан боғлиқ жабрланувчининг ҳуқуқлари батафсил белгиланмаганлиги ЖПК 325-моддасида кўрсатилган жиноятларга доир ишларда жабрланувчининг шикояти бўлмаганда ёки шикоят ёзишни хоҳламаган ҳолларда ҳам турли йўللار билан шикоят олиш ёхуд шикоят бермоқчи бўлган вазиятларда шикоят бермаслик учун кўндириш ҳолатлари юз беришига имкон яратмоқда. Шу билан бирга, хусусий айбловга доир ишларда фуқаровий даъвогарларнинг ҳам тегишли ҳуқуқлари белгиланиши мақсадга мувофиқ. Хусусий айбловга ёки хусусий-оммавий айбловга доир ишларда фуқаровий даъвогарнинг ҳам жабрланувчи сингари айрим ҳуқуқлари белгиланиши шарт. Амалдаги ЖПКда фуқаровий даъвогарнинг хусусий айбловга оид ҳуқуқлари белгиланмаган.

ЖПК 84-моддасида айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш асослари келтирилган. Ушбу асослар тизимида «иш фақат жабрланувчининг шикояти билан қўзғатиладиган ҳолларда унинг шикояти бўлмаса, ушбу Кодекснинг 325-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно» қоидаи белгиланган бўлиб, хусусий айблов институти мавжудлигини билдиради ва қисман иш юритиш тартибини белгилайди. Мазкур моддада, шунингдек, жабрланувчининг айрим турдаги жиноятлар ҳақидаги ишларда гумон қилинувчи, айбланувчи билан ярашганлиги асосида суд томонидан алоҳида тартибда иш тугатилиши мумкинлиги қайд этилган. Ушбу норма ҳам иш юритиш тартибини белгилаб беради ҳамда хусусий айблов институтини қўллаш механизмига ҳавола қилади, яъни ярашув асосида иш юритишни тугатишнинг алоҳида тартиби кўрсатилган нормаларга риоя этилишини талаб қилади. Шу ўринда эътироф этиш ўринлики, ярашув институти ҳам хусусий айблов институтининг таркибига кирса-да, жабрланувчининг жиноят процессидаги

диспозитив ҳуқуқларидан нофаол фойдаланиш шакли бўлиб, хусусий айблов институтини қўллаш механизмини тўлиқ қамраб олмайди.

ЖПК 84-моддаси биринчи қисмининг 6-бандида келтирилган ишни тугатиш асосининг ифодаланишини қонунчилик техникаси нуқтаи назаридан самарали дейиш қийин. Чунки ушбу банддаги «325-моддада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно» қоидаси қонунни қўлловчида ҳам, уни ўрганувчида ҳам ноаниқ тасаввурлар шаклланишига олиб келади. Ушбу ноаниқлик ҳам хусусий айблов институтини самарали қўллашга муайян тўсиқлар яратиши, мунозарали саволлар пайдо қилиши мумкин. Шу боис хусусий айблов институтини тартибга солувчи мавжуд нормаларни қонунчилик техникаси жиҳатидан ҳам такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

ЖПК 325-моддаси «Жабрланувчининг шикоятига асосан жиноят ишини қўзғатиш» деб номланган бўлиб, хусусий айблов институтини қўллаш механизмига оид ЖПК нормалари тизимидаги энг асосий қоидаларни акс эттирган. Ушбу моддада қайси жиноятлар тўғрисидаги ишлар фақат жабрланувчининг шикоятига асосан қўзғатилиши, жабрланувчининг шикотида айбдорни жавобгарликка тортишни сўраб муурожаат қилиши кераклиги, жабрланувчи муайян сабабларга кўра ўз ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ўзи ҳимоя қила олмайдиган истисноли ҳолларда прокурор жабрланувчининг шикоятисиз ҳам жиноят иши қўзғатиши шартлиги, устав фондида давлат улуши бўлмаган юридик шахсларга нисбатан унинг ходими томонидан содир этилган айрим жиноятлар тўғрисидаги ишлар фақат мазкур юридик шахс раҳбарининг, мулкдорининг ёки ваколатли бошқарув органининг (фуқаровий даъвогар) аризасига кўра қўзғатилиши мумкинлиги белгиланган.

Мазкур модда жиноят иши қўзғатилишининг сабабларидан бўлган шахсларнинг аризаларига бағишланганлиги, хусусан жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) шикоятининг мазмунига оидлиги боис бу ҳақда қисқагина қоидалар белгиланганлигини эътироф этиш мумкин. Яъни жабрланувчи ўз шикотида жиноят содир этган шахс (айбдор)ни жавобгарликка тортиш ҳақидаги талабини кўрсатиши шарт. Шу билан бирга, жабрланувчи шикоятининг мазмунига оид бошқа талаблар белгиланмаганлигини қонундаги бўшлиқ деб эътироф этиш мумкин. Юридик шахсга нисбатан содир этилган айрим жиноятлар тўғрисидаги ишлар билан боғлиқ ҳолда бериладиган ариза мазмуни ҳақида ҳам ҳеч нарса дейилмаган. ЖПКда жиноят иши қўзғатишга сабаб бўладиган бошқа ариза ва хабарлар мазмуни ҳақида ҳам батафсил қоидалар белгиланмаган. ЖПКнинг 325-моддасида айни вақтнинг ўзида қайси тоифадаги жиноятлар хусусий айбловга тааллуқли эканлиги ҳам белгиланган. Албатта, ЖПК 325-моддасининг амалдаги таҳририда белгиланган жиноятлар доирасини кенгайтириш масаласи алоҳида мунозара, тортишувни талаб этса-да, ушбу доирани яна кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, айнан ушбу модда мазмунида ёки алоҳида моддада жабрланувчининг шикоятига асосан жиноят иши қўзғатишнинг ўзига хос хусусиятлари, шартлари ва тартибини белгилаш, шикоят мазмуни ва уни қабул қилиш тартибини ҳам кўрсатиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Амалдаги ЖПКда хусусий айбловга доир жиноятлар тўғрисидаги ишларда ҳам терговга қадар текширув, тергов ва суд муҳокамаси жараёнлари умумий тартибга мувофиқ амалга оширилиши белгиланган. Аммо, маълумки, хусусий айбловга доир ишларни юритишнинг ўзига хос

жиҳатлари мавжудлиги боис ушбу тоифадаги ишларни юритишда муайян масалалар юзага келмоқда. Жумладан, дастлаб аччиқ устида шикоят берган жабрланувчи ўз шикоятини қайтариб олишини маълум қилса, жабрланувчи шикоят беришдан бош тортган бўлса-да, қилмишни квалификация қилиш учун унинг иштирокида айрим тергов ҳаракатларини ўтказиш зарур бўлса, шунингдек иш қўзғатилганидан кейин жабрланувчи айбловдан воз кечса, яъни шикоятини қайтариб олмоқчи бўлса, хусусий айблов билан бир вақтда давлат номидан айблов қўллаб-қувватланиши керак ёки керак эмаслиги каби масалалар, алоҳида аниқланиши зарур бўлган, яъни умумий тартибда иш юритишга нисбатан қисқартирилган ҳолатлар белгиланиши, умуман, соддалаштирилган тартибда иш юритиш зарурияти кабилар ана шулар жумласидандир. Фикримизча, қайд этилган масалалар хусусий айбловга оид ишларни юритишнинг ўзига хос жиҳатлари бўлиб, айрим чет давлатлар қонунчилигидаги [7] каби алоҳида иш юритиш тартиби белгиланишини тақозо этади.

ЖПКнинг 333-моддасида жабрланувчининг шикояти бўлмаган ҳолатда терговга қадар текширув органларининг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки прокурор жиноят иши қўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор чиқариши ҳақидаги хусусий айблов институтини қўллаш механизмига оид нормалар ҳаволаки тарзда белгиланган. Бир қарашда, хусусий айбловга доир ишларда ҳам умумий тартибда терговга қадар текширув ўтказилиши ушбу жараёнда жиддий муаммолар бўлмаслигини таъминлайдигандек кўринади. Аммо содир этилган жиноят ҳақида келиб тушган ариза ёки хабарда акс этган ҳодиса юз берган-бермаганлигини, юз берган бўлса, жиноят ёки жиноят эмаслигини аниқлаш масаласи умумий тартибда ҳал этилади. Шундай бўлса-да, ушбу жиноятнинг хусусий айбловга тегишли ёки тегишли эмаслигини аниқлаш, агар иш хусусий айбловга доир бўлса, жабрланувчи ҳеч қандай тазйиқларсиз шикоят беришдан бош тортганлигини расмийлаштириш, яна шундай тазйиқ ёки бошқа ҳолатлар бўлганида иш қўзғатиш ёки бунинг рад этиш қай тартибда амалга оширилиши, шу билан бирга, юқорида қайд этилганидек, дастлаб аччиқ устида шикоят ёзиб берган ва кейинроқ шикоятини қайтариб олишни хоҳлаган жабрланувчининг талабига кўра қандай қарор қабул қилиш кераклиги билан боғлиқ масалалар алоҳида тартибда белгиланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқорида ЖПКнинг хусусий айблов институти белгиланган моддаларини таҳлил қилиш натижалари асосида хулоса қилиб айтганда, хусусий айбловга доир ишларни юритиш алоҳида қоидаларда, чунончи терговга қадар текширув заруратга кўра ўтказилиши мумкин бўладиган тергов ҳамда суд муҳокамаси ўтказишнинг соддалаштирилган тартибини акс эттирган махсус бобда белгиланиши талаб этилади.

Шу ўринда хусусий айблов институтини қўллаш механизмига тааллуқли бўлган ярашув институти тўғрисидаги ишларни юритиш тартибига оид ЖПК моддаларини ҳам қисқача таҳлил қилиш фойдадан холи бўлмайди. 2001 йилда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликка киритилган ярашув институти ЖПКнинг 62-боби 582–586-моддаларида белгиланган. Ярашув институти хусусий айблов билан боғлиқ иш юритишнинг бир қисmini ташкил этади ва амалдаги қонунчиликда нисбатан тўлиқ тартибга солинган. Жумладан, ЖПКнинг 582-моддасида – ярашилганлиги муносабати билан кўриб чиқиладиган жиноят ишлари, 583-моддасида – ярашув тўғрисидаги аризанинг мазмуни ҳақида сўз юритилган; 584-моддада – ушбу тоифадаги

ишларни судга юбориш тартиби, 585-моддада эса суд муҳокамасини ўтказиш тартиби белгиланган. Ярашув тўғрисидаги ишларни юритишнинг амалдаги тартибини ҳам мукамал деб бўлмайди. Ярашув институтини қўллашда юзага келадиган айрим масалалар шундай дейишимизга асос бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар / Используемая литература

1. Jinoyat-protsessual huquq: Darslik / Yuridik fanlar doktori, professor M.A.Rajabova tahriri ostida (Toldirilgan va qayta ishlangan uchinchi nashr). — Т.: Ozbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2019. — Б. 29–31; *Мухитдинов Ф.М.* Жиноят-процессуал шакл: назарий ва методологик муаммолар: Юрид. фан. д-ри ... дис. — Т., 2005. — Б.79; *Муродов Б.Б.* Жиноят ишлари тугатиш: назария ва амалиёт: Монография. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. — Б. 98–112.

2. *Тулаганова Г.З.* Ўзбекистонда хусусий айблов институтини ривожлантириш истиқболлари // Хусусий айблов ва ярашув институтини такомиллаштириш чоралари: Респ. илмий-амалий конф. мат-ри.. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. — Б. 19–22; *Муродов Б. Б.* Хусусий айблов институтини қўллаш самарадорлигини ошириш йўллари // Хусусий айблов ва ярашув институтини такомиллаштириш чоралари: Респ. илмий-амалий конф. мат-ри. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. — Б. 34-40.

3. *Муродов Б. Б.* Жиноят ишлари тугатиш: назария ва амалиёт: Монография. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. — Б. 98–112; *Абдулҳақов Я.А.* Тергов аппаратлари томонидан жабрланувчининг шикоятига асосан жиноят иши қўзғатишни қўллаш амалиёти // Хусусий айблов ва ярашув институтини такомиллаштириш чоралари: Респ. илмий-амалий конф. мат-ри. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. — Б. 27–32.

4. Ўзбек тилининг изохли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.П. Н-Тартибли / Таҳрир хайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.; ЎЗР ФА Тил ва адабиёт институти. — Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2006.

5. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / Х.Т.Одилқориев, И.Т.Тулъетеев ва бошқ.; проф. Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2009. — Б. 462, 467–470.

6. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси: (2019 йил 1 июлгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан): Расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. — Т.: «Адолат» ҳуқуқий ахборот маркази, 2019. — Б. 225, 226, 399–402.

7. Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации от 18 декабря 2001 года (По состоянию на 30.10.2018). — URL: <http://base.spinform.ru> (База данных законодательства стран СНГ) / (25.01.2019); Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики от 2 февраля 2017 года (По состоянию на 28.02.2020). — URL: http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/111530?cl=ru-ru#st_47 / (25.03.2020); Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан от 4 июля 2014 года (По состоянию на 01.10.2019). — URL: https://www.legislationline.org/download/id/8446/file/Kazakhstan_CPC_2014_am102019_ru.pdf / (31.03.2020).

СУД-ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ЖИНОЯТ ИШИНING ЭЛЕКТРОН ШАКЛИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация. Мақолада жиноят ишини юретишнинг электрон шакли кўриб чиқилган, унинг афзалликлари ва Ўзбекистон Республикасининг жиноят процессига жорий этилиши истиқболлари ёритилган. Жиноят процессини такомиллаштириш йўлидаги қийинчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш йўллари таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: электрон жиноят иши, ахборот технологиялари, электрон ташувчилар, техник воситалар, терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ва суд.

ПЕРСПЕКТИВЫ ВНЕДРЕНИЯ ЭЛЕКТРОННОЙ ФОРМЫ УГОЛОВНОГО ДЕЛА В ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ СЛЕДСТВЕННО-СУДЕБНЫХ ОРГАНОВ

Аннотация. В статье рассматривается электронная форма уголовного дела, раскрываются ее преимущества и перспективы внедрения в уголовное судопроизводство Республики Узбекистан. Проанализированы трудности на пути информационного совершенствования уголовного судопроизводства, а также пути их преодоления.

Ключевые слова: электронное уголовное дело, информационные технологии, электронный носитель, технические средства, доследственная проверка, дознание, предварительное следствие и суд.

PROSPECTS FOR THE INTRODUCTION OF ELECTRONIC FORMS OF THE CRIMINAL CASE IN THE ACTIVITIES OF THE INVESTIGATIVE AND JUDICIAL BODIES

Annotation. The article discusses the electronic form of the criminal case, reveals its advantages and prospects of introduction to criminal proceeding of the Republic of Uzbekistan. Difficulties on the way of informational improvement of criminal proceedings, as well as ways to overcome them are analyzed.

Keywords: electronic criminal case, information technology, electronic bearer, technical resources, pre-investigation check, inquiry, preliminary investigation and court.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимининг демократик асосларини янада чуқурлаштириш, миллий қонунчилик асосларини шакллантириш, жиноятчиликка қарши курашнинг замон талаблари даражасида олиб борилишини таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, бу борада инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда ҳимоясини таъминлаш муҳим омил сифатида эътироф этилди.

Юқорида қайд этиб ўтилган саъй-ҳаракатларнинг давоми сифатида 2018 йил 14 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланган «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорнинг [1] қабул қилиниши жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликнинг самарали тизимини яратишда муҳим қадам бўлди.

* Чўтбоев Муҳаммадулла Раҳматуллаевич, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси илмий-амалий тадқиқотлар маркази катта илмий ходими.

** Муминов Музаффар Эркинович, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси илмий-амалий тадқиқотлар маркази илмий ходими.

Ушбу қарор билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди ва Ички ишлар вазирлигининг суриштирув ҳамда дастлабки терговни юритиш тартибини босқичма-босқич рақамлаштириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинди. Унга кўра, жиноят ишларини электрон шаклда юритиш ва процессуал ҳаракатларни амалга ошириш вақтида суриштирув, тергов, прокуратура органлари ва судлар, шунингдек бошқа ташкилотлар билан маълумотлар алмашиш имконини берувчи ҳимояланган тизимни, жумладан ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини интеграция қилиш (жиноят ишлари бўйича статистика юритишни автоматлаштириш орқали) жорий қилиш белгиланди.

Ҳозирги кунгача жиноят иши бўйича асосий ахборот манбаи қоғоз ҳисобланган, чунки суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг қарорлари, тергов ҳаракатларининг натижалари ёзма тарзда процессуал ҳужжатларда акс эттирилади. Ҳатто ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ҳамда бошқа тергов ва процессуал ҳаракатлар натижасида олинган фотосуратлар ҳам қоғозда акс эттирилган фотожадваллар шаклида расмийлаштирилиб, жиноят ишига қўшилади. Жиноят ишининг мураккаблиги ва кўп эпизодлилиги, судга оид экспертизаларнинг кўплаб ўтказилиши, процесс иштирокчилари сонининг кўплиги муқаррар равишда улар билан боғлиқ тергов ва процессуал ҳаракатлар натижаларини расмийлаштиришга хизмат қилувчи ҳужжатларнинг кўпайишига олиб келади ҳамда жиноят ишининг катта ҳажмдаги жилдларини юзага келтиради. Кўп ҳолларда тергов амалиётида жиноят ишларининг жилдлари 50 тадан ошиб кетиши ҳам кузатилган. Бундан ташқари, қоғозда расмийлаштирилган ҳужжатлар оловдан ёки қоғоз хусусиятини бузувчи бошқа воситалар таъсиридан тўлиқ ҳимояланган бўлмайди, чунки ташқи таъсирлар бу каби ҳужжатлар ёки уларнинг айрим қисмлари йўқ бўлишига олиб келиши мумкин.

Шу боис жиноят ишларини юритиш ва одил судловни такомиллаштиришнинг дастлабки қадамларидан бири қоғоз шаклидаги процессуал ҳужжатлардан воз кечиш ва жиноят ишини юритишнинг янги шаклларига ўтишдир. Бунинг учун жиноят ишининг электрон шаклидан муқобил тарзда фойдаланиш таклиф қилинади. Бу эса, ўз навбатида, далилларни тўплаш ва процессуал ҳужжатларни расмийлаштириш тартибини анча соддалаштирувчи тизим бўлиши лозим.

Бу тизим жиноят иши материалларини рақамли ахборот сифатида сақлашга мўлжалланган ва қоғоз шаклидаги жиноят ишининг ўрнини босувчи, жиноятни тергов қилиш жараёнида портатив компьютер ёрдамида фойдаланиш мумкин бўлган ҳамда далилларни тўплашга хизмат қилувчи электрон дастур бўлиши керак. Шу билан бирга, ушбу рақамли воситада жиноят ишини қўзғатишдан ҳукмнинг ижрога қаратилган даврига қадар кетма-кет ҳаракатлар алгоритмини (иш юритишни) ўз ичига олган алоҳида процессуал ҳужжатларнинг шакл ва шаблонларини (масалан, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ёки таниб олиш учун кўрсатиш баённомаси ҳужжатнинг тегишли қисм ва бўлимларини маълумотлар билан тўлдириш), шу ҳужжатлар асосида олинган далилларнинг барчасини, жумладан фотосуратлар, видео ва овоз ёзувлари, шунингдек бошқа файл ва дастурий таъминот маҳсулотларининг барча маълумотларини электрон шаклда қўшиш имконини берадиган, пировардида, жиноят ишини ташкил этадиган дастур бўлиши лозим.

Шу муносабат билан, ҳозирги вақтда жиноят иши электрон шаклининг техник тавсифларига эмас, балки келгуси йилларда ушбу технологиянинг пайдо бўлишига

алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 91-моддасига кўра, далилларни қайд этишда ёрдамчи усуллар ҳақидаги қоидалар назарда тутилган бўлиб, унда: далилларни қайд этиш учун баённома тузиш билан бир қаторда овоз ёзиш, видеоёзув, кинотасвир, фотосуратга тушириш, қолиплар тайёрлаш, нусхалар олиш, режалар, схемалар тайёрлаш ва ахборотни акс эттиришнинг бошқа усуллари қўлланилиши мумкинлиги, шунингдек суриштирувчи, терговчи, суд томонидан далилларни қайд этишнинг қандай усуллари қўллангани, фойдаланилган аппаратлар, асбоблар, ускуналар, материалларнинг техникавий тавсифи келтирилиб, тегишлича тергов ҳаракати баённомаси ёки суд мажлиси баённомасида акс эттирилиши кўрсатиб ўтилган.

Бундан ташқари, ушбу нормада ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, тинтув, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тергов эксперименти тарзидаги процессуал ҳаракатлар видеоёзув воситаларидан фойдаланган ҳолда қайд этилиши шартлиги акс эттирилган [2].

Шу ўринда «ахборотни акс эттиришнинг бошқа усуллари қўлланилиши мумкин» деган жумлага эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Мазкур жумла мавҳум бўлиб, Жиноят-процессуал кодекснинг бошқа нормаларида ушбу усуллар ҳақидаги қоидалар акс эттирилмаган. Ҳозир жиноят-процессуал қонунчиликда баённомаларни расмийлаштиришда айнан қандай техник воситаларни қўллаган ҳолда далилларни расмийлаштириш ва электрон ташувчи воситалардан фойдаланиш мумкинлигини белгиловчи қоидалар ҳам йўқ.

Юқоридаги қоидаларни таҳлил қилган ҳолда, жиноят-процессуал қонунда келтирилган «техник воситалар» тушунчаси доирасида электрон жиноят ишини тушуниш керак эмас, чунки электрон жиноят иши суриштирув ва тергов органлари томонидан тергов қилинаётган жиноят ишларини юритишда фойдаланиладиган бошқа рақамли қурилмаларнинг техник кўрсаткичларига мос келади.

Техник воситалар деганда биз фақат жиноят процесси иштирокчиларидан (шу жумладан, тергов ҳаракатларини юритишда) олинган ҳамда жиноят ишига қўшилган ахборот ташувчи техник воситаларни тушунишимиз мумкин. Бундан ташқари, электрон рақамли медиа воситаларида турли қаттиқ дисклар: USB-флешкалар, хотира карталари, SSD-дисклар, шунингдек маълумотларни тўпловчи HDD-дисклар, CD/DVD/Blue-Ray-дисклар ва бошқалар алоҳида ўринга эга. Таъкидлаш жоизки, «техник воситалар» тушунчаси «жиноят ишининг электрон шакли» тушунчасига жуда яқин бўлиб, ўхшаш дизайн ва техник хусусиятларга эга, шунингдек процессуал нуқтаи назардан ушбу рақамли ахборот ташувчилар жиноят иши материалларини, ҳатто фотосурат ва видеофайлларни ўз ичига олган маълумотларни электрон шаклда тўплаш ва сақлашга имкон беради.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида жиноят ишининг электрон шаклини жорий этиш шартлари, шу жумладан меъёрларда мавжуд бўлган «техник воситалар» ва «электрон ахборот ташувчи» тушунчалари билан таъминланиши лозим. Бундан ташқари, жиноят-процессуал қонунчиликда жиноят ишининг электрон шаклини жорий этиш билангина чекланмасдан жиноят ва жиноят-процессуал қонун нормаларини электрон жиноят ишига мос тарзда такомиллаштириш керак.

Бироқ, ҳар қандай янги технология билан бўлгани каби, жиноят ишининг электрон шакли жорий этилиши билан боғлиқ бир қатор вазифалар амалга оширилиши зарур.

Биринчидан, электрон жинойт иши ва электрон маълумотлар базасини зарарли дастурлардан, рухсатсиз фойдаланиш ва хакерлар ҳужумларидан ҳимоя қилиш тизимини тадқиқ этиш ва ушбу технологияларни жинойт ишларини юритишда қўллаш лозим. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Жинойт-процессуал кодексининг 353-моддасида белгиланган жинойт ишидаги маълумотларни ошкор қилмаслик талабларига тўлиқ риоя қилиш керак [2]. Электрон жинойт ишидаги маълумотлар ошкор бўлишининг олдини олиш мақсадида тизимнинг хавфсизлигини таъминлаш биринчи галдаги вазифа ҳисобланади.

Иккинчидан, барча тергов, суриштирув ва прокуратура органларини автоматлаштирилган мобилъ тизим ва технологиялар билан жиҳозлаш масаласини ҳал қилиш зарур, шундагина ушбу процесс иштирокчилари эркин тарзда ва қийинчиликларсиз жинойт иши материалларини тўплашлари ҳамда электрон жинойт иши материалларини шакллантиришлари мумкин.

Учинчидан, ахборот технологиялари ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ғаразли мақсадларни кўзлаган шахслар томонидан электрон жинойт иши маълумотларини ошкор қилиш, иш материалларини ноқонуний ўзгартириш, унга шикаст етказиш, уни ўчириш, унга ёлғон маълумотларни киритиш ёки айрим ҳужжатларни ёхуд ҳужжатлардаги маълумотларни сохталаштиришнинг олдини олиш мақсадида барча тергов, суриштирув, прокуратура ва суд органларининг таркибий тузилмаларида электрон жинойт иши материаллари процессуал шаклининг мукамал ҳимояланган ягона тизими (ягона дастур) яратилиши мақсадга мувофиқ.

Тўртинчидан, «электрон жинойт иши»дан фойдаланиб, жинойт процесси иштирокчиларининг (айниқса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки жабрланувчининг) ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишига ёки чеклаб қўйилишига йўл қўймаслик жуда муҳим. Бу, ўз навбатида, амалдаги процессуал қонунларга глобал ўзгартишлар киритилишини талаб қилади.

Бешинчидан, электрон жинойт ишининг жорий қилиниши процесс иштирокчиларини жинойт иши материаллари билан таништириш институтига ижобий таъсир кўрсатади ҳамда гумон қилинувчи, айбланувчи ва унинг ҳимоячиси томонидан ўз ҳисобидан жинойт иши материалларидан нусха олиш билан боғлиқ харажатларни камайтиради. Бунда электрон жинойт ишининг жорий қилиниши процесс иштирокчиларини жинойт иши материаллари билан таништириш институтини ҳам такомиллаштиришни тақозо этади.

Олтинчидан, электрон жинойт иши технологиясидан муваффақиятли фойдаланиш учун жамиятдаги ҳар бир инсон компьютер техникаси воситаларидан эркин фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиши керак, аммо ҳозирги пайтда мамлакатимиз фуқароларининг аксарияти (айниқса, катта ёшдаги авлод) бундай кўникмаларга тўлиқ эга эмас. Ушбу муаммонинг ҳал этилиши жинойт процесси иштирокчиларининг тегишли органларга электрон шаклларда мурожаат қилиш ҳуқуқини тўлиқ кафолатлайди.

Еттинчидан, жинойт ишларини юритиш жараёнида тергов, экспертиза, суд ва бошқа органларнинг электрон жинойт иши материалларининг ишончилигини таъминлаш механизми билан боғлиқ масалани, яъни ушбу органлар томонидан ҳужжатларни электрон муҳр билан тасдиқлашни ҳал этиш лозим, чунки рақамли имзо тизимида рақамли муҳрлар масаласи ҳал этилмаган ва Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги 2015 йил 9 декабрь қонунда ҳам ушбу масала ўз

ечимини топмаган. Ушбу масалани «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддаси 6-бандида келтирилган тартибда жиноят ишини юритиш учун масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар, шунингдек жиноят ишига тааллуқли ҳужжатларнинг электрон нусхасини тақдим этаётган тегишли орган ва ташкилотлар ягона идентификаторлар билан таъминланиши ҳамда электрон ҳужжатларни ушбу ягона идентификаторлар ёрдамида тасдиқлаш масаласи ҳал этилиши зарур [3].

Саккизинчидан, электрон шаклдаги жиноят ишига ўтиш кескин ўзгаришларсиз, босқичма-босқич, тўғри ва изчил бўлиши керак. Фикримизча, дастлабки босқичда жиноят ишининг иккала шакли (ҳозирги қоғоз ва янги электрон шакллари) бир вақтнинг ўзида, параллел равишда амалда бўлиши лозим, чунки бунда янги тизим тажрибадан ўтаётганида турли муаммо ва камчиликларни жиноят ишига салбий таъсирларсиз бартараф этиш имкони яратилади.

Тўқизинчидан, жиноят ишининг электрон шаклини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш учун, аввало Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мувофиқлаштирувчи орган бўлиши лозим, чунки жиноят содир этилганлиги ёки унга суиқасд қилинганлиги ҳақидаги хабар келиб тушганидан бошлаб суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ажрими ва қарорлари ижрога йўналтирилгунига қадар бўлган жараёни модернизация қилиш, янгилаш ва янада такомиллаштириш бўйича аниқ мақсад учун белгиланган дастурни қабул қилиш терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ва суд босқичларида илғор технологиялар пайдо бўлишига замин яратади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, жиноят ишининг электрон шакли жорий этилиши билан боғлиқ бир қатор вазифаларнинг амалга оширилиши жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликнинг самарали тизимини яратиш, мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, тинчлик ва хавфсизликни таъминлашнинг самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар / Использованная литература

1. «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»: Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. 2018 йил 14 май, ПҚ-3723-сон. — URL: <https://www.nrm.uz>.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. — URL: <https://www.lex.uz>
3. «Электрон ҳукумат тўғрисида»: Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 2015 йил 9 декабрь, ЎРҚ-395-сон. — URL: <https://www.lex.uz>

А. Р. Кузиев*

НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ ВИНЫ В УГОЛОВНОМ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Аннотация. В статье раскрываются сущность вины и ее формы в преступлениях, в частности, в преступлениях со сложной виной, приведенных в Уголовном кодексе Республики Узбекистан. На основе анализа статей уголовного законодательства и по результатам изучения зарубежного опыта автор предлагает внести ряд изменений в Уголовный кодекс Республики Узбекистан.

Ключевые слова: вина, наличие вины в преступлении, формы вины, вина в форме умысла, вина в форме неосторожности, сложная вина, квалифицированный признак, общественно опасный способ, человеческие жертвы, тяжкие последствия.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА АЙБНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация. Мақолада жиноятда, хусусан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида келтирилган мураккаб айбни жиноятларда айбнинг моҳияти ва шакллари ёритилган. Жиноят қонунчилигининг моддаларини таҳлил қилиш асосида ва хорижий тажрибани ўрганиш натижасида муаллиф Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига бир қатор ўзгаришлар киритишни таклиф этган.

Таянч сўзлар: айб, жиноятда айб мавжудлиги, айб шакллари, қасд шаклидаги айб, эҳтиётсизлик шаклидаги айб, мураккаб айб, малакали белги, кўпчилик учун хавфли усул, инсонлар қурбон бўлиши, оғир оқибатлар.

SOME ASPECTS GUILTY MIND IN THE CRIMINAL LAW OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Annotation. The article reveals the essence of guilt and its forms in crimes, in particular, crimes with compound guilt in the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan. On the basis of the analysis of articles of the criminal legislation and by the results of studying foreign experience, the author proposes to make a number of changes to the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan.

Keywords: guilt, presence of guilt in crime, forms of guilt, guilt in the form of intent, guilt in the form of negligence, complex guilt, qualification, generally dangerous method, human victim, grave consequences.

В Концепции совершенствования уголовного и уголовно-процессуального законодательства Республики Узбекистан, утвержденной постановлением Президента Республики Узбекистан от 14 мая 2018 года № ПП-3723, в качестве одной из важнейших задач совершенствования уголовного законодательства определено устранение правовых пробелов, коллизий и т.н. «белых пятен» в Уголовном кодексе, препятствующих эффективной защите прав и свобод граждан, интересов общества и государства.

* Кузиев Азизбек Равшанбекович, соискатель Ташкентского государственного юридического университета.

В этой связи, вопросы виновности лица, вины и её форм, применения норм Общей части Уголовного кодекса к статьям Особенной части, а также проблемы квалификации, связанные с формами вины вызывают научный интерес с точки зрения уголовной теории и судебно-следственной практики.

Вина – обязательный признак субъективной стороны состава преступления. Сущность данного вопроса заключается в том, что лицо подлежит ответственности лишь за те общественно опасные деяния, в совершении которых будет доказана его виновность.

Данная норма, так называемая «Презумпция невиновности» закреплена в Конституции Республики Узбекистан. Поэтому отсутствие вины в совершении деяния означает и отсутствие состава преступления, а следовательно, нет оснований для привлечения лица к уголовной ответственности.

Вина как определенная форма психического отношения лица к совершенному (совершаемому) им общественно опасному деянию составляет ядро субъективной стороны преступления [1, с. 162]. Психическими элементами вины являются сознание и воля, которые в совокупности образуют ее содержание, то есть она состоит из двух компонентов: интеллектуального и волевого. Например, в Германии уголовно-правовая доктрина и правоприменительная практика определяют вину как внутреннее отношение исполнителя к своему деянию, характеризующуюся упрёчностью [2].

Психическое отношение лица к совершенному им общественно опасному деянию к его общественно опасным последствиям выражается в форме умысла или неосторожности. Иными словами, вина в зависимости от соотношения или сочетания элементов сознания и воли подразделяется на формы: умысел или неосторожность.

В действующем Уголовном кодексе вина как юридическая категория не была раскрыта, хотя отдельные признаки и формы вины указаны в статьях 20-24 данного кодекса.

На основании изложенного можно определить, что вина — это интеллектуально-волевое отношение лица к совершенному (совершаемому) им общественно опасному деянию и его последствиям.

Изучение уголовного законодательства Англии показало, что в ее судебной практике и доктринальных источниках выделяются три формы вины: а) намерение (intent), б) неосторожность (recklessness) и в) небрежность (negligence) [3].

Во французском уголовном праве выделяются следующие формы вины: а) умышленная вина, или преступный умысел; б) неумышленная вина, или неосторожная вина, или уголовная вина; в) презюмируемая вина, или вина при нарушениях. В США в подавляющем большинстве Уголовных кодексов штатов предусмотрены четыре формы виновности: 1) с целью; 2) с сознанием; 3) неосторожно; 4) небрежно. Каждая из этих форм виновности может определяться по отношению либо ко всем, либо к некоторым из названных выше материальных элементов преступления [4].

В соответствии с законодательной конструкцией Особенной части Уголовного кодекса Республики Узбекистан вина в преступлениях выступает в двух формах — в умысле и в неосторожности, каждая из которых подразделяется на виды (виды умысла: прямой и косвенный; виды неосторожности: самонадеянность и небрежность). Наряду с этим, в Уголовном законе выделена и другая форма вины — сложная вина, где при совершении преступления наличествует как умысел по отношению к действиям, так и неосторожность по отношению к наступившим последствиям.

Согласно данному положению, «если в результате совершения умышленного преступления, лицо причиняет иные общественно опасные последствия по неосторожности, с которыми закон связывает повышенную ответственность, такое преступление признается совершенным умышленно».

Изучение ст. 23 УК, а также положений Особенной части Уголовного кодекса свидетельствует, что законодатель исходит из наличия двух разновидностей двойной формы вины, состоящих в неодинаковом — умышленном и неосторожном — психическом отношении виновного: а) к двум разным последствиям; б) к деянию, с одной стороны, и последствию, предусмотренному уголовным законом в качестве квалифицирующего признака в статьях Особенной части Уголовного кодекса.

Из содержания ст. 23 УК понятно, что законодатель устанавливает более строгую ответственность за умышленное преступление, если оно по неосторожности причинило вредное последствие, которому придается значение квалифицирующего признака. В таких случаях возможно параллельное наличие двух разных форм вины в одном преступлении.

Сочетание умысла и неосторожности в одном преступлении в советских и российских источниках именовались как «преступления с двумя формами вины», преступления «смешанной», «двойной» или «сложной» формой вины [5].

Реальная возможность существования преступлений с двумя формами вины заложена в своеобразной конструкции некоторых составов преступлений (ст. 104, 114, 116, 117, 118, 119, 125, 135, 137, 1411, 194, 195, 196, 201, 207, 235, 245, 250, 2501, 253, 254, 255, 2551, 2552, 256, 257, 2571, 259, 260, 2601, 262, 263, 2631, 266, 268, 269, 279, 281 и др.) УК. Например, *умышленное причинение тяжкого телесного повреждения* (ст. 104 УК) имеет своим непосредственным объектом здоровье человека, но если оно сопряжено с неосторожным причинением смерти потерпевшего (ст. 102 УК), то объектом этого неосторожного посягательства становится жизнь. В данном случае умысел виновного был направлен на причинение именно тяжкого телесного повреждения. При этом волевой момент выражается желанием или сознательным допущением тяжкого телесного повреждения, хотя конкретные обстоятельства дела (характер причинения вреда, орудия и средства, используемые для причинения вреда и иные обстоятельства) указывают на возможность наступления смерти. Виновный безосновательно рассчитывает, что такое последствие не наступит или же не предвидит, хотя должен был и мог предвидеть причинение смерти. Необходимость установления всех этих обстоятельств имеет большое значение для квалификации.

Исследование субъективного содержания преступлений с двумя формами вины позволяет разграничить такие преступления, с одной стороны, от умышленных, а с другой стороны, от неосторожных преступлений, сходных по объективным признакам. Например, необходимо отличать умышленное убийство от умышленного причинения тяжкого телесного повреждения, повлекшего смерть потерпевшего, так как при умышленном убийстве виновный действует с умыслом лишения жизни [6, с. 460].

Следует указать, что в отдельных статьях Особенной части УК объединяются в один состав юридически два самостоятельных преступления, одно из которых является умышленным, а второе — неосторожным. Каждое из них может существовать самостоятельно, но в сочетании друг с другом они образуют качественно новое преступление со специфическим субъективным содержанием.

Наряду с этим, при разработке проекта Уголовного кодекса Республики Узбекистан

положение, изложенное в ст. 23 не предусмотрено [7, с. 81, 86]¹ в отдельных составах Особенной части данного кодекса (ст. 173 *Умышленное уничтожение или повреждение имущества* УК) или в связи с развитием общественных отношений в результате преступных посягательств на те или иные объекты возникает необходимость охранять их уголовным законодательством. Например, в результате вовлечения лиц в употребление наркотических средств или психотропных веществ (ст. 274 УК) возможно возникновение тяжких последствий (смерть человека в результате передозировки, массовое становление людей наркозависимыми или занятие преступной деятельностью).

Конструкция ст. 173 УК построена таким образом: **часть 1** — умышленное уничтожение или повреждение чужого имущества, причинившее значительный ущерб; **часть 2** — те же действия, совершенные: а) по мотивам межнациональной или расовой вражды либо религиозных предрассудков; б) общеопасным способом; в) с причинением крупного ущерба; **часть 3** — те же действия, совершенные: а) в отношении имущества лица или его близких родственников в связи с выполнением им своего служебного или гражданского долга; б) организованной группой или в ее интересах.

Принимая во внимание, что в результате совершения данного умышленного преступного деяния могут возникнуть по неосторожности человеческие жертвы или иные тяжкие последствия, таким образом, было бы целесообразно дополнить ч. 3 ст. 173 УК пунктом, предусматривающим признаки преступления с двумя формами вины. Например, лицо по мотиву мести или из корыстных побуждений путем поджога склада уничтожает товары народного потребления в особо крупном размере, в результате которого происходит возгорание здания склада и гибель сторожа, спавшего в караульном помещении.

В данном случае, смерть человека, т.е. последствие, причиняется по неосторожности, но возникает в результате умышленного уничтожения имущества, или данное преступление можно описывать такой формулировкой *«деяние — причинная связь — непосредственный объект/последствие — дополнительный объект // более тяжкое последствие»*.

По данному вопросу существует иная точка зрения, так как при совершении преступления, указанного в пункте «б» ч. 2 (*умышленное уничтожение или повреждение чужого имущества совершенные общеопасным способом*) вышеуказанной статьи охватывается и возникновение тяжких последствий. Так, «под общеопасным способом» необходимо понимать любые действия, направленные на уничтожение либо повреждение имущества, при совершении которых возникает реальная угроза общественной безопасности (угроза жизни или здоровью хотя бы одного человека). Преступление, совершенное путем поджога, взрыва, затопления, может признаваться совершенным общеопасным способом только в тех случаях, когда возникает реальная угроза общественной безопасности.

¹ В Уголовном кодексе Узбекской ССР, принятом 21 мая 1959 г., хотя норма, раскрывающая суть преступлений со сложной формой вины не существовала, но такие преступления в Особенной части данного кодекса предусматривались. Например, ст. 122 (*Умышленное уничтожение или повреждение имущества*) и в ст. 133 (*Умышленное уничтожение или повреждение личного имущества*) УК УССР являются преступлениями со сложной виной, т.е. в ч. 2 данных статей предусмотрены в качестве квалифицирующего признака неосторожных последствий «... или повлекшие человеческие жертвы или иные тяжкие последствия».

В случае, если при умышленном уничтожении или повреждении имущества общеопасным способом причиняется вред здоровью или жизни граждан, действия виновного квалифицируются по совокупности преступлений по п. «б» ч. 2 ст. 173 и по конкретной статье Особенной части УК в зависимости от обстоятельств дел [8, с. 318].

Действительно, при совершении общеопасным способом умышленного уничтожения или повреждения имущества создается опасность возникновения человеческих жертв, причинения вреда здоровью людей, имуществу неопределенного круга лиц и иных тяжких последствий. Ими могут быть пожары, взрывы, затопления, отравления животных, аварии на транспорте и т.п.

Опасность способа должна быть действительной, а не мнимой или предполагаемой, возможность причинения вреда интересам других лиц при конкретных обстоятельствах должна быть очевидной. Однако понятие «общеопасный способ» как способ совершения преступления является факультативным признаком объективной стороны состава преступления и не может включать в себя признаки(вина и ее формы) субъективной стороны состава преступления, в том числе, преступление со сложной формой вины.

Кроме того, в действующем уголовном законодательстве существует коллизионная норма по указанному вопросу. Так, в ст. 296 (Уничтожение или повреждение военного имущества) УК предусмотрена ответственность за преступление с двумя формами вины, т.е. в результате причинения тяжких последствий при совершении умышленного уничтожения или повреждения военного имущества данное деяние квалифицируется по ч. 2 указанной статьи.

В уголовных законодательствах некоторых стран СНГ, в частности России, Украины, Беларуси и Казахстана преступления, связанные с уничтожением или повреждением имущества отнесены к категории преступлений со сложной формой вины и в таких преступлениях в качестве квалифицированного признака указаны «человеческие жертвы или иные тяжкие последствия».

Например, часть 2 статьи 167 УК Российской Федерации (Умышленное уничтожение или повреждение имущества) изложена следующим образом: «те же деяния, совершенные из хулиганских побуждений, путем поджога, взрыва или иным общеопасным способом либо повлекшие по неосторожности смерть человека или иные тяжкие последствия» [9].

В Уголовном кодексе Республики Казахстан статья, охраняющая имущество от умышленного уничтожения или повреждения (статья 202 УК РК), разработана в более совершенном виде и охватывает преступные посягательства, представляющие опасность уничтожения или повреждения чужого имущества, а также их последствия, возникшие по неосторожности [10].

В УК Республики Беларусь норма [11], регулирующая данный вопрос (ст. 218), разработана по конструкции, относящейся к преступлениям с двумя формами вины, т.е. в ч. 1 приведен основной состав данного преступления, в ч.2 (совершенные общеопасным способом либо повлекшие причинение ущерба в крупном размере) и ч.3 (совершенные организованной группой, либо повлекшие по неосторожности смерть человека или иные тяжкие последствия, либо повлекшие причинение ущерба в особо крупном размере) предусматриваются квалифицированные признаки.

В уголовном законодательстве Украины преступление со сложной формой

вины не выделено в отдельную статью. Однако, в Особенной части УК статьи, предусматривающие ответственность за совершение преступлений по конструкции с двумя формами вины имеются. В том числе, в рассматриваемой нами статье 194 (Умышленное уничтожение или повреждение чужого имущества) УК Украины [12], лицо привлекается к уголовной ответственности если в результате его умышленных действий причиняется ущерб чужому имуществу (ч. 1 основной состав преступления) и то же деяние, совершается путем поджога, взрыва или иным общеопасным способом, или причиняется имущественный ущерб в особо крупных размерах, или повлекшее гибель людей или другие тяжкие последствия (ч.2 квалифицирующие признаки: имущественный ущерб в особо крупных размерах, гибель людей или другие тяжкие последствия возникают по неосторожности).

В Англии основным законодательным актом, регулирующим ответственность за причинение вреда имуществу, является Закон о преступном причинении ущерба имуществу (1971 г.), согласно которому базовым составом уголовного причинения вреда имуществу признаются действия лица, которое «без законных оправданий уничтожает или повреждает любое имущество, принадлежащее другому, с намерением уничтожить или повредить это имущество, либо проявляя неосторожность относительно возможности уничтожения или повреждения любого такого имущества». Также, в данном законе содержатся квалифицированные составы особо тяжких преступлений, совершение которых связано с повышенной опасностью для людей. Одним из них является уничтожение или повреждение имущества, как чужого, так и своего, с указанным ранее намерением либо по неосторожности и, вместе с тем, с намерением путем уничтожения или повреждения поставить под угрозу жизнь другого человека либо проявляя неосторожность относительно возможности создания такой угрозы. С повышенной опасностью для людей связан также поджог имущества [13]. Положения данного Закона определяют, что основанием для привлечения лица к уголовной ответственности может служить не только умысел, но и неосторожность, т.е. человек может привлекаться к уголовной ответственности при наличии признаков сложной вины в его преступных деяниях.

В системе преступных деяний против собственности США к преступлениям, направленным на причинение вреда или уничтожение чужого имущества подходят по-разному исходя из их субъективных и объективных признаков. Несмотря на это имеются схожие признаки в оценке таких деяний. В уголовных кодексах многих штатов США (Нью-Йорк, Алабама, Аризона, Алабама, Мэриленд, Мичиган) отдельные формы данного преступления и их тяжкие последствия отнесены к «фелониям» (тяжким преступлениям) и в многих случаях причиненный вред имуществу измеряется в денежном эквиваленте. Например, в гл. 7 УК штата Алабама предусмотрена уголовная ответственность за повреждение чужого имущества (*criminal mischief*) первой степени, которое выражается в противоправном намеренном причинении вреда чужому имуществу стоимостью не менее 2500 дол., либо в причинении любого вреда путем совершения взрыва; за повреждение чужого имущества второй степени — размер причиненного вреда превышает 500 дол. и третьей степени — размер причиненного вреда не превышает 500 дол. Помимо данных составов выделен поджог (*arson*) здания трех степеней, который дифференцирован в зависимости от обстоятельств совершения преступления [14].

Согласно Уголовному кодексу штата Нью-Йорк повреждение или уничтожение имущества может быть четырех степеней. Самая тяжелая степень является первой, в которой наличествуют элементы умысла и неосторожности [15]. Например, лицо намеренно повреждает здание или транспортное средство посредством огня или взрыва, причиненного каким-либо транспортным устройством, запущенным или брошенным, помещенном внутри здания или возле него, если в здании или транспортном средстве был кто-то или были повлечены тяжкие последствия, либо это осуществляется с целью получения выгод. Исполнитель знал или мог разумно полагать, что в помещении находятся люди.

Следует указать, что статья 23 (Преступление со сложной виной), действующая в УК в проекте Уголовного кодекса Республики Узбекистан в новой редакции¹ в частности, в статье 3 (Правовое значение терминов), где понятие «преступление со сложной виной» не указано, а также в статьях, посвященных вопросу вины (ст. 27-30 проекта данного кодекса), не раскрывается, хотя в отдельных статьях (ст. 170, 390, 391 и др.). Особенной части проекта закона преступления с двумя формами вины сохраняются. Также в проект закона предлагается внести дополнение в действующие статьи или новые статьи, сочетающие обе формы вины. Например, в ст. 236 (Разбой) пункт «повлекшее по неосторожности смерть потерпевшего» либо ст. 394 (Незаконное осуществление врачебной деятельности).

Рассматриваемая нами статья 173 (Умышленное уничтожение или повреждение имущества) УК в новой редакции проекта закона разделена на две части, **часть 1** статьи в объединении со ст. 612. (Умышленное уничтожение или повреждение чужого имущества, причинившее мелкий ущерб) КоАО Республики Узбекистан отнесена **к проступкам** (ст. 480. Умышленное уничтожение или повреждение чужого имущества, причинившее существенный вред) раздела о проступках Кодекса уголовного правонарушения Республики Узбекистан. Части 2 и 3 (ст. 245. Умышленное уничтожение или повреждение имущества) остаются как преступления с указанием в качестве отдельного пункта «причинение значительного ущерба» и исключением пункта «б» (совершенное данное деяние организованной группой или в ее интересах).

С учетом вышеизложенного, можно прийти к следующим выводам:

— принимая во внимание, что наше уголовное законодательство построено на основе романо-германской правовой системы, где нормативно-правовые акты в основном претворяются в жизнь в кодифицированном, систематизированном и унифицированном виде, для того, чтобы законодательные акты были удобными для использования в практической деятельности заинтересованными субъектами. Было бы целесообразным внести в статью (раздел) «Правовое значение терминов» новой редакции уголовного закона, положение раскрывающее значение преступления со сложной виной и перечислить все преступления, предусмотренные Особенной части УК, совершаемые в сочетании двух форм вины: умысла и неосторожности;

— внести дополнения в ст. 173 (Умышленное уничтожение или повреждение имущества) и ст. 274 (Вовлечение в употребление наркотических средств, их аналогов

¹ Проект закона подготовлен Академией ГП Республики Узбекистан во исполнение Постановления Президента Республики Узбекистан от 14.05.2018 г. № ПП-3723 «О мерах по кардинальному совершенствованию системы уголовного и уголовно-процессуального законодательства», который в настоящее время находится на рассмотрении соответствующих инстанций республики.

или психотропных веществ) УК, предусматривающие пункты с квалифицированными признаками «повлекшие по неосторожности человеческие жертвы или иные тяжкие последствия»;

— учитывая, что в развитых рыночных отношениях есть вероятность умышленного уничтожения или повреждения имущества в особо крупном размере, необходимо внести дополнение в ст. 173 (Умышленное уничтожение или повреждение имущества) пункта «в особо крупном размере» в качестве квалифицированного признака.

Фойдаланилган адабиётлар / Используемая литература

1. Комментарий к Уголовному кодексу Республики Узбекистан. Общая часть. — Ташкент: Академия МВД Республики Узбекистан, 2016.
2. URL: <https://isfic.info/forum/zarug82.htm>
3. URL: <https://scicenter.online/sravnitelnoe-pravo-scicenter/vina-formyi-ugolovnomu-pravu-anglii-85581.html>.
4. URL: <https://zdamsam.ru/a60529.html>.
5. Уголовное право РФ. Общая часть: Учебник / Под ред. Б.В. Здравомыслова. — М.: Юристъ, 1999. — С. 179–182; Уголовное право России. Общая часть: Учебник / Под ред. А.И.Рарога. — М.: ИМПЭ, 1998. — С. 118–120; Уголовное право. Общая часть: Учебник. — М.: ИНФРА М-Норма, 1998. — С. 196–200.
6. Постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан «О судебной практике по делам об умышленном убийстве» № 13 от 24 сентября 2004 г. Ч. 2. П. 4 // Сборник постановлений Пленума Верховного суда Республики Узбекистан. Т.2. — Ташкент, 2005.
7. Уголовный кодекс Узбекской ССР. — Ташкент: Адолат, 1984.
8. Комментарий к Уголовному кодексу Республики Узбекистан. Особенная часть. — Ташкент: Академия МВД Республики Узбекистан, 2016.
9. URL: <http://logos-pravo.ru/statya-167-uk-rf-umyshlennye-unichtozhenie-ili-povrezhdenie-imushchestva>.
10. URL: <http://www.nma.org.kz/upload/2-2016.pdf>.
11. URL: <http://www.pravo.by/document/?guid=3871&p0=Hk9900275>.
12. URL: <https://meget.kiev.ua/kodeks/ugolovniy-kodeks/razdel-1-6>.
13. URL: <https://isfic.info/forum/zarug18.htm>.
14. Малешина А.В. Система имущественных преступлений по уголовному праву США // Вестник МГУ. — 2017. — № 11.
15. URL: <https://nystateattorneyatlaw.com/prestupleniya-protiv-sobstvennosti>.

ТЕРРОРИЗМ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАР ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ УЧУН ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНИШИНИНГ ИЖТИМОЙ ЗАРУРАТИ

Аннотация. Мақолада илмий адабиётларда баён этилган бир қатор етакчи ҳуқуқшунос олимларнинг фикрларини таҳлил қилиш асосида «терроризм билан боғлиқ жиноятлар» тушунчаси, шунингдек ушбу тоифадаги жиноятлар учун жиноий жавобгарлик белгилашнинг ижтимоий зарурати масалалари тадқиқ этилган. Терроризм — халқаро муносабатларни мураккаблаштириш, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузиш, хавфсизлигига путур етказиш, уруш ва қуролли можаролар чиқариш, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, аҳолини қўрқитиш мақсадида давлат органини, халқаро ташкилотни, уларнинг мансабдор шахсларини, жисмоний ёки юридик шахсни бирор фаолиятни амалга оширишга ёки амалга оширишдан тийилишга мажбур қилиш учун зўрлик, қуч ишлатиш, шахс ёки мол-мулкка хавф туғдирувчи бошқа қилмишлар ёхуд уларни амалга ошириш таҳдиди қаратилган фаолият эканлиги таъкидланади.

Таянч сўзлар: терроризм, давлат органи, халқаро ташкилот, жиноий фаолият, фуқаро, уюшган жиноий тузилма, хавфсизлик.

ПОНЯТИЕ ПРЕСТУПЛЕНИЙ, СВЯЗАННЫХ С ТЕРРОРИЗМОМ, И СОЦИАЛЬНАЯ НЕОБХОДИМОСТЬ НАЗНАЧЕНИЯ УГОЛОВНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ

Аннотация. В статье на основе анализа мнений ряда ведущих ученых-юристов, изложенных в научной литературе, исследуются понятие преступлений, связанных с терроризмом, а также вопросы социальной необходимости назначения уголовной ответственности за преступления данной категории. Отмечается, что терроризм является преступной деятельностью некоторых международных организаций, направленной на дестабилизацию международных отношений, социальной и политической ситуации, нарушение суверенитета государств, их территориальной целостности, подрыв безопасности, разжигание вооруженных конфликтов путем насилия, принуждения, других действий или угроз.

Ключевые слова: терроризм, государственное учреждение, международная организация, преступная деятельность, гражданин, организованная преступная структура, безопасность.

THE CONCEPT OF CRIMES RELATED TO TERRORISM AND SOCIAL NECESSITY OF APPOINTMENT OF CRIMINAL RESPONSIBILITY

Annotation. The article deals with the issues related to opinions of a number of leading legal scholars presented in the scientific literature, the article examines the concept of crimes related to terrorism, as well as issues of the social necessity of criminalizing crimes of this category. It is noted that terrorism is the criminal activity of some international organizations aimed at destabilizing international relations, social and political situation, violating the sovereignty of states, their territorial integrity, undermining security, inciting armed conflicts through violence, coercion, other actions or threats.

Keywords: terrorism, state establishment, international organization, criminal activity, citizen, organized criminal structure, security.

* *Иброҳимов Жамшид Абдугофур ўғли, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси мустақил изланувчиси.*

Ҳозирги замон ижтимоий-сиёсий ҳаётига таҳдид солаётган энг хавфли офат — халқаро миқёсда ривожланиб бораётган терроризм жинояти. Терроризм хавфсизликка ва ижтимоий-сиёсий барқарорликка таҳдид қилиб, мамлакатда нотинчликка сабаб бўлувчи, тинч ва осуда ҳаёт тарзини издан чиқарувчи, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини поймол этувчи, давлат ва фуқароларнинг мол-мулкига жиддий зарар етказувчи ҳамда жамият ва давлатнинг ривожланиши, равнақини ортга сурувчи энг хатарли, оғир ва ижтимоий хавфи юқори бўлган жиноят тури ҳисобланади.

Терроризм турли манбаларда сиёсий мақсадда амалга ошириладиган, зўравонлик [1], қўрқитиш, мажбурлаш ёки чўчитиш воситасида сиёсий мақсадларга эришиш учун куч ишлатиш билан таҳдид қилиш ёки уни ишга солиш [2], сиёсий рақиблиқ, мухолифларни йўқотиш ёки қўрқитиш, аҳоли ўртасида ваҳима ва тартибсизликлар келтириб чиқариш мақсадида амалга ошириладиган зўравонлик ҳаракатлари (таъқиб қилиш, бузиш, гаровга олиш, қотиллик, портлатиш ва ҳ. к.) [3], зўрлик ва жаҳолат мафкураси, террор билан амалга ошириладиган сиёсий ҳаракат сифатида таърифланади.

Яна бошқа адабиётларда «террор» ва «терроризм» сўзларининг этимологияси лотинчада — «кўркув», «даҳшат» маъноларини, французча «terreur», инглизча «terror» — «даҳшат, кўркув, тартибсизлик» маъноларини ҳамда ҳинд-европа манбаларида «tre» — «қалтираш, титраш, титроқ» маъноларини англатиши қайд этилади [4, 1248-б.]. Гарчанд, тўғридан-тўғри таржима «терроризм» тушунчасининг мазмунини тўлиқ очиб бермаса-да, унинг асл, туб моҳиятини намоён этади [5, 163–164-б.].

Ўзбекистон Республикасида терроризмга қарши курашнинг зарур ҳуқуқий асослари яратилган. Улар жумласига, авваламбор, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Жиноят кодекси, «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги 2000 йил 15 декабрь қонуни ва «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги 2004 йил 26 август қонунлари ва бошқаларни киритиш мумкин. Терроризм жиноятининг юридик таърифи миллий қонунчилигимизнинг юқорида келтирилган манбаларида белгилаб қўйилган.

Терроризм ҳам салбий ижтимоий ҳодиса сифатида давлат ва ҳуқуқнинг ривожига ўта бузғунчи таъсир кўрсатади. Ушбу хавфли тажовузкор актлар мамлакатнинг тинч ва осуда ҳаёт тарзини издан чиқаради, қанчадан-қанча бегуноҳ шахсларнинг бевақт ўлимига, давлат ва фуқаролар мулкнинг нобуд бўлишига, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол этилишига, мамлакатдаги ялпи нотинчликка сабаб бўлади [6, 226–227-б.]. Ушбу ҳодиса одатда, кўплаб инсонлар қурбон бўлишига, баъзида тикланмайдиган моддий ва маънавий бойликларнинг йўқ бўлишига олиб келади. У ижтимоий ва миллий гуруҳлар ўртасида баъзан бутун бир авлод ҳаёти мобайнида бартараф этиб бўлмайдиган ишончсизлик ва нафратни келтириб чиқаради [7].

Таъкидлаш жоизки, ушбу жиноий хатти-ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятларга оид иккинчи бўлимида белгиланган. Унга кўра, терроризм тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятлар тоифасига, конституциявий тузумга тажовуз қилиш эса Ўзбекистон Республикасига қарши жиноятлар сирасига киради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 155-моддасига кўра, терроризм — халқаро муносабатларни мураккаблаштириш, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузиш, хавфсизлигига путур етказиш, уруш ва қуроли можазолар чиқариш, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, аҳолини қўрқитиш мақсадида давлат органини, халқаро ташкилотни, уларнинг мансабдор шахсларини, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир фаолиятни амалга оширишга ёки амалга оширишдан

тийилишга мажбур қилиш учун зўрлик, куч ишлатиш, шахс ёки мол-мулкка хавф туғдирувчи бошқа қилмишлар ёхуд уларни амалга ошириш таҳдидига қаратилган фаолиятдир.

«Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 2-моддасига мувофиқ, **терроризм** — сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлиғига хавф туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа моддий объектларнинг йўқ қилиниши (шикастлантирилиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракат содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур қилишга, халқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигига путур етказишга, қуролли можаролар чиқаришни кўзлаб иғвогарликлар қилишга, аҳолини қўрқитишга, ижтимоий-сиёсий вазиятни бекарорлаштиришга қаратилган, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида жавобгарлик назарда тутилган зўрлик, зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёки бошқа жиноий қилмишлардир [8].

АҚШнинг Қонунлар мажмуида эса терроризм жанг қилмаётган тарафга қарши миллатчи гуруҳлар ёки махфий хизматчилар томонидан жамоатчиликка таъсир кўрсатиш мақсадида қасддан содир этиладиган ва сиёсий мақсадларни кўзлайдиган зўравонлик ҳаракатлари сифатида таърифланади [9].

Юридик адабиётларда терроризм — халқаро муносабатларни чигаллаштириш, суверенитет ва ҳудудий яхлитликни бузиш, давлатларнинг хавфсизлигига раҳна солиш, уруш ва қуролли тўқнашувлар келтириб чиқариш, ижтимоий-сиёсий вазиятни бекарорлаштириш, аҳолини қўрқитиш ёки қасос олиш мақсадида жисмоний ёки юридик шахсларни, давлат органлари ёхуд халқаро ташкилотларнинг мансабдор шахсларини бирор фаолиятни амалга оширишга ёки амалга оширишдан тийилишга мажбурлаш учун қилмиш кўринишида ёки уни амалга ошириш билан қўрқитиш тарзида ошкора содир этиладиган, шахсга ёки мулкка хавф туғдирадиган ҳаракат сифатида баҳоланади [10].

Терроризм — аҳоли ўртасида саросима уйғотиш, давлат ва жамоат тизимини издан чиқариш ва ҳатто буткул вайрон қилиш, қўркув солиш, рақибини ўзи хоҳлаган қарорни қабул қилишга мажбурлаш, сиёсий ва бошқа ўзгаришларни келтириб чиқаришдир [11, 305–306-б.].

Ҳозирги кунда терроризм хавфининг ошиб бораётганлигини қуйидаги бир қатор омиллар билан изоҳлаш мумкин: террорчилик таъсири кўрсатиладиган объектларнинг кўпайганлиги, терроризмнинг янги шакл ва усуллари пайдо бўлганлиги, фан ва техниканинг энг янги ютуқларидан фойдаланиш ҳолатлари кўпайганлиги, террорчиларнинг жиноий малакаси ошганлиги, халқаро иқтисодий ва молиявий ҳамкорликнинг кенгайганлиги, давлатлараро алоқаларнинг хилма-хиллиги, алоҳида давлатлар ўртасида чегара, божхона ва санитария режимининг сусайганлиги, қурол-яроғ, наркотик воситалар ҳамда психотроп моддалар савдоси ва контрабандасининг кучайганлиги, ядровий, кимёвий ва биологик қуроллардан фойдаланиш хавфи, террорчилар қўлида молиявий маблағларнинг борган сари кўпроқ жамланаётганлиги, террорчилик фаолиятининг хайрия ва маданий тадбирлар билан ниқобланганлиги ва ҳ.к. [12]. Шунингдек, ушбу жиноятни содир этишда уюшган жиноятчилик улушининг тобора кенгайиб бораётгани ҳам мазкур жиноятларга қарши кураш чораларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда [13, 206-б.]. Жамиятда хавфсизликни таъминлаш, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари, барча мулк шакллари, давлат суверенитети ҳамда

конституциявий тузумни ҳар қандай жинойӣ тажовузлардан ҳимоя қилиш уюшган жинойӣ тузилмаларнинг шаклланиш жараёни ва фаолияти устидан узлуксиз ва самарали ижтимоий-ҳуқуқий назоратни талаб қилади [14, 3-б.].

Терроризм ўта мураккаб жинойӣ ҳодиса бўлиб, деярли барча давлатлар қонунлари билан ҳимояланган ижтимоий муносабатларга тажовуз қилмоқда [15, 152-б.]. Ҳозир терроризмнинг оламшумул муаммо сифатида баҳоланиши, шубҳасиз, бежиз эмас, зеро бу ҳодиса борган сари кучайиб бормоқда ҳамда асосли равишда энг хавфли, башорат қилиш қийин бўлган, кўп қиррали, кун сайин хилма-хил шаклларга кираётган ҳодисалардан бири деб тан олинмоқда [16].

Айрим ҳуқуқшунос олимлар жинойят-ҳуқуқий маънодаги терроризмнинг қуйидаги уч турини ажратадилар: терроризм, террорчилик ҳаракатлари, террорчилик хусусиятига эга жинойятлар. Терроризм шакллари ҳам учга бўлинади: халқаро терроризм, давлат ичидаги терроризм ва яқка терроризм. Уларнинг фикрича, «терроризм» атамаси ижтимоий (криминологик) ҳодиса сифатида террорчилик хусусиятига эга ҳаракатларни қамраб олади, террорчилик ҳаракати эса унинг аниқ кўриниши ҳисобланади. Бундан ташқари, терроризм ушбу жинойятни тарғиб қилиш ёки террорчилик ҳаракатини содир этишга оммавий ундаш, террорчилик гуруҳи ташкил қилиш ва унинг фаолиятида иштирок этиш, террорчилик гуруҳи ёки экстремистик гуруҳ ташкил этиш ва унга шерикчилик қилиш кабиларда ҳам намоён бўлиши мумкин [17].

Шу ўринда «терроризм билан боғлиқ жинойятлар» тушунчасига аниқлик киритиб ўтиш зарур. Хусусан, Д. М. Минязев бу борада террорчилик фаолияти билан боғлиқ жинойятлар деганда давлат ҳокимияти, халқаро ҳимояга эга бўлган бошқа давлат вакиллари ёки халқаро ташкилот ходимлари, жисмоний ва юридик шахсларга қўйилаётган талабларни бажаришга йўналтирилган аҳолини кўрқувга, саросимага солувчи, мамлакатдаги барқарорликни бузувчи ва одам ўлиши хавфини, мулкка зарар етказиш ёки бошқа оғир оқибатларни келтириб чиқарувчи, жинойят ҳуқуқида белгиланган ҳаракатларни содир этиш ёки содир этиш хавфини келтириб чиқариш, шу билан бирга, бундай ҳаракатларга фаол ёрдам бериш ёки молиялаштириш тушунилишини ёзади. Тадқиқотчи ушбу жинойятлар сирасига терроризм жинойятини содир этиш мақсадида шахсни оғдириш, ёллаш, қуроллантириш, тайёрлаш, терроризмни молиялаштириш, террорчилик ҳаракатини содир этиш учун жамоавий даъват қилиш ёки терроризмни жамоавий оқлаш, шахсни ушбу жинойятларни бажаришга жалб қилиш кабилар кириши ҳақида хулоса чиқаради [18, 11–13-б.].

О. Г. Никитенко эса жинойят қонунида терроризм белгиларига эга, яъни террорчилик усулларида фойдаланиб содир этилган жинойят таркибларининг алоҳида гуруҳини ажратиб кўрсатишни таклиф этади. Муаллифнинг фикрича, ушбу гуруҳнинг ўзига хослиги унда кўрқувга солиш таъсири бутун жамиятга эмас, балки унинг алоҳида вакиллари ёки тор гуруҳига йўналтирилган, шу билан бирга, кўрқув ҳолати нафақат зўрлик ишлатиш, балки жинойятчилар томонидан зўрлик ҳисобланмайдиган ҳаракатларни содир этиш ёки таҳдид қилиш (масалан, тухмат қилиш ёки шахс учун сир бўлган маълумотларни тарқатиш, мулкни йўқ қилиш ёки зарар етказиш ва ҳ.к.) орқали ҳам амалга оширилиши мумкин. Тадқиқотчининг ёзишича, терроризм билан боғлиқ жинойятлар — мураккаб жинойӣ ҳаракатлар бўлиб, уларнинг содир этилиши икки босқич билан изоҳланади: 1) кўрқитиш, кўрқувга солиш ёки саросима уйғотишга қаратилган ҳаракат содир этиш; 2) муайян субъектларни маълум бир ҳаракатни қилишга мажбурлаш [19, 90-б.].

В. П. Емельянов терроризм билан боғлиқ жиноятларни қуйидаги икки гуруҳга ажратишни таклиф қилади: 1) терроризм аломатларининг яққол намоён бўлиши; 2) терроризм белгилари ва бошқа ҳаракатлар аломатлари муқобил ҳаракатлар билан бир қаторда мураккаб таркибда намоён бўлиши. Бунда муаллиф терроризмга оид жиноятларнинг терроризм билан боғлиқлиги унинг энг асосий хусусияти эканлигини қайд этади [20, 21–22-б.].

А. И. Коробеев, Г. Н. Борзенков ва В. С. Комиссаровнинг таъкидлашича, айнан терроризм ва у билан боғлиқ жиноятлар жамият хавфсизлигига таҳдид қилади, кўплаб қурбонларга, катта моддий зарарга сабаб бўлади, давлатдаги вазиятни беқарорлаштиради, салбий маънавий ва рухий муҳит яратади, ваҳима кўзғатади, фуқароларнинг ҳаёти учун қўрқув туйғусини келтириб чиқаради [21].

Д. С. Трофимовнинг ёзишича, терроризм билан боғлиқ жиноятларнинг асосини кўп қиррали ва мураккаб ижтимоий-тарихий ҳодиса — терроризм ташкил этади. Ҳозирги кунда жиноят ҳукуқи назарияси ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида терроризм билан боғлиқ жиноятларнинг якуний, тугал рўйхати йўқ. Шу билан бирга, муаллиф, терроризм билан боғлиқ жиноятлар сирасига терроризмни молиялаштириш, террорчилик ҳаракати ҳақида хабар бермаслик, терроризмни оммавий оқлаш, террорчилик ҳаракати содир этишда кўмаклашиш, террористик мақсадда таълим олиш, терроризм ҳақида ёлғон хабар бериш, шунингдек қўпуровчилик, гаровга олиш кабиларни киритади. Муаллифнинг фикрича, терроризм билан боғлиқ жиноятларни, содир этилишидан кўзланган мақсадга кўра, икки турга ажратиш мумкин: 1) терроризм билан боғлиқ махсус мақсад кўзланган жиноятлар (давлатни, халқаро ташкилотларни, жамоат бирлашмалари ва шахсларни муайян қарор қабул қилишга, хатти-ҳаракатга ундаш ёки бирон ҳаракатдан тийилишга мажбур қилиш; бирор фаолиятни тўхтатиш ёки ўч олиш, зўрлик билан босиб олиш, ҳокимиятни сақлаб қолиш, конституциявий тузумни, ҳудудий яхлитликни бузиш); 2) терроризм билан боғлиқ алоҳида мақсадлар кўзланмаган жиноятлар [22, 25-б.].

Д. С. Трофимов терроризм билан боғлиқ жиноятларнинг фарқловчи белгиларини ажратиш кўрсатишга ҳаракат қилади. Хусусан, муаллифнинг фикрича, ушбу жиноятлар портлатиш, ўт қўйиш, шикаст етказиш, бино ва иншоотларни вайрон қилиш, сув бостириш, ҳудудларни радиоактив, кимёвий, бактериологик ва бошқача тарзда ифлослантириш, мулкка жиддий зиён етказиш ёки бошқа ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиқиши натижасида содир этилади; жиноят оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб борилади; жиноят одатда пухта, эҳтиёткорона режалаштирилади, ҳар бир иштирокчининг роли тақсимланади; жиноят қўрқитиш хусусиятига эга бўлиши мумкин [22, 31-б.].

Фойдаланилган адабиётлар / Используемая литература

1. URL: http://worldspol.socio.msu.ru/programmi/Mewdunarodnyj_terroriz1.doc
2. *Кожушко Е. П.* Современный терроризм: анализ основных направлений. — Минск: Харвест, 2000. — 448 с. — URL: <http://festival.1september.ru/articles/516817>.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 2001. — № 1–2. — 15-м.
4. Большой энциклопедический словарь. — М.: АСТ; Астрель, 2003. — 1248 с.
5. *Канунникова Н.Г.* Зарубежный опыт противодействия международному экстремизму и терроризму // Юридическая наука и правоохранительная практика. — 2014. — № 3(29).
6. *Таджиханов Б.У.* Ҳуқуқий сиёсат ва ҳуқуқий тизимни модернизациялаш. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2007.

-
7. Обзор дел о терроризме / Организация Объединенных Наций. — Нью-Йорк: Electronic Publishing Unit, 2010. — С. 26; *Захарова А.К.* Криминологические и уголовно-правовые меры предупреждения терроризма: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Краснодар, 2007. — С. 12; *Боташева А.К.* Уголовно-правовые и криминологические аспекты предупреждения терроризма. — М.: Учлитвуз, 2005. — 148 с.
8. Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги 15.12.2000 й. 167-П-сон қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 2001. — № 1–2. — 15-м.
9. Title 22 of the United States Code Sec. 2656f (d).
10. Бу ҳақда қаранг: *Ражабова М.А.* Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг жиноий-ҳуқуқий муаммолари: Юрид. фан. д-ри ... дис. автореф. — Т., 2002. — 49 б.; *Ражабова М.* Диний экстремизм ва террорчилик. — Т.: Янги аср авлоди, 2000. — 94 б.; *Убайдуллаев У.* Халқаро терроризм: тарихи ва замонавий муаммолари. — Т.: Тошкент ислом университети, 2002. — 128 б.; *Зақурлаев А.* Терроризмга қарши курашнинг халқаро-тарихий асослари ва кафолатлари // Фалсафа ва ҳуқуқ. — 2007. — № 1. — Б. 60–61; *Сафарова Н.О.* Терроризм: манбалар, мақсади, глобаллашув жараёни (тарихий-фалсафий таҳлил): Монография. — Т.: Фан, 2006. — 191 б.; *Таджиханов Б.У.* Терроризмнинг ҳуқуқий тавсифи. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006. — Б. 55; *Чуб Д.А.* Терроризм как преступление международного характера // Терроризмга қарши кураш: илмий-амалий ва назарий муаммолар. — Т., 2002. — С. 226–227; ва бошқ.
11. *Захарова А.К.* Совершенствование уголовно-правовых мер противодействия терроризму в России // Черные дыры в Российском законодательстве. — 2007. — № 4.
12. *Корж И.* Радикализм общественных отношений — угроза безопасности государства // 21-й ВЕК. — 2013. — № 2(27). — С. 103–104; *Антоян Ю. М.* Терроризм. Криминологическое и уголовно-правовое исследование. — М., 2001. — С. 8; *Коффман Б.И.* Терроризм: история и современность / Б.И. Коффман, С.Н. Миронов, А.А. Сафаров. — Казань, 2002. — С. 28; *Емельянов В.П.* Терроризм как деяние и состав преступления // Государство и право. — 2002. — С. 34.
13. *Исмаилов И.* Жиноятчиликда уюшганлик: назария ва амалиёт муаммолари. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005.
14. *Исмаилов И.* Уюшган жиноий тузилмалар фаолиятининг олдини олишни назарий ва ташкилий-ҳуқуқий таъминлаш: Юрид. фан. д-ри ... дис. автореф. — Т., 2006.
15. *Ражабова М.А.* Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг жиноий-ҳуқуқий муаммолари: Юрид. фан. д-ри ... дис. — Т., 2002.
16. *Салимов К.Н.* Современные проблемы терроризма. — М., 2000; Предупреждение терроризма и борьба с насильственным экстремизмом и радикализацией, ведущими к терроризму / ОБСЕ, февраль 2014. — Вена: ОБСЕ, 2014; ва бошқ.
17. *Устинов В.В.* Международный опыт борьбы с терроризмом: стандарты и практика. — М.: Юрлитинформ, 2002. — С. 187; *Шорманбаев А.* Уголовно-правовая ответственность за терроризм. — URL: www.zakon.kz/4528293-ugolovno-pravovaja-otvetstvennost-za.html
18. *Минязев Д.М.* Ответственность за террористическую деятельность в уголовном праве России (теоретические аспекты): Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — М., 2010.
19. *Никитенко О.Г.* Систематизация преступлений террористического характера и преступлений с признаками терроризирования в уголовном законодательстве Республики Беларусь // Вестник БДУ. — 2012. — № 1.
20. *Емельянов В.П.* Терроризм и преступления с признаками терроризирования: уголовно-правовое исследование. — СПб., 2002.
21. Курс уголовного права: В 4-х т. Т. 4: Особенная часть / Под ред. Г.Н. Борзенкова и В.С. Комиссарова. — М., 2002. — С. 208; *Ситникова А.И.* Преступления с террористической направленностью в условиях глобализации: текстологический аспект // Научные основы уголовного права и процессы глобализации: Материалы V Российского конгресса уголовного права (27–28 мая 2010 г.) — М., 2010. — С. 838.
22. *Трофимов Д.С.* Современное состояние борьбы с преступлениями террористического характера: аналитический обзор. — Саратов: Наука, 2013.
-

БЕЗОРИЛИК ЖИНОЯТИ ОБЪЕКТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Аннотация. Мақолада безорилик жиноятининг майда безориликдан фарқлари, жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигининг хусусиятлари кўриб чиқилган. Олимларнинг ушбу жиноятнинг махсус, турдош ва бевосита объекти, унинг предмети ҳақидаги фикрларини ўрганиш асосида безорилик кўп объектли жиноят бўлиб, зарурий белгиси — жамоат тартибининг бузилиши эканлиги, асосий бевосита объектини — жамоат тартибини, шахснинг соғлиғи, жисмоний дахлсизлиги, мулккий ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар, кўшимча бевосита объектини эса жамоат хавфсизлиги, бошқарув тартиби ташкил этиши ҳақида фикр билдирилган.

Таянч сўзлар: безорилик, безорилик предмети, қилмишнинг объекти, ижтимоий муносабатлар, шахснинг соғлиғи, мулккий ҳуқуқлари, қилмишнинг квалификацияси, бевосита объект, кўшимча объект.

АНАЛИЗ ОБЪЕКТА ХУЛИГАНСТВА

Аннотация. В статье рассмотрены отличия хулиганства от мелкого хулиганства, особенности общественного порядка и общественной безопасности. На основе изучения мнений учёных о специальном, родовом и непосредственном объекте, предмете данного преступления высказано мнение о том, что хулиганство является многообъектным, его необходимым признаком является нарушение общественного порядка, основным непосредственным объектом преступления являются общественные отношения, обеспечивающие общественную безопасность, здоровье, физическую неприкасаемость, право на собственность личности; дополнительным непосредственным объектом является общественная безопасность, порядок управления.

Ключевые слова: хулиганство, предмет хулиганства, объект деяния, общественные отношения, здоровье личности, право собственности, квалификация деяния, непосредственный объект, дополнительный объект.

ANALYSIS OF THE OBJECT OF HOOLIGANITY

Annotation. The article discusses the differences between hooliganism and petty hooliganism, features of public order and public safety. On the basis of the opinions of scientists about special, generic and direct object, the subject of this type of crime, opinion are expressed that hooliganism is multi-object, its necessary sign is a violation of public order, the main direct object of the crime is public relations that ensure public safety, health, physical integrity, the right to personal property; an additional direct object is public safety, management order.

Keywords: hooliganism, subject of hooliganism, object of the act, public relations, personal health, property rights, qualification of the act, direct object, additional object.

Жиноий қилмишни аниқ квалификация қилиш, жиноят қонуни нормаларини тўғри қўллаш учун унинг қандай ижтимоий муносабатларга тажовуз қилгани, зарар етказганини аниқлаш муҳим. Безориликнинг объектини тўғри аниқлаш ҳам уни ўхшаш жиноятлар ва майда безориликдан фарқлашга хизмат қилади.

Безорилик учун жавобгарлик белгиланган қонунларнинг қабул қилинганига қарийб бир асрга яқин вақт ўтган бўлса-да, ҳозирга қадар мазкур жиноятнинг объекти масаласида бир тўхтамга келинмаган. Бунинг асосий сабаби — безорилик

* Каракетова Дилноза Юлдашевна, Тошкент давлат юридик университети ихтисослаштирилган филиалининг илмий котиби.

учун жавобгарлик белгиланган жиноят қонуни нормалари ривожланишининг турли босқичларида ЖК Махсус қисмининг турли бобларидан жой олганлиги, ушбу қилмиш туфайли қатор ижтимоий муносабатларга зарар етказилиши, бундан ташқари, ЖК нормалари диспозициясида безорилик таркиби объектив томонининг мураккаб тузилишга эга эканлигидир. Юқордагилардан келиб чиқиб, безориликнинг махсус, турдош ва бевосита объектларини алоҳида-алоҳида ўрганиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Собиқ иттифоқ давлатларининг кўпчилигида ушбу жиноятнинг махсус ва турдош объектлари бир хил деб топилиб, ижтимоий муносабатларга зарар етказувчи ҳамда жамоат хавфсизлиги ва тартибига қарши жиноятлар учун жавобгарлик ЖКнинг битта бобида назарда тутилган. МДХ давлатлари Жиноят кодекси моделининг 27-боби «Жамоат хавфсизлиги ва тартибига қарши жиноятлар» деб номланиб, кейинчалик МДХга кирган қатор давлатларнинг жиноят қонуни учун асос бўлиб хизмат қилган.

Безорилик учун жавобгарлик назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддаси «Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар» деб номланган олтинчи бўлимда жойлашгани учун унинг махсус объектини аниқлашда турли чалкашликлар мавжуд. Шунинг учун ҳам «жамоат хавфсизлиги» ва «жамоат тартиби» тушунчаларини безорилик жиноятининг объекти доирасида ўрганиш лозим ва бу тушунчаларни ўрганган олимларни тўрт гуруҳга ажратиш мумкин.

«Жамоат тартиби» тушунчасининг мазмуни анча кенг бўлиб, «жамоат хавфсизлиги»ни ҳам ўз ичига олишини таъкидловчилар биринчи гуруҳни ташкил қилади. И. И. Веремеенконинг фикрича, жамоат тартиби ҳуқуқий тушунча сифатида одамлар ўртасида, жамоат жойларида юзага келувчи ва ривожланувчи ижтимоий муносабатлар тизими бўлиб, уларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши фуқароларнинг шахсий ва жамоавий хавфсизлигини, жамият ҳаётининг бир маромда кечишини, ҳамжиҳатлик ва тинчликни таъминлайди [1, 27-б.].

Жиноят ҳуқуқи назариясида «жамоат тартиби» ва «жамоат хавфсизлиги» тушунчалари ҳақида бир неча олимлар томонидан юқоридагига ўхшаш фикрлар билдирилган бўлиб, барча фуқаролар тарафидан жамоат тартибини таъминловчи хулқ-атвор қоидаларига риоя қилиниши жамоат хавфсизлигини таъминлаб, жамият аъзоларининг кундалик ҳаёти ва фаолиятининг хавфсизлигини кафолатлайди [2, 4-б.]. Безорилик учун жавобгарлик белгиланишига қарши бўлганларнинг фикрича, ҳатто, жамоат тартиби безорилик жиноятининг бевосита объекти бўла олмайди, балки жамиятдаги мавжуд ижтимоий муносабатларни бузувчи барча ижтимоий хавфли қилмишлар учун умумий объектдир. И. К. Ивановнинг фикрича, ҳар қандай (жиноий, маъмурий, фуқароликка оид) ҳуқуқбузарлик содир этилганида жамоат тартиби бузилмаслигининг иложи йўқ. Масалан, пиёданнинг белгиланмаган жойдан ўтиши ҳам жамоат тартибини бузади. Одам ўлдириш, туҳмат, талон-торож содир этилганида ҳам жамоат тартиби бузилади. Бу жамоат тартибини бузувчи қилмишларнинг барчаси инсонларнинг жамиятда нормал турмуш кечиришига зиддир [3, 39-б.].

Иккинчи гуруҳ олимлар «жамоат хавфсизлиги» тушунчасини анча кенг талқин қилиб, у ўз ичига «жамоат тартибини» ҳам олишини таъкидлайдилар [4, 473–474-б.]. А. В. Готовцевнинг ёзишича, «жамоат хавфсизлиги юқорида келтирилган тушунча билан бирга, мулк хавфсизлиги, жамият ва инсоният учун хавф туғдирувчи хавф манбаи юқори бўлган объектларнинг нормал ишлашидир. Бундан жамоат хавфсизлиги жамоат тартибига нисбатан анча кенгроқ деган тушунча келиб чиқади» [5, 13-б.].

А. В. Куделич сингари олимлар «жамоат тартиби»га берган таърифларида бу тушунчани «жамоат хавфсизлиги» тушунчасидан фарқламай, уларни синоним сўзлар сифатида ишлатишади [6, 15-б.]. С. В. Борисов ҳам жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигини безорилик жиноятининг ягона объекти бўлиши мумкин, деб ҳисоблайди [7, 85-б.].

В. И. Зарубин эса «жамоат тартиби» ва «жамоат хавфсизлиги» тушунчалари ўзига хос белгиларга эга эканлиги боис, уларни бирлаштириш тўғри эмаслигини қайд этади [8, 17-б.]. Биз ҳам бу фикрга қўшилаемиз. Бу икки тушунча турли ижтимоий муносабатларни ифодалагани боис қонун чиқарувчи ҳам ЖКнинг олтинчи бўлимини «Жамоат хавфсизлиги ва тартибига қарши жиноятлар» деб номлаб, «Жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар»ни 17-бобга, «Жамоат тартибига қарши жиноятлар»ни эса 20-бобга жойлаштирган.

Юқоридагиларга ўхшаш қарама-қаршиликларнинг олдини олиш учун «жамоат тартиби» ва «жамоат хавфсизлиги» тушунчаларининг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш лозим.

Фикримизча, «жамоат хавфсизлиги» тушунчасини ифодалашда «хавфсизлик» тушунчасининг мазмунидан келиб чиқиш керак. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларида «хавфсизлик» тушунчаси таърифланмаган. Лекин Конституциямизнинг 26-боби «Мудофаа ва хавфсизлик» деб номланиб, унинг 126-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада Қуролли Кучларига эга эканлиги белгиланган. Қуролли Кучлар эса Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади. Ушбу конституциявий норма мазмунидан келиб чиқиб, хавфсизлик деганда давлат, жамият ва шахснинг ҳаёти учун муҳим бўлган манфаатларининг ички ва ташқи хавф-хатарлардан ҳимояланганлиги тушунилиши лозим. Шахс ва жамият хавфсизлигини ифодаловчи «жамоат хавфсизлиги» эса бир бутун давлат хавфсизлигининг алоҳида қисмини акс эттиради.

Жамоат хавфсизлиги — шахс, жамият ва давлатнинг жиноятчилик, бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар, фавқулодда ҳолатларнинг оқибатлари, ижтимоий низолар, табиий офатлар, эпидемия, эпизоотия, йирик ҳалокатлар, авариялар ва ёнғинлардан ҳимояланганлик ҳолатидир. Хавфсизликка моддий ва маънавий қадриятларни (ахборот тизими, транспорт инфратузилмаси, энергетика кабиларни) ҳимоя қилиш орқали эришиш мумкин, чунки ҳозирги кунда жамият ушбу қадриятларсиз мавжуд бўлиши ва ривожланиши мумкин эмас.

«Жамоат тартиби»га эса олимлар турлича таъриф берган. «Жамоат тартиби» тушунчасига доир муаммоларни таҳлил қилиш унинг моҳиятини ифодаловчи ижтимоий муносабатлар доирасини тўғри белгилаш, бу муносабатларни тартибга солиши ва ҳимоя қилиши лозим бўлган ижтимоий нормаларнинг табиати ва хусусиятини, давлат ва жамоат ташкилотларининг жамиятда тартибни сақлаш билан боғлиқ ваколатлари доирасини аниқлаб олиш имконини беради [9, 167-б.]. Шубҳасиз, жамоат тартиби демократик институтлар амал қилишининг асоси, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишнинг зарурий шarti, шунингдек давлат ва жамият кундалик ҳаёти барқарорлигининг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Давлат ва ҳуқуқ назариясида жамоат тартиби деганда барча ижтимоий нормалар ва принципларни татбиқ қилишга асосланган ижтимоий муносабатларнинг тартибга

солинганлик ҳолати, шунингдек юридик, ахлоқий, диний ва бошқа ижтимоий нормаларни татбиқ қилишда юзага келадиган ижтимоий муносабатлар тизими тушунилади [11, 75-б.]. Е. Н. Трубецкойнинг фикрига кўра, ҳуқуқий тартибнинг мақсади жамоат тартибининг бир бўлаги сифатида инсонлар ўртасида тинчлик ўрнатишдир [12, 33-б.].

Ижтимоий-ҳуқуқий категория сифатида жамоат тартиби деганда инсонлар ўртасидаги мулоқот жараёнида жамоат жойларида юзага келувчи, жамият эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлган ижтимоий нормалар билан тартибга солинган муносабатлар тизими тушунилиб, жамият ҳаётида тинчликни, инсонларнинг нормал ишлаши ва дам олишини, давлат органлари, корхона ва ташкилотларнинг нормал фаолиятини таъминлаш мақсади кўзда тутилади [13, 24-б.]. Бу ҳолатда жамоат тартиби соҳалараро ҳуқуқий (маъмурий ва жиноят-ҳуқуқий) институт сифатида намоён бўлган.

Жиноят ҳуқуқига оид адабиётларда жамоат тартибига турлича таърифлар берилган бўлиб, улардан айримларини келтиришимиз мумкин.

Бази олимларнинг фикрича, жамоат тартиби деганда жамоат жойларида тартибни ва тинчликни, фуқароларнинг муносиб ҳулқ-атворда бўлишини, оммавий корхона ва муассасаларнинг нормал фаолиятини, жамоат жойларида бўлган фуқароларнинг жисмоний ва маънавий дахлсизлигини таъминлаб берувчи ижтимоий муносабатлар мажмуи тушунилади [14, 33–34-б.].

Яна бир гуруҳ олимлар жамоат тартиби деганда инсонлар ўртасидаги ўзаро фаолиятнинг келишган ҳолда, бир хилда тараққий этишини таъминловчи барқарор ижтимоий муносабатлар тизимини тушуниш лозимлигини таъкидлайдилар [15, 388-б.]. М.Х.Рустамбоев «жамоат тартиби» тушунчасига «хавфсизлик ва фуқароларнинг тинчлигини, мулкни сақлашни, жамоат ва давлат ташкилотлари, корхоналар ва муассасалар, ташкилотларнинг бир меъёрга ишлаб туришини таъминлашга йўналтирилган одамлар ўртасидаги ахлоқ ва ҳуқуқ нормаларига асосланган муносабатлар» [16, 161-б.], деб таъриф берган. Бошқалар эса жамоат тартиби деганда жамиятда инсонлар ўртасида юзага келган ижтимоий муносабатлар тизими, амалдаги қонун ва одат нормалари, шунингдек ахлоқ нормалари билан белгиланган ўзаро муносабат ва кундалик турмуш қоидаларини тушунадилар [17, 244-б.].

Жамоат тартибига берилган юқоридаги таърифлардан уни фақат безорилик жиноятининг объекти сифатида тушуниш асослими, деган савол туғилади. Бу саволга ижобий жавоб бериш учун кўпчилик бу тушунчани кенг ва тор маънода ифодалашга уринади. Н. Иванов ҳар қандай жиноят жамоат тартибини бузиши туфайли барча жиноятларнинг объекти бўлишини таъкидлайди [18, 39-б.]. Тор маънода эса жамоат тартиби фақат безорилик жиноятининг объекти ҳисобланади. «Жамоат тартиби» тушунчасининг торайтирилиши ижтимоий муносабатларни жамоат жойига «боғлаш» орқали амалга оширилади [19, 12-б.]. Жамоат тартиби деганда А. М. Кононов шахслар ўртасидаги алоқалар жараёнида юзага келувчи қонун ёки ижтимоий нормалар асосида, одатда жамоат жойларида (ҳар қандай шахс учун очик бўлган кўча, майдон, транспорт магистраллари, бино ва ҳ.к.) юзага келувчи ижтимоий аҳамиятга эга муносабатларни [20, 34-б.], П. Л. Чижков эса жамоат жойларида ижтимоий нормаларга риоя қилиш жараёнида юзага келувчи ижтимоий муносабатларни [21, 24-б.] тушунади.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 183-моддасида назарда тутилган майда безориликнинг зарурий белгиси унинг жамоат жойида содир этилишидир. Майда безорилик маъмурий ҳуқуқбузарлигининг объекти сифатида жамоат тартибини

кўрсатиш тўғри бўлади. Ўзбекистон Республикаси МЖТКга ёзилган шарҳда ҳам жамоат тартиби қонун нормаларига риоя этишга асосланган жамоат жойларида юзага келувчи ижтимоий муносабатлар сифатида тавсифланган [22]. Безорлик жиноятида эса «жамоат тартиби» тушунчасининг жамоат жойи билан боғланиши тўғри эмас. Чунки жамоат жойи безорилик жинояти объектив томонининг зарурий белгиси бўлмай, бу жиноят объектига хос хусусиятни ифодалаши мумкин эмас. Бундан ташқари, ЖК 277-моддасининг диспозициясида «жамоат тартиби»ни ўзига хос тарзда тушуниш кераклигига оид кўрсатма мавжуд эмас.

Безорилик жинояти объектининг ўзига хос жиҳати шундаки, жамоат тартибига тажовуз қилиш битта қонун нормаси, яъни ЖКнинг 277-моддаси билан қамраб олинган турли ижтимоий муносабатлар (шахс, унинг соғлиғи, мулкӣ ҳуқуқлар)га зарар етказишда ифодаланади.

Н. И. Коржинский қасддан содир этиладиган кўплаб жиноятлар жамоат тартибини кўпол равишда бузишини таъкидлайди [23, 17-б.]. Бироқ бу фикр унчалик тўғри эмас. Чунки безорилик, биринчи навбатда, жамоат тартибини бузишга қаратилади, иккинчидан, безориликни содир этишда бошқа ижтимоий муносабатларга зарар етказиш жамоат тартибига зарар етказишнинг усули бўлиб хизмат қилади.

Биз С. Б. Алимовнинг: «Безорининг ҳулқи бирор ташқи объектни эгаллашга интилишдан келиб чиқмайди, балки ўзини кўрсатиб қўйишига тўсиқ бўлувчи ҳолатларга қаршилик кўрсатиш усуллари унинг онгида акс этишини ифодалайди» [24, 4–5-б.], деган фикрига қўшиламиз. Шахс ўзининг «Мен»ини жамиятга қарши қўйишга, эътиборни ўзига жалб қилиш ва жамоат тартибини кўпол равишда бузишга интилар экан, бошқа ижтимоий муносабатларга зарар етказишга ҳам тайёр бўлади.

Таҳлилларимиздан келиб чиқиб айтиш жоизки, жамоат хавфсизлигининг бузилиши моддий ва маънавий кадриятлар (ахборот тизими, транспорт инфратузилмаси, энергетика ва ҳ.к.)нинг мавжуд бўлишини хавф остида қолдиради, жамоат тартиби бузилганда эса бу муносабатларнинг барқарорлигига зарар етади. Бироқ бу ижтимоий муносабатлар бир-бири билан боғлиқ бўлиб, амалиётда безорилик кўпроқ жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар билан бирга содир этилади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 2002 йил 14 июнь қарорида ҳам тушунтириш берилган бўлиб, унга кўра безорилик жиноятини содир этишда ишлатилган ёки намоёиш этилган ўқотар қурол тегишли рухсатномасиз айбдорнинг эгалигида бўлса, қилмиш Жиноят кодексининг 248-моддаси билан ҳам қўшимча квалификация қилинади [25, 110-б.].

Демак, «жамоат тартиби» ва «жамоат хавфсизлиги» тушунчалари ўртасидаги фарқни кўриб чиқиб, шундай хулосага келиш мумкинки, жамоат тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлар бир вақтнинг ўзида безорилик жиноятининг махсус, турдош ва бевосита объекти ҳисобланади.

Лекин ЖК 277-моддаси биринчи қисмининг диспозициясига кўра, безорилик жамоат тартибини бузиш сифатида эмас, балки жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасликда ифодаланади. Бундан безорилик жиноятининг асосий бевосита объекти жамиятда юриш-туриш қоидаларига риоя этиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлардир, деган хулоса келиб чиқади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг юқорида зикр этилган қарорида юриш-туриш қоидалари қонунлар, ахлоқ-одоб нормалари, жамиятда мавжуд урф-одат ва анъаналар сифатида ифодаланган [25]. Қонун чиқарувчи томонидан ЖК 277-моддаси диспозициясининг

бу тарзда ифодаланиши ва Олий суд Пленуми қарорида юриш-туриш қоидаларининг бу каби кенг ёритилиши қуйидаги асосларга кўра тўғри эмас деб ҳисоблаймиз:

биринчидан, ушбу нормада ифодаланган «қоида» сўзи анча тор тушунча бўлиб, юридик луғатларда қоида деганда бирор фаолиятни амалга ошириш тартибини белгилаб қўювчи норматив акт [26, 266-б.] ёки қуйи турувчи шахслар мажбуриятларининг бошқарув жиҳатидан юқори турувчи шахслар томонидан белгилаб қўйилиши тушунилади [27, 650-б.];

иккинчидан, жамоат тартибига нафақат юриш-туриш қоидалари акс этган расмий норматив ҳужжатлар, балки одоб-ахлоқ, одат нормалари асосида ҳам амал қилинади;

учинчидан, безориликнинг асосий бевосита объекти фақатгина «юриш-туриш» қоидалари билан боғланиши 277-модда диспозициясида ифодаланган одоб-ахлоқ, одат нормаларини қасддан менсимаслик билан боғлиқ айрим ҳуқуқбузарликлар жавобгарлик доирасидан четда қолиб кетишига сабаб бўлиши мумкин.

Қатор хорижий давлатлар жиноят қонунчилигининг безорилик учун жавобгарлик назарда тутилган нормаларида ҳам айнан «жамоат тартиби» тушунчаси ишлатилади. Масалан, Беларусь (ЖК 339-модда), Қозоғистон (ЖК 275-модда), Украина (ЖК 296-модда), Тожикистон республикалари (ЖК 237-модда), Россия Федерацияси (ЖК 213-модда), Грузия Республикаси (ЖК 239-модда) жиноят қонуни диспозицияларида «жамоат тартиби»нинг бузилиши безорилик жиноятининг зарурий белгиси сифатида кўрсатилган.

Шу сабабли ЖКнинг 277-моддасидаги «жамиётда юриш-туриш қоидаларини» жумласи ўрнига «жамоат тартиби» жумласининг киритилиши жиноятнинг асосий бевосита объектини тўғри белгилаш ва жавобгарлик масаласини тўғри ҳал қилиш нуктаи назаридан ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки жамоат тартиби фуқароларнинг шахсий хавфсизлиги, жамоат хавфсизлиги, ташкилотларнинг нормал фаолият кўрсатиши, фуқароларнинг меҳнат қилиши ва дам олиши учун тўлиқ шароит яратишга, уларнинг шаъни, кадр-қимматини ҳамда умумхлоқий кадриятларни ҳурмат қилишга йўналтирилган ҳуқуқий ва ижтимоий нормалар асосида жамоат жойларида юзага келадиган ва ривожланадиган ижтимоий муносабатлар тизими ҳисобланади [9, 167-б.].

Юқоридагилардан шундай хулосага келишимиз мумкинки, *жамоат тартиби* деганда жамиятда унинг аъзолари томонидан қонун, одоб-ахлоқ нормалари ва умум эътироф этган бошқа ҳуқ-атвор қоидаларига ихтиёрий ёки мажбурий тартибда риоя қилиш асосида юзага келувчи, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг нормал фаолиятини, барча шаклдаги мулкларнинг бус-бутунлигини, одоб-ахлоқ қоидаларига, фуқароларнинг шаъни ва кадр-қиммати ҳурмат қилинишини таъминлашга хизмат қилувчи ижтимоий муносабатлар тизими тушунилиши лозим.

ЖК 277-моддасида назарда тутилган қилмишни квалификация қилишнинг зарурий белгиларидан бири жиноят натижасида шахснинг соғлиғи, жисмоний дахлсизлиги, мулкӣ ҳуқуқларидан бирига зарар етазилганлигидир. Айнан ушбу белги безорилик жиноятини майда безориликдан фарқлаш учун асос бўлиб, қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини аниқлашга хизмат қилади.

Ҳозирга қадар мазкур ижтимоий муносабатлар ЖК 277-моддасида назарда тутилган жиноятнинг қўшимча ёки факультатив объекти экани ҳақида ҳам бир тўхтамга келинмаган. Шунингдек, баъзи олимлар бу ижтимоий муносабатларни бир

пайтнинг ўзида безориликнинг қўшимча ва факультатив объектлари деб ҳисоблайди [28, 88-б.]. Ҳатто юқоридаги ижтимоий муносабатларни безориликнинг муқобил объекти деб ҳисобловчилар ҳам бор [29, 75-б.].

Безорилик ҳаракатларини содир этаётган шахс бошқа шахсга ёки унинг мулкӣ ҳуқуқларига тажовуз қилиш орқали жамиятга нисбатан беҳурмат муносабатда эканини ифодалайди. Шу сабабли, жамоат тартиби — безориликнинг асосий, шахснинг соғлиғи, жисмоний дахлсизлиги ва мулкӣ ҳуқуқлари эса қўшимча объекти ҳисобланади [30].

Безорилик жамият ва унинг аъзоларига ҳурматсизликда намоён бўлади. Бу ҳурматсизлик турли шаклларда ифодаланиб, ҳар доим шахсий манфаатлар, шу билан бирга, мулкӣ ҳуқуқларга зарар етказиш хавфини туғдиради [31, 17-б.]. С. А. Тарарухиннинг фикрича, безориликда фақат битта объектга, яъни жамоат тартибига зарар етказилади. Безорилик оқибатида зарар етказиладиган бошқа ижтимоий муносабатлар факультатив объект ҳисобланади [32, 173-б.].

В. М. Шинкурак безориликнинг ўзига хос жиҳатини унинг ҳар доим ҳам зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш ёхуд мулкни нобуд қилиш, унга шикаст етказиш билан боғлиқ ҳолда содир этилмаслигини таъкидлаб, бу ижтимоий муносабатларни жиноятнинг факультатив объекти сифатида баҳолайди [33, 75-б.].

В. К. Глистин безориликни қўшимча ва факультатив объектларга ажратишни умуман мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблайди. У безорилик туфайли келиб чиқадиган барча оқибатлар бошқа шахсларни ҳурмат қилиш ва уларга нисбатан дўстона муносабатда бўлишни ўзида ифодаловчи кундалик-маиший муносабатлар билан қамраб олинишини таъкидлайди [34, 111–112-б.].

Айрим муаллифлар безорилик жинояти содир этилганида иккита асосий объектга таъсир кўрсатилишини айтадилар. С. В. Максимов бир вазиятда жамоат тартиби безориликнинг асосий объекти сифатида намоён бўлса, бошқа ҳолатда эса муқобил объект сифатида шахснинг соғлиғи, жисмоний дахлсизлиги ёки шахсий эркинлиги, мулкӣ ҳуқуқлари билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар намоён бўлишини таъкидлайди [35, 563-б.]. Агар бу фикрга қўшиладиган бўлсак, безориликни жамоат тартибига тажовуз қилмасдан туриб ҳам содир этиш мумкин, деган хулоса келиб чиқади. Бундай хулосалар безорилик учун жавобгарлик белгиланишининг ижтимоий моҳиятини бузади, чунки шахсий манфаатлар ва мулкӣ ҳуқуқлар ушбу жиноятда қўшимча объект сифатида намоён бўлади.

Фикримизча, шахснинг соғлиғи, жисмоний дахлсизлиги, мулкӣ ҳуқуқлари мазкур жиноятнинг қўшимча ёки факультатив объекти эканлиги ҳақидаги масалани ҳал қилишда жиноят ҳуқуқи назарияси қоидаларига асосланиш лозим.

А. В. Наумов таъкидлаганидек, «айнан қайси объект асосий ёки қўшимча экани жиноят қонуни билан қўриқланаётган ижтимоий муносабатларнинг муҳимлиги билан эмас, балки унинг турдош объект билан алоқадорлигидан келиб чиқиб аниқланади» [36, 162-б.]. Қайси объект асосий ёки қўшимча эканини аниқлашда содир этилган жиноят учун жавобгарлик ЖКнинг қайси бобида белгилангани ва шахснинг мақсади нимага қаратилгани муҳимдир. Шахснинг мақсади қаратилган ижтимоий муносабат — асосий, бунинг натижасида зарар етказиладиган ижтимоий муносабат эса қўшимча объект ҳисобланади [37, 160-б.]. М. Ҳ. Рустамбаев ҳам худди шундай фикр билдириб, уларнинг фарқи асосий ёки қўшимча объект эканлигига эмас, балки махсус объект билан боғлиқлигига қараб фарқланишини таъкидлайди [38, 143-б.]. Шу сабабли ҳам

шахснинг соғлиғи, жисмоний дахлсизлиғи, шаъни, кадр-қиммати, мулки безорилик жиноятининг қўшимча объектидир [16, 161-б.].

Лекин факультатив объект масаласидаги фикрлар бир хил эмас. Баъзи олимлар факультатив объект жиноят қонуни билан ҳимоя қилинса-да, унга ҳар доим ҳам зарар етказаверилмаслигини айтадилар. Факультатив объект жиноят таркиби тузилишига киритилмайди, лекин унга зарар етказилиши жазо тайинлашда ҳисобга олиниши лозим [39]. Факультатив объект ҳақидаги бу фикрлар унинг мазмунини етарли даража очиб беролмаган.

Фикримизча, факультатив объект жиноят таркибининг зарурий белгиси бўлмай, унга зарар етказилиши шарт эмас. Факультатив объектга жиноят содир этилганида зарар етиши ҳам, етмаслиги ҳам мумкин. Масалан, талончиликда мулкӣ ҳуқуқлар асосий бевосита объект бўлиб, шахснинг жисмоний ёки руҳӣ дахлсизлиғи факультатив объект ҳисобланади. Чунки, бу ижтимоӣ муносабатларга зарар етказилмаганида ҳам қилмиш талончилик деб квалификация қилинаверади.

Демак, факультатив ва қўшимча объектларнинг фарқи шундаки, қўшимча объект ЖК Махсус қисми тегишли нормасида асосий объект билан бирга назарда тутилиб, жиноят натижасида унга ҳам зарар етказилади. Факультатив объект эса ЖК Махсус қисми нормасида қилмишни жиноят деб ҳисоблашнинг зарурий белгиси сифатида назарда тутилмайди, лекин ушбу жиноят содир этилиши натижасида унга ҳам зарар етказилиши мумкин. Шундай қилиб, ЖК 277-моддасида жамоат тартибини сақлаш билан бир қаторда назарда тутилган шахснинг соғлиғи, жисмоний дахлсизлиғи ва мулкӣ ҳуқуқлари безорилик жиноятининг қўшимча объекти, деган олимларнинг фикри асосли ва тўғридир. Чунки жамоат тартибини бузиш натижасида ушбу ижтимоӣ муносабатлардан бири зарар кўрмаса, қилмиш ЖК 277-моддасининг таркибини ташкил қилмайди ҳамда майда безорилик сифатида МЖТКнинг 183-моддаси билан маъмурий ҳуқуқбузарлик деб баҳоланади.

Бу жиноятнинг қўшимча объекти бўлган шахснинг соғлиғи, жисмоний дахлсизлиғи, мулкӣ ҳуқуқлари безорилик жиноятининг таркиби билан қамраб олинган бўлса, қилмиш ЖКнинг 277-моддаси билан квалификация қилинади. Безорилик натижасида шахснинг жисмоний дахлсизлиғига зарар етказилган (уриш-дўппослашда) ёки баданига енгил ёхуд ўртача оғир шикаст етказилганида қилмиш ЖК 277-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилинади. Агар безорилик оқибатида зарар етказилган ижтимоӣ муносабат ЖК 277-моддаси билан қамраб олинмаган бўлса (масалан, безорилик оқибатида қасддан одам ўлдириш), баданга оғир шикаст етказиш шахсга қарши жиноят сифатида квалификация қилиниши лозим (ЖК 97-м. 2-қ. «г» б., 104-м. 2-қ. «е» б.).

Безорилик жиноятининг навбатдаги қўшимча объекти мулкӣ ҳуқуқлар бўлиб, агар безорилик оқибатида мулкка зарар етказилса, жиноят предмети объектнинг зарурий белгиси сифатида намоён бўлади. Безориликнинг предмети ўзига хос белгиларга эга. С. В. Борисов мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш билан боғлиқ ҳолда содир этилган безориликнинг предмети мулкка қарши қаратилган жиноятлар (талон-торож)нинг предмети билан бир хил [28, 88-б.], деб ҳисоблайди. Ш. Ё. Абдуқодиров ва У. М. Мирзаев фақат ашёвий, иқтисодӣ, ижтимоӣ белгиларга, мулкнинг фуқаролик муомаласидан чиқарилмаганлиғи белгисига ҳамда ижтимоӣ-иқтисодӣ ва юридик белгиларга эга мулкларгина талон-торож предмети бўлиши мумкинлигини таъкидлайдилар [40, 16-б.]. Лекин безорилик натижасида шикаст

етказиладиган ёки нобуд қилинадиган мулкларнинг бу каби торайтирилиши ҳам тўғри эмас. Фикримизча, безорилик оқибатида муайян рухсатнома асосида фойдаланиш мумкин бўлган мулклар (ўқотар қурол)га шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ҳам безорилик сифатида квалификация қилиниши лозим.

Жиноят объекти ва предметининг ўзаро алоқадорлигини ҳисобга олиб, фуқаролик муомаласидан чиқарилган (гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва ш. к.) ёки эгасиз мулкларни нобуд қилиш ёки шикаст етказишда мулккий ҳуқуқлар бузмаганлиги туфайли, ЖК 277-моддасида жавобгарлик белгиланган жиноят таркиби мавжуд бўлмайди.

Безорилик оқибатида шикаст етказилган ёки нобуд қилинган предмет бошқа жиноят таркибининг зарурий белгиси бўлиши ҳам мумкин. Масалан, ЖК 132-моддасида давлат муҳофазасига олинган тарих ёки маданият ёдгорликларини қасддан нобуд қилганлик, бузганлик ёки уларга шикаст етказганлик учун жавобгарлик белгиланган. Агар безорилик оқибатида мазкур предметларга зарар етказилса, қилмиш жиноятлар йиғиндиси тарзида квалификация қилиниши керак, деб ҳисоблаймиз.

Айтиш жоизки, жамоат тартибини сақлаш давлатнинг ваколатли шахслари томонидан амалга оширилади. Агар безорилик жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариб турган ҳокимият вакилига қаршилик кўрсатиш билан боғлиқ ҳолда содир этилса (ЖК 277-м. 3-қ. «г» б.), жамият ва давлат манфаатларига зарар етказилади. Демак, бошқарув тартиби билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар безориликнинг кўшимча бевосита объекти сифатида намоён бўлади.

Безорилик ўқотар қуролни намоёйиш қилиб, уни қўллаш билан кўрkitиб ёки қўллаб содир этилганида (ЖК 277-м. 3-қ. «б» б.) жамоат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ҳам ушбу жиноятнинг кўшимча бевосита объекти сифатида намоён бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, безорилик кўп объектли жиноят бўлиб, унинг зарурий белгиси жамоат тартибининг бузилишидир. Айнан жамоат тартибини таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар — ушбу жиноятнинг асосий бевосита объекти, шахснинг соғлиғи, жисмоний дахлсизлиги, мулккий ҳуқуқлари, жамоат хавфсизлиги, бошқарув тартиби эса кўшимча бевосита объекти бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар / Использованная литература

1. *Веремеенко И.И.* Сущность и понятие общественного порядка // Советское государство и право. — 1982. — № 3.
2. *Гришаев П.И.* Преступления против общественной безопасности. — М., 1959.
3. *Иванов И.К.* Хулиганство: проблемы квалификации // Российская юстиция. — 1996. — № 8.
4. Уголовное право России. Части Общая и Особенная: Учебник / Под ред. А. И. Рарога. 5-е изд., перераб. и доп. — М.: ТК Велби, Издательство Проспект, 2004.
5. *Готовцев А.В.* Организационно-правовые вопросы взаимодействия милиции и внутренних войск в охране общественного порядка: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — М., 2000.
6. *Куделич А.В.* Уголовно-правовая охрана общественного порядка в современной России: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. — М., 2000.
7. *Борисов С.В.* Хулиганство: уголовно-правовой и криминологический аспекты: Дис. ... канд. юрид. наук. — М.: РГБ, 2005.

-
8. Зарубин В.И. Понятие общественного порядка как объекта хулиганства // Журнал российского права. — 2001. — № 8.
9. Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Масъул муҳаррир Н.Тойчиев. — Т.: Адолат, 2010.
10. Макарейко Н.В. Государственное принуждение как средство обеспечения общественного порядка: Дис. ... канд. юрид. наук. — М., 1996. — С. 64.
11. Клименко С.В. Основы государства и права: Учебное пособие / С.В. Клименко, А. Л. Чичерина. — М.: Зерцало-Теис, 1996.
12. Трубецкой Е. Н. Энциклопедия права. — СПб.: Юридический институт, 1998.
13. Административная деятельность ОВД. Часть общая: Учебник / Под ред. д-ра юрид. наук, проф. А.П.Коренева. — М.: МЮИ МВД России, «Щит-М», 1999.
14. Уголовное право. Особенная часть. Т. 2 / Под ред. Л.Д. Гаухмана, С.В. Максимова. — М., 1999.
15. Уголовное право. Особенная часть: Учебник / Под ред. И.Я Козаченко и др. — М.: ИНФРА-М-НОРМА, 1997.
16. Рустамбоев М.Ў. Ўзбекистон Жиноят ҳукуки курси. Махсус қисм. Т. V. Жамоат ҳавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар: Олий таълим муассасалари учун дарслик. — Т.: ИLM ZIYO, 2011.
17. Российское уголовное право. Особенная часть: Учебник / Под ред. В.Н. Кудрявцева, А.В. Наумова. — М.: Юристъ, 1997.
18. Иванов Н. Хулиганство: проблемы квалификации // Российская юстиция. — 1996. — № 8.
19. Егоров В.С. Уголовная ответственность за хулиганство: Дис. ... канд. юрид. наук. — М., 2000. — С. 37; Бредихин И.Д. О понятии содержания общественного порядка в административном праве // Вестник ВГУ. — 2010. — № 10.
20. Кононов А. М. Роль и место органов местного самоуправления в осуществлении охраны общественного порядка // Государство и право. — 1997. — № 12.
21. Чижков П.Л. Общественный порядок и общественная безопасность как объекты посягательства административных правонарушений, связанных с нарушением правил оборота оружия // Закон и право. — 2006. — № 8.
22. Комментарий к Кодексу Республики Узбекистан об административной ответственности / Х.Р. Алимов, С.Т. Ахмедова и др. — Тошкент: Адолат, 2002.
23. Коржанский Н.И. Объект и предмет уголовно-правовой охраны в СССР: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. — М.: Всесоюзный научно-исследовательский институт МВД СССР, 1981.
24. Алимов С.Б. Понятие, содержание и сущность системы охраны общественного порядка // Административное право и процесс. — 2009. — № 4.
25. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 2002 йил 14 июнь 9-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари. Т. 2.
26. Головистикова А.Н. Толковый словарь юридических терминов / А.Н. Головистикова, Л.Ю. Грудцына. — М.: Эксимо, 2008.
27. Юридический словарь / Под ред. А. Н. Азрилияна. — М.: Институт новой экономики, 2007.
28. Борисов С.В. Хулиганство: уголовно-правовой и криминологический аспекты: Дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.08. — М.: РГБ, 2005.
29. Лысов М.Д. Логико-структурный анализ понятия и признаков преступления в действующем УК РФ // Государство и право. — 1997. — № 12.
30. Кудрявцев С.В. Преступления против общественной безопасности и общественного порядка // Уголовное право. Особенная часть. — М., 1999. — С. 244; Козаченко И. Я. Уголовное право. Особенная часть: Учебник. — М., 2008. — С. 388.
-

-
31. *Козаченко И.Я.* Квалификация хулиганства и отграничение его от смежных преступлений: Учеб. пособие. — Сverdlovsk: Sverdlovskiy yurid. in-t, 1984. — 84 с.
32. *Тарарухин С.А.* Квалификация преступлений в следственной и судебной практике. — Киев, 1995.
33. *Шинкурак В.М.* Ответственность за хулиганство в Российском уголовном праве: Дис. ... канд. юрид. наук. — Волгоград, 2002.
34. *Глистин В.К.* Проблема уголовно-правовой охраны общественных отношений: (объект и квалификация преступлений): Монография. — Л.: ЛГУ, 1974. — 128 с.
35. *Максимов С.В.* Преступления против общественной безопасности // Уголовное право. Часть Общая. Часть Особенная / Под ред. Л.Д.Гаухмана, Л.Мкалодкина, С.В.Максимова. — М., 1999.
36. *Наумов А.В.* Российское Уголовное право. — М.: Юрид. лит., 2004.
37. *Усмоналиев М., Бакунов П.* Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). — Т.: Насаф, 2010.
38. *Рустамбаев М.Ҳ.* Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Т. I. Умумий қисм. Жиноят тўғрисида таълимот: Олий таълим муассасалари учун дарслик. — Т.: ILM ZIYO, 2010.
39. Российское уголовное право: в 2-х т. Т. 1. Общая часть: Учебник / Г.Н.Борзенков, В.С.Комиссаров и др. — М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2006. — С. 116–117; *Рустамбаев М.Ҳ.* Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Т. I. Умумий қисм. Жиноят тўғрисида таълимот : Олий таълим муассасалари учун дарслик. — Т.: ILM ZIYO, 2010. — Б. 144.
40. *Абдуқодиров Ш.Ё., Мирзаев У.М.* Ўзгалар мулканини талон-торож қилиш: Ўқув қўлланма. — Т.: ТДЮИ, 2011.
-

Х. А. Тураббаев*

СУДЕБНАЯ ПОЧЕРКОВЕДЧЕСКАЯ ЭКСПЕРТИЗА КАК ФОРМА ПРИМЕНЕНИЯ СПЕЦИАЛЬНЫХ ЗНАНИЙ В РАСКРЫТИИ И РАССЛЕДОВАНИИ ПРЕСТУПЛЕНИЙ

Аннотация. Статья посвящена судебной почерковедческой экспертизе как форме применения специальных знаний. В статье излагаются мнения известных криминалистов о понятии «специальные знания». Рассматривается возможность производства экспертизы до возбуждения уголовного дела и отсутствие уголовно-правовых гарантий как проблема регулирования судебной экспертизы на стадии возбуждения уголовного дела; вопросы, связанные с технико-криминалистической экспертизой документов и возникающие при производстве почерковедческих экспертиз.

Ключевые слова: судебная почерковедческая экспертиза, специальные знания, спорная рукопись, записи, экспертное исследование, эксперты-почерковеды, идентификация, почерковый материал.

ХАТШУНОСЛИК СУД-ЭКСПЕРТИЗАСИ — ЖИНОЯТЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА ТЕРГОВ ҚИЛИШДА МАХСУС БИЛИМЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ШАКЛИ

Аннотация. Мақола махсус билимларни қўллаш шакли сифатида хатшунослик суд-экспертизасига бағишланган. Унда таниқли суд экспертларининг «махсус билимлар» тушунчаси ҳақидаги фикрлари баён этилган. Жиноят иши қўзғатилишидан олдин экспертиза ўтказиш имконияти ва жиноят иши қўзғаш босқичида суд экспертизасини тартибга солиш муаммоси сифатида жиноят-ҳуқуқий қафолатлар йўқлиги, ҳужжатларнинг техник экспертизаси, суд-тиббий экспертизаси ҳамда хатшунослик бўйича экспертизаларни ўтказиш билан боғлиқ муаммолар кўриб чиқилган.

Таянч сўзлар: хатшунослик суд-экспертизаси, махсус билимлар, мунозарали қўлёзма, эслатма, эксперт иши, қўлёзма бўйича мутахассислар, идентификация қилиш, қўлёзма материаллари.

FORENSIC HANDWRITING EXAMINATION AS A FORM OF APPLICATION OF SPECIAL KNOWLEDGE IN DISCLOSURE AND INVESTIGATION OF CRIMES

Annotation. The article is devoted to forensic handwriting examination as a form of application examination. The article presents the views of well-known criminologists about the concept of «specialized knowledge». The possibility of manufacturing expertise to the institution of criminal proceedings and lack of criminal-law guarantees how the problem of regulating the judicial examination on a stage of excitation of criminal case; issues related to technical and forensic examination of documents and resulting in the production of handwriting examination.

Keywords: forensic handwriting examination, expertise, controversial manuscript records, expert research, handwriting experts, identification, handwriting material.

Для полного, всестороннего и объективного расследования преступлений нередко приходится прибегать к помощи лиц, обладающих специальными знаниями в области науки, техники, искусства и ремесла. Судебная экспертиза является основной формой использования специальных знаний в уголовном процессе [1].

* *Тураббаев Хусанбек Абдусаломович, доцент кафедры предварительного следствия и криминалистики Академии МВД Республики Узбекистан.*

Заключение эксперта — представленные в письменном виде содержание исследования и выводы по вопросам, поставленным перед экспертом лицом, ведущим производство по уголовному делу, или сторонами [2].

В законе Республики Узбекистан № ЗРУ-249 от 01 июня 2010 г. «О судебной экспертизе» четко определены права и обязанности эксперта. Законодатель указывает на проведение полного исследования представленных эксперту объектов и материалов дела, дачу обоснованного и объективного заключения по поставленным перед ним вопросам, как основную процессуальную обязанность эксперта. Также законодатель говорит, что «эксперт дает заключение, основываясь на результатах проведенных исследований в соответствии со своими специальными знаниями [3].

Компетенцией эксперта будет служить наличие у него свидетельства (допуска) на право самостоятельного производства почерковедческих экспертиз, выданное ему специальной экспертно-квалификационной комиссией.

В действующем законодательстве отсутствует четкое понятие специальных знаний, что порождает многочисленные вопросы и сложно разрешимые ситуации на практике. Термин «специальные знания» законодатель впервые употребил в ст. 3 Закона Республики Узбекистан «О судебной экспертизе», а затем в ст. 67 Уголовно-процессуального кодекса Республики Узбекистан было дано определение и процессуальное положение эксперта, как лица, обладающего специальными знаниями. Однако законодатель в действующем Уголовно-процессуальном кодексе РУз не указал, какие знания будут относиться к специальным.

По мнению А.А. Эйсмана, к специальным знаниям следует относить «знания не юридические и не общеизвестные, не общедоступные, не имеющие массового распространения. Это знания, которыми располагает ограниченный круг специалистов и которыми не располагает или располагает не в полной мере адресат доказывания (следователь, суд, участники процесса)» [4]. Говоря об общеизвестности, общедоступности и массовой распространенности знаний, А.А. Эйсман не учел этапы и уровень развития общества, сумму накопленных этим обществом знаний.

Особенностью же специальности является то, что они опираются на научные сведения, а также практические умения, на опыт из определенного узкоспециального направления человеческой деятельности. Она не относит к специальным знаниям общеизвестные и юридические знания. Для определения круга специальных знаний, необходимых для производства конкретного вида экспертизы, необходимо исходить из предмета той или иной экспертизы, а также понятия «судебно-почерковедческой экспертизы». Предмет любой судебной экспертизы обусловлен вопросами следователя или суда и спецификой объекта экспертного исследования.

В.Ф. Орлова к предмету почерковедческой экспертизы относит «установление только тех фактов (фактических обстоятельств), которые входят в компетенцию эксперта-почерковеда». Пределы компетенции его она определяет кругом вопросов идентификационного и диагностического характера, которые могут быть поставлены перед ним и разрешены путем применения соответствующих методик».

Определение «судебно-почерковедческой экспертизы» В.Ф. Орлова дает как: «исследование и дача экспертом-почерковедом заключения в соответствии с процессуальным законом на основе специальных знаний в области судебного почерковедения в целях установления фактов (фактических обстоятельств), имеющих доказательственное значение по уголовным и гражданским делам» [5].

Судебная экспертиза может быть проведена как до, так и после возбуждения уголовного дела. Законодательное решение, допустившее назначение и производство

судебной экспертизы до возбуждения уголовного дела, не было неожиданным, так как этот вопрос давно обсуждался как в научных дебатах, так и в практической деятельности [6]. Специфика производства экспертизы до возбуждения уголовного дела заключается в том, что на данный момент не всегда определен процессуальный статус участников процесса, кроме лица, уполномоченного на возбуждение уголовного дела, также в стадии возбуждения уголовного дела лицо, проводящее проверку сообщения о преступлении, имеет дело с ограниченным кругом лиц, интересы которых потенциально может затронуть назначаемая и проводимая по делу судебная экспертиза.

Е. А. Зайцева в своей статье «Регламентация судебной экспертизы на стадии возбуждения уголовного дела: современное состояние и пути совершенствования» рассматривает как одну из проблем регулирования судебной экспертизы на стадии возбуждения уголовного дела отсутствие уголовно-правовых гарантий достоверности заключения эксперта [7]. Основанием для такого вывода служит то, что уголовная ответственность судебного эксперта возможна только за дачу заведомо ложного заключения в суде, либо при производстве предварительного расследования. Соответственно, в действиях эксперта, давшего заведомо ложное заключение, будет отсутствовать состав преступления, предусмотренный ст. 238 УК РУз.

Судебная почерковедческая экспертиза также может быть назначена до возбуждения уголовного дела, но она должна назначаться и производиться в целях установления наличия или отсутствия достаточных данных, указывающих на признаки преступления и необходимость своевременного выяснения обстоятельств исследуемого события, которые могут быть утрачены или искажены в случае промедления.

Исходя из объектов, представленных эксперту для исследования, образцов для сравнительного исследования (если экспертиза носит идентификационный характер), обстоятельств дела, перечисленных следователем в постановлении о назначении экспертизы, перечня поставленных перед экспертом вопросов и задач, эксперт определяет, какую методику он будет применять при производстве экспертизы и дачи заключения по поставленным вопросам.

Обуславливается это, как правило, кругом задач, подлежащих экспертному исследованию. Так, применительно к определению пола или возраста исполнителя, особенностей его личности, психофизиологических свойств, либо установлению внешних факторов выполнения рукописей (позы, необычности условий исполнения, опьянения алкогольного или наркотического), какие объекты исследования представлены (буквенные, цифровые, штриховые, многообъектные, малообъемные тексты, только подписи) экспертом будет применена соответствующая методика, выбранная им относительно определенного исследования и только по поставленным перед ним вопросам.

Нередко при производстве почерковедческих исследований возникают вопросы, связанные с технико-криминалистической экспертизой документов. Например, эксперту, перед тем, как приступить к идентификационному исследованию подписи, необходимо обязательно проверить ее на предмет наличия признаков предварительной технической подготовки или ее воспроизведения с применением оргтехники, а для этого нужны специальные знания из области технико-криминалистической экспертизы документов. Для определения способа выполнения скопированных на просвет или через копировальную бумагу записей также необходимы знания из области технико-криминалистической экспертизы документов. И только тогда,

когда эксперт убедится в отсутствии каких-либо признаков технической подделки, он приступает непосредственно к изучению признаков письменной речи, общих и частных признаков почерка.

Весь ход экспертного исследования выполняется с соблюдением законов логического мышления (он должен быть определенным, последовательным и доказательным), помимо описания в текстовой части, должен быть наглядно проиллюстрирован в фототаблице (таблице-иллюстрации). В необходимых случаях эксперт прикладывает к заключению рабочие разработки признаков почерка. Когда есть такие наглядные приложения к заключению эксперта, участникам процесса при ознакомлении с заключением эксперта легче воспринимать сделанные экспертом выводы, а также удостовериться в истинности или ложности вывода.

Подводя итог сказанному, отметим, что при производстве судебных почерковедческих экспертиз эксперт должен обладать специальными знаниями в области почерковедения. У него должен быть необходимый уровень специальных знаний для решения интересующих следствие либо суд вопросов и дачи полного, достоверного, обоснованного заключения по поставленным вопросам. Такие знания должны быть им приобретены в результате профессионального образования, либо повышения его квалификации, закреплены в процессе практической деятельности. Не лишним будет и наличие свидетельства на право самостоятельного производства не только почерковедческих экспертиз, но и технико-криминалистических экспертиз документов.

Таким образом, эксперт, специализирующийся на производстве почерковедческих экспертиз, может быть привлечен и к производству комплексной экспертизы документов, он должен обладать знаниями в области почерковедения, криминалистической экспертизы материалов документа. Такие знания помогут ему правильно, достоверно, последовательно исследовать все представленные материалы, объективно разрешить поставленные задачи, ответить на интересующие следствие или суд вопросы по существу, а его заключение будет компетентным и иметь большое доказательственное значение.

Фойдаланилган адабиётлар / Используемая литература

1. Судебно-почерковедческая экспертиза. Общая часть. Теоретические и методические основы / Под науч. ред. В. Ф. Орловой. 2-е изд., перераб. и доп. — М., 2006.
2. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан (утвержден Законом Республики Узбекистан от 22 сентября 1994 года № 2013-ХП) *(с изменениями и дополнениями по состоянию на 12.11.2019 г.)*
3. Закон Республики Узбекистан 01.06.2010 г. ЗРУ-249 «О судебной экспертизе» (принят Законодательной палатой 18 ноября 2009 г., одобрен Сенатом 7 мая 2010 г.).
4. Эйсмэн А.А. Заключение эксперта. Структура и научные обоснования. — М., 1967.
5. Судебно-почерковедческая экспертиза. Общая часть. Теоретические и методические основы / Под науч. ред. В. Ф. Орловой. 2-е изд., перераб. и доп. — М., 2006.
6. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан (утвержден Законом Республики Узбекистан от 22 сентября 1994 года № 2013-ХП, *с изменениями и дополнениями по состоянию на 12.11.2019 г.*) ст.172, ст.329.
7. Зайцева Е.А. Регламентация судебной экспертизы на стадии возбуждения уголовного дела: современное состояние и пути совершенствования // Судебная экспертиза. — Волгоград, 2016. — Вып. 1 (45).

ЎЗБЕКИСТОНДА КИБЕРХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Мақолада мамлакатимизда киберхавфсизликни таъминлаш соҳасига оид масалалар кўриб чиқилган, кибержиноятларга қарши курашни ташкил этиш бўйича асослантирилган таклифлар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: киберхавфсизлик, кибертерроризм, зарарловчи дастурий таъминот, шахсга тегишли конфиденциал маълумотлар, киберфирибгарлик, ташқи хакерлик ҳужуми, Ransomware, фишинг, кейлоггерлар, ички заифликлар, кибертахдидлар.

ВОПРОСЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ КИБЕРБЕЗОПАСНОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ

Аннотация. В статье рассмотрены вопросы, связанные с обеспечением кибербезопасности в стране, разработаны обоснованные предложения по вопросам организации борьбы с киберпреступлениями.

Ключевые слова: кибербезопасность, кибертерроризм, вредоносные программные обеспечения, конфиденциальные данные о лицах, кибермошенничество, внешние хакерские атаки, Ransomware, фишинг, кейлоггеры, внутренние уязвимости, киберугрозы.

IMPROVEMENTS OF ENSURING CYBERSECURITY IN UZBEKISTAN

Annotation. The article deals with the issues connected with cybersecurity in the country, the author develops scientifically grounded proposals on the issues of organization of fighting against cybercrime.

Keywords: cybersecurity, cyber terrorism, malware, confidential face data, cyber fraud, external hacker attacks, Ransomware, fishing, keyloggers, internal vulnerabilities, cyber threats.

Жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашаётган мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари, ахборот тизимлари ва замонавий компьютер технологияларидан самарали фойдаланиш бўйича изчил давлат сиёсати олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимизда жорий этилаётган замонавий рақамли технологиялар, шубҳасиз, юридик ва жисмоний шахсларга қатор қулайлик ва имкониятлар эшигини очмоқда. Мазкур жараён билан бир қаторда яратилаётган рақамли технологиялар ва ахборот тизимларининг хавфсизлигини таъминлаш муаммоси ҳам давлатимиз раҳбарининг назаридан четда қолаётгани йўқ, албатта. Шу боис киберхавфсизликни таъминлаш, содир этилиши мумкин бўлган кибержиноятларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

2018 йил 21 ноябрда мазкур йўналишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 4024-сон қарори қабул қилинди. Қарорда давлат органлари ва ташкилотларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича чоралар кўрилатганига қарамадан, «Электрон ҳукумат» тизимининг жорий этилиши ва

* Худойбердиев Раҳматилла Ғозиллиддинович, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ахборот технологиялари кафедрасининг ўқитувчиси.

самарали фаолият кўрсатишига, ахборот соҳасидаги таҳдидларга қарши курашишга тўсқинлик қилувчи қатор муаммолар сақланиб қолаётгани айтиб ўтилган [1].

Мазкур қарорнинг мантикий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон Фармони иловасида «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури» тасдиқланган бўлиб, унда тегишли давлат идораларига 2020–2023 йилларга мўлжалланган киберхавфсизликка доир миллий стратегияни, 2020 йил 1 сентябрга қадар «Киберхавфсизлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳасини ишлаб чиқиш, давлат ташкилотларидаги операцион тизимларни эркин тарқатиладиган, сертификатланган ва ахборот хавфсизлиги талабларига жавоб берадиган дастурий таъминотга ўтказиш каби вазифалар юклатилди [2]. Мамлакатимиз раҳбариятининг юқорида келтирилган норматив ҳужжатларни қабул қилиш борасидаги ҳаракатлари бежиз эмас, албатта.

2020–2021 йилларда Тошкент шаҳрида синов тариқасида соғлиқни сақлаш йўналишида — «Ягона электрон тиббий карта», «Электрон поликлиника», «Электрон шифохона», «Электрон рецепт», «Лаборатория»; таълим йўналишида — «Болалар боғчаси», «Электрон кундалик», «Олимпиада», «Масофавий таълим»; коммунал соҳада — табиий газ, электр энергияси, иссиқлик энергияси автоматлаштирилган тизимларини интеграция қилиш орқали — «Менинг уйим» ҳамда қурилиш, транспорт, хавфсиз туризм ва экология йўналишларида ҳам тегишли ахборот тизимлари, дастурий маҳсулотлар яратиш ва жорий этиш назарда тутилмоқда [3].

Мазкур ахборот тизимларида жойлаштирилаётган маълумотлар уларнинг конфиденциаллигини таъминлашни, киберхужумлар, кибержосуслик, уюшган кибержиноятчилик, киберразведка ва кибержиноятларнинг бошқа кўринишларидан ҳимоялашни тақозо этади. Бу эса, ўз навбатида, киберхавфсизликни таъминлаш борасидаги мақсад ва вазифалар, асосий принциплар, киберхавфсизликни таъминлаш ва кибержиноятчиликка қарши курашиш стратегияси, концепцияси, давлат дастури ҳамда улар асосида «йўл хариталари», чора-тадбирлар режалари, киберхавфсизликни таъминлашга оид техник стандартлар, қоида ва нормалар аниқ белгилаб олинишини талаб этади.

Кибержиноятларнинг асосий кўринишларига кибертерроризм, уни молиялаштириш, ноқонуний пул ўтказмаларини амалга оширишда дастурий таъминотлардан фойдаланиш, зарарловчи дастурий таъминот (вирус) тарқатувчи ахборот технологиялари ва коммуникацияларини сақлаш, улардан рухсатсиз фойдаланиш, уларни тарқатиш, қонунга ҳилоф равишда ахборот технологияларига зарар етказиш, кибержосуслик, шахсга тегишли конфиденциал маълумотларга киберхужумлар орқали рухсатсиз кириш, уларга зарар етказиш ёки зарар етказиш хавфини келтириб чиқариш, киберхужумлар орқали болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотни тарқатиш ҳамда зарар етказиш ёки зарар етказиш хавфини келтириб чиқариш, киберхужум орқали ўзга шахслар мулкни ўзлаштириш ёки талон-торож қилиш, киберфирибгарлик фаолияти — кредит карточкаларга боғлиқ кардинг билан шуғулланиш кабиларни киритиш мумкин.

Ўзбекистон 2019 йил март ойида Халқаро электр алоқаси иттифоқи (МСЕ)нинг глобал киберхавфсизлик кўрсаткичи бўйича 41-ўринга кўтарилди ва киберхавфсизликни

мустаҳкамлаш бўйича МДХ давлатлари сафидан ўрин эгаллади [4]. Яқин тарихга назар ташласак, мамлакатимиз 2017 йилда Глобал киберхавфсизлик индексида 93-ўринни эгаллаганини кузатамиз. Бу эса мазкур соҳада мамлакатимизда олиб борилаётган ишлар ҳали талаб даражасида эмаслигини англатади.

Республикаимизда яратилаётган ахборот тизимлари халқаро Интернет тармоғига уланмаган ва фақат маҳаллий тармоқ билан алоқа қилади, деб эътироф этилса-да, бу тармоқларга кириб, юқорида келтирилган кибержиноятларни содир этиш мумкин. Ушбу ҳолат сиёсий қарорлар қабул қиладиган шахслар ва баъзи доиралар учун имконсиз туюлса-да, кибермаконда «имконсиз» деган тушунчанинг ўзи йўқ. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Маълумки, Эрон «Stuxnet» номли зарарли дастур ҳужумига учраганидан буён АҚШ ва Исроил каби давлатларни ўзининг асосий нишонига айлантирган ҳамда ушбу давлатларнинг деярли барча соҳаларига муттасил равишда киберҳуружлар амалга оширмоқда [5]. Жумладан, шу йил 21 май куни Исроилнинг минглаб веб-сайтларига киберҳужумлар бўлган. Ўзларини «Нажоткорнинг ҳакерлари» («Hackers of Savior») деб номлаган гуруҳ веб-сайтларнинг таркибини ўзгартириб, уларга Исроилга қарши видеофильмлар жойлаган. Бу ҳужумни Эрон режалаштирган, деган фикр бўлса ҳам, асосий гумон қилинувчи глобал уюшган ҳакерлар гуруҳлари бўлиб қолаверган.

Cybersecurity Ventures томонидан нашр этилган 2019 йил учун кибержиноятчиликка оид йиллик ҳисобот маълумотларига кўра, дунёда ҳар 14 сонияда ҳакерлар ҳужуми амалга оширилмоқда, 2021 йилга бориб ушбу ҳужумлар ҳар 11 сонияда бўлиши башорат қилинмоқда [6].

Австралиянинг Сидней университетида ўтказилган тадқиқотлар бугун аноним транзакциялар ва тармоқдаги ноқонуний ҳаракатларнинг умумий айланмаси 76 млрд долларни ташкил этувчи Биткойн криптовалютасидан фойдаланган ҳолда содир бўлаётганини тасдиқлади [7].

2020 йил апрель ойи ўрталарида Касперский лабораторияси Zoom, Webex ва Slack сингари машҳур видеоконференцалоқа хизматларини ниқоб қилиб олган 1,3 мингга яқин зарарли дастурлар аниқланганини эълон қилди [8]. Кибержиноятчилар яратаётган зарарли дастурлар қуйидаги дастурлар ниқоби остида намоён бўлмоқда: GoToMeeting – 12,86 %, WebEx – 22,51 %, Zoom – 42,42 %, бошқа видеоконференцалоқа иловалари – 22,21 %.

Eset антивирус компанияси 2020 йил 13 март куни кибержиноятчилар коронавирус ваҳимасидан фойдаланиб, тиббий ниқоблар ва қўл учун антисептиклар сотиш бўйича сохта рекламалар тарқатиб, киберфирибгарлик қилаётгани, улар ёрдамида фойдаланувчиларнинг кредит карталарига оид маълумотларни ўғирлаб, ҳисобварақларидан маблағ ўзлаштираётгани ҳақида хабар тарқатди. Sky News хабарига кўра, Буюк Британияда 2020 йил февраль ойининг ўзида жиноятчилар бундай кампаниялар орқали камида 800 минг фунт стерлинг (1 миллион доллар) даромад олишган [9].

Ушбу ҳолатлар кибержиноятларнинг ниҳоятда катта хавф туғдиришини кўрсатиши билан бирга, қуйидаги таҳлилларга жиддий муносабатда бўлишга мажбур этади.

Маълумотлар нима учун ва кимнинг айби билан рухсатсиз чиқиб кетади? Барча ташкилот, идора ва компаниялар тўплаб, ўз базаларида сақлайдиган ўз истеъмолчилари тўғрисидаги қимматли шахсий маълумотлар ўғирлаш мумкин бўлган объектлардан бири ҳисобланади. Кибержиноятчилар ўғирланган маълумотни янада бойитиб, «қора»

бозорда сотиш, жабрланганлардан махфий маълумотларни ошкор қилмаслик учун тўлов талаб қилиш ёки пулни қонунга ҳилоф равишда ўғирлаш учун фойдаланадилар. Ўтказилган тадқиқотлардан маълум бўлишича, маълумотлар асосан эҳтиётсизлик (37%), ташқи ҳакерлик ҳужумлари (25%), қасддан қилинган ҳаракатлар, хавфсизлик тизимининг ишдан чиқиши ва ички заифликлар (19%) сабабли бузилади.

Ташқи ҳакерлик ҳужуми. Ҳужумчилар доимий равишда махфий маълумотларни ўғирлашнинг янги усуллари ишлаб чиқмоқдалар. Барча қурилма, дастур ва фойдаланувчиларга 100 дан ортиқ турли ҳужумлар векторлари таъсир қилади. Бугунги кунда ҳакерлар ўз маҳоратларини мунтазам равишда ошира бориб, сунъий интеллектни жорий этишмоқда. Бу эса турли таҳдидлар имкониятини аниқлаш тизимларига қарши кўплаб қутилмаган ҳодисаларни келтириб чиқармоқда.

Хавфсизлик тизимининг ишдан чиқиши ва ички заифликлар. Кўпгина компаниялар хавфсизликни таъминлаш тизимидаги заифликларни баҳолаш ва уларнинг платформаларини синаб кўриш муҳимлигини эътиборсиз қолдирадилар. Йирик корхона ва ташкилотларгина хатар ва хуружларнинг кенг доирасига асосланган тўлақонли мониторинг тизимларидан фойдаланадилар. Аксарият давлат ташкилотлари ва хусусий корхоналарда ташқи хавф-хатарларга оид маълумотларни ўрганиш, тўплаш ва таҳлил қилиш йўлга қўйилмаган. Энг асосий заифлик ҳам ана шунда.

Қасддан қилинган ҳаракат. Ҳакерлик ҳужумлари ва хавфсизлик тизимидаги носозликлар билан боғлиқ вазиятнинг муайян (кўп ёки кам) даражада аниқлиги мазкур доирадаги ходимларнинг ҳеч бирини шубҳа остига олинишдан сақламайди.

Афсуски, хоин ёки ўз хизматидан ўта норози ходимлар мавжудлиги маълумотлар бузилишининг энг кўп учрайдиган сабабларидан биридир.

Эҳтиётсизлик. Деярли ҳеч ким бундан холи эмас. Демак, инсоннинг хатоси ҳатто энг ишончли ахборот хавфсизлиги тизимларини ҳам талабга жавоб бермайдиган қилиб қўяди. Шу боис кўп ҳолларда маълумотлар ўз вазифаларига бепарво ходимлар томонидан йўқ қилиниши мумкин.

Ходимлар киберкриминал ҳужумларни қайтаришда энг заиф бўғин ҳисобланади. Агар улар хавфсизликка таҳдидни ва унинг оқибатларини англай олмасалар, бундай ҳолатларнинг олдини ололмайдилар. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ходимларнинг 30 фоизи «фишинг» электрон почтаси нима эканлигини билмайдилар.

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида бугун борган сари турлари кўпайиб, такомиллашиб кетаётган кибержиноятчиликка қарши курашда қуйидаги асосий талабларни бажариш орқали кибержиноятлардан ҳимояланиш мумкин деб ҳисоблаймиз:

- 1) ходимларга ахборот хавфсизлиги асосларини ўргатиш;
- 2) фойдаланилаётган дастурий маҳсулотларнинг заиф жойларини доимий равишда синаб туриш;
- 3) ишончли антивируслар, лицензияланган расмий дастурлардан фойдаланиш;
- 4) ахборот тизимларини ҳимоялашда кўп омилли аутентификацияни қўллаш;
- 5) пароллардан фойдаланишда кучли паролни сақлаш сиёсатига риоя қилиш;
- 6) компьютернинг қаттиқ дискларидаги маълумотларни мунтазам равишда шифрлаш.

Шундай қилиб, мамлакатимизда рақамли иқтисодиётга ўтилиши муносабати билан борган сари долзарб тус олаётган кибержиноятларнинг олдини олиш мақсади

тегишли давлат идоралари зиммасига ҳам улкан вазифалар қўймоқда. Хусусан, улар кибержиноятчиликка қарши кураш фаолиятида Ўзбекистон Республикаси ва унинг халқини ахборот технологиялари ва коммуникациялари орқали амалга оширилаётган ёки бунга имкон бераётган шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини, уларнинг манфаатлари ташқи ва ички кибертахдидлардан ҳимоя қилинишини таъминлаш, мазкур соҳада қонунийлик ва қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, кибержиноятлар ва киберхукукбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш билан бирга, ана шу вазифаларни амалга оширишга қаратилган зарур қарорлар қабул қилиш, кибержиноятчиликка қарши курашиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, кибертерроризм, киберэкстремизм, уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, давлат органларининг манфаатларига ҳамда киберхавфсизлигига таҳдид солувчи киберхатарлар ҳолатларни аниқлаш ва уларга қарши курашиш, кибержиноятлар бўйича терговга қадар текширув ва дастлабки тергов ўтказиш, тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига таҳдид солувчи кибержиноятларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон яратаётган шарт-шароитларни аниқлаб, бартараф этиш каби муҳим вазифаларни бажаришлари лозим бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар / Используемая литература

1. «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»: Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. 2018 йил 21 ноябрь, 4024-сон // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.11.2018 й., 07/18/4024/2200-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.03.2020 й., 06/20/5953/0246-сон; 27.03.2020 й., 06/20/5975/0377-сон.
3. «Тошкент шаҳрида рақамли технологияларни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»: Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. 2020 йил 17 март, ПҚ-4642-сон // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 18.03.2020 й., 07/20/4642/0328-сон.
4. URL: <https://tace.uz/uz/news/yangiliklar/global-kiberxavfsizlik-indekslari-va-o-zbekistonning-reytingi-kuchli-o-sish-tendensiyalari/>
5. URL: <https://kun.uz/60412055>
6. URL: <https://cybersecurityventures.com/cybercrime-damages-6-trillion-by-2021>
7. URL: https://papers.ssrn.com/sol3/papers.cfm?abstract_id=3102645
8. URL: https://lprime.ru/telecommunications_and_technologies/20200417/831282649.html
9. URL: <https://soyuz.by/obshchestvo/kiberprestupniki-nazhivayutsya-na-teme-covid-19>

А. Б. Эралиев*

ГЕРМАНИЯ ВА ФРАНЦИЯДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. Мақолада Германия ва Францияда ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган ислохотларнинг генезиси ва ҳозирги ҳолати, полиция моделига ўтишнинг энг муҳим жиҳатлари таҳлил қилинган. Ўзбекистонда ички ишлар органларини полиция моделига ўтказиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: Германия, Франция, ички ишлар органлари, полиция, ислохотлар, модернизация, жамоатчилик билан ҳамкорлик, профилактика.

ОСОБЕННОСТИ ОРГАНИЗАЦИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ В ГЕРМАНИИ И ФРАНЦИИ

Аннотация. В статье проанализирован генезис и современное состояние реформ, осуществленных в системе органов внутренних дел Германии и Франции, а также основные моменты перехода к полицейской модели. Разработаны предложения по переходу на полицейскую модель органов внутренних дел в Узбекистане.

Ключевые слова: Германия, Франция, органы внутренних дел, полиция, реформа, модернизация, сотрудничество с общественностью, профилактика.

SPECIFICS OF ORGANIZATION OF THE ACTIVITIES OF INTERNAL AFFAIRS BODIES IN GERMANY AND FRANCE

Annotation. The article analyzes the genesis and current state of reforms carried out in the system of internal affairs bodies of Germany and France, as well as the main points of the transition to a police model. Proposals are developed on transition to the police model of the internal affairs bodies in Uzbekistan.

Keywords: Germany, France, internal affairs bodies, police, reform, modernization, cooperation with the community, prevention

Германия полиция органлари — давлат хизматлари тизимининг бир қисми, фуқаролар, жамият ва давлатга турли хизматларни тақдим этиш ваколатларига эга бўлган, ходимларни танлаш ва ўқитишнинг ўзига хос тизими амал қилувчи ва ижтимоий-маъмурий шерикчилик тамойили асосида профессионал фаолиятни амалга оширувчи давлат (жамоат) хизматидир [1, 9–11-б.].

Германияда жамоат хавфсизлиги ва тартибини сақлаш вазифаси федерация ва ўлкаларнинг тегишли органлари — полиция, махсус хизмат, федерал чегара хавфсизлиги ва божхона хизмати — зиммасига юкланган. Германия полицияси федерал полиция бўлинмалари (хизматлари) ва федерал ҳудудлар полиция бўлинмаларини ўз ичига олади. Федерал полиция (Bundespolizei) кучлари таркибига юрисдикцияси давлатнинг барча ҳудудларини қамраб олувчи куйидаги идоралар қиради: Жиноят ишлари бўйича федерал идора; Федерал чегара хизмати; Конституцияни ҳимоя

* Эралиев Аъзам Бахтиёр ўғли, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси мустақил изланувчиси.

қилиш бўйича федерал идора; Федерал разведка хизмати; Бундесвер хавфсизлик хизмати; Федерал транспорт вазирлигининг темир йўл полицияси; Федерал транспорт вазирлигининг ҳаво полицияси; Федерал почта, радио ва телеграф вазирлигининг почта полицияси хизмати; Федерал молия вазирлигининг божхона қидирув хизмати; махсус хизматларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли комиссар.

Федерал жиноят ишлари идораси (Bundeskriminalamt) — федерация ва ҳудудларнинг жиноятларга қарши курашда ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш бўйича давлатнинг марказий агентлиги. Федерал жиноят ишлари идораси Федерал ички ишлар вазирлигига бўйсунди ва жиноятчилар кўлами бир нечта федерал ўлкаларни қамраб олганида ёки улар халқаро миқёсда фаолият кўрсатганида чоралар кўриш ҳуқуқига эга. Унинг устувор вазифаларидан бири ўта хавфли жиноятлар, одатда, трансмиллий аҳамиятга эга бўлган терговларни амалга ошириш ҳисобланади: қурол, ўқ-дорилар, портловчи ва радиоактив моддаларнинг халқаро контрабандаси; пулни қалбакилаштириш; терроризм; наркотик моддаларнинг ноқонуний муамолада бўлиши; Федерал Президент, Федерал ҳукумат аъзолари, Бундестаг ва Бундесрат, Федерал Конституциявий суд ёки конституций органлар меҳмонларининг ҳаёти ва эркинлигига қарши содир этилган жиноятлар [2, 29–30-б.].

Федерал чегара хизмати (Bundesgrenzschutz) полиция кучларининг махсус тури бўлиб, бевосита Федерал ички ишлар вазирига бўйсунди. Федерал чегара хизмати агентлиги 1951 йил 16 мартда ташкил этилган бўлиб, федерал аҳамиятга эга полиция ташкилоти сифатида чегара полициясининг вазифаларини бажаради.

Зарур ҳолларда ўлкалар полицияси таркибида жамоат тартибини ҳимоя қилиш полицияси билан боғлиқ махсус хизматлар ташкил этилади: йўл ҳаракати полицияси (бахтсиз ҳодисаларни назорат қилиш, тартибга солиш, текшириш); оператив бўлинмалар (доимий равишда мавжуд ёки хабар бериш орқали тўпланадиган); вертолётли отрядлар (Берлин, Бремен, Саарланд ва Шлесвиг-Холштейнда мавжуд эмас); махсус тезкор гуруҳлар (уюшган жиноятчиликка қарши кураш, портловчи моддаларни йўқ қилиш ва бошқалар учун); хизмат итларини кўпайтириш бўлимлари; алоқа воситалари, транспорт воситалари ва қуроллар бўйича қисмлар; полиция оркестри ва бошқа ёрдамчи бўлинмалар [2, 29–30-б.].

Германия Федератив Республикаси полицияси давлат хизмати сифатида ўзига хос маъмурий модернизация жараёнини босиб ўтди. Хусусан, ислохотлар давомида полициянинг мақсади ва фаолиятининг асосий устувор йўналишлари, тизими (таркибий тузилиши) сифат жиҳатдан оптималлаштирилди.

Таъкидлаш жоизки, Германия полициясини давлат хизмати сифатида ривожлантириш, модернизация қилиш жараёни полицияга юклатилган вазифалар мазмунини англашда жамоатчиликнинг ролини кучайтиришдан иборат бўлди. Натижада полиция фаолиятида йўналиши жисмоний таҳдидга қарши курашдан қонунга бўйсунадиган, фуқароларга ёрдам бериш ва уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган мақсадли ўзгариш рўй берди.

Давлат хизмати сифатида полиция вазифаларининг ўзига хос жиҳатлари уларнинг ижтимоий йўналтирилганлиги билан изоҳланади. Полиция зиммасига юклатилган вазифалар таркибидаги ўзгаришлар давлат хизматини маъмурий модернизация қилишнинг ўзига хос шакли бўлган полициянинг тизимли-таркибий тузилишини доимий қайта қуриш жараёни мавжуд эканлигини кўрсатади.

Давлат хизматини маъмурий модернизация қилиш — миллий хусусиятларга эга бўлган мураккаб ва кўп босқичли жараён. Аксарият Европа мамлакатларида давлат органлари модернизация қилиниши натижасида давлатнинг хизмат кўрсатувчи модели

қарор топди. Хизмат кўрсатувчи давлат фуқароларнинг сўровларига (талабларига) йўналтирилган ва фуқароларнинг ишончи ва қўллаб-қувватлаши асосида ишлайдиган давлатдир. Бунда давлат бошқаруви ва унинг субъекти сифатида давлат хизматчиси фуқароларнинг сўровлари ва эҳтиёжлари ҳамда уларни амалга ошириш жараёни ўртасидаги воситачи ролини бажаради. Бошқача айтганда, фуқаролар давлатнинг миқозлари бўлиб, уларга хизмат кўрсатиш давлатнинг асосий бурчи саналади.

Хизмат кўрсатувчи давлат модели янги маданият ва шунга мос равишда маъмурий муносабатлар янги тизимининг шаклланишида намоён бўлади. Бундай тизимнинг асоси давлат, уни ифода этувчи давлат хизматчилари ҳамда жамият ва фуқаролар ўртасидаги маъмурий ҳамкорлик (шериклик) принципи ҳисобланади.

Маъмурий муносабатлар тизими сифатида маъмурий-ижтимоий шерикликка қуйидаги асосий қоидалар хос:

1) давлат шерикдир — давлат ва унинг вакиллари бўлган мансабдор шахслар ўз фаолиятига давлат ва ҳокимият ваколатига эга шахслар нуқтаи назаридан қарамайдилар. Давлат органлари ва мансабдор шахсларининг фаолияти, авваламбор, фуқаролар ва жамиятга нисбатан ишонч ва ҳамкорлик нуқтаи назаридан кўриб чиқилади;

2) мажбурлов усулларини, айниқса жорий бошқарув масалаларида камайтириш ва минималлаштириш. Бунинг ўрнига давлат бошқаруви вакиллариининг очиқлиги, фуқароларнинг сўров ва мурожаатларига тезкор ва самарали жавоб қайтариш, фуқароларнинг давлат хизматчиларининг ҳаракатларидан қониқиши каби мезонлар муҳимдир;

3) ошкоралик ва очиқлик давлат органлари ва давлат хизматчилари фаолиятининг асосидир. Натижада, нафақат ҳукуматнинг барча қарорлари очиқ қабул қилинади, балки ошкоралик уларнинг мазкур қарорларни таклиф этиш ва муҳокама қилиш босқичининг ҳам ажралмас элементи ҳисобланади. Шунда фуқаролар жамоат қарорларига улар амалиётга жорий этилмасидан олдин ҳам таъсир кўрсатиш имконига эга бўлади;

4) давлат хизматчисининг норматив-ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ таъминланганлиги ва фаолиятининг тартибга солинганлиги;

5) фуқароларнинг давлат хизматининг мақсад ва вазифаларини шакллантиришга таъсири бўйича комплекс механизмлар мавжудлиги;

6) давлат хизматчиларининг касбий (лавозим жиҳатидан) ўсиши ва уларни тайёрлашнинг жамоатчиликка асосланган тизими [1].

Хулоса қилиб айтганда, замонавий Германия полицияси куч ишлатишга асосланган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора эмас, балки фуқароларга хизмат кўрсатадиган, уларга ёрдам бериш ва уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат ташкилоти сифатида шаклланган. Полиция фаолиятининг негизини ижтимоий шериклик ташкил этиб, у полицияни аҳоли билан яқин муносабатда ишлашга ва ўз салоҳиятини қонунга бўйсунадиган фуқароларга йўналтиришга чорлайди.

Франция полиция тизимида тўхталишдан олдин таъкидлаш жоизки, хорижий мамлакатларда давлат полиция тизимининг марказлаштирилган модели икки турга бўлинади: 1) қонун устуворлиги мунтазам равишда фақат оддий полиция томонидан таъминладиган давлатлар (Дания, Норвегия, Финляндия); 2) давлат полиция тизимининг марказлаштирилган модели ташкил этилган, жандармерия деб номланувчи қуролланган махсус полиция бўлинмалари шакллантирилган мамлакатлар (Франция, Италия, Португалия).

Ушбу мамлакатларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими кучли марказлашган, аммо

махсус бўлинмалар билан бир қаторда, жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича полиция тузилмалари — миллий полиция ва миллий жандармерия ҳам мавжуд. Миллий полиция — ноҳарбий маъмуриятнинг бир қисми сифатида Францияда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳимоя қилиш вазифаларини бажарадиган давлат органи, миллий жандармерия эса Францияда ҳарбий ва ноҳарбий соҳаларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳимоя қилиш вазифаларини бажарадиган, ноҳарбий маъмуриятнинг умумий назорати остида, лекин ўз қўмондонларининг бевосита раҳбарлигида фаолият юритувчи қуролланган махсус полиция кучлари институтидир.

Франция полицияси ҳам ўзига хос ривожланиш йўлини босиб ўтган. Таъкидлаш жоизки, Франция полицияси тарихидаги энг муҳим ислохот қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлган. Бугун Францияда кўпчилик полиция тизимининг самарадорлиги унинг дуализмига тўғридан-тўғри боғлиқ ёки бир нечта полиция кучларининг мавжудлиги полиция ўзбошимчаликларининг олдини олади, деган қарашга эга [3, 9–11-б.].

Францияда жандармерия қуйидагиларни ўз ичига олади: марказий аппарат; жандармерия бўлимлари; кўчма жандармерия; ихтисослаштирилган жандармерия; «чет эл»даги, хусусан Франция метрополиясидан ташқаридаги кучлар (DOT-TOM); миллий жандармерия мактаблари қўмондонлиги.

Марказий аппарат раҳбар ва асосий бўлимдан (DGGN) иборат бўлиб, ўз навбатида, қуйидагиларга бўлинади: бюро ва хизматларга бўлинган марказий идора; Жандармерия назорат инспекцияси (IGN); дирекцияда марказий бўлинмалари бўлган хизматлар.

Назорат инспекциясининг вазифаларига қуйидагилар киради: жандармерия хизмати ходимлари айбланувчи сифатида иштирок этадиган жиноят ишларини тергов қилиш; жандармерияда касб таълимини назорат қилиш ҳамда ушбу таълим билан боғлиқ иқтисодий таҳлилни амалга ошириш; хавфсизлик ва меҳнат шароитлари бўйича профилактика чораларини кўриб бориш.

Жандармериянинг марказий аппарати Франция пойтахти Парижда жойлашган бўлиб, минтақавий институтларни бошқариш, жандармерия билан боғлиқ сиёсий масалаларни, жумладан бюджетни белгилаш, кадрлар сиёсати ва бошқаларни ҳал қилишда ёрдам бериш учун ташкил этилган.

Жандармериянинг асосий вазифалари шартли равишда тўрт гуруҳга бўлинган: йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш; суд полициясининг вазифаларини бажариш; жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш; халқаро даражада ҳамкорлик қилиш [4, 17–18-б.].

Жандармерия томонидан ҳал қилинадиган вазифаларнинг бир гуруҳи меҳнат, атроф-муҳит, маълумот ва бошқаларга оид қонунчиликнинг турли жиҳатларини қамраб олади. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун маълум тузилмалар яратилган. Масалан: Ноқонуний иш фаолиятига қарши кураш марказий идораси (OCLTI); Атроф муҳитга тажовуз қилиш ва соғлиқни сақлашга оид таҳдидларга қарши кураш марказий идораси (OCLAESP), кибержиноятчиликка қарши кураш бўйича бир қатор идоралар, масалан, суд текширувлари ва ҳужжатлаштириш техник хизматининг кибержиноятчилик бўлими (STRJD). Жандармерия томонидан бажариладиган бошқа бир вазифа жамоат тартибини ўрнатиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек малакали таълимни ташкил этишни ўз ичига олади. Маъмурий назорат функцияси жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган. Фаолиятнинг бу тури турли соҳаларга таъсир қилади (масалан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, полициянинг турли транспорт воситаларида, қишлоқ ва кичик шаҳарларда, қишлоқ ва муниципалитет полицияси ва бошқаларда ишлаши).

Жандармерияда, шунингдек, тегишли сохадаги фуқаролик илмий мутахассислари ишлайдиган ядровий, кимёвий, бактериологик қуроёллардан фойдаланиш хавфининг олдини олиш хизмати (NRBC) мавжуд бўлиб, у ушбу турдаги оммавий қирғин қуроёлларидан фойдаланиш оқибатларини ўрганиш ва унга қарши курашиш учун зарур техник воситаларга эга. Ушбу хизмат жандармерия бўлинмаларининг тезкор ҳаракат гуруҳига (SATORY) тегишли ва доимий ҳарбий шайлик режимида ишлайди. Ҳар бир хавфсизлик зонаси учун ушбу гуруҳнинг икки бўлинмаси ташкил этилган.

Францияда икки турдаги жавобгарлик зонаси мавжуд: жандармерияга оид ва полицияга оид. Ўхшаш функционал вазифаларга эга бўлган ушбу давлат тузилмалари турли вазирликларга бўйсунди. Ҳар қандай маъмурий-худудий бирлик ёки географик худудни муайян тузилманинг жавобгарлик зонасига жойлаштириш муудофаа (жандармерия) ва ички ишлар (полиция) вазирликлари ўртасида тегишли мувофиқлаштиришдан сўнг ҳукумат қарори билан амалга оширилади.

Жандармериянинг жавобгарлик худуди қуйидагиларни ўз ичига олади: ҳажми ва сонидан қатъи назар, қишлоқ туманлари ва коммуналар; шаҳар ташқарисидаги дарё ва йўл тармоқлари; тоғ тизмалари ва шаҳар чегаралари бўйлаб ўтадиган денгиз худудлари (қирғоқ чизигидан ташқари); аҳолиси 20 минг кишидан кам бўлган шаҳарлар ва шаҳар типигаги посёлкалар [5, 76–80-б.].

Хулоса қилиб айтганда, Германия ва Франция давлатлари тажрибаси асосида Ўзбекистонда ички ишлар органлари фаолиятини ислоҳ этиш билан боғлиқ ҳолда ички ишлар органлари фаолиятида жамоатчиликнинг ролини кучайтириш, фуқароларга ёрдам бериш ва уларни қўллаб-қувватлаш, ички ишлар органлари фаолиятини ижтимоий йўналтириш, ички ишлар органлари ҳамда жамият ва фуқаролар ўртасида маъмурий ҳамкорликни кучайтириш, очиқлик, фуқароларнинг сўров ва мурожаатларига тезкор ва самарали жавоб қайтариш, фуқароларнинг давлат хизматчиларининг ҳаракатларидан қониқиши каби мезонлар асосида ички ишлар органлари фаолиятини баҳолаш тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар / Используемая литература

1. Рюден Е.Ю. Административно-правовое обеспечение службы полиции (милиции) в федеративном демократическом государстве в условиях административной модернизации (сравнительно-правовая характеристика ФРГ и РФ): Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — М., 2009.
2. Мещеряков А.Н., Ванюшин Я.Л. Полиция зарубежных стран (Основы организации): Учеб. пособие. — Челябинск, 20005.
3. Андреева И.А. Генезис, становление и развитие Национальной жандармерии Франции // Российский юридический журнал. — 2011. — № 6.
4. Смирнов Л.Л. Современное состояние и перспективы развития национальной жандармерии Франции // Право и безопасность. — 2004. — № 4(13).
5. Ланцова О.М. Задачи и организационная структура французской жандармерии // Вестник Санкт-Петербургского университета МВД России. — 2007. — № 4 (36).

О ЗНАЧЕНИИ СОБЛЮДЕНИЯ ЗАКОННОСТИ И СЛУЖЕБНОЙ ДИСЦИПЛИНЫ В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы соблюдения законности и служебной дисциплины в деятельности органов внутренних дел, проведен правовой анализ основных норм права, приведены мнения ученых о необходимости строгого соблюдения сотрудниками органов внутренних дел требований законов и подзаконных актов, освещены основные направления деятельности по укреплению законности и служебной дисциплины при выполнении ими профессиональных функций.

Ключевые слова: законность, служебная дисциплина, органы внутренних дел, общественный порядок, правоохранительная деятельность, соблюдение законности, профилактика, предварительное расследование, уголовный процесс, дисциплинарный устав.

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ҚОНУНЧИЛИК ВА ХИЗМАТ ИНТИЗОМИГА АМАЛ ҚИЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ ТЎҒРИСИДА

Аннотация. Мақолада ички ишлар органлари фаолиятида қонунчилик ва хизмат интизомига амал қилиш масалалари кўриб чиқилган, асосий ҳуқуқий нормалар таҳлил қилиниб, олимларнинг ички ишлар органларининг ходимлари қонунлар ва қонуности ҳужжатларига қатъий риоя этишлари зарурлиги ҳақидаги фикрлари келтирилган, уларнинг ўз касбий вазифаларини бажаришларининг асосий йўналишлари ёритилган.

Таянч сўзлар: қонунчилик, хизмат интизоми, ички ишлар органлари, жамоат тартиби, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти, қонунчиликка риоя этиш, профилактика, дастлабки тергов, жиноят процесси, интизом устави.

IMPORTANCE OF OBSERVATION OF LAW AND OFFICIAL DISCIPLINE IN THE ACTIVITIES OF THE INTERNAL AFFAIRS

Annotation. The article discusses the issues of observation of law and official discipline in the activities of internal affairs bodies, legal analysis of the basic norms of law is carried out, opinions of scientists on the need for officers of internal affairs bodies to strictly comply with the requirements of laws and by-laws are presented, the main directions of activities to strengthen the rule of law and official discipline in performing their professional functions.

Keywords: legality, official discipline, internal affairs bodies, public order, law enforcement, observation of law, prevention, preliminary investigation, criminal procedure, disciplinary regulations.

Президент Республики Узбекистан Ш. М. Мирзиёев указал, что главная задача, стоящая перед государственными органами, состоит в обеспечении того, чтобы народ был доволен своей жизнью и государством [1, с. 313]. Одним из важных аспектов в данном отношении является законность в правоохранительной деятельности государства, которая основывается на строгом и неуклонном соблюдении законности и дисциплины. В правоохранительной структуре государства особое место занимают органы внутренних дел (далее по тексту — ОВД), деятельность

* *Бердиев Алишер Тураевич, начальник следственного отдела при Управлении координации деятельности ОВД Сергелийского района г. Ташкента*

которых непосредственно регулируется Конституцией и Законом Республики Узбекистан «Об органах внутренних дел» от 16 сентября 2016 года. На сегодняшний день в стране проводится целенаправленное реформирование правовой системы ОВД, которая началась с принятия вышеуказанного закона, который, учитывая многолетний опыт деятельности ОВД, законодательно закрепил правовой статус данной правоохранительной структуры и принципы законности и дисциплины в деятельности его сотрудников.

Так, в статье 6 Закона Республики Узбекистан «Об органах внутренних дел» прямо указано, что «сотрудники органов внутренних дел в своей деятельности обязаны точно соблюдать и исполнять требования Конституции Республики Узбекистан, настоящего Закона и других актов законодательства». При этом делается акцент, что всякое отступление от точного исполнения, соблюдения законов, какими бы мотивами оно ни было вызвано, является нарушением законности и служебной дисциплины, влечет за собой установленную законом ответственность.

Кроме этого, закрепляется положение о том, что сотрудники ОВД не могут в оправдание своих незаконных действий (бездействия) при выполнении служебных обязанностей ссылаться на интересы службы, экономическую целесообразность, незаконные требования, приказы и распоряжения вышестоящих должностных лиц или какие-либо иные обстоятельства, не соответствующие закону.

Были выделены такие принципы, как законность, единство, соблюдение и уважение прав, свобод и законных интересов граждан, открытость и прозрачность деятельности ОВД.

Вместе с тем в законе подробно изложены обязанности и права органов внутренних дел, четко оговариваются вопросы применения ими отдельных мер принуждения, а также физической силы, специальных средств и огнестрельного оружия.

В сущности, принятие вышеуказанного закона позволило создать реальные правовые гарантии деятельности сотрудников по защите прав, свобод и законных интересов граждан, конституционного режима, борьбы с преступностью и с правонарушениями, обеспечению безопасности граждан, общества и государства.

Деятельность ОВД строится на строгом соблюдении законности и служебной дисциплины сотрудниками данной правоохранительной структуры. И в этом отношении важно определить понятийный аппарат законности и дисциплины как юридических категорий в деятельности органов внутренних дел.

Законность как юридический термин выражается в качестве определенного состояния или категории правовых отношений граждан, общества и государства.

Относительно служебной дисциплины следует отметить, что в пункте 2 Дисциплинарного Устава органов внутренних дел, утвержденного приложением №2 Постановления Президента Республики Узбекистан от 29 ноября 2017 года № ПП-3413 «О мерах по коренному совершенствованию порядка работы с кадрами органов внутренних дел и организации их службы», дано определение служебной дисциплины в органах внутренних дел, которая состоит в строгом и безусловном соблюдении сотрудниками требований указанного Устава. При этом установлено, что служебная дисциплина в органах внутренних дел основывается на высокой сознательности и глубоком понимании каждым сотрудником своего служебного долга и личной ответственности за порученное дело [2].

Согласно п. 3 вышеназванного Дисциплинарного Устава служебная дисциплина обязывает каждого сотрудника: соблюдать Конституцию и законы Республики Узбекистан и другие нормативно-правовые акты, строго выполнять требования решений Коллегии МВД Республики Узбекистан, приказов, распоряжений и указаний министра внутренних дел Республики Узбекистан. Сотрудник должен быть верным присяге и, безусловно, выполнять свой служебный долг — «Служить интересам народа».

Большинство юристов высказывают мнение, что законность является необходимым правовым принципом, как «метод и режим реализации норм права, содержащихся в законах и основанных на них подзаконных нормативных актах, всеми участниками общественных отношений» [3, с. 40]. Следовательно, сотрудники ОВД, основываясь на данном принципе, осуществляют свою профессиональную деятельность, строго соблюдая закон в обеспечении правопорядка.

Действительно, законность следует воспринимать как один из основных конституционных принципов, так как он практически во всех конституциях мира указывается в качестве основополагающего, необходимого условия правовых отношений между государством и личностью.

Являясь принципиальным положением в деятельности ОВД, на нем базируется весь спектр правоохранительной и правоприменительной деятельности и соответственно основная задача по охране общественного порядка, как функция ОВД, должна осуществляться строго в рамках закона. Из этого следует вывод, что сотрудники ОВД при выполнении своих служебных обязанностей должны основываться на неуклонном соблюдении принципа законности, который является важным условием выполнения ими профессиональных полномочий.

Сотрудники должны самоотверженно нести службу по защите прав, свобод и законных интересов граждан, собственности физических и юридических лиц, конституционного строя, обеспечению верховенства закона, безопасности личности, общества и государства, а также предупреждению и профилактике правонарушений, постоянно совершенствовать свои знания и профессиональные навыки, повышать квалификацию и правовую культуру.

Высокая служебная дисциплина в органах внутренних дел достигается формированием у сотрудников высоких духовно-нравственных и деловых качеств, сознательного отношения к выполнению служебного долга, личной ответственностью каждого сотрудника за выполнение своих служебных обязанностей, строгим соблюдением общеобязательности закона.

В этом отношении уместно привести мнение В. С. Нерсисянца, который отмечает, «общеобязательность закона обусловлена его правовой природой» [4, с. 191]. Следовательно, общеобязательность это непременное условие для соблюдения законности и служебной дисциплины в деятельности ОВД.

Н.Л. Гранат определяет законность в органах внутренних дел как основанный на Конституции и других правовых законах режим функционирования правоохранительных органов и их должностных лиц, в процессе которого обеспечивается неуклонное соблюдение и исполнение правовых законов [5, с. 23].

При выполнении своих служебных обязанностей, соблюдая законность и служебную дисциплину, сотрудники ОВД выполняют основную свою обязанность — охрану общественного порядка, или иначе правопорядок.

По мнению Н.С. Куликовой, наиболее перспективной является логическая связь категорий «законность» и «правопорядок», так как правопорядок есть некоторый итог, как правового регулирования, так и правоприменения. В связи с этим Н.С. Куликова полагает, что «законность является одной из характеристик правопорядка, позволяющих утверждать, что он базируется на взаимном соблюдении основными сторонами публичных правоотношений — органами государства и гражданами — нормативных установлений» [6, с. 13].

В определении правопорядка существуют различные мнения в отношении его понимания. Так, В.В. Лазарев считает, что «правопорядок — это состояние упорядоченности общественных отношений, основанное на праве и законности» [7, с. 37]. А.Б. Венгеров, в свою очередь, определяет правопорядок как «юридическое состояние общественных отношений, суммарный итог, результат соблюдения, исполнения, использования и применения правовых норм в обществе» [8, с. 282]. А.В. Малько определяет, что «правопорядок представляет собой систему общественных отношений, в которых поведение субъектов является правомерным» [9, с. 92].

На наш взгляд, охрана общественного порядка сотрудниками ОВД является разновидностью правопорядка в стране и является неотъемлемым элементом последнего, как составляющий компонент законности и служебной дисциплины в деятельности правоохранительных структур. Весь этот механизм соблюдения законности и служебной дисциплины сотрудников ОВД основан на приоритете Конституции, законов и подзаконных актов, регулирующих деятельность ОВД.

Общеизвестно, что управление в деятельности государственного органа складывается из статической фазы, на которой формируется организация управляющей системы, ее структура, и динамической, на которой осуществляется воздействие этой системы на объекты управления. Применительно к деятельности органов внутренних дел обе эти фазы в значительной степени регламентированы нормами права.

Так, статическая фаза управления — определение целей, задач органов внутренних дел, их функций и структуры, функциональных обязанностей сотрудников определяются такими нормативными актами, как:

- Закон Республики Узбекистан «Об органах внутренних дел» [10].

- Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-3413 «О мерах по коренному совершенствованию порядка работы с кадрами органов внутренних дел и организации их службы» от 29.11.2017 г. [11], нормами уголовно-процессуального, административного, исполнения наказания и др.

Большое значение занимают нормы права в регламентации динамической фазы управления, в определении порядка, средств и методов реализации функций органов внутренних дел. Так, нормы уголовно-процессуального права определяют формы и приемы деятельности следователей, дознавателей, органов, осуществляющих доследственную проверку и оперативно-розыскную деятельность по рассмотрению и разрешению заявлений, сообщений о преступных деяниях, производству расследования преступлений, определяют порядок производства отдельных следственных действий, те средства, при помощи которых обеспечивается достижение целей уголовного процесса [12, с. 16–17].

В сущности, управленческая деятельность ОВД основывается на строгом регламентировании законом и подзаконными актами служебной деятельности

сотрудников органов внутренних дел в охране общественного порядка, борьбы с преступностью и выполнения иных функций.

Следует обратить внимание, что законность и служебную дисциплину в деятельности ОВД можно рассматривать в двух аспектах:

1) посредством выделения законности и служебной дисциплины в деятельности ОВД по осуществлению их функций по профилактике правонарушений, связанных с поддержанием общественного порядка. При этом соблюдение законности и служебной дисциплины рассматривается, как способ, средство достижения целей функционирования органов внутренних дел;

2) деятельность ОВД по охране общественного порядка, раскрытию и расследованию преступлений и другие задачи, стоящие перед ними, направлена на обеспечение безоговорочного соблюдения законности и служебной дисциплины. Эта сфера по существу смыкается с эффективностью деятельности органов внутренних дел и представляет собой главную цель их функционирования.

Основываясь на вышеизложенных положениях можно констатировать, что основным условием эффективности работы по укреплению законности и служебной дисциплины в деятельности ОВД является участие в ней всех сотрудников данного правоохранительного органа, пониманием ими важности этой работы, своей личной ответственности за ее состояние.

Важно осознание каждым работником ОВД значения основных положений, от которых зависит состояние законности и служебной дисциплины. Они, выполняя честно и добросовестно свой служебный долг, вносят свой вклад в сохранение мира и спокойствия в жизни общества.

Каждый сотрудник ОВД должен знать, что состояние законности и служебной дисциплины в решающей степени зависит от качества и эффективности их служебной деятельности; что любые меры по строгому соблюдению и укреплению законности, дисциплины оказывают положительное влияние на организацию оптимальной работы и наоборот; что наиболее эффективно вопросы укрепления законности и служебной дисциплины могут решаться не в руководящих структурах, а в низовых звеньях органов внутренних дел, поскольку только там можно реально учесть все конкретные условия, все позитивные и негативные воздействия.

Поэтому каждый работник органов внутренних дел, неукоснительно соблюдая законность и служебную дисциплину, вносит свой вклад в решение этого важного как для органов внутренних дел, так для государства и общества в целом, вопроса.

Подводя итог, можно констатировать, что строгое соблюдение законности и служебной дисциплины в деятельности органов внутренних дел является важным условием при выполнении ими задач в правоохранительной структуре. Деятельность сотрудников ОВД как представителей власти направлена на безусловное соблюдение законов, принятых высшим законодательным органом государства.

Фойдаланилган адабиётлар / Использованная литература

1. *Мирзиёев Ш. М.* Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилинмоғи зарур // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. — Т., 2017.

2. Постановление Президента Республики Узбекистан № 3413 от 29 ноября 2017 г. «О мерах по

коренному совершенствованию порядка работы с кадрами органов внутренних дел и организации их службы» // Национальная база данных законодательства, 30.11.2017 г., № 07/17/3413/0334; 01.06.2018 г., № 06/18/5454/1290, 24.08.2018 г., № 07/18/3919/1787, 02.11.2018 г., № 06/18/5566/2153; 07.03.2019 г., № 07/19/4229/2710, 30.05.2019 г., № 07/19/4343/3206

3. *Гойман В.И.* Общая теория права и государства: Учебник для студентов вузов / Под ред. В.В. Лазарева. — М.: Юристь, 2005.

4. Проблемы общей теории права и государства: Учебник для вузов / Под общ. ред. академика РАН, д.ю.н., проф. В.С. Нерсисянца. — М.: Норма, — 2004.

5. *Гранат Н.Л.* Правовые и нравственно-психологические основы обеспечения законности на предварительном следствии: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. — М., 1992.

6. *Куликова Н.С.* Правовое регулирование обеспечения законности и дисциплины в административной деятельности полиции: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Краснодар, 2016. — 23 с.

7. *Лазарев В.В.* Общая теория права и государства: Учебник. — 2-е изд., перераб. и доп. — М.: Юристь, 1996.

8. *Венгеров А.Б.* Теория государства и права: Учебник для юридических вузов. — 3-е изд. — М.: Юриспруденция, 2000.

9. *Малько А.В.* Теория государства и права в схемах, определениях и комментариях: Учебное пособие. — М.: Проспект, 2010.

10. Закон Республики Узбекистан «Об органах внутренних дел» № ЗРУ-407 от 16.09.2016 г. — URL: <https://www.lex.uz/docs/3027845>

11. Национальная база данных законодательства, 30.11.2017 г., № 07/17/3413/0334; 01.06.2018 г., № 06/18/5454/1290, 24.08.2018 г., № 07/18/3919/1787, 02.11.2018 г., № 06/18/5566/2153; 07.03.2019 г., № 07/19/4229/2710, 30.05.2019 г., № 07/19/4343/3206

12. *Тургунов У. Т.* Дастлабки терговда қонунийликни таъминлаш. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016.

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. Мақолада қонун ҳужжатларини, бошқа тадқиқотчиларнинг фикр-мулоҳазалари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш асосида ички ишлар органлари ҳуқуқий мақомининг хусусиятлари ҳамда давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ёритилган.

Таянч сўзлар: ички ишлар органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, ҳуқуқий мақом, давлат ҳокимияти, давлат органлари, мажбурият чоралари.

ОСОБЕННОСТИ ПРАВОВОГО СТАТУСА ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ

Аннотация. В статье на основе анализа законодательства, мнений других исследователей, а также правоприменительной практики раскрываются особенности правового статуса органов внутренних дел, их роль в жизни государства и общества.

Ключевые слова: органы внутренних дел, правоохранительные органы, правовой статус, государственная власть, государственные органы, меры принуждения.

SPECIFICS OF LEGAL STATUS OF THE ORGANS OF INTERNAL AFFAIRS

Annotation. The article reveals the specifics of legal status of the organs of internal affairs and their role in the life of state and society on the basis of the analyses of legislation, opinions of other researchers and law enforcement practice.

Keywords: organs of internal affairs, law enforcement bodies, legal status, state power, state bodies, coercive measure.

Ички ишлар органлари давлат бошқаруви органлари тизимида алоҳида ўрин тутди. Бу, аввало, ички ишлар органлари томонидан бажариладиган функцияларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги аҳамияти билан боғлиқ.

Умуман олганда, ҳамма давр ва давлатларда ички ишлар органлари (полиция) давлат ҳокимиятини амалга ошириш, унинг мавжудлигини таъминлаш, давлат ва жамият манфаатларига хизмат қилиш каби масалаларни ҳал этишда марказий ўрин эгаллаган ва шундай бўлиб қолади.

Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида кечаётган глобаллашув жараёнларида ғоявий, мафкуравий ва инфор­мацион кураш, жаҳон иқтисодий инқирози, ишсизликнинг ор­тиб бориши, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий қарама-қаршиликларнинг халқаро тус олаётгани, оммавий норозиликлар, минтақавий можаролар, ички низоларнинг кучайиб бораётгани давлатлар хавфсизлигини таъминлаш масаласига эътиборни кучайтирмоқда. Бу, ўз навбатида, давлат механизмининг асосий бўғинларидан бири бўлган полициянинг давлат бошқаруви ва фуқаролар хавфсизлигини таъминловчи орган сифатидаги ўрни ва ро­лини кучайтириб бориш заруратини оширади [1, 5-б.].

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ҳам ўз маърузаларидан бирида ички ишлар органлари жамият ҳаётида нақадар муҳим ўрин тутишига алоҳида тўхталиб,

* *Жўраев Муҳиддин Ўткирович, Қўқон шаҳар ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи.*

«халқимиз Яратгандан аввало тинчлик-хотиржамликни сўрайди. Шундан сўнг, ўз уйим, бошпанам бўлса, оилам, бола-чақам билан соғ-саломат яшасам, дейди. Биз халқимизнинг ана шундай орзу-ниятларини рўёбга чиқариш учун иккита масалага, яъни ички ишлар ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга катта эътибор қаратаёلمиз» [2].

Дарҳақиқат, ҳукукий давлатда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш ва тергов қилиш қонуний воситалар ёрдамида олиб борилиши лозим. Давлатнинг барча ижро этувчи ҳокимият тузилмалари ва айниқса, ички ишлар органлари (ўз ваколатлари доирасида) фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаб бериши, уларни ҳимоя қилиш функциясини амалга ошириши даркор. Мазкур ҳуқуқларни ҳимоя қилиш зиммасига юклатилган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар орасида ички ишлар органлари алоҳида ўрин эгаллайди [3, 115-б.].

Мустақиллик йилларида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қуйи бўғинини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш, юртимизда жиноятчиликнинг ўсишига йўл қўймаслик имконини берди.

Шу билан бирга, ҳозирги кунда ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтиришга қаратилган туб ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шундай қилиб, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкни, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда ички ишлар органлари асосий фигурантлардан бири сифатида намоён бўлади. Шу сабабли ички ишлар органларининг фаолиятини турли жиҳатлардан ўрганиш ва тадқиқ этиш зарурати ҳар доим мавжуд бўлиб қолаверади.

Кўпчилик ички ишлар органларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган сифатида тушунтиришади. Чиндан ҳам шундай. Аммо ички ишлар органлари яна кўплаб муҳим функция ва вазифаларини бажарадики, уларни фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган сифатида тушунишнинг ўзи етарли эмас ва адолатдан бўлмайдди. Шу сабабли қуйида ички ишлар органларининг ҳукукий мақомига хос хусусиятларни кўриб чиқамиз.

Ички ишлар органларининг ҳукукий мақоми қуйидагиларда намоён бўлади:
биринчидан, кенг функцияли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ҳисобланади;
иккинчидан, айна вақтда Қуролли Кучлар таркибига кирувчи тузилма ҳисобланади;

учинчидан, ижро этувчи ҳокимият органлари тизимида икки ёқлама бўйсунув субординациясига эга;

тўртинчидан, универсал мослашувчан компетенцияга эга;

бешинчидан, Ҳаққулодда ҳолатларда ностандарт вазифаларни бажаришга жалб этиладиган захирадаги куч ҳисобланади;

олтинчидан, давлат органларининг мажбурлов функцияларини амалга оширади;

еттинчидан, кенг қўламли мажбурлов чораларини қўллаш ваколатига эга;

саккизинчидан, ички ишлар органларида хизмат ўташ ҳарбий хизмат ва фуқаролик хизмати ўртасидаги хизмат ҳисобланади.

Ички ишлар органларининг кенг функцияли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ҳисобланиши. Амалдаги қонун ҳужжатларида «ҳуқуқни муҳофаза қилиш» ва «ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган» тушунчалари белгиланмаган. Шу сабабли айрим давлат органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган эканлиги борасида баҳс-мунозаралар мавжуд. Бироқ ички ишлар органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган эканлиги исбот талаб қилмайди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасига биноан ички ишлар органлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган сифатида белгилаб қўйилган [4].

Ички ишлар органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган сифатидаги ўзига хослиги шундаки, у бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар сингари фақат муайян соҳада ҳуқуқни муҳофаза қилиш функциясини амалга оширмасдан, универсал тарзда ҳуқуқни муҳофаза қилиш вазифасини бажаради. Шунингдек, ички ишлар органлари кўп ҳолларда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини таъминлаш вазифасини ҳам бажаради. Бу ички ишлар органларининг куч ишлатиш ваколати ва имкониятига эгаллиги билан боғлиқ.

Қуроли Кучлар таркибига кирувчи тузилма ҳисобланиши. Қуроли Кучлар давлат ҳарбий ташкилотининг ва мамлакат мудофаа тизимининг негизи ҳисобланиб, ҳарбий можароларни жиловлаш ҳамда уларнинг олдини олиш, шунингдек давлатнинг ҳарбий ҳавфсизлигини таъминлаш учун мўлжалланган тузилмалар бўлиб, 2018 йил 9 январда тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринасига кўра, Қуроли Кучлар таркибига Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа, Ички ишлар, Ҳаққулодда вазиятлар вазирликларининг, Миллий гвардиясининг, Давлат ҳавфсизлик хизматининг, бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг тегишли бошқарув органлари, қўшинлари, ҳарбий тузилмалари ва муассасалари киради [5]. «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуннинг 13-моддасига биноан, ички ишлар органлари тизимида ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларининг ҳарбий хизматчилари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланадиган қоровул қўшинлари ҳамда халқаро аэропортларда ҳавфсизликни таъминлаш бўйича қўшинлар ҳам киради [6].

Ижро этувчи ҳокимият органлари тизимидаги икки ёқлама бўйсунув субординациясига эгаллиги. Ички ишлар вазирлиги давлат бошқаруви органи сифатида Вазирлар Маҳкамаси таркибига кирса-да, бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига ва айрим масалалар бўйичагина Вазирлар Маҳкамасига

бўйсунди. Шундан келиб чиққан ҳолда ички ишлар органларининг ташкилий-штат тузилиши ва штатлар сонининг энг юқори чегараси, ички ишлар органлари куруллантриладиган ўқотар курул ва унинг ўқ-дорилари турларининг рўйхати, ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби ҳамда формали кийим-бош намуналари, махсус унвонларни бериш ва улардан махрум этиш тартиби, ички ишлар органлари ходимлари пул таъминотининг турлари ва миқдори, Ички ишлар органларининг интизом устави Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади ва белгиланади. Ички ишлар вазирлигининг бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунитиши унинг давлат органлари тизимида ҳамда давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрнига боғлиқдир.

Универсал мослашувчан компетенцияга эгалик ички ишлар органларининг муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланади. Маълумки, «компетенция» сўзи латинчадан таржима қилинганда «қила олмақ», «бажара олмақ», «қобилиятли», «муносиб» маъноларини англатади.

Ички ишлар органлари ўз зиммасига юкланган ваколатларни бажаради ва айни вақтда зарур ҳолларда бошқа вазифаларни ҳам бажариш имкониятига эга. Яъни бунда гап ички ишлар органлари бевосита хизмат вазифасига кирмаган вазифаларни ҳам бажариш имкониятига эгалиги ҳақида бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг ўринбосарларини лавозимга тайинлаш тўғрисида»ги ПҚ-4608-сон қарори билан ички ишлар вазирининг ўринбосарига айни вақтда Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг ўринбосари вазифасини бажариш юклатилди [7].

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирининг, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масалалари бўйича ўринбосарлари — айни вақтда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳудудий бошқармалари бошлиқларининг ҳам ўринбосарлари, туман (шаҳар) ички ишлар органлари бошлиқларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масалалари бўйича ўринбосарлари эса Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги туман (шаҳар) бўлимлари бошлиқларининг ўринбосарлари вазифасини бажаришлари белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, ички ишлар органларининг таянч пунктлари профилактика инспекторлари айни вақтда фуқаролар йиғини раисининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосари лавозимини ҳам эгаллайди [8].

Ички ишлар органларининг фавқулодда ҳолатларда ностандарт вазифаларни бажаришга жалб этиладиган резервдаги куч ҳисобланиши мустақиллик йилларида айниқса яққол намоён бўлди. Хусусан, мустақилликнинг дастлабки йилларида республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг қонуний асослари тўлиқ шаклланмаганлиги, яъни божхона, чегара қўшинлари, прокуратура, суд, миллий хавфсизлик тўғрисида норматив ҳужжатлар қабул қилинмаганлиги сабабли, республика чегараларини мустаҳкамлаш ва қўриқлаш ички ишлар органларига топширилиб, ҳар 200 километр масофага 30 га яқин чегара постлари қўйилди, ҳар бир постдаги хизматга уч нафардан ички ишлар ходими жалб этилди [1, 5-б.].

Шунингдек, мустақилликнинг дастлабки йилларида ҳали божхона органлари ташкил этилмаган вақтда ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш, республика ташқарисига товар-моддий бойликларни ғайриқонуний ва асоссиз равишда олиб кетишга йўл қўймаслик мақсадида 1991 йил 26 сентябрда ҳукуматнинг махсус қарори билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузурида товар-моддий бойликларни олиб кетишни назорат қилувчи Давлат инспекцияси ташкил этилиб, ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш ҳамда республика ташқарисига Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдикланадиган рўйхатга мувофиқ хомашё, материаллар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, моддий-техник бойликлар ва бошқа товарларни ғайриқонуний ёки асоссиз равишда олиб кетишга йўл қўймаслик унинг бош вазифаси сифатида белгилаб қўйилди [9].

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ички ишлар органлари зарур ҳолларда ўз функциясига хос бўлмаган вазифаларни ҳам зиммасига олади ва бундай имкониятга эга ҳисобланади.

Ички ишлар органларининг давлат органлари мажбурлов функцияларини амалга ошириши. Ички ишлар органлари маълум ҳолатларда бошқа давлат органлари функцияларининг мажбуран бажарилишини таъминлашда ҳам муҳим роль ўйнайди. Гап шундаки, давлат бошқарувининг ишонтириш усули «иш бермаган» муайян вазиятларда мажбурлаш усулидан фойдаланилади. Бунда ички ишлар органлари давлатнинг мажбурлаш воситаси вазифасини бажаради.

Мазкур ҳолатни кўпинча суд ва бошқа органларнинг қарорларини мажбуран бажариш жараёнида кузатиш мумкин. Хусусан, 2001 йил 29 августда қабул қилинган «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг тегишли моддаларига кўра, ички ишлар органлари қуйидаги мажбурлов чораларининг қўлланилишини таъминлайди: давлат ижрочиси ҳузурига келишдан бўйин товлаётган шахсларнинг белгиланган тартибда мажбурий келтирилишини таъминлаш; ижро ҳаракатларини амалга оширишда, шу жумладан давлат ижрочиси томонидан ижро ҳаракатларининг амалга оширилишида бирон-бир тўсиқ бўлганда жамоат тартиби сақланишини таъминлаш; болани олиб қўйиш; мажбуран кўчириш; иморатни мажбурий бузиб ташлаш ва бошқалар [10].

Шунингдек, қонунчиликда судга жисмоний шахсни мажбурий келтириш, болани олиб қўйиш, уй-жойни мажбуран бўлиб бериш каби вазифалар ҳам бевосита ички ишлар органларининг куч ва воситаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Ички ишлар органлари давлат органларининг мажбурлов функцияларини амалга оширишда қарор қабул қилувчи эмас, балки унинг ижросини таъминловчи ҳисобланади, яъни бу вазиятда ички ишлар органлари мажбурлов чораларини ўз ташаббуси билан эмас, балки бошқа давлат органининг ташаббуси билан қўллайди. Фикримизча, ана шу жараёнда баъзи масалаларни ойдинлаштириб олиш зарур. Хусусан, ички ишлар органлари бошқа давлат органларининг ташаббуси билан мажбурлаш ёки куч ишлатиш чораларини қўллар экан, буни қандай амалга оширишни ўзлари мустақил равишда қонундан келиб чиқиб ҳал этишлари лозим.

Кенг қўламли мажбурлов чораларини қўллаш ваколатига эгаллиги ички ишлар органларининг халқ олдидagi нуфузини белгилловчи энг асосий омил ҳисобланади. Фақат бунда мажбурлов чораларининг қайси мақсадда қўллангани муҳим. Шундан келиб чиққан ҳолда ички ишлар органлари жазоловчи ёки ҳимоя қилувчи орган сифатида гавдаланади. Шу сабабли ҳам давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев: «Ички ишлар органлари шундай ишлаши керакки, токи халқ давлатдан рози бўлсин», деб таъкидлаган эди [11].

Ички ишлар органлари шахсларни ушлаб туриш, ҳудуддаги участкаларни, турар жойларни, иншоотларни ва бошқа объектларни ўраб олиш (тўсиб қўйиш), ташкилотлар ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан фойдаланиш, жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллаш каби ваколатларга эга бўлиб, бу ички ишлар органларига ҳуқуқ-тартиботни сақлашда кенг имкониятлар беради.

Шу ўринда яна бир масала, яъни мажбурлов чораларини қўллашга ваколат берилган органлар томонидан уни қўллашга қанчалик лаёқатли эканлигини ҳам ойдинлаштириб олиш лозим. Гап шундаки, мажбурлов чораларини қўллаш учун тегишли давлат органларида маълум моддий-техник база ҳамда махсус тайёргарликка эга кучлар бўлиши талаб этилади. Ички ишлар органлари эса ана шундай имкониятларга эга махсус ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ҳисобланади.

Давлат органларининг мажбурлаш функциясини амалга ошириш асосан ички ишлар органларининг куч ва имкониятларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Бу эса давлат механизмнинг фаолият юритиш асосларидан бири ҳисобланган мажбурлов аппаратининг моҳияти билан боғлиқ. Бунда фуқаролар давлат томонидан ўрнатилган қоидаларга ўз хоҳишларига кўра риоя этмайдиган бўлса, давлат мажбурлов кучи орқали қонунларнинг бажарилишини таъминлайди [12, 135-б.].

Ички ишлар органларида хизмат ўташнинг ҳарбий ва ноҳарбий хизмат ўртасидаги махсус давлат хизмати ҳисобланиши ички ишлар органларига хос яна бир хусусиятдир. Гап шундаки, ички ишлар органларида хизмат ўташ қатъий интизом, тезкорлик ва сафарбарлик, марказлашган бўйсунув каби омилларни талаб қилади. Бу эса ички ишлар органларида хизмат ўташ тартиб-таомилларига ҳарбий хизмат талабларини жорий этишни тақозо этади. Шу билан бирга, айрим масалаларни самарали ҳал этишда ички ишлар органларида хизмат ўташ фуқаролик хизмати сингари бўлиши зарур. Шу сабабли ҳам ички ишлар органларида хизмат ўташ ҳарбий ва ноҳарбий хизмат элементларини ўзида бирлаштиради.

Шундай қилиб, ички ишлар органлари ўзининг функционал вазифалари, зиммасига юкланган ижтимоий масъулиятнинг қўлами, имкониятлари ва бошқа жиҳатларига кўра давлат ва жамият ҳаётида муҳим ўрин тутди. Умуман олганда, ички ишлар органлари давлат ҳокимиятининг мавжуд бўлиши, жамият барқарорлиги, осойишталик ва хавфсизликнинг кафолати ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар / Используемая литература

1. Қодиров Қ.Б. Мустақиллик даврида Ўзбекистонда ички ишлар идораларининг фаолияти (1991–2011 йиллар): Тарих фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD). ... дис. — Т., 2019.

-
2. Шавкат Мирзиёев турли унвонлар, орден ва медалларни ўз эгаларига топширди. — URL: <http://xs.uz> (Халқ сўзи, 07.12.2017).
3. Ички ишлар органларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш фаолиятини ташкил этиш: Маърузалар курси / А.А. Матчанов, Л.Ф. Исҳокова, У.А. Қодиров; Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори, профессор А. Х. Саидов. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017.
4. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 38-сон, 438-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда, 37-сон, 978-модда, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 2019 й., 2-сон, 47-модда, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон, 11.09.2019 й., 03/19/566/3734-сон; 30.10.2019 й., 03/19/575/3972-сон; 25.12.2019 й., 03/19/597/4193-сон.
5. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/458/0537-сон, 2019 й., 2-сон, 47-модда; 30.10.2019 й., 03/19/575/3972-сон.
6. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 38-сон, 438-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда, 37-сон, 978-модда, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 2019 й., 2-сон, 47-модда, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон, 11.09.2019 й., 03/19/566/3734-сон; 30.10.2019 й., 03/19/575/3972-сон; 25.12.2019 й., 03/19/597/4193-сон.
7. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 21.02.2020 й., 07/20/4608/0217-сон.
8. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.02.2020 й., 06/20/5938/0187-сон; 03.04.2020 й., 06/20/5978/0393-сон.
9. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами. — 1991. — № 9. — 33-модда.
10. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 2001. — № 9–10. — 169-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2007. — № 31–32. — 315-модда; № 50–51. — 506-модда; 2008. — № 14–15. — 91-модда, 94-модда; 2009. — № 3. — 9-модда; 2010. — № 37. — 315-модда, № 38. — 328-модда; 2013. — № 1. — 1-модда; 2014. — № 20 — 222-модда; 2015 — № 33. — 439-модда; № 52. — 645-модда; 2016. — № 39. — 457-модда; 2017. — № 37. — 978-модда. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон; 30.01.2018 й., 03/18/463/0634-сон; 2019 й., 2-сон, 47-модда, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 30.07.2019 й., 03/19/551/3493-сон, 29.08.2019 й., 03/19/558/3662-сон, 23.10.2019 й., 03/19/572/3943-сон; 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон.
11. *Мирзиёев Ш.М.* Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, осуда ва фаровон ҳаёти ҳимоя қилинмоғи керак. — URL: <http://xs.uz> (Халқ сўзи, 10.02.2017).
12. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / Х.Т.Одилқориев, И.Т.Тулътеев ва бошқ.; проф. Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2009.
-

МИГРАЦИЯ СОҶАСИДАГИ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД АЙРИМ МАСАЛАЛАР

Аннотация. Мақолада миграция соҳасидаги миллий қонунчиликни қўллаш борасидаги долзарб муаммолар кўриб чиқилган. Муаллиф миграция жараёнларини тартибга солишчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек уларни қўллаш амалиётини батафсил таҳлил қилиш асосида ушбу соҳадаги миллий қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган бир қанча таклиф ва тавсиялар берган.

Таянч сўзлар: миграция, ноқонуний миграция, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, миллий қонунчилик, хавфсизлик, миграция жараёнларини тартибга солиш, чет эл фуқаролари.

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ НАЦИОНАЛЬНОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА В СФЕРЕ МИГРАЦИИ

Аннотация. В статье рассмотрены актуальные проблемы применения национального законодательства в сфере миграции. Автор на основе подробного анализа нормативно-правовых актов, регулирующих миграционные процессы, а также практики их применения, выдвигает ряд предложений и рекомендаций, направленных на совершенствование национального законодательства в этой сфере.

Ключевые слова: миграция, незаконная миграция, нормативно-правовые акты, национальное законодательство, безопасность, регулирование миграционных процессов, иностранные граждане.

SOME ISSUES OF IMPROVEMENT OF NATIONAL LEGISLATION IN THE FIELD OF MIGRATION

Annotation. The article deals with the actual problems of the application of national legislation in the field of migration. The author baseing on the detailed analysis of the regulatory legal acts regulating migration processes, as well as the practice of their application, puts forward a number of proposals and recommendations aimed at improvement of national legislation in this field.

Keywords: migration, illegal migration, legal acts, national legislation, security, regulation of migration processes, foreign citizens.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач миграция жараёнларини тартибга солиш масалалари долзарб вазифага айланди. Бу жараёнлар, *бир томондан*, мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиши давридаги иқтисодий қийинчиликлар ҳамда чегараларнинг очилиши натижасида аҳоли миграциясининг кучайиши билан, *бошқа томондан*, меҳнат миграциясининг кескин ўзгариши натижасида криминоген вазиятнинг оғирлашуви, яъни трансчегаравий жиноятларнинг кўпайиб бориши билан боғлиқ.

Бошқа таҳдид ва хатарлар қатори, бир-бири билан қоришиб кетиши эвазига миллий, минтақавий, халқаро хавфсизлик ва барқарорликка катта таҳдид солган экстремизм ва халқаро терроризм кабилар хавотирга сабаб бўлган [1]. Мазкур таҳдидларни 1999 йил 16 февраль (Тошкент ш.), 1999 йил 30 март (Хоразм), 1999 йил март (Тошкент ш.), 1999 йил 15 ноябрь (Тошкент вил.), 2000 йил (Сурхондарё), 2004 йил 28-29 март (Тошкент ш., Бухоро), 2004 йил 30 март (Тошкент вил.), 2004 йилда 30 июль (Тошкент ш.) ва 2005 йилда 13 май (Андижон) воқеалари ҳам асослаган [2].

* *Эгамбердиев Бехзод Искандарович, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жамоат тартиби ва хавфсизлики таъминлаш кафедраси ўқитувчиси.*

Мазкур жараёнларда Ўзбекистон барча минтақаларда ва аввало, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш учун қатъият ва изчиллик билан ҳаракат қилиб келган. Мамлакатимизнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётида бу борада 70 дан ортиқ халқаро ҳужжат ҳамда БМТнинг 10 та асосий конвенцияси ратификация қилинди [3, 43-б.]. Шу боис миграция соҳасини тартибга солувчи қоидалар халқаро ҳуқуқ соҳасида узоқ илмий тарихга эга.

Бироқ, жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва баъзи минтақаларда юзага келаётган нотинч вазиятлар аҳоли миграциясини кучайтириш орқали жиноятчилик, одам савдоси, террорчилик, экстремизм, гиёҳвандлик ҳамда ўта хавфли юқумли кассаликларнинг кўпайишига олиб келмоқда. Бу эса мамлакатимизнинг барқарор ривожига хавф туғдириши мумкин бўлган таҳдидлардан бирига айланмоқда. Бунга 2017 йил 1 январь куни Туркиянинг Истанбул шаҳрида тунги кафеда мижозларга қарата ўқ узган А.Машарипов иштирокидаги террорчилик акти ёки фуқароларимиз томонидан хорижда содир этилаётган бошқа уюшган жиноятчилик ҳаракатлари яққол мисол бўлади.

Шу нуктаи назардан ҳам, мамлакатимизда шахснинг эркин кўчиб юриши билан боғлиқ конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг камситилиши ва ноқулай аҳволда қолишининг олдини олиш мақсадида миграция жараёнларини тартибга солишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари ислоҳ қилинди. Мазкур ислоҳотлар жараёнида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш — шахснинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқини таъминлаш билан бирга — миграция соҳасидаги қонунчиликни қўллаш амалиётида юзага келаётган муаммо ва камчиликларни барвақт аниқлаш ҳамда бартараф этиш имконини беради.

Демак, миграция жараёнларини тартибга солувчи миллий қонунчиликни такомиллаштириш масалалари Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқни қўллаш амалиётида мигрант (иммигрант ва эмигрант)лар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ноқонуний миграциянинг олдини олиш, инвестиция муҳитини шакллантириш ва туризмни ривожлантиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Бу борадаги муносабатларни тадқиқ этган хорижий олимлар қарашлари ва илмий хулосаларининг таҳлили миграция жараёнларини тартибга солишни **конституциявий-ҳуқуқий** (А. А. Мишунина, Г. А. Чехов, Д. Ю. Горохов ва О. Т. Суюнчалиева); **маъмурий-ҳуқуқий** (М. В. Бурцева, Н. И. Орешина ва А. И. Федорако); **назарий-ҳуқуқий** (М. Р. Вокуев ва А. Д. Брик) [4], [6]; **жиноий-ҳуқуқий** (А. Н. Шкилев, П. А. Насуров ва В. А. Андрюшенков) ва **ташкилий-ҳуқуқий** (Е. В. Галюза, И. Ю. Сизов, О. В. Шилова ва А. Н. Торенко) йўналишларга ажратган ҳолда таҳлил қилиш имконини бермоқда.

Фикримизча, мазкур тадқиқотларнинг натижалари миграция жараёнларини тартибга солиш билан боғлиқ умумий масалалар доирасида миграция жараёнларини тартибга солишга ҳисса қўшиб, бу соҳадаги ижтимоий муносабатларни англашда ёрдам беради. Лекин, қайд этиш лозимки, мамлакатимизда ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир фаолиятини такомиллаштиришни назарда тутувчи яхлит тадқиқотлар ўтказилмаган.

Бунда миграция соҳасидаги миллий қонунчилик ҳамда уни қўллаш амалиёти алоҳида аҳамият касб этиб, бу муносабатлар, аввало, *«миграция жараёнларини тартибга солишнинг ҳуқуқий механизмлари»* тушунчасининг илмий таърифи

билан боғлиқ. Бу борада, бизнингча, *миграция жараёнларини тартибга солишнинг ҳуқуқий механизмларини* — миграция жараёнларини тартибга солишнинг мақсад ва вазифаларни амалга оширувчи субъектлар фаолиятининг йўналиши, шакллари, усул-тамойиллари, ваколатлари ва ташкилий-бошқарув тизимини тартибга солувчи ҳуқуқий муносабатлар мажмуи сифатида таърифлаш мумкин. Академик И. Й. Хабриев эса мигрантлар ҳаракатини назорат қилиш ва у билан боғлиқ миграция муносабатларини тартибга солувчи мураккаб тармоқлараро институт, мигрант мақоми ва миграция соҳасидаги давлат хизматларини кўрсатишга доир муносабатлар, деб хулоса қилган [5, 14-б.].

Фикримизга ҳамоҳанг равишда, А. Д. Брик ҳам миграция жараёнларини тартибга солиш механизмлари давлатнинг бу борадаги мақсад ва вазифаларини акс эттирувчи алоҳида ҳуқуқ тармоғи эканлигини асослаган [6]. Е. В. Киселёва эса миграцияни тартибга солувчи халқаро-ҳуқуқий муносабатлар халқаро ҳуқуқнинг муҳим йўналишидир, деган хулосага келган [7, 71–75-б.]. Профессор А. Н. Сталлионс эса миграция ҳуқуқи маъмурий ҳуқуқнинг куйи қисми эканлигини асослашга ҳаракат қилган [8]. Лекин, бизнинг фикримизча, жараённи фақат халқаро ва маъмурий ҳуқуқий муносабатлар билан баҳолаб бўлмайди. Чунки миграция жараёнини тартибга солишнинг асосий механизмини жиноят ҳуқуқига оид масалалар ташкил этади. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда *миграция ҳуқуқи* хорижий таълим муассасаларида ҳуқуқнинг алоҳида тармоғи сифатида таълим дастурлари асосида ўқитилмоқда.

Шу боис миграцияни тартибга солиш бевосита қонун устуворлиги ҳамда уни таъминлаш механизмларининг яратилганлиги билан боғлиқ. Мазкур жараёнлар миллий қонунчилик нормалари билан тартибга солинмас экан, миграция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг вужудга келиши, шунингдек унга салбий таъсир қилувчи тамойилларнинг ривожланишига замин яратади.

Юқорида таҳлил этилган муносабатлар мамлакатимизнинг бу борадаги ҳуқуқни қўллаш амалиётида айрим қонунлар билан муайян даражада тартибга солинган бўлиб, уларни батафсил таҳлил қилиш миграция соҳасидаги миллий қонунчиликни тизимлаштириш ва бирхиллаштириш имконини беради.

Миграция жараёнларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашга хизмат қилган илк қонунлардан бири «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги (2.07.1992 й.) қонун бўлиб, унда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансублик, фуқароларнинг чет элда давлат томонидан ҳимоя қилиниши, уларни бошқа давлатга топширишга йўл қўйилмаслиги, мамлакат фуқаролигини олиш, тўхтатиш, йўқотиш, фуқаролик тўғрисидаги ишларни юритишда ички ишлар органларининг ваколатлари, шунингдек фуқаролик масалаларига оид қарорлар ижросини ташкил этиш билан боғлиқ фаолият тартибга солинган. Зеро, Дж. Х. Юлдашев таъкидлаганидек, фуқаролик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш — миллий қонунчилигимиздаги муаммо ва зиддиятларни бартараф этиш билан бирга, шахснинг эркин ҳаракатланиш ҳуқуқларини самарали қафолатлашга хизмат қилади [9, 85-б.].

Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги (15.12.2000 й.) қонуни шахс, жамият ва давлатнинг терроризмдан хавфсизлигини таъминлаш, давлатнинг суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни сақлаш фаолиятини тартибга солади. Қонун узоқ муддатга хорижга чиқиб кетган ва қайтиб келган шахслар террорчилик

фаолияти билан шуғулланишининг олдини олиш, бундай ҳаракатларнинг юзага келиш сабаблари ва шарт-шароитларини чуқур таҳлил қилиш, аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўриш вазифасини юклайди. Шу билан бирга, сўровда қатнашган респондентларнинг 61,9 % узоқ вақт хорижда бўлиб қайтган шахсларнинг ёлловчилар таъсирига тушганлиги, халқаро терроризм тўдасига жалб этилганлиги ҳамда бу борада қизиқиш уйғотувчи шахслар ва уларнинг қариндошларини аниқлашда айрим қийинчиликлар мавжудлигини тасдиқлаган.

«Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги (17.04.2008 й.) Ўзбекистон Республикасининг қонунда одам савдосига қарши курашишни ташкил қилиш, жумладан мазкур фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари ва уларнинг ваколатлари, одам савдосидан жабрланганларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам бериш, ушбу соҳасида халқаро ҳамкорликни таъминлаш ҳуқуқий тартибга солинган. Қонуннинг миграция жараёнларини тартибга солишга доир жиҳати, шахснинг ишончини суиистеъмол қилиш, алдаш орқали чет элга ноқонуний олиб чиқиб шахвоний ва бошқа мақсадларда эксплуатация қилишда намоён бўлади.

Шу билан бирга, «Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси тўғрисида»ги (20.08.1999 й.), «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги (14.09.2011 й.), «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги (25.12.2012 й.), «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (14.05.2014 й.), «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги (16.09.2016 й.), «Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида»ги (30.07.2018 й.) ва «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги (16.10.2018 й.) қонун нормаларида миграция жараёнларини тартибга солишнинг айрим жиҳатлари ҳуқуқий кафолатланган.

Бу борада шуни катта эҳтимол билан қайд этиш мумкинки, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги (2016 йил 16 сентябрь) қонун қабул қилиниши билан, *биринчидан*, миграция жараёнларини тартибга солиш ички ишлар органларининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланди (4-модда); *иккинчидан*, ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир фаолияти соҳасидаги мажбуриятлари (16-модда) ва ҳуқуқлари (17-модда) билан боғлиқ ҳуқуқий бўшлиқ тўлдирилди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш орқали меҳнат миграциясини тартибга солиш мақсадида «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги (2018 йил 16 октябрь) қонуннинг қабул қилиниши ташқи меҳнат миграцияси соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш имконини берди. Ваҳоланки, амалиёт ходимларининг фикрича, доимий яшаш манзилидан хорижга чиқиб кетаётган шахсларнинг 95,8 фоизини меҳнат мигрантлари ташкил этади. Бу эса меҳнат миграцияси географиясининг, шунингдек ҳуқуқбузарликлар доирасининг кенгайишига таъсир этади. Профессор И. Исмаиловнинг фикрича, ишсизликнинг 10 фоизга кўпайиши жиноятчиликнинг 3,4–6,5 % ўсишига олиб келади [10, 80-б.].

Миграция соҳасидаги юқорида таҳлил этилган жараёнларнинг яхлит қонун билан тартибга солинмаслиги ноқонуний меҳнат миграциясининг кенгайишига, мигрантларнинг камситилиши ва ноқулай шароитларда қолишига ҳамда эркин ҳаракатланиш ҳуқуқлари бузилишига олиб келади. Бу эса миграция соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг «Миграция тўғрисида»ги ҳамда «Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг

ҳукукий мақоми тўғрисида»ги қонунларини қабул қилиш заруратини туғдирмоқда. Бу борада сўровда қатнашганларнинг 64 фоизи ҳам «Миграция тўғрисида»ги қонунни қабул қилишга эҳтиёж борлигини таъкидлаган.

Миграция соҳасидаги миллий қонунчиликнинг яна бир хусусияти у билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик белгиланишидир. Бунда Ўзбекистон Республикасининг МЖТК, ЖК ва ЖПКлари миграция жараёнларига доир маъмурий, жиноят-процессуал фаолиятни тартибга солишнинг муҳим ҳуқуқий асосидир. Бу борада ўтган давр мобайнида паспорт тизими қоидалари либераллаштирилиб, жавобгарлик масалалари илмий тадқиқ этилди. Бироқ тадқиқотимиз жараёнида мамлакатимизнинг миграция соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳалигача ечимини кутаётган айрим муаммо ва камчиликлар кўзга ташланди.

Жумладан, ЎЗР МЖТКнинг 223-моддасида («Паспорт тизими қоидаларини бузиш») назарда тутилган ҳар бир қилмиш таркиби учун жарималар миқдори турлича белгиланганлиги боис, бу соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амалиётида айрим зиддият ва келишмовчилик ҳамда фуқароларнинг ҳақли эътирозлари келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Ушбу омилларнинг фаолият самарадорлигига тўсиқ бўлаётганлигини амалиёт мутахассислари ҳам тасдиқлаган. Бу эса, фикримизча, МЖТКнинг мазкур нормасида назарда тутилган ҳар бир қилмиш таркиби учун жарима миқдорини аниқ белгилаш зарурлигини англатади.

Қолаверса, мамлакатимизга шахсий мақсад ва инвестиция киритиш мақсадларида вақтинча яшаш учун келган айрим чет эл фуқаролари республика ҳудудидан чиқиб кетаётган пайтда ушбу ҳудудда бўлиш қоидаларини бузганликлари аниқланса, МЖТКнинг 225-моддаси биринчи қисмига асосан маъмурий баённома расмийлаштирилиб, тўпланган ҳужжатлар судга юборилади. Мазкур жараённинг узок вақт давом этиши чет эл фуқароларининг сарсон бўлишига ва кўплаб мурожаатлар келиб тушишига сабаб бўлмоқда. Мазкур жараёни, бизнингча, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 225-моддаси биринчи қисмига ҳудудда бўлиш муддатини бузган вақтига қараб ўша куннинг ўзида жарима ундириш амалиётини жорий этиш орқали бартараф этиш мумкин.

Шу нуқтаи назардан ҳам, миграция билан боғлиқ жиноятчиликка қарши курашишда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси катта аҳамият касб этиб, шахсларнинг бундай қилмишлари «Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш» (223-м.) ҳамда «Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш» (224-м.) каби нормалар билан муҳофаза қилинади. Бироқ, ноқонуний миграцияни ташкил қилиш ва унга қўмаклашиш соҳадаги қилмишлар учун жавобгарлик масалалари қонунчиликда назарда тутилмаганлиги фуқароларнинг хорижда ноқонуний меҳнат миграцияси асосида жалб этилишига, кафолатсиз иш ҳақи ваъда қилинишига ҳамда камситилиш ва ноқулай шароитларда қолишига сабаб бўлмоқда.

Бу муаммони эса, бизнингча, Ўзбекистон Республикасининг ЖКда 224¹-модда («Ноқонуний миграцияни ташкил этиш») билан тўлдириш орқали бартараф этиш мумкин. Шу боис ҳам, мазкур нормада назарда тутилган жавобгарлик масалаларини миллий қонунчиликда белгилаш зарурати илмий асослантилган [11], шунингдек сўровда қатнашган амалиёт ходимларининг 76 % ҳам буни маъқуллаган. Ваҳоланки, тақлиф этилаётган норма Россия, Қозоғистон, Беларусь ва Озарбайжон жиноят қонунчилигига алоҳида қилмиш сифатида киритилган.

Юқорида таҳлил этилган миллий қонунчилик нормалари миграция жараёнларини

маълум бир даражада тартибга солса-да, лекин миграция соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналиши, мақсади, принцип ва вазифаларини белгилаб бермайди. Бу эса миграция соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи субъектлар фаолиятини ташкил қилиш ва вазифаларини тўғри тақсимлаш, шунингдек назорат қилишга салбий таъсир этиши мумкин. Қолаверса, субъектлар вазифа ва функцияларининг идоравий манфаатлар асосида турлича талқин этилиши ва амалда қўлланилишига олиб келиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги илмий-назарий қарашлар таҳлили, миллий ва хорижий тажриба ҳамда мутахассислар фикрига таяниб, мамлакатимизнинг миграция соҳасидаги бошқарувини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи субъектлар доирасининг кенглиги, бу борадаги вазифа ва функцияларни бажариш механизмларининг хилма-хиллиги ҳамда улар фаолиятини тартибга солувчи кўплаб қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжудлиги бу соҳадаги ижтимоий муносабатларни Ўзбекистон Республикасининг «Миграция тўғрисида»ги қонунини қабул қилиш орқали тизимлаштириш ва унификация қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар / Используемая литература

1. Саидов А.Х. Ўзбекистон ва инсон ҳуқуқлари бўйича Вена декларацияси ва Ҳаракат дастури. — Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2004. — 220 б.
2. Матлюбов Б.А. Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш: муаммо ва ечимлар: Ўқув қўлланма. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. — 142 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. — Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.
4. Вокуев М.Р. Миграционное право современной России: теоретико-правовой анализ: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Ростов, 2006. — 28 с.
5. Хабриева Т. Я. Миграционное право России: теория и практика. — М., 2008.
6. Брик А.Д. Правовой механизм регулирования миграционных процессов в Российской Федерации: теоретико-правовой анализ: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Краснодар, 2010. — 32 с.
7. Киселева Е. В. Международно-правовое регулирование миграции: Учеб. пособие для бакалавриата и магистратуры. 3-е изд., испр. и доп. — М.: Юрайт, 2017.
8. Жеребцов А. Н. Авторская концепция административно-правового регулирования миграционных отношений в Российской Федерации // Миграционное право. — 2011. — № 1. — С. 15–19; Он же. Миграционное право Российской Федерации (на рубеже XX–XXI веков): Монография. — М.: РАП, 2004.
9. Юлдашев Ж. Х. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансубликни баҳолаш мезонлари: муаммо ва ечимлар // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. — 2018. — № 4.
10. Исмаилов И. Жиноятчиликда уюшганлик: назария ва амалиёт муаммолари: Монография. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005.
11. Фозилов И.Ю. Одам савдосига қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари: Юрид. фан. д-ри ... дис. автореф. — Т., 2016. — 106 б.

Р. Х. Душанов*

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТЕЗКОР-КИДИРУВ ФАОЛИЯТИГА ПСИХОЛОГИК ЁНДАШУВЛАР

Аннотация. Мақолада ички ишлар органлари тезкор-қидирув бўлинмалари ходимларининг ўзига хос хислатларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш масалалари тадқиқ этилган, шунингдек тезкор-қидирув фаолияти субъектларининг касбий фаолиятдаги салбий таъсирларга қарши руҳий барқарорлигини оширишга таъсир этувчи омиллар аниқланган.

Таянч сўзлар: психологик ёндашув, психологик қонуният, касбий ярқилик, анланган ва анланмаган мотивлар, психодиагностика, психокоррекция, психологик маслаҳат, касбий кузатувчанлик, коммуникация, психологик рефлексия.

ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ К ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ

Аннотация. В статье исследуются вопросы формирования и закрепления специфических качеств сотрудников оперативных подразделений органов внутренних дел, а также выявляются факторы, влияющие на повышение психологической устойчивости субъектов оперативно-розыскной деятельности к негативным последствиям профессиональной деятельности.

Ключевые слова: психологический подход, психологическая закономерность, профессиональная пригодность, осознанные и неосознанные мотивы, психодиагностика, психокоррекция, психологическая консультация, профессиональная наблюдательность, коммуникация, психологическая рефлексия.

PSYCHOLOGICAL APPROACHES TO THE OPERATIONAL-SEARCH ACTIVITIES OF THE ORGANS OF INTERNAL AFFAIRS

Annotation. The article deals with the issues connected with the formation and consolidation of the specific qualities of officers of operational subunits of internal affairs bodies, as well as identifies factors that affect the increase in the psychological stability of the subjects of operational-search activities to the negative influences of professional activity.

Keywords: psychological approach, psychological legality, professional appropriateness, understandable and non understandable motivations, psychodiagnostics, psychocorrection, psychological advise, professional observation, communication, psychological reflection.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ички ишлар органлари соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, жумладан, 2016 йил 16 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги, 2012 йил 25 декабрдаги «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда

* Душанов Рустам Хўжанович, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси хизмат фаолияти психологияси кафедраси бошлигининг ўринбосари, психология фанлари номзоди, доцент.

уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сон фармони ҳамда 2017 йил 16 августдаги «Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3216-сон, 2017 йил 29 ноябрдаги «Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 3413-сон қарорлари ҳам Ватан ҳимояси, юрт осойишталиги ҳамда давлат келажаги учун жонкуяр, олижаноб, фидойи, ўз хизмат бурчини сидқидилдан бажарадиган виждонли ходимларни тарбиялаб етиштириш вазифасини қўймоқда. Чунки бугунги мураккаб шароитда ички ишлар органлари ходимлари, жумладан тезкор-қидирув ходимларининг халқ олдидаги нуфузини кўтариш, уларга бўлган ишончини мустаҳкамлаш бевосита ана шу ислохотлар самарасига боғлиқ.

Мазкур ислохотларни ички ишлар органлари тезкор-қидирув фаолияти соҳасида ҳам амалга оширишда психологик билимларга бўлган эҳтиёжнинг ортиб бораётганлиги:

биринчидан, ички ишлар органлари тизимида профессионаллашув жараёнининг кучайиб бориши, барча тезкор-қидирув фаолияти субъектларининг касбий-руҳий жиҳатдан жиноятчилар дунёсига қарши доимо шай туриши зарурлиги;

иккинчидан, глобаллашув жараёнларининг ҳам ижобий, ҳам салбий таъсиридан руҳий зўриқишнинг олдини олувчи психологик усул ва воситаларнинг замонавий авлодларини яратиш ва улар орқали тезкор ходимларни янги вазифаларни бажаришга тайёрлаш;

учинчидан, ички ишлар органлари тезкор-қидирув фаолияти субъектларининг хизмат вазифаларини бажариш чоғида олган руҳий жароҳатларини бартараф этиш учун психодиагностика, психокоррекция, психологик кузатув, психологик маслаҳат тизимини шакллантириш;

тўртинчидан, экстремал шароитларда ички ишлар органлари тезкор-қидирув фаолияти субъектларининг хизмат жамоаларида маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилашнинг психологик омилларини ишга солиш бўйича психологик методика ишлаб чиқиш;

бешинчидан, жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида олиб борилаётган тезкор профилактик чора-тадбирлар доирасида тезкор ходимларга мунтазам равишда психологик ёрдам кўрсатишни йўлга қўйиш кабилар билан белгиланади.

Президентимизнинг «Жиноят-қидирув фаолиятида жиддий нуқсонлар учрамоқда, айрим жойларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасидаги ҳамкорлик талаб даражасида эмас. Қидирувда юрган аксарият шахсларнинг қўлга олинмаётгани уларга жинойий қилмишларини давом эттиришга имкон беради ва бу ғоят ташвишли ҳолдир» [1], деган сўзларида катта маъно бор.

Шу нуқтаи назардан, тезкор-қидирув фаолиятининг самарадорлигини белгиловчи омилларни таҳлил қилиш ва унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, шу орқали мазкур фаолиятни такомиллаштиришнинг психологик қонуниятлари ҳамда механизмларини ишлаб чиқиш ва йўлга қўйишга оид бир қатор илмий ёндашувлар мавжуд. Жумладан, бир қатор олимлар (А. И. Алексеев, Д. В. Гребельский, И. А. Климов ва бошқ.) томонидан ушбу йўналишга оид қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилган:

– тезкор-қидирув фаолияти субъектларининг индивидуал-психологик хусусиятлари ва руҳий-иродавий ҳолатини ўрганиш;

– қидирувдаги шахсларнинг психологик қиёфасини яратиш, тусмоллар тузиш ва уларнинг руҳий ҳолати ҳамда хатти-ҳаракатини ўрганиш;

– тезкор бўлинмаларда ишлаш учун бўлажак профессионал ходимларни танлаб

олишда уларнинг рухий жараёнлари, индивидуал-психологик хусусиятлари ва ҳиссий-иродавий ҳолатларини ўрганиш;

– тезкор ходимларни ўқитиш ва тарбиялаш жараёнида уларнинг рухий ҳолатини ҳисобга олиш [2, 27-б.].

Яна бир гуруҳ олимлар (Г.К.Синилов, В.А. Черепанов, В.М.Шевченко ва бошқ.) мазкур фаолиятнинг психологик омиллари, тезкор ходим ва бошқа иштирокчилар учун зарур бўлган профессионал хусусиятларга психологик баҳо бериш, ушбу хусусиятларни аниқлаш ва такомиллаштириш йўл-йўриқлари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришган [3, 25-б.].

Ҳозирги кунга келиб мазкур фаолият бўйича психологик тадқиқотлар қуйидаги йўналишларда олиб борилмоқда. Булар:

– ички ишлар органлари тезкор-қидирув фаолияти бўлинмаларини бошқаришнинг ижтимоий-психологик жиҳатларини ўрганиш;

– тезкор ходимларнинг иш жараёнини бошқаришини ташкил қилиш мақсадида, тезкор-қидирув фаолияти услублари асосида илм-фан ютуқларига мос келадиган асосий психологик қоидаларни тадқиқ этиш;

– тезкор-қидирув фаолиятида қўлланиладиган куч ва воситаларнинг психологик жиҳатларини комплекс ишлаб чиқиш ҳамда амалиётда кўп учрайдиган вазиятларда мазкур усул ва воситаларнинг қўлланишини ҳисобга олиш;

– жинойятчиликка қарши кураш олиб боришда алоҳида тезкор хизматлар йўналишларининг услубларини яратиш ва қўллашни ташкил қилишнинг психологик хусусиятларини ўрганиш;

– тезкор-қидирув фаолияти субъектларининг рухий-иродавий ҳолатлари ва ташқи ҳамкорликнинг психологик компонентларини тадқиқ этиш.

Албатта, ушбу йўналишлар тезкор-қидирув фаолияти психологияси предметининг каттагина қисмини ёритади. Бизнинг фикримизча, тезкор-қидирув фаолияти психологияси тезкор-қидирув фаолияти субъектларининг психологик қонуниятлари ва мазкур фаолиятни такомиллаштириш механизмлари ҳамда усулларини ўрганади; чунки ҳар бир шахс, қайси касб эгаси бўлишидан қатъи назар, билишнинг энг мураккаб объекти бўлиб, доимо ривожланиш, ўсиш ва ўзгаришда бўлади ҳамда ана шу асосда шахсий, касбий жиҳатдан шаклланиб боради.

Шу билан бирга, шахс ўзи ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлмайди, яъни хулқи, хатти-ҳаракатларининг моҳиятини ҳамма вақт ҳам англаб етавермаслиги мумкин. Шахснинг хулқи, руҳиятига таъсир этувчи кучлар ва психологик омиллар шу қадар кўпки, уларнинг ҳаммасини ўрганишнинг ҳам, у ёки бу инсон ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиш ёхуд унга тўлиқ тавсиф беришнинг ҳам иложи йўқ. Бундай омиллар (англанган ва англабмаган мотивлар, майллар ва бошқалар) қаторида шахснинг ўзи ҳам англаб етавермайдиган, лекин унинг руҳияти, хулқининг намоён бўлишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган онг ости жараёнларининг таъсирини инобатга оладиган бўлсак, тезкор-қидирув фаолияти психологияси фани доирасида ўрганилувчи шахс психикасининг нақадар мураккаб эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Шу маънода, тезкор ходимнинг изланиши, ижодкорлиги, билим ва кўникмалари ҳамда ҳаётий тажрибасининг ортиб, мустаҳкамланиб бориши унинг малакали мутахассис сифатида камол топишига имкон беради. Тезкор-қидирув фаолияти психологиясининг асосий вазифаси ана шу ижодкорликнинг муҳим омилларини илмий тадқиқ этиш, излаб топиш, аниқлаш ҳамда уларни шакллантириш ва ривожлантиришнинг энг самарали усулларини аниқлашдан иборатдир.

Шу нуқтаи назардан, тезкор-қидирув фаолиятида психологик билимларнинг зарурати куйидаги масалаларни ёритишда намоён бўлади, жумладан:

– тезкор-қидирув фаолияти субъектлари ва жамоаларининг психологиясини ҳар томонлама ўрганиш;

– тезкор-қидирув фаолияти субъектларининг индивидуал-психологик хусусият ва имкониятларини тадқиқ этиш;

– жабрланувчи, айбланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи ва бошқа шахсларнинг онги, руҳияти, онглилик ва онгсизлик ҳолатларини ўрганиш;

– тезкор-қидирув фаолияти субъектларнинг махсус вазифаларни бажаришга яроқлилигининг психологик моҳиятини очиб бериш;

– тезкор-қидирув фаолиятининг психологик принцип ва усуллари ишлаб чиқиш;

– тезкор-қидирув фаолиятига оид муҳим маълумотларни олиш мақсадида турли тоифадаги шахслар билан ишончли психологик алоқа ўрнатиш ҳамда уларга психологик таъсир кўрсатиш усуллари яратиш;

– мазкур фаолиятга оид муаммоларни ҳолисона, илмий асосланган ҳолда баҳолаш ва бартараф қилиш усуллари тавсия этиш;

– турли тоифадаги шахслар билан ишончли мулоқот қилиш усуллари ҳамда ривожланишининг психологик қонуниятларини ишлаб чиқиш;

– жинойтчи шахсининг тузилиши, унинг фаолияти ва фаоллигини ўрганиш орқали назарий ва амалий хулосалар чиқариш;

– тезкор-қидирув фаолиятида намоён бўладиган психик ҳодисаларнинг психологик қонуниятларини ўрганиш.

Айни вақтда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳозирда психологик билимлар тезкор-қидирув фаолиятида илмий даражада эмас, балки ўз-ўзидан, тизимсиз ҳолда қўлланилмоқда. Бу соҳада илмий тадқиқотлар ҳам кам ўтказилган. Шу боис ҳозирги кунда ички ишлар органларининг тезкор-қидирув фаолиятида психологик билимларни тарғиб қилиш ва қўллашнинг самарали муқобил тизимини ишлаб чиқиш ва ташкил қилиш зарурати юзага келди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги «Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3216-сон қарорига асосан ИИВ Академиясида «Хизмат фаолияти психологияси» йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Бу эса, ўз навбатида, бугунги замон талабларига мос психологлар тайёрлаш ва ички ишлар органлари ходимларини психологик билимлар билан қуроллантириш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар / Используемая литература

1. *Мирзиёев Ш.М.* Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 9 февраль куни ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истикболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида сўзлаган нутқи. — URL: <http://uza.uz/oz/politics/shavkat-mirziyeev-ichki-ishlar-organlarining-faoliyati-samar-29-06-2017>

2. *Душанов Р.Х.* Тезкор-қидирув фаолияти психологияси: Дарслик. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014.

3. *Шевченко В.М.* Психология оперативно-розыскной деятельности: Учебник. 2-е изд. — М., 2012.

НАРКОТИК МОДДАЛАР КОНТРАБАНДАСИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ШАХСЛАРНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. Мақолада наркотик моддалар контрабандаси билан шуғулланувчи шахсларнинг психологик тавсифи ва хусусиятлари очиб берилган. Жиноятларнинг ушбу турига қарши самарали курашиш учун наркотиклар контрабандасига қарши кураш олиб боровчи тезкор-қидирув бўлинмаларининг ходимларини махсус психологик тайёргарликдан ўтказиш талаб этилиши таъкидланган.

Таянч сўзлар: контрабанда, стресс, хавф, кузатув, савол-жавоб, гиёҳвандлик воситалари, новербал хатти-ҳаракатлар, реакция.

ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ ЛИЦ, ЗАНИМАЮЩИХСЯ КОНТРАБАНДОЙ НАРКОТИКОВ

Аннотация. В статье подробно раскрываются психологические характеристики и особенности поведения лиц, занимающихся контрабандой наркотиков. Подчеркивается, что для успешной борьбы с данным видом преступлений требуется специальная психологическая подготовка сотрудников оперативных подразделений, ведущих борьбу с контрабандой наркотиков.

Ключевые слова: контрабанда, стресс, риск, наблюдение, вопрос и ответ, наркотические средства, невербальное поведение, реакция.

PSYCHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF PERSON INVOLVED IN DRUG SMUGGLING

Annotation. The article reveals the psychological characteristics and characteristics of the behavior of persons involved in drug smuggling in detail. In order to successfully combat this type of crime, special psychological training is required for the officers of operational subunits fighting drug smuggling is emphasized as well.

Keywords: smuggling, stress, risk, observation, question and answer, narcotic drugs, nonverbal behavior, reaction

Контрабанда ашёлари, шу жумладан гиёҳвандлик воситалари билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга қарши кураш ва улар тарқалишининг олдини олиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдида турган энг долзарб масалалардан биридир.

Контрабанда ашёлари, шу жумладан гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомалада бўлиши аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига жиддий хавф солади, бошқа жиноятларнинг ўсиши, коррупция ва уюшган жиноятчиликнинг тарқалишига имкон туғдиради, жамоат тартиби ва ҳавфсизлигига таҳдид қилади, жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий асосларини емиради.

Ҳозирги кунда Марказий Осиёнинг Афғонистон билан бевосита чегарадош бўлган барча давлатларидаги нарковазиятга ўзаро боғлиқлик ҳосдир. Статистик рақамларга назар ташласак, Афғонистонда ишлаб чиқарилаётган гиёҳвандлик воситаларининг 15-20 % айнан «Шимолий йўналиш»да жойлашган Тожикистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Туркменистон давлатлари орқали Қозоғистон ва Россияга, ундан кейин Европа мамлакатларига йўналтирилмоқда.

* Қодиров Мирзаакрам Собиржонович, Ўзбекистон Республикаси ДБҚ Божхона институти қайта тайёрлаш ва малака ошириш факультети тил ва психологик тайёргарликни ривожлантириш маркази ўқитувчиси.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари томонидан чегараларда назорат кучайтирилиб, гиёҳвандлик воситаларини мамлакатимиз орқали транзит қилиш каналлари бирин-кетин фош этилаётгани, уюшган гуруҳлар ва наркожиноятчиларни шу каби воситаларни чегаралар орқали олиб ўтишда янада эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилиш, уларни яшириш ва ниқоблашда янги ноанъанавий усулларни қўллашга ундамоқда.

Бу эса, ўз навбатида, гиёҳвандлик воситаларининг қонунга ҳилоф муомалада бўлишига қарши курашишга масъул ҳуқуқ-тартибот идораларидан мазкур йўналишдаги тадбирларга янада жиддий ёндашишни талаб этади. Зеро, «захри қотил»нинг ноқонуний муомалада бўлиши ортиб бораётгани мамлакатда жиноятчиликнинг авж олишига ва халқнинг маънавияти беқарорлашуви, пировардида давлатнинг таназзулга юз тутишига олиб келувчи жиддий таҳдидлардан биридир.

Маълумки, Афғонистонда беқарор вазият ҳукм сурмоқда. Ушбу мамлакатда бир неча ўн йиллардан буён қуролли низолар давом этаяпти, жуда кўп микдорда гиёҳвандлик воситалари етиштирилмоқда, шунингдек радикал кайфиятдаги экстремистик кучлар тўпланаётгани кузатилмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳар йили Афғонистондан 900 тонна опий ва 375 тонна героин олиб чиқилади [1].

Бу ҳолатларнинг мавжудлиги ва тобора мураккаблашиб бораётгани, ўз навбатида, бутун дунё ҳамжамиятига, шунингдек Марказий Осиё минтақасига реал хавф солмоқда.

Ўзбекистон Республикаси минтақамиздаги мамлакатлар ичида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашишда фаол сиёсат олиб бораётган давлатлардан бири ҳисобланади.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни ноқонуний ишлаб чиқариш, муомалага киритиш, истеъмол қилишни назорат этиш соҳасида ўзаро англашув ва ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум 1996 йил Марказий Осиёдаги бешта давлат (Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон) ҳамда БМТнинг наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси томонидан имзоланган. Кейинчалик унга Россия Федерацияси ва Озарбайжон Республикалари ҳам қўшилган. Бу билан гиёҳвандлик воситаларини назорат қилиш борасидаги халқаро ҳамкорлик кўламини кенгайтириш учун катта имконият яратилди.

Ўзбекистон Республикаси томонидан гиёҳвандликнинг тарқалиши ва наркотик воситаларнинг ноқонуний муомалада бўлишига қарши кураш, улар устидан назоратни кучайтириш борасида халқаро мажбуриятларни бажариш жараёни давом этмоқда.

Контрабанда предметларини чегаралар орқали ноқонуний ташувчилар анъанавий тарзда, уларни авто, авиа ҳамда темир йўл транспортлари, халқаро почта жўнатмалари орасида, йўловчилар эса ўзларининг қўл юклари ёки танасининг турли аъзоларида яшириб олиб ўтишга уринадилар.

Гиёҳвандлик воситасининг кириб келиши хавфи юқори бўлган ҳудудлардан келаётган айрим йўловчиларни ҳамда юкларни алоҳида диққат-эътибор билан кузатиш, ташқи белгилари бўйича шубҳали шахсларга диққатни жамлаш, шубҳали жўнатувчи ёки юк қабул қилиб олувчига юборилган товарларни синчковлик билан текшириш зарур.

Чегаралар орқали контрабанда ашёсини, шу жумладан гиёҳвандлик воситасини олиб ўтаётган шахсларни аниқлаш учун ходимлардан ўта синчковлик ва зийраклик талаб этилади.

Агар ходимда контрабанда жиноятини содир этаётган йўловчи тўғрисида тезкор маълумот бўлмаса, уни йўловчилар орасидан ажрата олишига тўғри келади. Бунинг учун эса махсус билим ва кўникмалар ҳосил қилиш керак. Бунда контрабанда ашёсини олиб ўтаётган шахсларни бир қатор белгилар «фош этиши»ни эътиборга олиш зарур.

Контрабанда билан шуғулланувчи шахсларни аниқлаш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдида турган энг долзарб масалалардан биридир.

Контрабанда ашёси ташувчиларни уч тоифага ажратиш мумкин [2]. Биринчи тоифадаги шахслар контрабанда ашёсини олиб кетаётганини билмайди, ҳеч нарсани яширмайди, шу боис уларда безовта бўлиш учун сабаб бўлмайди. Иккинчи тоифадагилари ташувчи эканликларини билади, бироқ айнан нима олиб кетаётганини ва ушбу товарни чегарадан олиб ўтиш тақиқланганлигини билмайди. Контрабанда ашёси ташувчиларининг учинчи тоифаси бу иш қонунга хилоф эканлигини била туриб қасддан жиноят содир этишади.

Контрабанда хавфли машғулот ҳисобланади, шу боис иккинчи ва айниқса учинчи тоифадаги контрабандачилар кузатилганида, оғзаки суҳбатда, шунингдек юкларини кўздан кечириш вақтида хавотирда турадилар. Йўловчиларни назорат ҳудудига кирган вақтдан у ердан чиққунларига қадар (божхона, паспорт назорати, юк топшириш ва қабул қилиб олиш ҳудуди ва бошқа жойларда) кузатиш мумкин.

Иш йўловчи билан суҳбатлашишгача борса, бериладиган саволларни шундай қўйиш муҳимки, улар бир томондан зарур маълумотларни олишда ёрдам берса, бошқа томондан инсонга хос бўлган, хавфли вазиятларда юз берадиган ҳолатларни, яъни ички кескинлик, асабийлик, ортиқча ҳаяжонланиш ёки тўхталиб қолиш ҳолатларини аниқлашда кўмаклашиши лозим.

Ходим йўловчилар билан савол-жавоб қилаётган вақтида уларнинг новербал ҳаракатлари, яъни имо-ишоралари, мимикаси ва ҳиссий ҳолатининг бошқа кўринишларини аниқлаб олиши лозим, бу эса контрабандачини оддий йўловчилар орасидан ажратиб олиш имконини беради.

Мисол тариқасида божхона постида аниқланган ҳолатни келтирамыз.

Тошкент вилояти божхона бошқармасига қарашли «С.Нажимов» чегара божхона постига Қозоғистон Республикасидан кириб келаётган фуқароларнинг ҳаракатлари инспекторлар томонидан кузатувга олинганида кириб келаётган фуқаролардан бири безовталанаётгани аниқланган. Шундан сўнг инспектор билан фуқаро ўртасида қуйидаги савол-жавоб бўлиб ўтган:

Қаердан келдингиз? — Қозоғистон Республикасидан.

Нима мақсадда Қозоғистонга бордингиз? — Қозоғистондаги қариндошларимни кўргани бордим.

Бир ўзингиз келдингизми? — Ҳа, ёлғиз ўзим бориб келаяпман.

Бу юкларнинг ҳаммаси сизникими? — Ҳа.

Юкларингиз орасида нима борлигини биласизми? — Ҳа.

Бошқа бировга бериш учун бирор нарса олиб келдингизми? — Йўқ.

Юкларингиз орасида олиб кириш тақиқланган нарсалар борми? — Йўқ.

Паспортингизни кўрсам бўладими? — Мана, марҳамат.

Инспектор фуқаронинг паспортини кўздан кечирганида у Ўзбекистон фуқароси эканлиги аниқланган. Ўтказилган савол-жавоб жараёнида фуқаронинг асабийлашаётгани

ва овозида ўзгариш сезилган. Шундан кейин инспектор фукаронинг қўл юкларини кўриқдан ўтказди ва сўров жараёнида айтилмаган **500 донга «Трамадол»** наркотик дори воситаларини Ўзбекистон ҳудудига ноқонуний олиб кираётгани аниқланади.

Контрабанда билан шуғулланувчи шахслар доимо ўз устида ишлаётгани ва контрабанда ашёларини яширишнинг янги, анча айёрона усулларида фойдаланаётгани сабабли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ходимларнинг масъулияти ва иш ҳажми кун сайин ошиб бормоқда.

Ҳар бир ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ходим мамлакатга кириб келаётган ёки ундан чиқиб кетаётган йўловчилар ичидан контрабанда ашёси ташувчиларни ажратиш олишга имкон берувчи усулни эгаллаган бўлишлари лозим. Усул бир неча босқичдан иборат:

биринчиси — хавфни баҳолаш, яъни ишониб топширилган ашёни контрабанда тарзида олиб ўтишга халқаро ўтиш пунктида яширин таҳдид солувчи йўналишларни белгилаш;

иккинчиси — одатдаги йўловчи билан танишиш — ишда кўпинча етарли баҳо берилмайдиган, одатда чегарани кесиб ўтувчи ва мамлакатда бўлиш учун асослантирилган сабабга эга бўлган оддий йўловчининг белгиларини ўрганишдан иборат босқич (яъни ҳар бир йўналишдаги одатдаги йўловчиларининг белгиларини билиш контрабандачини бошқалардан ажратиш турадиган белгилари орқали аниқлаб олишни осонлаштиради);

учинчиси — контрабанда ашёсини ташувчисининг белгилари билан танишиш — контрабанда ташувчиси сифатида анча хавф уйғотувчи одамларнинг ташқи кўриниши ва ўзини тутишини аниқлаш. Ҳеч бўлмаса умумий маънода контрабандачи қандай кўринишини, у ёки бу вазиятда ўзини қандай тутишини тасаввур қилиш керак;

тўртинчиси — чегарадан ўтаётган одамларнинг ҳужжатларидаги маълумотлар билан танишиш (мазкур маълумотлар сизга ушбу одам ҳақида, шу билан бир қаторда унинг сафардан кўзлаган мақсади тўғрисида ҳам кўпгина маълумотлар олиш имконини беради);

бешинчиси — йўловчилардан сўраб-суриштириш вақтида кузатув техникаси билан таниш бўлиш нафақат сўралаётган шахс саволларингизга боғлиқ ҳолда жавоб беришини ва унинг жавоблари йўловчиларнинг ҳужжатларини ўрганиш натижасида йиғилган маълумотларга қанчалик мос келишини аниқлашга, балки хавфга нисбатан ташқи таъсир белгиларини кўришга ҳам имкон беради.

Хавфга нисбатан жавоб реакциясининг учта асосий тоифаси ажратилади: **тайёргарлик, кўрқув ва фалаж бўлиб қолиш**. Улар ташқи белгилари билан ўзаро фарқ қилади ва бир қанча таркибий қисмларга эга бўлади. Реакциянинг ҳар бир тоифаси учун аниқ кўриниб турадиган, ташқаридан қараганда ажралиб турувчи ҳолатлар деб вегетатив (мустақил) асаб тизими томонидан бошқариладиган ғайриихтиёрий ҳаракатлар ва жисмоний жараёнлар (юррак уришининг қисқариши, нафас олишнинг ўзгариши, сўлак ажралиши ва тер чиқиши, қовуқ ва ичак фаолиятининг ўзгариши, кўз қорачиғининг рефлексии) билан кузатиладиган стресс (ҳиссий танглик) ҳолати ҳисобланади.

Натижада, стресс ҳолатидаги шахсда онгга бўйсундириш қийин кечадиган турли ҳаракатлар: юз, бош ва оёқлар титраши, ғайриихтиёрий имо-ишоралар, асабийлашиш, тукларнинг кўтарилишини келтириб чиқарувчи мушаклар фаоллашуви, товуш хусусиятларининг ўзгаришига олиб келадиган ҳиқилдоқ мушакларининг бўшашиши кузатилади.

Вегетатив жараёнлар ташқаридан қараганда сезилади. Булар нафас олишнинг

чуқурлашиши ва тезлигининг ўзгариши, бош ва айникса, юз томирларининг торайиши ёки кенгайиши (терисининг қизариши ёки оқариши), сўлак ажралиши ёки оғиз қуриши (тупуриш ёки чанқаш, лабларни ялаш кўпайиши), кўп терлаш (бош, юз соҳаларида тер томчилари пайдо бўлиши, кафтлар намланиши), хожатхонага серкатнов бўлиб қолиш, кўз қорачиғининг кенгайиши ёки торайиши, кўзнинг ялтираши, бадан терисининг «жимирлаши», «ғоз териси» кўринишини олиши, тукларнинг «тик туриши» каби ташқи белгиларга эга. Шахсда ушбу белгиларнинг намоён бўлиши унинг ҳиссий танг аҳволда қолганидан далолат беради.

Одам ҳис-туйғуларидаги ўзгаришлар унинг мимикаси орқали ошкор бўлиши катта аҳамиятга эга. Юзда ифодаланадиган ҳиссий реакциялар ва уларнинг турли инсонларга мос келадиган асосий кўриниши «базавий» деб номланадиган тўрт жуфт (ижобий ва салбий) ҳис-туйғулар комбинациясида, яъни лаззатланиш ёки нафратланиш, хурсандчилик ёки қайғу, ишонч ёки қўрқув, қувонч ёки ғазабда ўз ифодасини топади. Булар барча одамларда бир хил бўлади ва улар асосида қолган ҳиссий ҳолатнинг умидсизлик, ғам-қайғу, сиқилиш, жажл, нафрат, тушкунлик, хурсандчилик, эйфория каби турли кўринишлари ривожланади.

Ҳис-туйғулар нафақат юзнинг мимик мушаклари фаоллашувида, балки вегетатив ҳамда ҳаракатдан иборат кулги ва йиғлашда ҳам намоён бўлиши мумкин. Бирок, ҳар бир одамда унинг ирсий мойиллиги ва шахсий тажрибасига боғлиқ равишда ўз ривожланиш даражаси ва ҳис-туйғу соҳасига жавоб берувчи бош мия тузилишининг ўзаро ҳаракати мавжуд. Шунинг учун барча одамлар ҳислатлари, чакқонлиги, ҳис-туйғуни «танлаши» ва уларни бошқариш қобилятига қараб ўзаро фарқланади.

Агар бош мия катта ярим шари фаолиятига боғлиқ ирода кучи билан ғайриихтиёрий ҳаракат учун жавоб берадиган мушаклар ишини назорат қилиш имкони бўлса ҳам, кўпгина мимик ҳаракатлар, ғайриихтиёрий имо-ишора ва вегетатив реакциялар пайдо бўлишини амалда бошқариб бўлмайди. Айнан мана шу бошқариб бўлмас ҳис-туйғуларнинг кўриниши, айникса ходим хавфни сезадиган контрабандачига дуч келган вақтда, муҳим ҳисобланади.

Бундай ҳолатда инсон организмнинг кўпгина ички функционал тизими, шу билан бирга, руҳий функция ҳам фаоллашади, барча ҳаракатлар эса контрабанда ашёсини олиб ўтишда шубҳа уйғотмасликка қаратилади. Контрабанда ашёсини ташувчилар кўздан кечириш вақтида ўз хулқ-атворининг чегарасини белгилаб олади, уларда тўғри ва ҳақиқатсифат жавоблар бўлади. Улар юз ифодаси ва ҳаракатини бошқаришлари мумкин, ўзларининг бутунлай хотиржам эканлигига кузатувчини ишонтиришга қаратилган имо-ишоралардан онгли равишда фойдаланади. Бирок, ҳаяжонланиш ҳолатини кўрсатувчи вегетатив ифодалар, барибир, бундай йўловчига алоҳида эътибор қаратишда ёрдам беради.

Хавфга нисбатан реакциянинг қўрқувга тушиш тоифаси аффект ҳолатигача борадиган ўта ҳаяжонланиш, бош мия бошқарадиган ҳаракатларни назорат қила олмаслик ва дастлабки очиқ ифодаланган ҳис-туйғуларнинг ортикчалиги каби ҳолатлар билан ажралиб туради. Хавфга нисбатан реакциянинг фалаж бўлиб қолиш тоифаси бутунлай тўхтаб қолиш, гипотимия (ҳиссий туйғуларнинг сўниши) [3], ҳаракат ва вегетатив фаолликнинг кескин сусайиши, баъзан эшитмай қолиш, ҳатто ҳушдан кетиш ҳолати кузатилади.

Реакциянинг ҳар икки тоифаси визуал кузатишда яққол намоён бўлади ва контрабандачини катта эҳтимоллик билан аниқлашга имкон беради. Бундан ташқари, шуни ёдда тутиш лозимки, инсон организми ишлаб чиқарадиган ва руҳий вегетатив ҳаракатни тартибга солиш учун нейромедиатор сифатида асаб тизимида ишлатиладиган

ўша кимёвий моддаларнинг ўхшаши (эндоген морфинлар) гиёҳвандлик воситаси ҳисобланади, шунинг учун ваҳимага тушиш ва фалаж бўлиш ҳолатларининг ташқи белгилари гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилиш ҳолати билан анча ўхшаш бўлади ва яширин жойдан гиёҳвандлик воситасининг «сизиб чиқиш»ини кўрсатади.

Божхона ходимларидан контрабандани фош этишларига нима сабаб бўлгани сўралганида улар кўпинча ички ҳиссиёт ёки сезгирликни сабаб қилиб кўрсатишади. Бу нотўғри жавоб эмас, аммо ходим ўзи эътибор қаратган белгиларни сўз билан ифодалаб беролмайди [2]. Бунда улардан: «Нима учунлигини билмайман-у, аммо шундай эканлигини ҳис қилиб турибман», деган сўзларни эшитиш мумкин.

Одатда инсон организми стресс ҳолатларига ғайриихтиёрий жавоб реакциясини намоён этади, бироқ профессионал контрабандачилар бундай ҳолатни дарҳол ниқоблай оладилар ёки яширишни биладилар. Агар уларга жиддий эътибор билан қаралмаса, улар организмнинг ушбу реакциясини кўздан қочириш мумкин. Бунда ушбу йўловчи контрабандачи эканлигидан далолат берувчи дастлабки, асосан ички ҳис-туйғули, онг остидаги шубҳа англамай қолиши мумкин.

Стресс белгиларини таниб олиш кўпинча худди шу ички ҳис-туйғулигича қолиб кетади. Бироқ ушбу белгиларни барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг иши сифатида онгли равишда аниқлаш, ўрганиш ва ундан фойдаланиш мумкин.

Рухий вегетоҳаракат реакцияси ташқи ифодасидан фойдаланишнинг муваффақияти учта ўзаро боғлиқ омилдан иборат: ушбу реакцияларнинг белгиларини билиш, кузатувчанлик ҳамда аниқланган белгиларини тўғри изоҳлай олиш. Кўп ҳолларда контрабандачиларни фош қилиш хулқ-атвор реакциясини тўғри баҳолаш натижаси ҳисобланади. Бу эса йўловчиларни кўздан кечиришнинг барча босқичларида кузатиш ва унинг стресс ҳолати белгиларини билиб олиш қобилияти муҳимлигини тасдиқлайди.

Йўловчи доимо, яъни унга савол берилган вақтда ҳам, у жавоб берганида ҳам кузатув остида бўлиши лозим. Бундан ташқари, юкни ёки бошқа шахсий ашёларини кўздан кечириш вақтида текширилувчига тез-тез кўз ташлаб туриш шахснинг танг аҳволда қолганидан далолат берувчи белгиларини илғашда ёрдам беради.

Умуман олганда, контрабанда билан шуғулланувчи шахсларнинг белгилари билан танишиш — контрабандачи сифатида анча хавфли одамларнинг ташқи кўриниши ва ўзини тутишини аниқлаш лозим. Ҳеч бўлмаса, умумий маънода, контрабандачи қандай кўринишини, у ёки бу вазиятда ўзини қандай тутишини тасаввур қилиш керак.

Мақола доирасида биз наркотик моддалар контрабандаси билан шуғулланувчи шахсларнинг психологик хусусиятларини очиб беришга ҳаракат қилдик. Бироқ юқоридагиларнинг ўзидан кўриниб турибдики, унга қарши самарадорликни ошириш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар бу жараёнда фойдаланиладиган психологик усулларни такомиллаштириб бориши талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар / Исползованная литература

1. Афганская смерть // Аргументы и факты. — 2016. — № 29.
2. *Рогатых Л.Ф.* Борьба с контрабандой наркотических средств, психотропных веществ и сильно действующих веществ. — СПб., 2003.
3. Гипотимия. — URL: <https://ru.wikipedia.org/wiki/>

*А. А. Худойбердиев**

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРНИНГ ОММАВИЙ ТАДБИРЛАРНИ ЎТКАЗИШ ВА ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШДА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ ТАЖРИБАСИ

Аннотация. Мақолада хорижий давлатларнинг оммавий тадбирларни ўтказиш ва жамоат тартибини сақлашда хавфсизликни таъминлаш борасидаги тажрибаси батафсил таҳлил қилинган. Шу асосда муаллиф кўп сонли одамлар иштирок этадиган йиғилишлар, кўча юришлари, намойишларни ўтказишда хавфсизлик ва жамоат тартибини таъминлаш ҳамда тартибсизликларнинг олдини олишнинг ҳуқуқий асослари ва амалиётини такомиллаштиришга қаратилган аниқ хулоса ва таклифларни берган.

Таянч сўзлар: оммавий тадбир, жамоат тартиби, жамоат жойлари, оммавий тартибсизликлар, оммавий йиғилишлар, оммавий намойишлар.

ОПЫТ ЗАРУБЕЖНЫХ ГОСУДАРСТВ ПО ОХРАНЕ ОБЩЕСТВЕННОГО ПОРЯДКА И ОБЕСПЕЧЕНИЮ БЕЗОПАСНОСТИ ПРИ ПРОВЕДЕНИИ МАССОВЫХ МЕРОПРИЯТИЙ

Аннотация. В статье подробно проанализированы законодательство и практика деятельности правоохранительных органов зарубежных государств по охране общественного порядка и обеспечению безопасности при проведении массовых мероприятий. На этой основе автор формулирует конкретные выводы и рекомендации, направленные на совершенствование правовых основ и практики обеспечения безопасности и общественного порядка, предотвращения беспорядков при проведении многочисленных собраний, шествий, демонстраций и манифестаций.

Ключевые слова: массовое мероприятие, общественный порядок, общественные места, массовые беспорядки, массовые собрания, массовые демонстрации.

THE EXPERIENCE OF FOREIGN COUNTRIES IN PROTECTION OF PUBLIC ORDER AND SECURITY DURING MASS EVENTS

Annotation. The article analyzes the legislation and practice of the law enforcement bodies of foreign countries to protect public order and ensure security during mass events in detail. On this basis, the author formulates specific conclusions and recommendations aimed at improving the legal framework and practice of ensuring security and public order, preventing riots during large assemblies, processions, demonstrations and demonstrations.

Keywords: public events, public order, public places, mass disorders, mass meetings, mass demonstrations.

Ҳозирги кунда олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлигини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти

* *Худойбердиев Абдурашид Абдирасулович, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси маъмурий ҳуқуқ кафедраси ўқитувчиси.*

ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш, шунингдек кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль куни «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони [1] билан 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди.

Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли тадбирлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қуйи бўғинини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди [2].

Жамоат бирлашмалари ўз мақсад ва манфаатларини рўёбга чиқаришда мунтазам равишда йиғилишлар, намоёишлар ўтказиб боришади. Бу оммавий тадбирлар маъмурий-ҳуқуқий томондан тартибга солиниши лозим. Бу борада хорижий давлатлар полиция тизими эътиборга молик. Масалан, Хитой Халқ Республикаси полиция тизими марказлаштирилган тизимларга киради. Бу тизим қуйидаги икки тузилмадан иборат: биринчиси — мамлакат жамоат хавфсизлиги органлари; иккинчиси — халқ қуролланган (ҳарбийлашган) полиция бўлинмалари [3, 118–125-б.].

Хитой халқ қуролланган (ҳарбийлашган) полиция бўлинмаларининг асосий вазифаси — давлат хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлаш, давлатнинг муҳим объектларини қўриқлаш, халқ мулки ва фуқаролар ҳаётининг хавфсизлигини таъминлаш, уруш даврида жанговар ҳаракатларни амалга ошириш ва мудофаа қилишда Хитой армиясига кўмаклашишдан иборатдир.

Америка Қўшма Штатлари (АҚШ)да оммавий тадбирларни ўтказиш даврида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш бевосита ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юклатилган бўлиб, улар уч тоифага бўлинади: федерал органлар, штатлар органлари, маҳаллий органлар.

Оммавий тадбирларни ўтказиш ва жамоат тартибини сақлаш тадбирлари асосан штатлар полициячилари ва маҳаллий органлар полициячилари томонидан амалга оширилади. Америка Қўшма Штатлари қонунчилигига асосан оммавий тадбир ташкилотчилари полициядан рухсат олиш учун тадбирни ўтказиш жойи, давом этиш вақти, қатнашчиларининг сони ҳақида аниқ маълумот беришлари ҳамда уларга қатъий амал қилишлари лозим. Акс ҳолда, масалан, қатнашчилар сони белгиланганидан ошиб кетса ҳам улар полиция томонидан жавобгарликка тортиладилар. Федерал қонунларда оммавий тадбир ташкилотчисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам белгиланган бўлиб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қоидалари инобатга олинган.

«Йиғилишлар, митинглар, намоёишлар, кўча юришлари ва пикетлар тўғрисида»ги Россия Федерацияси қонунининг 8-моддасида «оммавий тадбир ўтказиладиган жой» тушунчасига таъриф, айрим жойларда оммавий тадбир ўтказилишини тақиқлаш ёки чеклаш шартлари берилган. Бунда оммавий тадбир ўтказилиши бино ва иншоотларнинг бузилиши хавфини келтириб чиқармаса ёки ушбу оммавий тадбир иштирокчиларининг хавфсизлигига бошқача тарзда таҳдид қилмаса, мазкур тадбир унинг мақсадлари учун

яроқли ҳар қандай жойда ўтказилиши мумкин. Агар биз оммавий тадбир ўтказишга жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини тўлиқ таъминлаш принципи асосида ёндашадиган бўлсак, Федерал қонунда оммавий тадбир ўтказиладиган жойларга қўйиладиган талаблар етарли эмас. Бизнинг фикримизча, бундай тадбирлар йўл ҳаракати қоидалари ва ёнғин хавфсизлиги талабларини инобатга олган ҳолда бевосита оммавий тадбирлар ўтказиш учун мўлжалланган жойларда ўтказилиши лозим.

Оммавий тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказиш Россия Федерациясида маъмурий-ҳуқуқий тартибга солинган. Россия Федерациясининг Конституцияси фуқароларга тинч мақсадда, қуролсиз тўпланиш, йиғилишлар, митинглар ва намоёишлар, кўча юришлари ва пикетлар ўтказиш ҳуқуқини кафолатлайди (31-модда). Ушбу ҳуқуқнинг зарурий чекловлари Россия Федерациясининг 2002 йил 25 июлда қабул қилинган «Экстремистик фаолиятга қаршилик кўрсатиш тўғрисида»ги федерал қонунида [4] ҳамда 2004 йил 19 июлдаги «Йиғилишлар, митинглар, намоёишлар, кўча юришлари ва пикетлар тўғрисида»ги федерал қонунида белгиланган.

Тадбирнинг оммавий хусусияти унинг «очик, ҳар ким учун фойдаланса бўладиган» эканлигида кўринади. Айни вақтда қонун РФ фуқаролари, жамоат ташкилотлари ва диний бирлашмалар ташаббуси билан ўтказиладиган ҳамда фикрларни эркин ифодалаш ва шакллантириш, шунингдек мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётига тааллуқли турли, жумладан ташқи сиёсий масалалар бўйича талабларни илгари суриш мақсадига (яъни ижтимоий-сиёсий хусусиятга) эга бўлган оммавий тадбирларга қўлланилади.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 21-моддасига мувофиқ ушбу ҳуқуқдан фойдаланиш жамоат хавфсизлиги, жамоат тартиби, аҳоли соғлиғи ва аҳолини муҳофаза қилиш ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш манфаатлари йўлида чекланиши мумкин. Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенциясида миллий хавфсизлик ва жамоат тартиби манфаатлари йўлида йиғилишлар ўтказиш, фикрни ифодалаш эркинлиги чекланиши мумкинлиги назарда тутилган (9, 10, 11-моддалар). Мазкур чекловларга, жумладан, оммавий тадбирлар ташкилотчилари ва иштирокчилари учун белгиланган қўйидаги мажбурият ва тақиқлар киради: тадбир ташкилотчисининг тадбир ўтказилиши ҳақида Россия Федерацияси субъектининг ваколатли давлат ҳокимияти органига ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органига хабар бериш мажбурияти; тадбирни ўтказиш вақти ва жойига доир тақиқлар; ёнида қурол, шунингдек фуқаролар соғлиғига зарар ёхуд жисмоний ва юридик шахсларга моддий зиён етказиш учун атайин тайёрланган ёки мослаштирилган нарсалар олиб юришнинг тақиқланиши.

Россия Федерацияси федерал қонунчилигида спорт, маданий-томошабоп, реклама-тижорат ва бошқа оммавий тадбирлар ўтказилиши билан боғлиқ чекловлар йўқлиги ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги жиддий камчиликдир. Лекин, шу билан бирга, «Россия Федерациясининг Давлат чегараси тўғрисида»ги 1993 йил 1 апрель қонунининг 16, 18-моддаларида белгиланган тартибни бузиб, чегара ҳудудларида оммавий тадбирлар ўтказилганлиги учун Россия Федерациясининг

МЖтК 18.2-моддаси иккинчи қисмида жавобгарлик белгиланганлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Россия Федерациясининг амалдаги қонунчилигини ҳамда россиялик олимлар Д. А. Коротченков, Ф. Е. Колонтаевский, Л. Л. Попов, Х. А. Юсупов, А. П. Корнеевнинг фикрларини таҳлил қилиш натижалари РФ субъектлари тасарруфидаги предметлар ва ваколатлар, шунингдек жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги маҳаллий аҳамиятга эга масалалар доираси ҳозирги вақтда аниқ белгиланмаганлигини қайд этиш имконини беради. Янги норматив ҳужжатлар ва айрим қонун лойиҳаларида оммавий тадбирларни федерал, минтақавий ва маҳаллий тадбирларга ажратиш орқали турли даражалардаги ҳокимият субъектларининг масъулият (жавобгарлик) соҳаларини қисман ажратишга ҳаракатлар қилинмоқда.

Масалан, муниципал милиция шакллантирилганидан сўнг унга маҳаллий аҳамиятга эга оммавий тадбирлар ва оммавий ҳаракатлар ўтказилиши чоғида жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигини қўриқлаш вазифасини топшириш таклиф этилмоқда. Ҳозирги вақтда Россияда оммавий тадбирларни ўтказиш чоғида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашни бевосита бажариш қонунларда аввало ички ишлар органлари зиммасига юклатилган. Жумладан, Россия Федерациясининг 1991 йил 18 апрелдаги «Милиция тўғрисидаги» ва янги қабул қилинган «Полиция тўғрисида»ги қонунларида ҳамда жамоат хавфсизлиги полицияси патруль-пост хизмати низомида»ги [5] қоидаларга ички ишлар органларининг Россия Федерацияси субъектлари давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро алоқаларини тартибга солиш борасидаги қоидаларига қўшимчалар киритилган. Низомнинг амалдаги таҳрири (172-банди)да ички ишлар органларининг прокуратура ва хавфсизлик органлари билан ҳамкорлиги белгиланган.

Россия Федерациясининг «Полиция тўғрисида»ги (2011 йил 7 февраль) федерал қонунининг 3-бобида полициянинг оммавий тадбир ўтказиш билан боғлиқ қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган:

Россия Федерацияси ижро ҳокимиятининг субъектлари, маҳаллий органлар ва оммавий тадбир ташкилотчилари билан ҳамкорликда намоёйиш, митинг, кўча юришлари ва бошқа оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш;

федерал қонунлар асосида сайлов ва референдумлар ўтказиш даврида жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, марказий сайлов комиссияси ва жойлардаги сайлов комиссияларига қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олишда ёрдам бериш;

оммавий тадбир ўтказилаётган ҳудудларда жамоат тартибини сақлаш ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида транспорт воситалари ҳаракатини чеклаш ёки умуман тақиқлаш;

Россия Федерациясининг «Полиция тўғрисида»ги қонуни 16-моддасида оммавий тадбирни ўтказиш даврида оммавий тартибсизликларни бартараф этиш мақсадида тегишли ҳудудларни ўраб олиш, транспорт ва пиёдалар ҳаракатларини чеклаш ёки тақиқлаш ҳуқуқлари аниқ белгилаб берилган.

Қозоғистон Республикасида оммавий тадбирларни ўтказиш даврида жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий тартиби Қозоғистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунида белгилаб берилган. Ушбу қонунга асосан оммавий тадбир даврида жамоат тартибини ва хавфсизлигини таъминлаш ваколати маъмурий полицияга (4-2-модда) юклатилган. Оммавий тадбир даврида жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш мазкур қонуннинг 10-моддасида ички ишлар органларининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган. Лекин, Қозоғистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунида оммавий тадбирларни ўтказишга рухсат бериш ёки тақиқлаш ваколатлари киритилмаган.

Шунингдек, Қонунда ички ишлар органларининг оммавий тадбир ўтказиладиган ҳудудларга катнашчиларни текшириб киритишдаги ҳуқуқ ва ваколатлари ўз ифодасини топмаган. Оммавий тадбир даврида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва оммавий тартибсизликларга чек қўйиш мақсадида ички ишлар органлари томонидан жисмоний куч ва махсус воситаларни қўллаш тартиби ҳамда унинг ҳуқуқий асоси алоҳида аҳамиятга эга. «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қозоғистон Республикаси қонунининг 13-моддасида жисмоний куч ва махсус воситаларни ишлатиш тартиби қўшиб берилган. Жумладан, ушбу модданинг 1-бандида ички ишлар органлари ходимлари ёки жамоат тартибини сақлаш бурчини ўтаётган жамоатчилар ва фуқароларга ҳужум қилинганида жисмоний куч ва махсус воситалар қўллаши мумкинлиги акс эттирилган. Агар ички ишлар органлари томонидан қўлланиладиган махсус воситаларнинг турлари 50 дан зиёдлиги ҳамда улар техник хусусиятига кўра уч гуруҳга бўлиниши инобатга олинса, айрим муаммоли ҳолатларни қўришимиз мумкин.

Чунончи, 13-моддада қайд этилган ҳолатлар юзага келса, жисмоний таъсирнинг жанговар усуллари қўллаш ҳолати кичик ҳажмдаги портловчи моддалардан иборат махсус воситани қўллаш тартиби билан бир хил бўлиб қолаяпти. Бизнинг фикримизча, жисмоний таъсир этиш ва махсус воситаларни қўллаш ҳолатларини бир-биридан ажратиб, алоҳида моддаларда ҳар бирини қўллаш тартибини ишлаб чиқиш лозим. Қозоғистонлик олимлар Е. О. Тузельбаев ва Х. К. Уразбаевлар таъкидлаганидек, ҳозирги кунда Қозоғистон Республикасининг маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича қонунчиликни қўллаш амалиётида ҳам, қонун ҳужжатларида ҳам «жамоат жойи»нинг мақоми, таърифи, жамоат жойига кирадиган объектлар рўйхати ҳамда ҳуқуқий режими аниқ ва тўлиқ ҳуқуқий тартибга солинмаган [6].

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг «Жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик»ни назарда тутувчи XV бобидаги «Жамоат жойларида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилиш» деб номланган 187-моддада «кўчалар, стадионлар, хиёбонлар, боғлар, барча турдаги жамоат транспорти, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари» жамоат жойлари сифатида эътироф этилган. Шунингдек, мазкур бобдаги «Маиший шовқинга қарши кураш талабларини бузиш» номли 192-моддада

«турар жойларнинг йўлаклари, эшиклари ва кўчалар» ҳам жамоат жойи сифатида эътироф этилган. Бирор ножўя ҳаракатни жамоат тартибини маъмурий бузиш қаторига киритиш бир қанча омилларга, хусусан хатти-ҳаракатнинг қандай тусдалигига, келтирилган зарар даражасига, бундай ҳаракатларнинг қанчалик кенг тарқалгани ва унга қарши кураш шартларига, шунингдек уларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш тизимига боғлиқ.

Республикамизнинг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуни 16-моддасида ички ишлар органларининг мажбуриятларига қуйидагилар киритилган: фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкани, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини ҳимоя қилиш бўйича ўз ваколатлари доирасида барча зарур чораларни кўриш; жамоат жойларида, шу жумладан кўчаларда, майдонларда, истироҳат боғларида, транспорт магистралларида, вокзалларда, аэропортларда, шунингдек оммавий тадбирларни ўтказиш чоғида фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаши [7].

Беларусь Республикасида оммавий тадбирларни ўтказишнинг ҳуқуқий асосини 1997 йил 30 декабрда қабул қилинган «Оммавий тадбирлар тўғрисида»ги қонун [8] ташкил этади. Ушбу қонун Беларусь Республикасида йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари, намойишлар, пикетлар ва бошқа оммавий тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказиш тартибини ташкил қилиш ва ўтказиш тартибини белгилаб беради ҳамда конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, кўчалар, майдонлар ва бошқа жамоат жойларида ушбу тадбирларни ўтказишда жамоат хавфсизлиги ва тартибини таъминлаш учун шарт-шароит яратишга йўналтирилган. Шунингдек, Беларусь Республикаси ва бошқа айрим хорижий давлатлар қонунчилигида давлат томонидан ўтказиладиган оммавий тадбирлар қонун таъсири доирасидан чиқарилган. Бундай ҳолатларда ҳам, фикримизча, «Оммавий тадбирлар тўғрисида»ги қонуннинг тўлиқ амал қилиш доирасидан эмас, балки айрим моддаларини (ўтказишга рухсат олиш, ташкилотчиларга қўйиладиган талаблар) таъсир этмаслигини белгилаш мақсадга мувофиқдир. Беларусь Республикаси «Оммавий тадбирлар тўғрисида»ги қонунининг 11-моддасида ички ишлар органлари ва жамоатчилик вакиллари оммавий тадбирлар ўтказишда жамоат тартибига риоя этиш тартиби ва жамоат тартибини сақлашга масъул этиб белгиланган, лекин уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари алоҳида ва аниқ кўрсатилмаган.

Охирги йилларда мамлакатимизда ва МДХ республикаларида ўтказиладиган иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий ислохотлар демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлида фуқаролик жамиятларининг ривожланиши ҳозирги кунда оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини маъмурий-ҳуқуқий таъминлашнинг бир қатор муаммолари мавжудлигидан далолат беради. Хорижий тажрибаларни ва юқорида қайд этилганларни инобатга олиб, **«Ўзбекистон Республикасида оммавий тадбирларни ўтказиш тўғрисида»** қонун ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Фойдаланилган адабиётлар / Исползованная литература

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармонида шарҳ // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2017. — № 6. — 70-модда; № 20. — 354-модда; № 23. — 448-модда; — № 37. — 982-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сон фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2017. — № 15. — 243-м.
3. Полиция зарубежных стран: система организации и опыт профессиональной подготовки кадров: Учебное пособие / Авторы-составители: А.С. Якубов и др. — Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2010.
4. Собрание законодательства РФ: 1997. — №39. — Ст. 4465; 2002 — №12. — Ст. 1093.
5. Сборник нормативных правовых актов МВД России / Сост. В.В.Черминов. — М., 2011. — Ст. 41–81.
6. Тузельбаев Е.О. К вопросу об определении понятия «общественное место» и «улица» / Е.О.Тузельбаев, Х.К.Уразбаев // 20 лет Независимости Республики Казахстан: достижения и перспективы развития: Мат-лы междунар. научно-практ. конф. Т. 1. — Караганда, 2011.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги 2016 йил 16 сентябрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — Т., 2016. — № 38. — 438-м.
8. Ведомости Национального собрания Республики Беларусь. — 1998. — №25–26. — Ст. 428.

**МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИ ЎЗГАРТИРИШГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК
АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

Аннотация. Мақолада меҳнат муносабатларида меҳнат шартномасини ўзгартириш тушунчаси, меҳнат шартномасининг ҳуқуқий асослари, меҳнат муносабатларини тартибга солишдаги ўрни ва хусусиятлари кўриб чиқилган. Муаллиф меҳнат шартномасига ўзгартишлар киритиш тартибини белгиловчи қонунчилик асосларини такомиллаштириш борасида бир қатор таклифлар билдирган.

Таянч сўзлар: меҳнат шартномаси, меҳнат шартномасини ўзгартириш, меҳнат шартлари, иш жойини ўзгартириш, вақтинча бошқа ишга ўтказиш, бошқа доимий ишга ўтказиш.

**ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬНОЙ БАЗЫ
ПО ВНЕСЕНИЮ ИЗМЕНЕНИЙ В ТРУДОВОЙ ДОГОВОР**

Аннотация. В статье рассматриваются понятие изменения трудового договора в трудовых отношениях, его правовая основа, роль и особенности в регулировании трудовых отношений. Автор выдвигает ряд предложений по совершенствованию законодательной базы, регламентирующей порядок внесения изменений в трудовой договор.

Ключевые слова: трудовой договор, изменение разрешения на работу, условия найма, смена места работы, временный перевод на другую работу, перевод на другую постоянную работу.

**ISSUES OF IMPROVEMENT OF LEGISLATIVE BASE ON INTRODUCTION
AMENDMENTS TO THE LABOUR CONTRACT**

Annotation. The article discusses the concept of amendments of labour contract in labor relations, its legal basis, role and features in the regulation of labor relations. The author puts forward a number of proposals for improvement of legal base regulating the order of introduction amendments to the labour contract.

Keywords: labor contract, change of work permit, terms of employment, change of job, temporary transfer to another job, transfer to another permanent job.

Мамлакатни модернизация қилиш ва жамиятни янгилаш юзасидан амалга оширилаётган ислохотларимизнинг мақсадларидан бири инсон ҳақида, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш, ҳар бир фуқаро учун ҳеч кимдан кам бўлмаган, юксак турмуш даражаси таъминланган ҳаёт шароитларини яратишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сон фармонида ижтимоий соҳани ривожлантириш тўртинчи устувор йўналиш сифатида белгиланган бўлиб, бунда айниқса, меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш,

* Юлдашев Иқболжон Раҳимович, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси касбий тайёргарлик факультети ҳуқуқий фанлар цикли ўқитувчиси.

меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шароитлар яратиш, иш кучи сифатини яхшилаш каби муносабатларга алоҳида эътибор қаратилган [1].

Ушбу мақсадлардан келиб чиқиб, инсонларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини таъминлашда меҳнат шартномасини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилишга оид муносабатларни тартибга солиш ҳамда ходимлар учун қулай ва самарали меҳнат шароитларини яратиш алоҳида аҳамият касб этади.

Меҳнат муносабатларида ходимга юкланадиган меҳнат вазифаларининг доимийлиги принципи амал қилади. Унга кўра, меҳнат шартномаси тузиш пайтида келишиб олинган меҳнат шартлари барқарор бўлиб, уларнинг бир томонлама ўзгартирилишига йўл қўйилмайди. Бироқ, юз бериб турадиган объектив ва субъектив ходисалар, ўзгаришлар туфайли меҳнат шартномаси талабларини ўзгартириш зарурати юзага келади. Шу боис меҳнат қонунчилиги нормаларида меҳнат шартномасини ўзгартириш асослари ва шартлари назарда тутилган.

Меҳнат кодексининг 88-моддасига кўра, меҳнат шартлари меҳнат жараёнидаги ишлаб чиқариш ва ижтимоий омилларнинг жами сифатида таърифланган [2]. Ижтимоий омиллар деганда ижтимоий ҳаётдан, инсон фаолиятига хос ижтимоий муносабатлардан келиб чиқувчи шарт-шароитлар тушунилади. Меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори, иш вақти, дам олиш вақти, имтиёзлар берилиши ва бошқалар ана шундай ижтимоий омиллар сирасига киради.

Ишлаб чиқариш омиллари деганда эса ишлаб чиқариш жараёнидаги техник, технологик, санитария ва гигиена, ишлаб чиқариш, маҳаллий шарт-шароитлар назарда тутилади. Ижтимоий омиллар билан белгиланувчи меҳнат шартлари қонунлар, бошқа норматив ҳужжатлар, жамоа шартномаси ва келишувлари, меҳнат шартномаси томонларининг ўзаро келишувлари билан белгиланади.

Ушбу вазиятда «меҳнат шартлари» ва «меҳнат шартномаси шартлари» тушунчаларини ўзаро фарқлаб олиш зарур. Корхонадаги меҳнат шартлари корхонанинг барча ходимлари учун умумий бўлган ҳўжалик, ишлаб чиқариш, ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларини камраб олади. Меҳнат шартномаси шартлари эса алоҳида олинган ходимга оид меҳнат шартларидир.

Таъкидлаш жоизки, меҳнат шартлари меҳнат шартномаси тарафларининг келишуви билан белгиланади ва уни бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Шу сабабдан ҳам меҳнат қонунчилигида меҳнат шартлари қандай тартибда белгиланган бўлса, шундай тартибда ўзгартирилади, деган қоида амал қилади.

Меҳнат шартлари ким томонидан белгиланганига қараб турли усулларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Меҳнат кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига кўра белгиланган меҳнат шартларига ваколатли давлат ҳокимияти ёки бошқарув органлари томонидан ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши, янги қонун ҳужжатлари қабул қилиниши (масалан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига доимий яшаш жойи билан боғлиқ янги норма киритилиши) мумкин.

Корхонанинг локал норматив ҳужжатларида белгилаб қўйилган меҳнат шартлари

эса унинг ўзи томонидан, иш берувчи, ходимлар ва вакиллик органининг ўзаро келишуви асосида ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Мехнат кодексининг 89-моддасида иш берувчининг ходим розилигисиз меҳнат шартларини ўзгартириш ҳукуқи белгиланган бўлиб, бунга, жумладан, қуйидагилар асос бўлиб хизмат қилади:

а) технологиядаги ўзгаришлар (янги ускуналар, технология жараёнлари жорий этилиши);

б) меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар (ишнинг самарали ташкил этилиши, таркибий ўзгаришлар амалга оширилиши ва бошқалар);

в) иш (хизматлар) ҳажмининг қисқариши (цехлар, бўлимларнинг ёпилиши, қўшиб юборилиши) ва шу туфайли ходимлар сони (штатлар)нинг камайиши кабилар.

Л. Ю. Бугровнинг фикрича, технологиядаги ўзгаришларга янги иш кучининг жалб қилиниши, янги маҳсулот ишлаб чиқариш бошланиши ёки, аксинча, муайян маҳсулот ишлаб чиқаришни тўхтатиш, корхонага янги техника кириб келиши ва бошқалар тушунилади [3, 91-б.].

Мехнат шартлари ўзгараётгани ва бундай ўзгаришлар ходим билан тузилган меҳнат шартномаси шартларининг ҳам ўзгаришига олиб келиши ҳақида иш берувчи манфаатдор ходимларни камида икки ой аввал ёзма равишда огоҳлантириб, амалга оширилаётган ўзгаришлар, уларнинг ходим билан тузилган меҳнат шартномалари мазмунига таъсирини аниқ-равшан кўрсатишлари лозим. Ходим ана шундай огоҳлантирилгани ҳақида тилхат беради.

Камида икки ойлик огоҳлантириш муддати фақат ҳар икки тарафнинг ўзаро розилиги билангина қисқартирилиши мумкин ва иш берувчи уни бир томонлама ўзгартиришга ҳақли эмас.

Янги (ўзгарган) меҳнат шартномасида ишни давом эттиришга рози бўлган ходимлар билан меҳнат муносабатлари давом этади ва улар билан тузилган меҳнат шартномасига тегишли ўзгартиш киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида»ги 12-сон қарорининг 13-бандига кўра, «огоҳлантириш муддати тугагунига қадар корхонада ходимнинг розилигисиз янги иш шартлари жорий этилса, ходим янги шартлар асосида ишни давом эттиришни рад этиши мумкинлигига судларнинг эътибори қаратилиши керак. Ходимнинг бундай ишдан бош тортиши унинг ҳукуқи бўлиб, меҳнат интизомини бузиш деб ҳисобланмаслиги лозимлиги ҳамда огоҳлантириш муддати тугагач, киритилган янги шартларда ишлашни давом эттиришдан бош тортган ходим билан меҳнат муносабатларини бекор қилиш Мехнат кодекси 89-моддасининг тўртинчи қисми асосида амалга оширилиши лозим» [4].

Шуни инобатга олган ҳолда, Мехнат кодекси 89-моддасининг тўртинчи қисмига кўра, меҳнат шартномаси бекор қилинганининг қонунийлигини текширишда ходимнинг янги иш шартларида ишлашдан ҳақиқатан бош тортганлигини аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, кодексда иш берувчи айрим тоифадаги ходимлар учун меҳнат шартларини ўзгартириш хусусида корхонадаги ходимларнинг вакиллик органлари билан олдиндан маслаҳатлашиб олиши кераклиги ҳам белгиланган.

Эътиборимизни Меҳнат кодексининг 89-моддаси тўртинчи қисмида ходим билан меҳнат шартномаси у янги меҳнат шартлари асосида ишлашни давом эттиришни рад этганлиги сабабли бекор қилиниши мумкинлиги, бунда ходимга ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиш нафақаси тўланиши назарда тутилганлигига қаратадиган бўлсак, бунда меҳнат шартномаси шартларининг ўзгартирилиши натижасида меҳнат шартномасини бекор қилишнинг яна бир асоси вужудга келганлигини кўришимиз мумкин.

Бу масалада айрим олимларнинг илмий қарашларига кўра меҳнат шартномасини бекор қилишнинг мазкур асосини меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш асослари қаторига киритиш таклиф қилинган.

Фикримизча, меҳнат шартномасини Меҳнат кодексининг 89-моддаси тўртинчи қисми билан бекор қилиш асосини Меҳнат кодексининг 97-моддасида мустаҳкамлаш ва ундан мустақил асос сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Кўпчилик ходимлар гуруҳи учун меҳнат шароитлари ноқулай тарзда ўзгарган тақдирда, иш берувчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва муддатларда маҳаллий меҳнат органига ёзма маълумот бериши лозим.

Меҳнат қонунлари ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган ҳолларда ходимлар ҳам иш берувчидан меҳнат шартларини ўзгартиришни талаб қилишга ҳақли. Ходимнинг ушбу масала хусусида иш берувчига тақдим этган аризаси у берилган кундан эътиборан уч кун ичида кўриб чиқилиши, илтимос рад этилган тақдирда эса рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда ёзма жавоб берилиши лозим.

Меҳнат шартномасини ўзгартиришда ходимни бошқа ишга ўтказишнинг аҳамияти катта. Меҳнат ҳукуқи назариясида ходимни доимий ва вақтинчалик бошқа ишга ўтказиш фарқланади. Айрим олимлар эса бошқа ишга ўтказишни унинг муддати, субъект доираси ва жойи бўйича ҳам таснифлаганлар [5, 46–60-б.].

С. Ю. Головина ва Т. В. Парпаннинг фикрича, «бошқа ишга ўтказиш» тушунчасининг мазмунини меҳнат шартномасининг икки шarti, яъни меҳнат функцияси ва иш жойи ташкил қилади. Бунда ходимнинг бошқа иш берувчига ўтказилиши ҳам бошқа ишга ўтказиш деб топилиши мумкин [6, 158-б.].

Л. Ю. Бугров эса бошқа ишга ўтказишда ходимнинг фақат меҳнат функцияси ўзгартирилиши назарда тутилишини таъкидлайди [7, 18-б.].

Бизнинг назаримизда, Л. Ю. Бугровнинг фикри тўғри, чунки миллий меҳнат қонунчилигимизда «бошқа ишга ўтказиш» деганда ходимнинг меҳнат вазифаларини ўзгартириш тушунилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 92-моддасига мувофиқ «бошқа доимий ишга ўтказишга (ходимнинг меҳнат вазифаларини ўзгартиришга) — унга бошқа мутахассислик, малака, лавозимга оид ишни топширишга фақат унинг розилиги билан йўл қўйилиши мумкин».

Агар объектив сабабларга кўра (100-модда иккинчи қисмининг 1, 2 ва 6-бандлари ва 106-модданинг 2-банди) меҳнат шартномасида белгилаб қўйилган меҳнат

вазифаси доирасида ишни давом эттириш мумкин бўлмаса, иш берувчи ходимга мутахассислиги ва малакасига мувофиқ келадиган ишни, бундай иш бўлмаган тақдирда эса корхонада мавжуд бошқа ишни таклиф этиши шарт. Ходим бошқа ишга ўтишдан бош тортган ёки корхонада мувофиқ келадиган иш бўлмаган тақдирда меҳнат шартномаси умумий асосларда бекор қилиниши мумкин.

Меҳнат кодексининг 93-моддасига мувофиқ, ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишув бўйича вақтинча бошқа ишга ўтказишга йўл қўйилади.

Вақтинча бошқа ишга ўтказиш ходимнинг ҳам, иш берувчининг ҳам ташаббуси билан амалга оширилиши мумкин. Ходимнинг ташаббусига кўра вақтинча бошқа ишга ўтказишда ходимнинг вақтинча бошқа ишга ўтказиш ҳақидаги илтимоси инобатга олинади. Агар бу илтимос узрли сабаблар туфайли келиб чиққан ва бундай иш корхонада мавжуд бўлса, иш берувчи томонидан қаноатлантирилиши керак.

Меҳнат кодексининг 94-моддасига асосан вақтинча бошқа ишга ўтказиш учун узрли сабаблар рўйхати, шунингдек бошқа ишга ўтказилганда меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби жамоа шартномасида белгилаб қўйилиши мумкин. Агар бундай шартнома тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан ходимларнинг вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

Иш берувчининг ташаббуси билан ходимнинг розилигисиз вақтинча бошқа ишга ўтказишга эса ишлаб чиқариш зарурати ёки ходимнинг бекор туриб қолганлиги муносабати билан йўл қўйилади. Бундай ҳолда ходим соғлиғига тўғри келмайдиган бошқа ишга ўтказилиши мумкин эмас.

Ходим вақтинча бошқа ишга ўтказилган даврда унга бажараётган ишига қараб, лекин аввалги ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи тўланади.

Доимий бошқа ишга ўтказиш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Бошқа доимий ишга ўтказиш ҳақида буйруқ чиқариш учун ходим билан тузилган меҳнат шартномасига киритилган ўзгаришлар асос бўлади.

Доимий бошқа ишга ўтказиш ҳақидаги буйруқ меҳнат шартномасига киритилган ўзгаришларнинг мазмунига тўла мувофиқ ҳолда чиқарилади ва ходимга маълум қилиниб, тилхат олинади.

Вақтинча бошқа ишга ўтказиш унинг муддати кўрсатилган ҳолда буйруқ билан расмийлаштирилади.

Меҳнат шартномаси тарафларининг келишувига биноан ҳамда ходимнинг ташаббуси билан вақтинча бошқа ишга ўтказиш ҳақида буйруқ чиқариш учун унинг аризаси, ҳомиладор ва икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни вақтинча бошқа ишга ўтказиш ҳақида буйруқ чиқариш учун эса уларнинг аризаси ва тиббий ҳулоса асос бўлади.

Амалиётда меҳнат шартномасига киритилаётган ўзгартиришлар меҳнат шартномасига қўшимча келишув тузиш орқали амалга оширилади. Аммо, қўшимча келишув тузиш тартиби ва аниқ шакли (намунаси) ҳеч бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тасдиқланмаган. Вақтинча бошқа ишга ўтказишлар меҳнат шартномасида акс эттирилмайди.

Меҳнат шартларини, шунингдек иш жойини ўзгартириш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шартларини ўзгартириш ҳақида буйруқ чиқариш учун ходим билан тузилган меҳнат шартномасига киритилган ўзгартишлар асос бўлади.

Меҳнат шартномасида муайян иш жойи аниқ кўрсатиб қўйилган ҳолларда эса иш жойини ўзгартириш ҳақида буйруқ чиқариш учун ходим билан тузилган меҳнат шартномасига киритилган ўзгартишлар асос бўлади.

Хулоса сифатида шунини айтиш лозимки, корхонада ходимнинг меҳнат шартларини ўзгартириш ва бошқа ишга ўтказиш масаласи айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида тез-тез такрорланадиган ҳолат бўлиб, бунда иш берувчилар томонидан ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зид ҳаракатларни амалга оширмаслик, шунингдек иқтисодий жиҳатдан таъминлашнинг имтиёзли усуллари кўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар / Использованная литература

1. «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»: Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. ПФ-4947-сон // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2017. — № 6. — 70-модда.

2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон.

3. *Бугров Л.Ю.* Изменение определенных сторонами условий трудового договора по причинам, связанным с изменением организационных или технологических условий труда: общие правила // Вестник Пермского университета. — 2008. — № 1.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991–1998. II жилд. — Т.: Шарқ, 1999. — 42 б.

5. *Гусов М.Ю.* Переводы в трудовом праве России: Дис. ... канд. юрид. наук. — М., 2010.

6. *Головина С.Ю.* Трудовой договор как юридическая конструкция // Вестник Пермского университета. — 2013. — № 3(21). — С. 69; *Парпан Т.В.* Правовые аспекты переводов на другую работу // Вестник Пермского университета. — 2013. — № 3(21).

7. *Бугров Л.Ю.* Общие правила переводов на другую работу в России в европейском трудовом контексте // Актуальні проблеми регулювання відносин у сфері праці і соціального забезпечення: Тезиси докладов и науч. сообщений участников 3-й междунар. науч.-практ. конф., 7–8 октября 2011 / Под ред. В.В. Жернакова. — Харьков: Кроссрод, 2011.